

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ  
ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**М.Х.РУСТАМБАЕВ,  
М.Б.УСМОНОВ**

**БОЛА ҲУҚУҚИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва  
инновациялар вазирлиги томонидан олий ўқув юртларининг  
талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган

**ТОШКЕНТ-2024**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кенгаши томонидан маъқулланган (2024 йил 29 сентябрдаги 11-сонли баённома).

КБК- 67.412

Р - 92

**Рустамбаев М.Х., Усмонов М.Б. Бола ҳуқуқи.** Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор О.К.Турғунов. -Т.: ЖХУ нашриёти, 2024, 446 бет.

**Такризчилар:**

**Г.Юлдашева** – Тошкент давлат юридик университетининг профессори, ю.ф.д.;

**Д.М.Миразов** – Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кафедра бошлиғи, ю.ф.д., профессор.

Ушбу дарсликда Бола ҳуқуқи фанининг предмети ва тизими, бола ҳуқуқи манбалари, бола ҳуқуқи бўйича халқаро ва миллий институтлар, етим болалар ҳуқуқи, ногирон болалар ҳуқуқи, васийлик ва ҳомийлик, бола ҳуқуқи кафолатлари, болани фарзандликка олиш, бола ҳуқуқини бузганлик учун юридик жавобгарлик, бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг процессуал хусусиятлари, боланинг шахсий ҳуқуқлари, боланинг сиёсий ҳуқуқлари, боланинг иқтисодий ҳуқуқлари, боланинг ижтимоий ҳуқуқлари, боланинг маданий ҳуқуқлари, боланинг мажбуриятлари, хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқи каби мавзулар ёритилган.

Дарслик профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, олий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган.

©Рустамбаев М.Х., Усмонов М.Б., 2024

©Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2024

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 35 фоизини, яъни 11 млн. дан ортиғини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Дунё давлатлари билан таққослаганда бу кўрсаткичнинг салмоғи ўта юқори бўлиб, болалар ҳар бир миллатнинг келажагини белгиловчи асосий куч сифатида қараладиган бўлса, уларни баркамол шахс сифатида тарбиялаш янги Ўзбекистонни барпо этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзлаган нутқида ҳақли равишда таъкидлаганидек, “...ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув шароитида мамлакатимизда юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар болаларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, бунинг учун уларга барча ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилган асосий масалалардан бирига айланди.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “...сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”<sup>2</sup>, - деган ўта долзарб ғояни илгари сурди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Камолот» ЁИХнинг IV қурултойида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2017 йил 1 июль

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида болаларни баркамол ва билимли қилиб тарбиялаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш мақсадида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»<sup>1</sup> ги конвенция 1992 йилдаёқ ратификация қилинди, ушбу халқаро ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги қонуни қабул қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон ХМТнинг мажбурий меҳнатга қарши конвенциясига қўшилди, мамлакатимиз иштирокчиси бўлган инсон ҳуқуқига бағишланган 70 дан ортиқ асосий халқаро ҳужжатлар, БМТнинг ушбу соҳадаги 10 та асосий халқаро шартномаларининг қоидалари бола ҳуқуқи ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишни таъминловчи миллий қонунчилик нормаларида ўз ифодасини топди.

Шунингдек, 1998 йилни «Оила йили», 2000 йилни «Оналар ва болалар йили», 2001 йилни «Соғлом авлод йили», 2010 йилни «Баркамол авлод йили», 2014 йилни «Соғлом бола йили», 2016 йилни «Соғлом она ва бола йили», 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш йили”, 2024 йилни “Ёшларни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши ҳамда уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган давлат дастурларининг қабул қилиниши ушбу масаланинг давлат сиёсати даражасидаги вазифа эканлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида”ги фармонида “болаларни мактабгача таълим ва тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраб олиш, давлат мактабгача таълим ташкилотларини 100 фоиз компьютер синфи билан таъминлаш орқали тарбияланувчиларда бошланғич компьютер саводхонлиги кўникмаларини шакллантириш, 100 фоиз мактабгача таълим ташкилотларини тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминлаш, барча умумий ўрта таълим муассасаларида касб-хунарларга ўргатиш курсларини

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 220-241-бетлар

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда

жорий этиш, жамиятда болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка тоқатсизлик маданиятини шакллантириш, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни парваришлаш бўйича муқобил ноинституционаллашган шаклларни жорий қилиш”<sup>1</sup> вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг асосий қоида ва тамойиллари тўла сингдирилиб, унда бола ҳуқуқини ҳимоя қилишга бағишланган ҳуқуқий қоидалар мустаҳкамланди, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида»ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонунлари қабул қилиниб, уларда болаларнинг манфаатини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup> ги фармони, ПҚ-5215-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup> ги ва ПҚ-5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>4</sup> ги қарорлари болалар ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мукамал институционал, ташкилий-ҳуқуқий асосларини

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/6375/0781-сон

<sup>3</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5215/0782-сон

<sup>4</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5216/0783-сон

вужудга келиши, уларга таълим-тарбия, уй-жой, меҳнат қилиш ва соғлиғини сақлаш бўйича имтиёзлар тизимини яратишга қаратилган миллий давлатчилигимиз тараққиётидаги муҳим тарихий ҳужжатлар бўлди.

Демак, миллий тараққиётимизнинг бугунги кун янги ислохотлар босқичида болаларнинг таълим ва тарбия олиши, баркамол авлод этиб вояга етказиш масаласига амалга оширилаётган барча ислохотларимизнинг асосий гарови сифатида қаралмоқда. Хусусан, Ўзбекистон таълим олиш ҳуқуқи соҳасидаги БМТнинг бутун дунё дастурида фаол қатнашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек, «...умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” номли махсус ўқув курсларини жорий этишнинг вақти-соати келди”<sup>1</sup>. Ушбу ўқув дарслиги Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган бу вазифани амалда таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида бўлажак олий маълумотли мутахассисларга Бола ҳуқуқи фанини ўргатиш уларнинг келгуси амалиётдаги фаолияти учун муҳим аҳамият касб этади. Улар томонидан Бола ҳуқуқи фанини мукамал ўрганиш болаларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳақида тўла билим ва кўникмага эга бўлиш ҳамда бу билимларни мутахассис сифатида ўз хизмат фаолияти жараёнида амалиётда тўғри ва самарали қўллашда муҳим роль ўйнайди.

Ушбу дарсликда бола ҳуқуқи фанининг предмети, тизими, манбалари, бола ҳуқуқи бўйича халқаро ва миллий институтлар, васийлик ва ҳомийлик, етим болалар ҳуқуқи, ногирон болалар ҳуқуқи, бола ҳуқуқи кафолатлари, болани фарзандликка олиш, бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг процессуал хусусиятлари, боланинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлари, хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқлари каби

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси //Халқ сўзи, 2019 йил 9 декабрь

мавзулар жой олган бўлиб, улар талабаларнинг Бола ҳуқуқи фанидан билимини оширишга хизмат қилади.

## УМУМИЙ ҚИСМ

### I БОБ. БОЛА ХУҚУҚИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТИЗИМИ

Бола ҳуқуқи фанининг тушунчаси ва предмети. Бола ҳуқуқи фанининг тизими. Бола ҳуқуқининг асосий тамойиллари. Бола ҳуқуқи фанининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва бошқа ҳуқуқ фанлари билан ўзаро нисбати.

**Калит сўзлар:** бола, бола ҳуқуқи, бола ҳуқуқи соҳаси, бола ҳуқуқи фани, бола қонунчилиги тармоғи, бола ҳуқуқи тизими, ҳуқуқ тамойиллари, юрисдикция, предмет, ҳуқуқий тартибга солиш услуги, ҳуқуқ манбаси, норматив ҳуқуқий база, ҳуқуқий актлар, махсус ўқув курси.

#### **1-§. Бола ҳуқуқи фанининг тушунчаси ва предмети**

Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш жамиятнинг келажагини белгиловчи, давлатнинг тараққийпарварлигини кўрсатувчи асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир давлатда бола ҳуқуқи ва унга боғлиқ муносабатлар барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотларнинг ўзагида турувчи асосий масалалардан биридир.

Ўзининг буюк келажагини ўйлаган ҳар бир давлат боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масаласига жиддий эътибор қаратади. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат бола ҳуқуқини тартибга солишни ўз миллий ҳуқуқ таъсири (юрисдикцияси)га олар экан, демак ҳар бир давлатнинг миллий ҳуқуқ тизимида мустақил бола ҳуқуқи соҳаси ва қонунчилик тармоғи мавжудлигини эътироф этиш ўринлидир.

Бола ҳуқуқининг миллий юрисдикция таъсирига олинганлиги унга нисбатан ҳуқуқий муносабатлар вужудга келганлигини билдиради. Бола ҳуқуқи билан боғлиқ вужудга келган ва вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатларнинг аксарият қисми бола ҳуқуқи қонунчилик тармоғи билан тартибга солинади. Бола ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилик - болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳақидаги нормалар мажмуидир. Бу нормалар



мажмуи бола ҳуқуқи бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунларда ўз ифодасини топади.

### **Эслаб қолинг!**

Бола ҳуқуқи миллий ҳуқуқ тизимида мустақил ҳуқуқ соҳаси ва мустақил қонунчилик тармоғи ҳисобланади.

Бола ҳуқуқининг умумий тавсифига тўхталганда, унинг учта турдаги тушунчаси мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир. Биринчидан, бола ҳуқуқи Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг мустақил ҳуқуқ соҳаси ва мустақил қонунчилик тармоғидир. Бола ҳуқуқида ҳар бир ҳуқуқ соҳаси учун зарур бўлган барча белгилар, яъни у а) ўз махсус предметига эга; б) ўз махсус ҳуқуқий тартибга солиш услубига эга; в) давлат шу соҳадаги ижтимоий муносабатларни алоҳида тартибга солиб туради; г) у ўз манбасига, яъни алоҳида гуруҳланган ҳуқуқий-норматив базага, ҳуқуқий актлар мажмуига эга.

Иккинчидан, Бола ҳуқуқи Ўзбекистон ҳуқуқ фанининг битта соҳаси ҳисобланади. Миллий ҳуқуқ тизимимиздаги ҳуқуқ фанларига хос бўлган барча хусусиятлар, яъни бола ҳуқуқининг умумий қисми, бола ҳуқуқининг алоҳида қисми ва бола ҳуқуқининг махсус қисми Бола ҳуқуқи фанига ҳам тегишли бўлади.

Учинчидан, Бола ҳуқуқи махсус ўқув курси ҳам ҳисобланади. Унинг ўқув курси сифатидаги ҳажми ва мазмуни ҳар хил даражадаги ўқув муассасалари учун турли хил бўлиши мумкин.

Бола ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаси ва қонунчилик тармоғи сифатида боланинг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳамда мажбуриятларини тартибга солишга, бола ҳуқуқи фани эса уларни ўрганишга хизмат қилади. Бола ҳуқуқининг мустақил ҳуқуқ соҳаси ҳамда мустақил қонунчилик тармоғи эканлигини бола ҳуқуқининг бошқа тоифа инсонлар ҳуқуқидан фарқ қилиши, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳамда мажбуриятлари алоҳида тартибда, маълум имтиёзлар асосида ва ўзига хос хусусиятлар орқали тартибга солиниши билан изоҳлаш

мумкин. Масалан, боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи иш вақтининг қисқартирилганлиги, тунги ишларга жалб қилинмаслиги, оғир юк кўтариши мумкинмаслиги, таътил муддатининг узунлиги, таълим олиш ҳуқуқи эса бепуллиги каби ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

### **Ёдда тутинг!**


Бола ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятини унинг алоҳида тартибда, маълум имтиёзлар асосида ва ўзига хос хусусиятлар билан тартибга солиниши билан изоҳлаш мумкин.

Шу нуқтаи назардан, халқаро ва миллий ҳуқуқ тизимида бугунги кунда жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаган, алоҳида ҳимоя, эътибор ҳамда ғамхўрликка муҳтож болаларга бағишланган ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатларни қамраб олувчи ўз предмети, объекти, тартибга солиш усули, ҳуқуқий базасига эга мустақил «бола ҳуқуқи» ҳуқуқ соҳаси ва қонунчилик тармоғи вужудга келганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ушбу ўзига хос жиҳатлар миллий ҳуқуқ тизимимизда мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида бола ҳуқуқи мавжудлигини билдиради.

Бола ҳуқуқи фанининг тушунчасини тавсифлашда унинг предмети аниқлаш керак бўлади. Маълумки, ҳуқуқ предмети деганда, ижтимоий ҳаётда вужудга келиб, қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган эркин ижтимоий муносабатлар тушунилади. Умумэътироф этилган ушбу қоидага асосланиб айтиш мумкинки, бола ҳуқуқининг предмети, яъни унинг тартибга солиш доирасини қисқача қилиб айтганда, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятлари бўйича вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Ушбу доира ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари фаннинг предмети сифатида Бола ҳуқуқи фани томонидан ўрганилади.

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятларига доир вужудга келадиган барча ижтимоий муносабатлар ҳам бола ҳуқуқининг предмети ташкил этавермайди. Бола ҳуқуқи фанининг предмети боланинг табиий

ҳуқуқи, эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар киради. Бу муносабатлар қисқача ҳолда бола ҳуқуқи билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар деб юритилади. Шунингдек, бола ҳуқуқи билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар конституциявий, фуқаролик, маъмурий, молия ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормалари билан ҳам тартибга солинади ва ўз навбатида ушбу ҳуқуқ соҳаларининг предметини ташкил этади.



Бола ҳуқуқи деганда, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи, унинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш, бола ҳуқуқлари кафолатларини тартибга солувчи меъёрлар йиғиндисига айтилади.

Боланинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, бошқа ҳақ-ҳуқуқлари, уларнинг тарихий ривожланиши, ахлоқий-фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий асосланиши, ҳуқуқий табиати, бола ҳуқуқининг

бузилиши ва унинг олдини олиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича қўлланиладиган чора-тадбирлар, бола ҳуқуқи кафолатларининг умумий табиати кабилар мазкур ўқув фанининг мазмунини ташкил этади.

Демак, Ўзбекистонда бола ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида ўз тартибга солиш предметига эга. Бунда ҳуқуқ нормалари тартибга солиши лозим бўлган барча ижтимоий муносабатларнинг марказида боланинг табиий ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари, шаъни, соғлиғи, қадр-қиммати туради.

Ҳуқуқ тизимининг алоҳида соҳаси ва қонунчилик тармоғи сифатида бола ҳуқуқи махсус тартибга солиш услубига эга. Бу услубнинг қўлланилиши боланинг табиий ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари, шаъни, соғлиғи, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, унинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, эркин меҳнат қилиш, мулкдор бўлиш, ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш, сўз, матбуот, виждон эркинлигини амалга ошириш, мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиши учун шароит яратиш, илм-фан ва маданият ютуқларидан фойдаланиш каби ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди. Бола ҳуқуқининг махсус тартибга солиш услуби болаларга нисбатан уларнинг жисмоний ва ақлий имкониятидан келиб чиққан ҳолда қонунларда маълум имтиёзлар, енгилликлар орқали тартибга солишни назарда тутиши билан характерланади.

### **Ёдда тутинг!**

Бола ҳуқуқининг махсус тартибга солиш услуби боланинг жисмоний ва ақлий имконияти чекланганлигини назарда тутган ҳолда маълум имтиёзлар ва енгилликлар билан тартибга солишни назарда тутди.

Бола ҳуқуқи тартибга солиши учун хизмат қиладиган норматив-ҳуқуқий базага эга. Унинг таркибига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Меҳнат кодекси, Оила кодекси, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида»ги,

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа кўплаб бола ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини санаб кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизда бу ҳуқуқий меъёрлар базаси етарли даражада шаклланган бўлиб, давлатимиз қудрати кучайиб борган сари у янада такомиллашиб ва ривожланиб бораверади. Давлат ҳокимиятининг бутун механизми бола ҳуқуқининг амал қилиши, таъминланиши ва ривожланиши учун доим манфаатдор бўлади.

Ўқув фанининг асосий вазифаси: бола ҳуқуқларига доир билимларни эгаллаш, боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳаётга жорий этиш ва кафолатлаш, талабаларда болага, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, шаъни ва кадр-қимматига ҳурмат ҳиссини шакллантириш, ҳар бир болага ҳуқуқбузарликлардан ўзини қонуний ҳимоя қилиш йўллари ва воситаларини ўргатиш ҳамда уларнинг субъектив ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва қўллаш малакаси ва маданиятини шакллантиришдан иборат.

Ҳар бир ўқув фани маълум усулга, яъни ўрганилаётган ҳодисаларни англаб етиш воситаларига эга бўлади. Бундай усуллар асосан икки гуруҳга бўлинади: Биринчиси, барча ўқув фанларига хос бўлган умумий усуллар, яъни уларнинг асосида табиат, жамият, тафаккур, алоҳидаликнинг энг умумий қонуниятлари ётади. Иккинчиси, махсус усуллар, яъни тизимли, тарихий, қиёсий, мантиқий, социологик каби усуллардир. Бола ҳуқуқи фанини ўрганишда ҳам ушбу усуллардан фойдаланилади.

Тизимли усул – мазкур ўқув фани бола ҳуқуқи масаласига тизимли ёндашишни ҳисобга олган ҳолда илмийлик, объективлик, тарихийлик тамойили асосида қўлланилади. Бола ҳуқуқи тизими шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда


мажбуриятларнинг ўзаро боғлиқ таркибий қисмларидан иборат яхлит, бир бутун ҳолда ташкил топиши билан характерланади.

Тарихийлик усули – ўқув фанида бола ҳуқуқининг вужудга келиши ва қарор топиши қонуниятлари, ҳар бир босқичнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда улар тарихий тараққиётининг мураккаб жараёнлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ушбу усулда кўпинча кишилик жамияти тараққиётининг турли даврларида рўй берган воқеа-ҳодисалар ҳақида билим олиш имконини берадиган тарихий манбалар, қонун ҳужжатлари, махсус ҳужжатлар, аниқ ишлар бўйича суд қарорлари ва бошқаларнинг таҳлил қилиниши характерлидир.

Қиёсий усулда бола ҳуқуқи ҳақидаги тушунчалар, ҳодисалар ва жараёнлар ўзаро солиштирилади, шу асосда улар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутлар аниқланади. Шунингдек, бу усул ёрдамида турли давлатларнинг бола ҳуқуқига доир қонун ҳужжатлари қиёсий ўрганилиб, улардан миллий қонунчиликнинг ҳозирги ҳолати ва уни келгусида такомиллаштириш истиқболлари хусусида маълум бир хулосаларга келиш мумкин бўлади.

Социологик усул – бола ҳуқуқи ҳақида аҳоли ўртасида сўровномалар ўтказиш орқали аниқ фикр-мулоҳазалар юритиш, қонун ҳужжатларининг ҳозирги ҳолати, уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши хусусида тегишли тасаввурга эга бўлиш, қонунчиликда учрайдиган бўшлиқлар ҳамда амалиётда учрайдиган ташкилий камчиликлар тўғрисида маълум билимларга эга бўлиш ҳамда келажакда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Мантиқий усул – ўзида бола ҳуқуқининг тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, тизими, тарихий ривожланиш босқичлари, таснифи, тамойиллари, турлари ва бошқаларни ўрганишни мантиқий мушоҳада қилиш, тегишли тартибда илмий тизимга солишни ифода этади ва инсон тафаккури ҳамда амалий мантиқ қонуниятларига асосланади. Бола ҳуқуқини ўрганишда мантиқий усулдан фойдаланиш мавзуларни кетма-кетлик асосида ўрганиш, қонун ҳужжатларини бир тизимга солган ҳолда таҳлил этиш имконини беради.



Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, бола ҳуқуқи деганда, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятларини белгиловчи ва тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади. Ушбу ҳуқуқий нормалар халқаро ҳужжатларда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жорий қонунлари ва қонун ости норматив ҳужжатларида ўз ифодасини топган бўлади.

## **2-§. Бола ҳуқуқи фанининг тизими**

Мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида бола ҳуқуқи нормалари ўз мазмуни жиҳатидан турли-туманлиги учун уларни маълум бир тизимга солиш муҳим аҳамият касб этади. Бола ҳуқуқи тизими деб, бир жинсли бола ҳуқуқи билан боғлиқ ижтимоий

муносабатларни тартибга солувчи, ҳар бири бола ҳуқуқи нормалари гуруҳидан ташкил топган ҳуқуқий институтлар йиғиндисига айтилади.

Бола ҳуқуқи институтлари ва уларга жамланган нормалар ўз навбатида ушбу соҳа ҳуқуқ тизимининг ички таркибини ташкил этади. Демак, бола ҳуқуқий нормалар бола ҳуқуқи соҳасининг дастлабки ячейкасини, бола ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси эса бола ҳуқуқи институтини ташкил этади.

### **Эслаб қолинг!**


Бола ҳуқуқи соҳаси тизимининг ички таркибини бола ҳуқуқи институтлари ва ушбу институтларга жамланган бола ҳуқуқий нормалар ташкил этади.

Масалан, боланинг яшаш ҳуқуқи, индивидуалликка эга бўлиш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, оилавий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи, боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи, боланинг ахборот олиш ҳуқуқи, боланинг фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси боланинг шахсий ҳуқуқи институтини ташкил этса, уларнинг билим олиш ҳуқуқи, дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи, соғлиғини сақлаш ҳуқуқи, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси боланинг ижтимоий ҳуқуқи институтини, боланинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи, турар жойга бўлган ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси боланинг иқтисодий ҳуқуқи институтини ташкил этади.

Бола ҳуқуқи институтлари бир-бирига нисбатан мустақил ва барқарордир. Улар бир-биридан фарқ қилади ва тавсифига кўра ҳар хил турдаги бола ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Бола ҳуқуқи институтлари гуруҳланганда тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи, таркиби бўйича оддий ёки мураккаб институтларга бўлинади.



Шунингдек, бола ҳуқуқининг умумий қисмини ташкил этадиган институтлар умумий институтлар ва алоҳида қисмидаги институтлар эса махсус институтлар деб юритилади. Умумий қисм институтларидаги нормаларда ушбу фан тармоғи ва қонун ҳужжатлари ривожланиши учун асос бўладиган энг муҳим ҳолатлар, қоидалар ёки тамойиллар ифода этилади. Бу институтларда жамланган ҳолатлар, қоидалар ва тамойиллар бола ҳуқуқининг махсус институтлари мазмуни ва таркибининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.



Бола ҳуқуқи соҳаси алоҳида қисмининг институтлари эса умумий институтларга нисбатан бўйсинувчи вазиятда бўлади.

Улар мазкур ҳуқуқ тармоғининг умумий ҳолатлари, қоидалари ёки тамойилларини ифода этмайди. Уларнинг амал қилиши доираси маълум ижтимоий муносабатлар билан чекланган бўлади. Масалан, боланинг шахсий ҳуқуқлари институти, боланинг иқтисодий ҳуқуқлари институти, боланинг ижтимоий ҳуқуқлари институти ва ҳ.з.

Демак, бола ҳуқуқи соҳаси умумий ва алоҳида қисмлардан иборат бўлиб, улар ўз ичига умумий ва махсус (мураккаб ва оддий, тартибга солувчи ҳамда муҳофаза қилувчи) институтларни қамраб олади.

Бола ҳуқуқининг умумий қисмида: бола ҳуқуқи фанининг тушунчаси ва предмети, бола ҳуқуқи манбалари, бола ҳуқуқининг тарихий ривожланиши, бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқини таъминлаш бўйича ваколатлари, бола ҳуқуқининг қонуний кафолатлари, давлатнинг бола ҳуқуқи муносабатларини тартибга солиши ва назорат қилиши, васийлик ва ҳомийлик, болани фарзандликка олиш, бола ҳуқуқини муҳофаза қилиш ва бола ҳуқуқи бўйича қонун ҳужжатларини бузганлик учун юридик жавобгарлик каби институтлар ўрин олган бўлади.

### **Ёдда тутинг!**

Бола ҳуқуқи соҳаси умумий ва махсус қисмлардан иборат бўлади.


Бола ҳуқуқи соҳасининг махсус қисми: боланинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари, маданий ҳуқуқ ва эркинликлари ва сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган институтлардан ташкил топади.

### **Эслаб қолинг!**

Бола ҳуқуқи ҳуқуқшунослик фани соҳаси ва ўқув предмети сифатида умумий, алоҳида ва махсус қисмлардан иборат бўлади.

Бола ҳуқуқи ҳуқуқшунослик фани соҳаси ва ўқув предмети сифатида умумий, алоҳида ва махсус қисмлардан иборат бўлади.

Бола ҳуқуқи фанининг умумий қисмида бола ҳуқуқининг тушунчаси ва предмети, бола ҳуқуқининг манбалари, бола ҳуқуқининг ривожланиш босқичлари, бола ҳуқуқи бўйича халқаро стандартлар, бола ҳуқуқи бўйича миллий институтлар, бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқини таъминлаш бўйича ваколатлари, етим болалар ҳуқуқи, ногирон болалар ҳуқуқи, васийлик ва ҳомийлик, болани фарзандликка олиш, бола ҳуқуқини муҳофаза қилиш ва бола ҳуқуқи бўйича қонун ҳужжатларини бузганлик учун юридик жавобгарлик, бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг процессуал хусусиятлари каби масалалар ўрганилади.



Бола ҳуқуқи фанининг алоҳида қисмида боланинг шахсий ҳуқуқлари, ижтимоий ҳуқуқлари, иқтисодий ҳуқуқлари, маданий ҳуқуқлари, сиёсий ҳуқуқлари каби институтлар хусусида маълумотлар баён қилинади.


Бола ҳуқуқи фанининг махсус қисмида эса хорижий давлатларнинг бола ҳуқуқини тартибга солувчи қонунчилиги тўғрисида маълумотлар берилади.

### **3-§. Бола ҳуқуқининг асосий тамойиллари**

Боланинг ҳуқуқи, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини шакллантириш, бола ҳуқуқини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва бола ҳуқуқи кафолатларини ўрнатишда ҳуқуқ тамойиллари устқурма ролини ўйнайди. Бола ҳуқуқининг тамойиллари деганда, унинг барча нормалари учун асос бўладиган устувор қоидалар тушунилади. Бола ҳуқуқининг тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бола ҳуқуқига тааллуқли қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган бўлади.

Бола ҳуқуқининг умумий асосларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бола ҳуқуқига оид қуйидаги асосий тамойиллар ўз ифодасини топган: халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги, асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг ажралмаслиги, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини мажбуран чеклашга йўл қўйилмаслиги, ҳуқуқ ва эркинликларнинг бевосита амалга оширилиши, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидалиги, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантириши ва ҳ.к. Ушбу тамойиллар, аввало, халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларидан келиб чиққан бўлиб, уларнинг асосида табиий ҳуқуқ ғояси ётади.

Бу тамойилларнинг тўлиқ амал қилиши учун давлат томонидан етарли шарт-шароит яратиш лозим бўлади. Ҳар бир давлат, айниқса, демократик асосга эга бўлган давлатлар болалар учун муносиб ҳаёт даражаси ва таълим олиш имкониятларини таъминлаб бериши керак. Бунда ҳар бир боланинг камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги назарда тутилади.



Бола ҳуқуқи муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойили барча болаларнинг ушбу муносабатларда ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини таъминлайди. Барча болалар ижтимоий муносабатларда тенг ҳуқуқли асосларда иштирок этадилар.

Халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида бола ҳуқуқи муносабати иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш мажбурияти асосий тамойил сифатида миллий қонун ҳужжатларида белгилаш лозимлиги барча давлатларнинг зиммасига юклатилган. Чунончи,

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 4-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир. Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади.

Демак, бола ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойилининг кафолатлари қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади. Агар бирор бир боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузиладиган бўлса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳимоя қилинади.

Бола ҳуқуқи тамойиллари муайян тизим сифатида қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланади: биринчидан, ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳар бир бола учун тенглиги; иккинчидан, ҳуқуқ ва эркинликларнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши; учинчидан, бола ҳуқуқ ва эркинликларининг жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи-назаридан кафолатланиши; тўртинчидан, бола ҳуқуқ ва эркинликларининг яхлит тизимни ва бир бутунликни ташкил этиши ва мунтазам кенгайиб борилиши; бешинчидан, боланинг ҳеч қандай камситишларга йўл қўйилмаслиги.

#### **4-§. Бола ҳуқуқи фанининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва бошқа ҳуқуқ фанлари билан ўзаро нисбати**

Бола ҳуқуқи миллий ҳуқуқ тизимида алоҳида ўрин эгаллаган, муҳим аҳамият касб этадиган, давлатимизнинг буюк келажагини барпо этиш ва уни ривожланган давлатлар сафидан жой эгаллашида долзарблиги янада ошиб бораётган ҳамда бошқа ҳуқуқ соҳалари (масалан, инсон ҳуқуқи, конституциявий ҳуқуқ)нинг ривожланишига катта таъсир кўрсатаётган мустақил ҳуқуқ соҳасидир.

Бола ҳуқуқи ўзига қондош бўлган кўпчилик ҳуқуқ соҳалари ичида ўзига хос хусусият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, бола ҳуқуқи нормалари бошқа қондош ҳуқуқ соҳалари

ривожланиши учун асос ролини ўйнайди. Масалан, болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларнинг вужудга келиши учун конституциявий қонунчилик нормалари катта аҳамият касб этади.

Бола ҳуқуқи инсоннинг табиий ҳуқуқи бўйича ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ соҳалари оиласининг мустақил аъзоси сифатида улар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бошқа ҳуқуқ соҳалари билан яқин алоқада бўлади. Айниқса, бола ҳуқуқи ўзига қондош бўлган инсон ҳуқуқи фани билан чамбарчас боғлиқликда бўлади. Бола ҳам инсон сифатида барча тоифа инсонларга тегишли бўлган ҳуқуқлар соҳиби ҳисобланиб, инсон ҳуқуқини тартибга солишга қаратилган барча ҳуқуқий нормалар бола ҳуқуқини белгилашда устувор аҳамият касб этади.

Бола ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ соҳалари ичида конституциявий ҳуқуқ билан энг яқин ва узвий боғлиқдир. Зотан, конституциявий ҳуқуқ нормалари бола ҳуқуқининг умумий тамойилларини белгилашнинг асоси ҳисобланади. Конституцияда боланинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ва улар давлат томонидан ҳимоя этилиши (2-бўлим), вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат муҳофазасида эканлиги, ота-оналар ўз фарзандларини боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги, оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазасидалиги белгиланган.

Бола ҳуқуқига оид қонун ҳужжатларини маъмурий-ҳуқуқий тартибда бузганлик учун айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда бола ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқ нормаларидан фойдаланади.

Бола ҳуқуқининг миллий ҳуқуқ тизимимизнинг асосий ҳуқуқ соҳаси ҳисобланган фуқаролик ҳуқуқи билан алоқадорлиги катта аҳамият касб этади. Бола ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқининг бир-бири билан боғлиқ бўлиши негизида бу муносабатлар ижтимоий табиатининг умумийлиги ётади. Боланинг шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқи, кўчмас мулкка ва бошқа уй-жой, иншоотларга бўлган ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқининг бузилиши натижасида етказилган зарарни ундириш

ҳуқуқи ўртасидаги боғлиқлик бола ва фуқаролик ҳуқуқининг бири-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини билдиради.

Бола ҳуқуқи фани меҳнат ҳуқуқи фани билан яқин алоқадорликда бўлади. Боланинг меҳнат қилиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар меҳнат қонунчилигининг алоҳида бўлимида, маълум имтиёзлар белгиланган ҳолда, ўзига хос хусусиятлар билан тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини бола ҳуқуқи манбалари тизимида умумий аҳамиятдаги махсус қонун сифатида эътироф этиш мумкин.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун ушбу маконда яшайдиган барча инсонлар, хусусан болалар ҳам етарли даражада ҳуқуқий саводхон ва ҳуқуқий маданиятли бўлиши талаб этилади. Ушбу мақсадга эришишда бола ҳуқуқи фанини барча таълим муассасаларида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

### ***Назорат саволлари:***

- 1. Бола ҳуқуқи фанининг тушунчасини айтиб беринг.*
- 2. Бола ҳуқуқи фанини ўрганишининг аҳамияти нимада?*
- 3. Бола ҳуқуқи фанининг тизимини айтинг.*
- 4. Бола ҳуқуқи тамойилларини санаб беринг.*

### **Тестлар:**

**1. Бола ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилик тушунчасини аниқланг?**

а) боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳақидаги нормалар мажмуи;

б) боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳақидаги нормалар мажмуи;

в) боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақидаги нормалар мажмуи;

г) боланинг эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳақидаги нормалар мажмуи.

**2. Бола ҳуқуқи фанининг тушунчаси тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг?**



- а) мустақил ҳуқуқ соҳаси, мустақил қонунчилик тармоғи, ҳуқуқ фанининг соҳаси, махсус ўқув курси;
- б) бола ҳуқуқи Ўзбекистон ҳуқуқ фанининг битта соҳаси, махсус ўқув курси;
- в) бола ҳуқуқи махсус ўқув курси;
- г) тўғри жавоб йўқ.

### **3. Бола ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятини белгиланг?**

- а) алоҳида тартибда, маълум имтиёзлар асосида ва ўзига хос хусусиятлар билан тартибга солинади;
- б) алоҳида тартибда, маълум имтиёзлар асосида ва енгилликлар билан тартибга солинади;
- в) мустақил равишда, имтиёзлар асосида ва алоҳида тартибда тартибга солинади;
- г) “а” ва “б” жавоблар тўғри.

### **4. Бола ҳуқуқи фанининг предмети тўғри баён этилган жавобни топинг?**

- а) боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятлари бўйича вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар;
- б) боланинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятлари бўйича вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар;
- в) боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бўйича вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар;
- г) “а” ва “б” жавоблар тўғри.

### **5. Бола ҳуқуқининг тизими аниқ кўрсатилган қаторни аниқланг?**

- а) бола ҳуқуқий нормалар, бола ҳуқуқий институтлар ва бола ҳуқуқи соҳаси;
- б) бола ҳуқуқий қоидалар, бола ҳуқуқий бўлимлар ва бола ҳуқуқи тармоғи;
- в) бола ҳуқуқий нормалар, бола ҳуқуқи тармоғи ва бола ҳуқуқи соҳаси;
- г) тўғри жавоб йўқ.

### **6. Бола ҳуқуқи фанининг тизимини аниқланг?**

- а) умумий, алоҳида ва махсус қисм;
- б) умумий ва махсус қисм;
- в) умумий ва алоҳида қисм;
- г) “а” ва “б” жавоб тўғри.

## II БОБ. БОЛА ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ

Бола ҳуқуқининг манбаси сифатида халқаро ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бола ҳуқуқининг манбаси сифатида. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари бола ҳуқуқининг манбаси сифатида. Бола ҳуқуқининг манбаси сифатида қонун ости меъёрий ҳужжатларининг ўрни ва роли.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқ манбаси, халқаро ҳужжатлар, халқаро ҳуқуқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, асосий қонун, муқаддима, кодекс, қонун, қонун ости меъёрий ҳужжатлари, фармон, фармойиш, қарор.

### 1-§. Бола ҳуқуқининг манбаси сифатида халқаро ҳужжатлар

Бола ҳуқуқининг манбаларини умумий тартибда бола ҳуқуқи бўйича халқаро ҳужжатлар ва бола ҳуқуқи бўйича миллий қонунларга бўлиш мумкин.

Болалар ҳуқуқини таъминлашда халқаро ҳужжатлар алоҳида аҳамият касб этади. Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бағишланган халқаро ҳужжатлар кўплиги ва улар болалар ҳуқуқининг барча жиҳатларини қамраб олганлиги билан ажралиб туришини таъкидлаш ўринлидир.


Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга бағишланган халқаро ҳужжатлар тизимида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси муҳим ўринни эгаллайди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасидаёқ “барча одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар”<sup>1</sup>, деган мазмундаги устувор қоида ўрнатилган.

Ушбу халқаро ҳужжатнинг 2-моддасига кўра, ҳар бир инсон ирқи, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъий назар, ушбу декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликларга эга бўлиши зарур. Унинг 3-моддасида эса, ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгаллиги ўрнатилган. Унда

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 30-36-бетлар

белгиланишича, барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир<sup>1</sup>.



Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида ўрнатилишича, оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъий назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак. Ушбу ҳужжатнинг 26-моддасида белгиланишича, ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 30-36-бетлар

текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак<sup>1</sup>.

Бола ҳуқуқининг халқаро-ҳуқуқий асослари сифатида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги конвенция алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу халқаро ҳужжат бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни тартибга солиш ҳамда ушбу соҳада давлатлараро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришнинг асосий пойдевори, болалар ҳуқуқи соҳасидаги миллий қонунчиликни ривожлантиришнинг мукамал андозасидир. Бу халқаро ҳужжатни бутун дунё болаларининг конституцияси дейиш мумкин.

### **Ёдда тутинг!**


БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция бола ҳуқуқини белгилаб берувчи махсус халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Ўз тараққиётини демократик, дунёвий ва инсонпарварлик ғоялари асосида ташкил этадиган давлатлар ушбу конвенцияни ратификация қилиши, унинг қоидаларини Асосий қонунига тўла сингдириши, ўзининг болалар ҳуқуқини таъминлашга қаратилган қонунларини қабул қилиши ва амалиётда ушбу қонун талабларини беками-қўст амалга ошириши лозим бўлади.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияда боланинг ҳаёти, яшаши, таълим олиши, соғлиғини сақлаш, ижтимоий таъминоти, индивидуалликка эга бўлиш, оилавий муҳитга эга бўлиш, сўз эркинлиги, мурожаат қилиш, виждон эркинлиги, меҳнат қилиш ҳуқуқлари ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлари, шунингдек давлат ва ота-онанинг бола олдидаги мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиб, улар болани одобли, соғлом, билимли ва баркамол шахс бўлиб улғайишини таъминлашда ҳуқуқий асос ролини ўйнайди.

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 30-36-бетлар

<sup>2</sup> Ўша жойда, 220-241-бетлар



Ушбу конвенцияда бола ҳуқуқларини кафолатлашнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Унга кўра, болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгаллиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оилада болалар ўсиб улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари учун зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиши лозим эканлиги, боланинг шахси соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолоти учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарурлиги, боланинг ҳимоя қилиниши ва уйғун равишда ривожланиши учун ҳар бир халқнинг анъаналари ва маданий қадриятлари муҳим аҳамият касб этиши, ҳар бир мамлакатда болаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик қилишнинг муҳимлиги устувор тамойиллар сифатида ўрнатилган.

Санаб ўтилган устувор тамойиллардан келиб чиқиб “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг 2-моддасида кўрсатилишича, давлатлар ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқларни, ҳеч қандай камситишларсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, боланинг соғлиғи ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийси ёки бирор бир бошқа ҳолатлардан қатъий назар, ҳурмат қилишлари ҳамда шу ҳуқуқларни таъминлаб беришлари лозим<sup>1</sup>.

Давлатлар ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга эканлигини эътироф этишлари, боланинг омон яшаши ва соғлом ривожланиши учун мумкин қадар юқори даражада имконият яратиб беришлари кераклиги “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг 6-моддасида белгиланган.

Боланинг индивидуалликка эга бўлиш ҳуқуқи ушбу конвенциянинг 7-моддасида ўрнатилган. Унга кўра, бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ва туғилган дақиқадан бошлаб исм билан аталиши ва фуқароликка эга бўлиши, шунингдек, иложи борича, ўз ота-онасини билиши ва уларнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиши ҳуқуқини олишга ҳақли ҳисобланади. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг 13, 14 ва 16-моддаларида боланинг эркинлиги, шахсий дахлсизлиги ҳуқуқи тартибга солинган. Ушбу моддаларга кўра, бола ўзининг фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга. Ушбу конвенциянинг 18 ва 19-моддаларида ўзининг оила ғамхўрлигидан вақтинча ёки доимий маҳрум бўлган ёки ўзининг энг яхши манфаатлари йўлида бундай ғамхўрликда қола олмайдиган бола давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Болаларни маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишлари мақсадида конвенциянинг 28-моддасига биноан давлатлар боланинг илм олиш ҳуқуқини эътироф этишлари, ана шу ҳуқуқ тенг имкониятлар асосида амалга ошишига аста-секин эришишлари, бепул ва мажбурий бошланғич таълимни жорий

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 220-241-бетлар

этишлари, умумий, ҳам касб-хунар бўйича ўрта таълимнинг турли шакллари ривожланишини рағбатлантиришлари, барча зарур воситалар ёрдамида ҳар бир боланинг қобилияти асосида олий таълимдан баҳраманд бўлишини таъминлашлари, барча болалар учун таълим ва касб-хунар тайёргарлиги соҳасида ахборот ҳамда материаллар билан танишиш имкониятларини яратиб беришлари керак.

Болаларнинг меҳнатига доир  
халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

Болалар меҳнатининг оғир  
шаклларини таъқиқлаш ва йўқ  
қилишга доир шошилгинч  
чоралар тўғрисидаги конвенция  
(Женева, 1999 йил 17 июнь)

Ишга қабул қилиш  
бўйича энг кичик ёш  
тўғрисида, 1973йил  
(№138)

Болалар меҳнатининг энг  
ёмон шакллари  
тўғрисидаги 182-конвенция  
(Женева, 1999 йил 17  
июнь)

Конвенцияда болаларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи ўзига хос хусусият ва имтиёзлар билан тартибга солинган. Чунончи, унинг 32-моддасида кўрсатилишича, давлатлар боланинг иқтисодий эксплуатациядан ҳамда унинг соғлиғи учун хавф-хатар етказиши

мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиладиган ёхуд соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниши ҳуқуқини эътироф этишлари, ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшни белгилаб қўйишлари, кундалик иш вақтининг муддати ва меҳнат шароитига доир зарур талабларни аниқлашлари керак.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияда болаларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари белгиланган. Хусусан, унинг 34-моддасида давлатлар болани шахвоний мақсадларда фойдаланиш ва шахвоний бузишнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари, болани ҳар қандай ғайриқонуний равишдаги шахвоний фаолиятга тортиш ва мажбурлаш, болалардан фоҳишабозлик ёки ғайриқонуний равишдаги барча шахвоний мақсадларда фойдаланиш, болалардан порнография ва порнография материаллари тайёрлаш мақсадларида фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш учун ҳамма зарур чора-тадбирларни амалга оширишлари зарурлиги ўрнатилган.

Бундан ташқари, давлатлар болаларни ўғирлаш, сотиш ёки уларни ҳар қандай мақсадларда ва ҳар қандай шаклларда контрабанда қилишнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама даражада барча зарур чора-тадбирларни кўришлари (35-модда), бирорта ҳам бола қийноққа ёки бошқа шафқатсизларча, ғайриинсоний ёхуд кадр-қимматни оёқ ости қиладиган муомала ёки жазога дучор этилмаслигини, ўлим жазоси, умрбод қамоқ жазоси 18 ёшдан кичик бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун белгиланмаслигини, бирорта ҳам бола ғайриқонуний равишда ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум этилмаслигини таъминлашлари лозим (37-модда).

Умуман олганда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция инсониятнинг улуғ неъматини ҳисобланмиш болалар ҳуқуқини ҳар томонлама



таъминлаш ва ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуни ушбу халқаро ҳужжатларнинг барча талабларига тўла мос бўлиб, у мамлакатимизда болалар ҳуқуқини халқаро меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида таъминлаш ва кафолатлашда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажармоқда.

Бола ҳуқуқининг халқаро ҳуқуқий манбалари тизимида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари)”<sup>2</sup> муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Унинг 4-қоидаси жинойий жавобгарлик ёшини белгилашни тартибга солишга қаратилган бўлиб, 4.1-бандига кўра, балоғатга етмаган болалар учун жинойий жавобгарлик ёши таърифини эътироф этувчи ҳуқуқий тизимларда бундай ёшнинг қуйи чегараси, боланинг ҳис-туйғулари, маънавий ва интеллектуал балоғатга етиш жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ўта кичик ёш даражасида ўрнатилмаслиги керак.

“Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари)”нинг 7-қоидаси балоғатга етмаган болалар ҳуқуқини тартибга солишга қаратилган бўлиб, унинг 7.1-бандига кўра, асосий процессуал кафолатлар, хусусан, айбсизлик презумпцияси, айб қўйилганлик ҳақида хабардор этилиш ҳуқуқи, гувоҳлик беришдан бош тортиш ҳуқуқи, адвокат олиш ҳуқуқи, ота-она ёки васийнинг ҳозир бўлиши ҳуқуқи, гувоҳлар билан юзлашиш ва уларнинг икки ёқлама терговиди бўлиш ҳуқуқи ва юқори инстанцияга апелляция бериш ҳуқуқи судлов ҳаракатларининг барча босқичларида кафолатланган бўлиши зарур.

Ушбу халқаро ҳужжатнинг 8-қоидасининг 8.1-бандига биноан, ёш ўғил ёки қиз болага кераксиз ошкоралик туфайли

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда

<sup>2</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 242-269-бетлар

зиён етишидан ёхуд улар обрўсига путур етказишдан сақланиш учун балоғатга етмаган болаларнинг махфийликка тааллуқли ҳуқуқи барча босқичларда ҳурмат қилиниши зарур. Ушбу қоиданинг 10.3-бандига биноан ҳуқуқ-тартибот органлари билан балоғатга етмаган ҳуқуқбузар бола ўртасидаги алоқалар болағатга етмаган боланинг ҳуқуқий мақоми ҳурмат қилинадиган, болағатга етмаган боланинг фаровонлигига кўмаклашадиган ва ишнинг барча жиҳатларини тегишлича ҳисобга олган ҳолда болага зиён етказишдан эҳтиёт бўлинадиган тарзда амалга оширилиши керак.

Ушбу халқаро ҳужжатнинг 13.5-бандида белгиланишича, балоғатга етмаган болалар судгача қамоқда сақлаб турилган даврда тегишли парвариш, ҳимоя ва барча якка тартибдаги – ижтимоий, руҳий-маънавий, тиббий, жисмоний зарур кўмаклар, шунингдек, ёши, жинси ва шахсидан келиб чиқадиган эҳтиёжи учун уларга зарур бўлган таълим ва касбий тайёргарлик соҳаларидаги кўмаклар билан таъминланиши керак.

“Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари)”нинг 26.1-бандига кўра, ахлоқ тузатиш муассасаларида сақланаётган балоғатга етмаган болаларни қайта тарбиялашдан мақсад жамиятдаги ижтимоий фойдали ва сарали ролини бажаришига кўмаклашиш учун уларни васийлик, ҳимоя, таълим ва касбий тайёргарлик билан таъминлашдан иборатдир. Балоғатга етмаган болалар ахлоқ тузатиш муассасаларида парвариш, ҳимоя ва уларнинг ёши, жинси ва шахси ҳамда тўлақонли ривожланиш манфаатларидан келиб чиқиб талаб этилиши мумкин бўлган барча зарурий ёрдамлар – ижтимоий, руҳий-маънавий, тиббий, жисмоний, шунингдек, таълим ва касбий тайёргарлик соҳасидаги ёрдамлар билан таъминланиши зарур (26.2-банд).

БМТнинг “Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари”<sup>1</sup> бола ҳуқуқининг халқаро манбалари ичида

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 269-280-бетлар

алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу халқаро ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йил 1 декабрда қабул қилинган бўлиб, у “Ар-Риёд дастурий принциплари” деб ҳам юритилади.

Ушбу халқаро ҳужжатнинг 10-банди болаларни жамият ҳаётига тайёрлаш жараёнларини тартибга солишга қаратилган бўлиб, унга кўра, барча болалар ва ёшларни, айниқса, оила, жамоа. Айни шу ёшдагилар гуруҳига мансуб шахслар, мактаб, ҳунар-техника тайёргарлиги, меҳнат фаолияти, шунингдек, кўнгилли ташкилотлар орқали жамият ҳаётига тайёрлаш ва интеграциялашишига мукаффақиятли кўмаклашувчи муайян олдини олиш сиёсати алоҳида эътибор қаратиш лозим.

“Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари”нинг 12-бандида оила болаларни жамият ҳаётига бошланғич тайёрлаш бўйича масъул ҳисобланувчи жамиятнинг асосий бўғини экан, ҳукуматга қаршли муасасалар ва жамоат муассасалари оила яхлитлигини сақлаб қолиш, шу жумладан, оилани кенгайтириш учун ҳаракат қилиши лозим. Жамият болаларни парваришлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг жисмоний ва руҳий-маънавий соғлигини мустаҳкамлаш борасида оилага ёрдам беришга мажбурлиги ўрнатилган.

Ушбу ҳужжатнинг 14-бандида белгиланишича, оилада барқарорлик ва фаровонлик бўлмаган, шу туфайли жамият оналарга кўрсатадиган ёрдам самара бермаётган вазиятда кенгайган оила ўз зиммасидаги ушбу вазифани бажаришига таяниш мумкин бўлмаган ҳолларда муқобил яшаш жойларидан фойдаланиш, шу жумладан, болаларни тарбиялаш учун муассасаларга ёки асраб олиш учун бошқа оилаларга топшириш имкониятларини кўриб чиқиш зарур.

Ҳукуматлар барча ўсмирлар учун давлат таълим тизимига йўл очиб беришни таъминлашга мажбурдир (20-банд).

“Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари”нинг 24-бандига кўра, ўсмирларнинг спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳванд моддалар ва шу каби бошқа хил моддаларни қабул қилиш борасидаги суиистеъмолликларига барҳам беришга

йўналтирилган кенг қамровли сиёсат ва стратегияларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

“Балоғатга етмаган болалар ўртасида жинойтчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари”нинг 6-бўлими Қонунчилик ва балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритиш муносабатларини тартибга солишга бағишланган бўлиб, унинг 54-бандига кўра, ҳеч қайси бола ёки ўсмир оилада, мактабда ёки бошқа муассасаларда қўпол ёхуд қадр-қимматини таҳқирловчи жазоларга дучор этилиши мумкин эмас.

Ушбу ҳужжатнинг 57-моддасида ўсмирлар ҳуқуқ ва манфаатлари мақомига амал қилинишини ва мавжуд хизматларга малакали мурожаат этишни таъминлашни кўзда тутувчи ўсмирлар омбудсман лавозимини ёки шунга ўхшаш мустақил органни таъсис этиш масаласи кўриб чиқилиши кераклиги давлатларнинг вазифаси сифатида белгиланган.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган “Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари”<sup>1</sup> бола ҳуқуқи манбасига тегишли муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланади. Ушбу халқаро ҳужжатнинг 1-бандига кўра, балоғатга етмаган болаларни ахлоқ тузатиш муассасаларига жойлаштириш ҳар доим охириги чора сифатида ва энг кам муддатга амалга оширилиши зарур, ушбу ҳужжатнинг 2-бандига биноан эса, ўта заифлашиб қолиши оқибатида озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болалар алоҳида эътибор ва ҳимояга муҳтож эканини ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва фаровонлиги озодликдан маҳрум этиш даври мобайнида ва ундан кейин ҳам кафолатланиши зарур.

Ушбу халқаро ҳужжатнинг 28-бандида белгиланишича, балоғатга етмаган болалар уларнинг алоҳида эҳтиёжлари, мақоми ва ёши, ўзига хослиги, жинси ҳамда ҳуқуқбузарлигининг тури, шунингдек, руҳий ва жисмоний аҳволига мувофиқ асосий талабларга тўла жавоб берадиган шарт-шароитда сақланиши ва

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 283-300-бетлар

бундай шароит уни иложи борича зарарли таъсирлардан ва хатарли вазиятлардан ҳимоялаши зарур. Барча ахлоқ тузатиш муассасаларида балоғатга етмаган болалар катта ёшлилардан, агар улар ягона оила аъзоси бўлмаса, алоҳида ҳолда сақланиши зарур (29-банд).

“Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари”нинг 31-бандига биноан, озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болалар санитария, гигиена ва инсон кадр-қимматини ҳурмат қилишнинг барча талабларига жавоб берадиган шарт-шароит ва хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ушбу халқаро ҳужжатнинг 37-бандида ахлоқ тузатиш муассасаси ҳар бир балоғатга етмаган болани одатдаги овқатланиш пайтида сифати ва миқдори парҳез ҳамда санитария-гигиена меъёрларига ҳамда имкон қадар унинг диний ва маданий талабларига жавоб берадиган муносиб даражада тайёрланган ва тортилган овқат билан таъминлаши керак. Ҳар бир балоғатга етмаган бола ҳар қандай пайтда тоза ичимлик суви билан таъминланиши шарт.

Ушбу халқаро ҳужжатда озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларнинг таълим, касб-ҳунар тайёргарлиги ва меҳнат фаолиятини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, унга кўра, мажбурий мактаб таълими ёшидаги ҳар бир балоғатга етмаган бола ўз эҳтиёжлари ва иқтидорига мувофиқ келадиган ҳамда жамиятга қайтишга тайёрлаш мақсадларига хизмат қиладиган тегишли таълим олиш ҳуқуқига эгадир (38-банд). Шунингдек, ҳар бир балоғатга етмаган бола ўзининг келгусида ишга жойлашиши учун асқотиши мумкин бўлган ихтисослик бўйича касб-ҳунар таълимини ўрганиш ҳуқуқига эга (42-банд). “Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари”нинг 44-бандида кўрсатилишича, болалар меҳнати ва ёш ишчиларга нисбатан қўлланиладиган миллий ва халқаро ҳимоялаш нормаларининг барчаси озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларга нисбатан қўлланилиши шарт.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1949 йил 21 мартда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаларнинг учинчи шахслар

томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги конвенция бола ҳуқуқининг асосий манбасини ташкил этувчи муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжатнинг муқаддимасида фоҳишалик ва унинг билан бирга содир бўлувчи фоҳишалик мақсадини назарда тутувчи одам савдоси каби иллат инсон шахсининг кадр-қиммати ва қадриятига номуносиблиги, инсон, оила ва жамият фаровонлигига хавфли эканлиги таъкидланади. Унинг 20-моддасида давлатлар иш қидираётган одамларни, айниқса, аёллар ва болаларни уларни бўлиши мумкин бўлган фоҳишалик мақсадида фойдаланиш хавфидан ҳимоя қилиш учун одам ёллаш идоралари устидан кузатиш юзасидан зарур чораларни кўриши лозимлиги белгиланган.

Бола ҳуқуқининг манбаси сифатида Халқаро меҳнат ташкилотининг қатор ҳужжатларини санаб кўрсатиш мумкин. Шундай ҳужжатлар сирасига ХМТнинг Бош Конференцияси томонидан 1973 йил 26 июнда қабул қилинган “Энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-Конвенция, ХМТнинг 1930 йил 28 июнда қабул қилинган “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-Конвенция, ХМТнинг 1999 йил 17 июнда қабул қилинган “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги 182-Конвенция, ХМТнинг 1957 йил 25 июндаги “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-Конвенция<sup>1</sup> ларни санаб кўрсатиш мумкин. Ушбу конвенция Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрелдаги ЎРҚ-144-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган.

ХМТ томонидан 1999 йил 17 июнда қабул қилинган “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”<sup>2</sup> ги 182-конвенцияси болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига барҳам бериш, бепул умумий таълим олиш зарурати ва оиласи эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий интеграциялашувига кўмаклашишга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 384 бет

<sup>2</sup> Ўша жойда, 104-111-бетлар

Ушбу Конвенцияда "бола" атамаси 18 ёшгача бўлган барча шахсларга қўлланилиши белгиланган (2-модда). Ушбу Конвенциянинг 3-моддасига кўра, "болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари" атамаси қуйидагиларни ўзида қамраб олади: а) қулликнинг барча шакллари ёки қулликка ўхшаш амалиёт, масалан, болаларни сотиш ва уларнинг траффики, қарз асосидаги қарамлик ва крепостной тобелик, шунингдек зўраки ёки мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалардан қуролли можароларда фойдаланиш учун уларни зўрлаб ёки мажбурлаб жалб қилиш; б) фоҳишабозлик билан шуғулланиш, порнография маҳсулотлари тайёрлаш ёки порнографик томошаларда иштирок этиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш; в) қонунга хилоф фаолият билан шуғулланиш учун, хусусан, тегишли халқаро шартномаларда белгилангани каби наркотиклар тайёрлаш ва сотиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш; д) бажариш хусусиятлари ёки шароитига кўра болалар соғлиғи, хавфсизлиги ва маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ишлар.

182-конвенциянинг 7-моддасида белгиланишича, ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, болалар меҳнатига барҳам беришда таълимнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда а) болаларнинг болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига жалб этилишига йўл қўймаслик; б) болаларнинг болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари билан машғул бўлишларини тўхтатишга, шунингдек уларни реабилитация қилиш ва ижтимоий интеграциялаш учун зарурат ва талаб даражасида бевосита кўмаклашиш; в) болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида халос этилган барча болалар бепул умумий таълим олишлари, шунингдек улар учун имконият даражасида ва заруратга қараб касбга ўқиш учун шароит яратилиши; д) алоҳида хавфли аҳволдаги болаларни аниқлаш ва қамраб олиш; е) қизлар аҳволининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишнинг йўналтирилган самарали чора-тадбирларни кўриши лозим.

## **2-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бола ҳуқуқининг манбаси сифатида**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бола ҳуқуқининг асосий манбаси ҳисобланади. Мустақил давлатимизнинг биринчи Конституциясида болаларни баркамол қилиб вояга етказиш, билим олиш, таълим-тарбия масаласига жиддий эътибор қаратилиб, уларга конституциявий мақом берилган.


Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг катта бўлими ва ўзаги ҳисобланган иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини тартибга солишга бағишланган. Ушбу бўлимнинг бешинчи бобида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги белгиланган. Ушбу конституциявий ҳуқуқий қоидалар бевосита болаларга нисбатан ҳам тегишлидир.

Бола ҳуқуқини таъминлашга бағишланган асосий нормалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларини белгиловчи ўнинчи бобида ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу бобдаги нормаларга кўра, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат




ҳимоясидалиги, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги ўрнатилди. Ушбу конституциявий норма асосида мамлакатимиз таълим тизимида мустақиллик йилларида дунё ҳамжамиятини ўзига жалб этган кенг қамровли эътиборга молик ишлар амалга оширилди.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади, деб белгиланган. Байналминал аҳамият касб этувчи ушбу устувор қоидадан келиб чиқиб, мамлакатимизда мактаб таълими 7 та тилда олиб борилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида эса ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш

ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантириши ўрнатилган. Асосий қонунимизнинг 78-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланган.

Умуман олганда, давлатимизнинг асосий қонунида болани одобли, соғлом ва билимли қилиб вояга етказишни таъминловчи ҳуқуқий пойдевор яратилган бўлиб, улар бола ҳуқуқини тартибга солувчи жорий қонунларда ривожлантирилган.

### **3-§. Ўзбекистон Республикаси қонунлари бола ҳуқуқининг манбаси сифатида**

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари бола ҳуқуқининг манбаси сифатида махсус ва умумий қонунларга бўлинади. Бола ҳуқуқини тартибга солишга бағишланган махсус қонунлар тизимида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»<sup>1</sup>ги қонуни алоҳида аҳамият касб этади.


Бола ҳуқуқини тартибга солувчи ушбу қонуннинг 3-моддасида бола ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларда қўлланиладиган тушунчалар келтирилган. Ушбу моддага биноан, бола (болалар) деганда, ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) тушунилади; боланинг қонуний вакиллари - ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар ташкил этади.

Ушбу қонунга кўра, етим бола деганда, отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган болалар тушунилади; ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар сирасига қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда

бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар) киради ва ҳ.з.



Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунида болаларга тегишли бир қатор ҳуқуқлар белгиланган. Чунончи, ушбу қонунда кўрсатилишича, яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир (8-модда).

Шунингдек, ҳар бола индивидуалликни сақлаш ҳуқуқига, яъни ҳар бир бола туғилган пайдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш ҳамда уларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, ҳар бир бола эркинлик, шахсий дахлсизлик, турар жойи дахлсизлиги ва хат-хабарларини сир тутиш, ўз шаъни

ва кадр-қимматига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Бола ҳуқуқига бағишланган ушбу махсус қонунда ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»<sup>1</sup>ги қонуни бола ҳуқуқининг асосий махсус манбаларидан биридир. Ушбу қонунда асосий тушунчалар, мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий принциплари, мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мактабгача таълим ва тарбия олишга доир давлат кафолатлари, мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини амалга оширувчи органлар, мактабгача таълим ва тарбия тизими, мактабгача таълим ташкилотининг мақоми, мактабгача таълим ташкилотларининг турлари, мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш, жисмоний шахслар томонидан мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим хизматлари кўрсатиш, нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш, мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси, мактабгача таълим ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури, мактабгача таълим ташкилотларининг иш режими, мактабгача бўлган ёш даврлари, болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ва улардан чиқариш, мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг ҳуқуқлари, мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари,

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон

мактабгача бўлган ёшдаги болаларга қараб туриш ва уларни таъминлаш, мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг овқатланишини ташкил этиш, мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг соғлиғини сақлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тартибга солинган.

Бола ҳуқуқи манбалари тизимида Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»<sup>1</sup> ги қонуни алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ногиронлик билан боғлиқ асосий тушунчалар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қиммати, уларнинг мустақиллигини, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш принципи, ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик принципи, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги принципи, ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилиятини ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш принципи, объектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципи, ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлат ҳаётига жалб этиш принципи, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглигини таъминлаш ва камситилишига йўл қўймаслик, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи, оилага ва оила муҳитига бўлган ҳуқуқ, фуқаролик ва эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, уй-жойга бўлган ҳуқуқ, транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлиги, ахборотдан фойдаланиш, маданий ҳаётда иштирок этишга, дам олишга ва спорт билан шуғулланишга бўлган ҳуқуқ, мурожаат қилиш ҳуқуқи, фуқарони ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация ва абилитация қилиш, тиббий-ижтимоий экспертиза, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация ва абилитация қилиш, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.10.2020 й., 03/20/641/1389-сон

воситалари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғини сақлаш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, ушбу шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача таълими, ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, мактабдан ташқари таълими билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тартибга солинган.

Бола ҳуқуқининг манбаларидан бири 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонуни ҳисобланади. Ушбу қонунда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, болалар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, болаларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш; иқтидорли ва истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, улар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, болаларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва болалар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш болаларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Шу билан бирга қонунда иқтидорли ва истеъдодли болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласига

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 37-сон, 426-модда

жиддий эътибор қаратилган. Унга кўра, иқтидорли ва истеъдодли болаларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш белгиланган тартибда мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантлари тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устахоналар ва мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида спорт секциялари, фан, техника тўғараклари ва ижодий тўғараклар фаолиятини ташкил этиш, иқтидорли ва истеъдодли болаларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида танловлар, олимпиадалар, кўрғазмалар, фестиваллар, кўриклар, концертлар, симпозиумлар, ўқишлар, конференциялар, семинарлар ташкил этиш, спорт-таълим муассасалари, клублари тармоқларини ривожлантириш, иқтидорли ва истеъдодли ёш спортчиларни кўллаб-қувватлаш, болалар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Бола ҳуқуқининг манбаси сифатида 2017 йил 16 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонунида болаларни баркамол ва билимли қилиб тарбиялаш, улар учун барча йўналишларда шарт-шароит яратиб бериш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш масалаларига муҳим эътибор қаратилган.

Ушбу қонунда кўрсатилишича, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш махсус ваколатли давлат органи, Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ва вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) идоралараро комиссиялари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 37-сон, 976-модда



қонунида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни таснифи белгилаб берилган. Унга кўра, болалар ўртасида тарқатилиши таъқиқланган ахборот маҳсулотлари жумласига болаларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан ўз жонига қасд қилишга ва шундай ҳаракатларни тарғиб қилишга ундайдиган, болаларда алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиш, фоҳишалик, дарбадарлик, тиланчилик билан шуғулланиш истагини пайдо қиладиган, оилавий қадриятларни инкор этадиган, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган, ғайриқонуний хулқ-атворни оқлайдиган ва ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб келадиган, жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этишга чақирадиган, уятли сўзларни ўз ичига олган, порнография хусусиятига эга бўлган ахборотни ўз ичига олган, болаларда кўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган, эркак ва аёл ўртасидаги жинсий муносабатларни тасвирлайдиган, уятли сўзлар жумласига кирмайдиган ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборот маҳсулотлари тааллуқлилиги белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонуни бола ҳуқуқининг манбаси сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 29 февралдаги ЎРҚ - 917-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонунида Болалар омбудсманининг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) мансабдор шахс бўлиб, у давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2024-й., 03/24/917/0170-son

қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз ваколатларини мустақил равишда ҳамда давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ҳисобдордир.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига биноан, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш; БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегиясини ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш; аҳолининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш; жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан болалар ҳамда улар қонуний вакилларининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш орқали боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш; бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижроси ҳолатини ўрганиш; бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига татбиқ этиш масалаларини ўз ваколатлари доирасида ўрганиш; давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолиятида бола ҳуқуқларининг таъминланишини ҳамда ҳимоя қилинишини мониторинг қилиш; тарбия муассасаларини тамомлаган, уй-жойга муҳтож бўлган етим болаларнинг, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг аниқ мақсадли коммунал турар жой фондидаги санитария, техник

нормаларга ҳамда қонунчиликнинг бошқа талабларига жавоб берадиган турар жойлар билан таъминланишига кўмаклашиш; вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятда иштирок этиш; боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Бола ҳуқуқининг умумий манбалари тизимида Ўзбекистон Республикасининг кодекс ва қонунлари алоҳида аҳамият касб этади. Шундай қонун ҳужжатларидан бири Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси<sup>1</sup> дир. Ушбу кодексида фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари тартибга солинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг муомала лаёқатини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу тоифа шахслар битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг, у ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

Унга кўра, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларининг розилигисиз қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли: 1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш; 2) фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан кўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш; 3) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш; 4) майда маиший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузиш.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996, 11-12-сон

Бола ҳуқуқининг манбаси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси<sup>1</sup> муҳим роль ўйнайди. Ушбу кодекснинг 5-бобида болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш, васийлик ҳуқуқини суистеъмол қилиш, меҳнатга мажбурий тарзда мажбурлов каби ножўя ҳатти-ҳаракатлар учун айбдорлар маъмурий жазога тортиладилар.

Бола ҳуқуқини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси<sup>2</sup> алоҳида аҳамият касб этади. Унда ҳаётга қарши жиноятлар, яъни қасддан одам ўлдириш, онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши, ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш, номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй равишда қондириш, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, болани алмаштириб қўйиш, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузуқ ҳаракатлар қилиш, одам савдоси, одам ўғирлаш жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган.

Бола ҳуқуқининг манбалари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси<sup>3</sup> ва Оила кодекси<sup>4</sup> алоҳида ўринни эгаллайди. Меҳнат кодексида боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлардаги ҳуқуқлари, Оила

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Т.:Адолат, 2017

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. –Т.:Адолат, 2016

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996, 1-сонга илова

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1998, 5-6-сонга илова

кодексида эса унинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқлари тартибга солинган.

Чунончи, боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси билан алоҳида тартибда имтиёзли ҳуқуқлар белгиланган ҳолда тартибга солинган. Ушбу кодексга кўра, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёزلардан фойдаланадилар.

### **Ёдда тутинг!**

**Болалар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар.**

Чунончи, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш таъқиқланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланади.


Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

Бола ҳуқуқининг манбалари тизимида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кодексга кўра, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш, ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Оила қонунчилигига биноан ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади. Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир.

#### **4-§. Бола ҳуқуқининг манбаси сифатида қонун ости меъёрий ҳужжатларининг ўрни ва роли**

Бола ҳуқуқининг манбаси сифатида қонун ости меъёрий ҳужжатлари тизимини Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирлик ва давлат идораларининг қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ташкил этади.



Қонун ости меъёрий ҳужжатлари тизимида бола ҳуқуқининг манбаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш ва қарорлари алоҳида аҳамият касб этади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"<sup>1</sup> ги қарори бола ҳуқуқларини таъминлашни такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади. Унда мамлакатимизда оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси талабларига риоя этилишини таъминлаш, болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2019 й., 07/19/4296/3001-сон

институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими белгилаб берилди.

Ушбу қарорда белгиланишича, оилада боланинг манфаатига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли органлар (шахслар) боланинг манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда оқилона ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, жиддий омил сифатида кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларини назарда тутувчи қарорни қабул қилиши шарт<sup>1</sup>. Шу билан бирга ушбу қарорга биноан 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан "Меҳрибонлик" уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун кўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталарини ажратиш тартиби жорий этилди.

Бола ҳуқуқи манбалари тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"<sup>2</sup> ги фармони муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу фармон асосида болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, болалар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, ногирон бўлган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) институти таъсис этилди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз ваколатини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2019 й., 07/19/4296/3001-сон

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/6375/0781-сон



базаради ва у ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига давлат органлари томонидан риоя қилиниши ҳолати ҳақида маъруза тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги қарори Бола ҳуқуқи манбалари ичида алоҳида аҳамиятга эга. Унга асосан, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини руёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида уларни уй-жой билан таъминлашнинг янгича тартиби ўрнатилди.

#### **Эслаб қолинг!**

Бола ҳуқуқининг манбаси сифатида қонун ости меъёрий ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирлик ва давлат идораларининг қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5215-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup> ги қарори бола ҳуқуқи манбалари тизимида муҳим меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Унда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши ҳамда ижтимоий мослашувини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими

<sup>1</sup>Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5216/0783-сон

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5215/0782-сон

вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Миллий гвардиянинг “Меҳрибонлик” уйлари, Болалар шаҳарчалари, оилавий болалар уйлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг Болалар уйлари Миллий гвардияга бириктирилиши ва унга ўқув-тарбия муассасаларининг тарбияланувчиларини ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари қўллаш чораларини кўриш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш, ўқув-тарбия муассасаларида сифатли таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйиш, уларнинг маиший шарт-шароитлари яхшиланишига, шунингдек, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ташкил этиш, замонавий усул ва шакллардан фойдаланган ҳолда жисмонан соғлом, маънавий етук ва дунёқараши кенг ёшларни шакллантириш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни спорт турларига қизиқтириш ва жалб этиш вазифалари юклатилди.

#### ***Назорат саволлари:***

- 1.Бола ҳуқуқи манбалари деганда нимани тушунасиз?*
- 2.Бола ҳуқуқи манбаси сифатида қайси халқаро ҳужжатларни биласиз?*
- 3.Миллий қонунларимизнинг бола ҳуқуқи манбаси сифатидаги роли нималардан иборат?*
- 4.Бола ҳуқуқи манбаси сифатида қонун ости норматив ҳужжатларининг турлари ва ўрнига изоҳ беринг.*

#### **Тестлар:**

##### **1. Қонун ҳисобланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

- а) ЎзР Конституцияси, ЎзР қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Сиёсий партиялар қарорлари;
- б) ЎзР Конституцияси, ЎзР қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари;
- в) а ва в жавоблар тўғри;

г) Тўғри жавоб йўқ.

**2. Қонун ости ҳужжатлари ҳисобланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар?**

а) ЎзР Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорлари, ВМ қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари;

б) ЎзР Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорлари, ВМ қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари;

в) а ва в жавоблар тўғри;

г) Тўғри жавоб йўқ.

**3. БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси қачон қабул қилинган?**

а) 1989 йил 18 ноябрда қабул қилинган;

б) 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган;

в) а ва в жавоблар тўғри;

г) Тўғри жавоб йўқ.

**4. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?**

а) 2008 йил 9 январда қабул қилинган;

б) 2008 йил 7 январда қабул қилинган;

в) а ва в жавоблар тўғри;

г) Тўғри жавоб йўқ.

**5. Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни қачон қабул қилинган?**

а) 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган;

б) 1991 йил 31 августда қабул қилинган;

в) 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган;

г) 2007 йил 1 декабрда қабул қилинган.

### **III БОБ. БОЛА ҲУҚУҚИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ**

Бола ҳуқуқининг тарихий ривожланиш босқичлари. Ислонда бола ҳуқуқи. Бола ҳуқуқининг ҳозирги даврда ривожланиши.

**Калит сўзлар:** тарих, шариат, мусулмон ҳуқуқи, Авесто, ислон ҳуқуқи, Қуръони карим.

#### **1-§. Бола ҳуқуқининг тарихий ривожланиш босқичлари**

Бола ҳуқуқининг ривожланиши ҳар бир жамиятнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва сиёсий тузуми характери ва мазмун-моҳияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланади ёхуд ижтимоий ҳаётнинг мазмуни бола ҳуқуқининг демократик характердалиги, инсонпарварлигини белгилаб беради. Шунга кўра, бола ҳуқуқининг моҳияти кишилиқ жамияти тарихий тараққиётининг турли ривожланиш босқичларида турлича намоён бўлади.

Инсоният тараққиётининг ривожланиш босқичларига назар соладиган бўлсак, бола ҳуқуқи кишилиқ жамияти тарихида энг қадимий муаммолардан бири эканлигини кўрсатади. Тарихни ўрганиш шундан гувоҳлиқ берадики, болалар ноқонуний ёки никоҳсиз туғилган, яширин тарзда туғилган, ногирон ёки касал туғилган, боланинг отаси ёки онаси номаълум важлар таъсирида уларга нисбатан ноҳолис муносабатда бўлган, таҳқирланган, ҳатто жисмонан йўқ қилинган.

Кишилиқ жамияти тараққий этган сари боланинг ота ва онасининг хоҳиши билан дунёга келиши, у дунёга келгандан сўнг табиатнинг меваси сифатида эътироф этилиши ва бола жамиятнинг келажаги эканлиги англаб етилган. Масалан, буни 312 йилда Император Константин томонидан болани ўлдириш ва ташлаб кетишнинг олдини олишга қаратилган биринчи қонун қабул қилинганлигида кўриш мумкин. Шунингдек, болани ўлдириш ва ташлаб кетиш муаммосини ҳал қилиш мақсадида 716 йилда Италиянинг Милан шаҳрида ташлаб кетилган болаларни боқиб олишга мўлжалланган “Болалар уйи” ташкил этилганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Инсоният тараққиётининг турли босқичларида бола ҳуқуқига муносабат турлича бўлган. Масалан, “Авесто”да

нафақат туғилган бола, балки она қорнида бўлган бола ҳуқуқини ҳам алоҳида муҳофаза қилиш муҳимлиги назарда тутилган. Ҳомиладор аёлнинг ҳомиласини олдириб ташлаши ёки уни бошқа йўл билан тушириши гуноҳ ҳисобланиб, айбдор ўлим жазосига маҳкум этилган.

### **Эслаб қолинг!**

Бола ҳуқуқига бағишланган дастлабки ҳужжатларни 312 йилда Император Константин томонидан болани ўлдириш ва ташлаб кетишнинг олдини олишга қаратилган қонун, “Авесто”, Қуръони Карим, Ҳадислар, антик давридаги одатлар ва муқаддас китоблардаги битиклар ташкил этади.

“Авесто”да таъкидланишича, ўсмирлар 15 ёшда балоғатга етган ва турмуш қуриш ҳуқуқига эга ҳисобланган. Унда боланинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилиб, ”ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало, яхши хулқли, одобли бўлсин, яхши ўқишни, сўнгра ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин”<sup>1</sup>, - дейилади.

Бундан ташқари, балоғатга етмаганларни ота-онасидан узоқлаштириш ва васийликни тайинламаслик энг оғир жиноят ҳисобланган <sup>2</sup>. “Авесто”га кўра, жамият 4 асосий тоифага бўлинган: уй, оила жамоаси, уруғ жамоаси, қабилалар. Ана шу таомилга кўра бола ва унинг жамиятдаги мавқеига катта эътибор қаратилган. Айтиш мумкинки, бола ҳуқуқига оид дастлабки қарашлар ва ҳуқуқий муносабатлар антик давридаги одатлар ва муқаддас китоблардаги битиклар орқали тартибга солинган.

Кишилиқ жамияти тарихига назар солинса, бола ҳуқуқини тан олиш осон кечмаганлиги маълум бўлади. Масалан, қадимги Спартада ногирон туғилган болани тириклайин ўлимга маҳкум қилингани, шунингдек, Қуръони Карим нозил қилингунига қадар

<sup>1</sup> Бобоев Х., Хасанов С. ”Авесто” – манавиятимиз сарчашмаси. –Т.:Адолат, 2001, 103-бет

<sup>2</sup> Саидов А.Х. Международное право прав человека. Учебное пособие. -М., 2002, 30-31-бетлар

қиз боланинг дунёга келиши фожиа саналгани<sup>1</sup> тарихий манбалардан маълум.

Бола ҳуқуқини мукаммал тартибга солишда Қуръони Каримдаги оятларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар болани баркамол, одобли ва билимли шахс сифатида тарбияланишига қаратилган. Қуръони Каримда белгиланган боланинг ҳуқуқи Ҳадисларда ривожлантирилган. Чунончи, уларда боланинг оилада тарбияланиши унинг асосий ҳуқуқи эканлиги, бу унинг соғлом ўсиши учун моддий ва маънавий омил ҳисобланиши таъкидланади<sup>2</sup>.


IX-XVII асрларда Қадимги Русда Христиан динининг пайдо бўлиши нажидасида руҳоний томонидан болаларга нисбатан раҳм-шавқат ғояларини тарғиб қилиш орқали “болалардек бўлинг” деган янги муносабатлар ўрнатила бошланган. Бутун Рус императори Алексей Романов (1645-1676 йиллар) давридан бошлаб то XIX асрнинг охиригача бўлган даврда бола ҳуқуқига нисбатан қонун асосида тартибга солиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 1649 йилда қабул қилинган Тузуклар (Уложения)да белгиланган қоидаларга кўра, боланинг туғилиши, шунингдек никоҳсиз туғилган болага нисбатан муносабат тартибга солинган бўлиб, уни Россия тарихидаги биринчи юридик ҳужжат сифатида айтиш мумкин.

Пётр I даврида она томонидан гўдакнинг ташлаб кетилиши давлатга қарши жиноят сифатида баҳоланган. Чунки, давлатни кучли ва қудратли бўлиши император Пётр I нинг фикрига биноан бақувват ва қудратли эркалар мавжудлиги билан боғлиқ саналган. Шу сабабдан, боланинг давлат ҳимоясида бўлиши давлат сиёсати даражасига кўтарилган масала ҳисобланган. Масалан, 1706 йилда Россияда биринчи бўлиб Иова Благочестив ташлаб кетилган болаларни асраш ва тарбиялаш мақсадида етимхоналар ташкил этган. Пётр I даврида бундай етимхоналар Россияда кўплаб қурилган ва улар давлат ҳимоясига олинган. Шундан кўриниб турибдики, Россияда бола ҳуқуқи эътироф этилган ва у каттиқ ҳимояга олинган.

---

<sup>1</sup> Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти. -Т.: Маънавият, 1998, 49-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда



Россияда 1754-1766 йилларда “ўз боласини ўлдирган ота-оналар ҳақида”ги Жиноят тузуклари қабул қилиниб, унга кўра ўз боласини қасддан ўлдириш билан боғлиқ жиноий ҳаркатларни содир этган ота-она жиноий жавобгарликка тортилган. Бу каби жиноятларни содир этган ота-она жамиятда тутган мавқеидан қатъий назар умрбод узок ўлкаларга каторга қилинган, аёллар эса черковга жойлаштирилган.

Александр 1 (1777-1825 йиллар) даврида никоҳсиз туғилган боланинг ҳуқуқий ҳолати қатъий тартибда белгиланган. Фақат Николай 1 (1796-1855) даврига келиб бола ҳуқуқига нисбатан белгиланган ҳуқуқий тартиб бирмунча енгиллаштирилган.

1892 йилда Россияда камбағал ва касал болаларни ҳимоя қилиш мақсадида “Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўлимлари” ташкил этилган. Бу ҳаракат болаларни ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки амалий ҳатти-ҳаракатлардан бири ҳисобланади.

1869 йилдан то 1894 йилга қадар Россияда болани ошкора тарзда болалар уйи (етимхона)га жойлаштириш тўғрисида ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Ушбу қарорларга кўра, болани дам олиш кунлари оилага бериш, фанзандсиз оилаларга етим болани фарзандликка бериш, фарзандликка берилганларга нисбатан зулм ва зўравонлик қилишнинг олдини олиш, бола тарбияланаётган оилани доимий назоратга олиш тартиби белгиланган.

XX асрга келиб боланинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари (маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи, оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиш, ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва ҳоказо) тараққий этиб, улар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси<sup>1</sup>, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”<sup>2</sup>ги халқаро пактда ўз ифодасини топди. Демак, бу босқичда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар тизими шаклланди.

Ушбу халқаро ҳужжатлар асосида дунё давлатларида бола ҳуқуқига оид муайян қонунчилик тизими яратилди. Давлатларда конституциялар қабул қилиниб, уларда бола ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган махсус моддалар шакллантирилди. Хусусан, давлатлар конституцияларида бола ҳуқуқига доир қуйидаги муҳим қоидалар ўрнатилди. Булар, биринчидан, бола ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш давлатнинг асосий мажбурияти эканлиги; иккинчидан, бола ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги; учинчидан, бола ҳуқуқ ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги, яъни унинг табиий ҳуқуқи ҳисобланиши; тўртинчидан, бола ҳуқуқ ва эркинликларининг барча болаларга тенг ва баб-баробар тааллуқли бўлиши ва х.з.

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 30-36-бетлар

<sup>2</sup>Ўша жойда, 59-69-бетлар



## 2-§. Исломда бола ҳуқуқи

Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш нафақат ҳозирги кунда, балки ўтмишда яшаган аجدодларимиз учун ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб, болага тарбия бериш, унга ғамхўрлик қилиш, уни жамиятнинг тўла қонли аъзоси сифатида шакллантириш шариатдаги асосий талаблардан бири ҳисобланган.

Маълумки, ислом ҳуқуқи меъёрий ҳуқуқий тизим сифатида 7-10 асрларда араб халифалигида шаклланган бўлиб, унинг нормаларида бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш муҳим ўрин эгаллайди. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда боланинг ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати, шахсий ва ижтимоий ҳуқуқлари батафсил тартибга солинган.

Ислом ҳуқуқига кўра, қуллик сақланиб қолган бўлсада қулларга ишлаб топган маблағи асосида ҳақ тўлаб озод бўлиш ҳуқуқи берилган, қиз болаларни гўдаклигидан нобуд этиш таъқиқланган, одам ўлдирганлик учун жавобгарлик жазо чоралари кучайтирилган, никоҳ масаласи батафсил тартибга солинган.

Имом Бухорийнинг «Ал-адаб, ал муфрад» (Адаб дурдоналари) асарида ота-она ҳақини адо қилиш, фарзанднинг ота-онаси олдидаги ва ота-онанинг фарзанди олдидаги ҳақ-ҳуқуқлари, зиёрат қилиш, турар жойга эга бўлиш ва бошқа ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида муҳим қоидалар қайд этилган.

Маълумки, инсоният маънавий ҳаётида халқнинг миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, дини муҳим ўрин тутди. Боланинг маънавияти, аввало, оилада шаклланади ва авлоддан-авлодга ўтади. Ислом дини жамият маънавиятини юксалтиришда муҳим омил ҳисобланиб, у ёш авлод қалбида Ватан, халқ, ота-она олдида масъулият ҳиссини уйғотади, иймон-этикод ва ирода тушунчаларини сингдиради.

Шариат нормаларида фарзанд никоҳдан кўзланган асосий мақсаддан бири ҳисобланиши эътироф этилади. Инсонлар ўзларидан шаръий, ҳалол йўл билан насл қолдириши учун никоҳ жорий қилинган. Никоҳ даврида дунёга келган фарзанд инсон учун энг улуғ неъмат сифатида қаралган. Шу сабабдан, ислом

дини манбаларида болани ҳимоя қилиш, уни эътиқодли, имонли, илмли, ҳунарли, жамият учун фойда келтирадиган шахс сифатида тарбиялашга бағишланган муҳим қоидалар мустаҳкамланган.

Хусусан, ислом ҳуқуқи манбаларида боланинг оилада яшаши ва тарбияланиш ҳуқуқи, ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи, ҳимояланиш ҳуқуқи, исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи, таъминот олиш ҳуқуқи каби бола ҳуқуқига бағишланган муҳим қоидаларни кўриш мумкин.

Ислом таълимотига кўра, ҳар бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, унинг манфаатлари таъминланиши, инсоний қадр-қиммати ҳурмат қилиниши лозим. Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васий томонидан амалга оширилиши керак.

Шариат қоидаларига биноан оилада ота-онанинг фарзандига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд бўлиб, улар ўз боласига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Ота-онанинг бола олдидаги тенг ҳуқуқлилиги унга ғамхўрлик қилиш, таълим-тарбия бериш, парвариш қилиш ва бошқаларда уларга бир хил мажбурият юклатилишини билдиради.

Ислом ҳуқуқида боланинг олдида ўз вазифаларини бажариш ота-она учун фақат ахлоқий қоида бўлибгина қолмай, балки фарз даражасидаги ҳуқуқ ва бурчдир. Ота-оналик ҳуқуқи бола манфаатига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Ислом ҳуқуқига кўра, бу фарзлар бола дунёга келиши билан вужудга келадиган азон, таҳника, тасмия, ақиқа ва хатна ҳисобланади.

Шариатда боланинг эмиш ҳақи алоҳида тартибга солинган. Унинг нормаларида ёш боланинг нафақаси отанинг зиммасига вожиб, шунингдек, хотиннинг нафақаси ҳам боланинг отаси зиммасидалиги мустаҳкамланган. Чунончи, Қуръони каримнинг "Бақара" сурасида: "Уларнинг (оналарини) меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш оталарнинг (эрнинг) зиммасидадир"<sup>1</sup>, - дейилади. Агар ёш бола эмизикли бўлиб, она эмизишга қодир бўлмаса, у эмизиш мажбуриятини олмасликка

---

<sup>1</sup> Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. –Т.: Чўлпон, 1992

ҳақли ҳисобланган. Демак, бу вазиятда она болани эмизишга мажбур қилинмайди.

Ёхуд, Қуръони каримнинг "Бақара" сураси 233-оятда: "Болалари туфайли ота ҳам, она ҳам зарар кўрмасин. Гарчи аёллар фарзандини ўз ихтиёри билан эмизсалар-да, аммо болани эмизадиган бошқа энага топилмаса, тукқан онага мажбур қилинади ва эмизгани учун отаси унга ҳақ тўлаши мумкин. Бундай ҳолларда фақат узрли бўлса она мажбур қилинмайди"<sup>1</sup>. Умуман олганда, "Бақара" сурасининг 233-оятда: "Оналар болаларини тўла икки йил эмизادилар. (Бу ҳукм) эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учун уларни (оналарни) меъёрида озиклантириш ва кийинтириш отанинг (эрининг) зиммасидадир"<sup>2</sup>, - дейилади.

Исломда боланинг тарбия олиш ҳақини белгиловчи бир қатор қоидалар ўрин олган бўлиб, уларда бола тарбияси бир неча босқичга бўлинган ва ҳар бир босқичда боланинг тарбияси билан ким машғул бўлиши лозимлиги белгилаб берилган. Шариатга кўра, бола тарбияси билан шуғулланувчи масъул шахс бўлмай қолганда ким жавобгар бўлиши, тарбиячига қандай масъулият юкланиши, ўғил бола тарбиясига оид талаблар, унинг қиз бола тарбиясидан фарқли жиҳатлари аниқ тартибга солинган. Шунингдек, исломда фарзанд тарбияси раҳм-шафқат ва меҳрибонлик асосига қурилган бўлиши алоҳида таъкидланади.

Ислом таълимотига биноан, фарзанд тарбиясининг илк даври бўйича масъулият она зиммасига юклатилган. Бу даврнинг биринчиси "ал-ҳизона", яъни "ҳимоя кучоғига олиш" давридир. Зеро, бу даврда фарзанд ҳаётини онанинг ёрдамисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун шариатда бола туғилганда тарбия онанинг ҳақи, деб кўрсатилган. Агар она бўлмаса, фарзанд тарбияси билан унга маҳрам бўлган, яъни бола билан ўрталарида никоҳ қуриб бўлмайдиган аёллар шуғулланишга ҳақлидир.


Фарзанд тарбиясининг "ҳимоя кучоғига олиш" даври тугаганидан сўнг, ўғил ёки қизлигига қараб, у яқин қариндошлари ҳимоясига топширилади. Иккинчи босқични

---

<sup>1</sup> Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. –Т.: Чўлпон, 1992

<sup>2</sup> Ўша жойда

фуқаҳолар "Ал-валоя аъла ан-нафс", яъни "болани муҳофаза қилиш", даври деб атайди. Отаси бор бўлса, масъулиятнинг биринчи поғонасида у туради ва бола то балоғатга етгунга қадар унинг ҳимоясида бўлади. Агар боланинг отаси бўлмаса, унда ота томонидан ишончли эр қариндоши бола тарбиясига масъулдир. Агар бола ўғил бўлиб, балоғатга етгач ўз акли, дунёқарашига эга, иш кўришга қодир, оқил экани маълум бўлса, у вақтда болани муҳофаза қилишда қариндошининг масъулияти тугайди. Аммо, қиз бола бўлиб, у балоғатга етса ҳам масъулнинг ҳимоясидан чиқмайди.



Боланинг нафақа олиш ҳақини таъминлаш шариатда алоҳида кафолатланган. Ислом ҳуқуқи бўйича нафақа тушунчаси оила ҳуқуқи нормаларида белгиланган алимент тушунчасига яқин бўлсада, аммо унда давлат томонидан бериладиган нафақа ҳам

қамраб олинади. Яъни, ислом ҳуқуқи бўйича нафақа деганда, оиладаги алимент ва давлат томонидан бериладиган нафақанинг йиғиндиси тушунилади.

Ислом ҳуқуқига кўра, нафақага озиқ-овқат, турар-жой, кийим-кечак ва бошқалар тегишли бўлиб, у оилада бир неча шахсларга: аёлга, болага, ота-онага ва яқин қариндошларга берилади. Аёл ва боланинг нафақаси эр ва отанинг мажбурияти, ота-онанинг нафақаси эса фарзандларнинг мажбурияти, яқин қариндошларнинг нафақаси эса ўзаро мажбурият ҳисобланади.

Нафақа оиланинг таянчи ва унинг бардавомлигининг асосий омили бўлиб, боланинг нафақаси ҳатто никоҳ тугатилган тақдирда ҳам аёл ёки ота зиммасига юклатилади. Агар вояга етган бола фақир ва ишга яроқсиз бўлса, унинг нафақаси ота зиммасида бўлади. Мабодо ота камбағал бўлиб, она бой бўлса нафақа мажбурияти онага юклатилади.

Исломда насл-насаб ҳуқуқини тартибга солишга бағишланган бир қатор нормаларни кўрсатиш мумкин. Шариат нормаларига биноан, саҳиҳ никоҳ ақди орқали оилада шахслар ўртасида ўзаро қариндошлик тушунчаси вужудга келади. Қариндошлик ришталарининг вужудга келиши, албатта, томонларга маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни юклайди. Қариндошлик ришталари орқали вужудга келган шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар насл-насаб нуқтаи назаридан мустаҳкамланади. Масалан, оилада ота-она ва болаларнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари боланинг насл-насабига қараб белгиланади. Шу сабабдан, Қуръонда ҳар бир фарзандни ўз отасига нисбат бериши буюрилиб, фарзандликка олган шахслар ҳам ўз қарамоғига олган болаларни ўз оталарига нисбат беришлари лозимлиги таъкидланади.

Ислом ҳуқуқида қонуний никоҳ давомида туғилган, никоҳ бекор қилингандан сўнг энг ками 6 ой ва энг кўпи бир йил муддат ичида туғилган болага отанинг насаби берилади. Шу билан бирга, ислом ҳуқуқи низоли ҳолларда суд орқали насабни белгилашга рухсат беради.

Ислом ҳуқуқида фарзанд асраб олиш масаласига боланинг насл-насабига қараб ўзгача ёндашилган. Қуръони Каримда ушбу

масалага батафсил шарҳ берилиб, унга биноан «Аҳзоб» сурасининг 4-оятда шундай дейилади: "Аллоҳ бир кишининг ичида икки қалб қилган эмасдир. (Шунингдек), сизлар "зиҳор" қиладиган хотинларингизни ҳам сизларга она қилган эмас ва асранди болаларингизни ўз болаларингиз қилган эмасдир. Бу сизларнинг оғизларингиздаги сўзингиздир. Аллоҳ эса ҳақиқатни айтур ва унинг ўзи йўлга бошлар"<sup>1</sup>. Ушбу оятда боқиб олинган асранди бола ҳеч қачон ўзи тукқан боласидек маҳрам бўла олмаслигини, никоҳ ва мерос масалаларида уларнинг ҳуқуқи бегоналар ҳуқуқи билан баробар бўлиши белгиланган. Масалан, бир оилада асранди ўғил вояга етса, шу оиладан "сингилга" уйланиши мумкин ва аксинча.

Ислом фарзандликка қабул қилишни рад этилишининг асосий сабабини воқеълик нуқтаи назаридан асослантиради. Бунда, биринчидан, насл-насаби бегона болани оилага қабул қилиб, унинг маҳрам бўлмаган аёллар билан маҳрамлигининг белгиланмаслиги; иккинчидан, асранди бола ўзининг наслидан хабар топиши унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмаслиги; учинчидан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани асраб олиш, уни тарбиялаш ва вояга етказиш ўта масъулиятлиги инобатга олинади.

Қуръонда етим болалар ва уларнинг ҳуқуқини таъминлашга доир бир қатор оятлар мавжуд. Масалан, «Моъун» сурасининг 1-3-оятларида "динни (охират жазосини) инкор этадиган кимсани кўрдингизми?! Бас, у етимни жеркийдиган ва мискин бечорага таом беришга тарғиб қилмайдиган кимсадир"<sup>2</sup>. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўзининг суннатларида етим бола асраб олиш, боқиб тарбия бериш, вояга етгач эса ўғил бола бўлса уйлантириш, агар қиз бўлса узатишнинг савоблари ҳақида ижобий фикрлар билдирган.

Умуман олганда, ислом ҳуқуқида оила, фарзанд тарбияси, уларнинг оила ва жамиятдаги ҳақ-ҳуқуқлари аниқ ва мукаммал тартибга солинган. Энг муҳими, ислом динининг бола ҳуқуқи хусусидаги ғоялари жамиятни руҳий-ахлоқий жиҳатдан

---

<sup>1</sup> Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. –Т.: Чўлпон, 1992

<sup>2</sup> Ўша жойда

соғломлаштириш, айниқса бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг самарасини оширишда муҳим роль ўйнайди.

### **3-§. Бола ҳуқуқини ҳозирги даврда ривожланиши**

Бола ҳуқуқи тараққиёти ҳозирги замон босқичининг асосий мазмуни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси<sup>1</sup> қоидаларига мослиги билан тавсифланади. Ҳозирда ривожланган давлатларда бола ҳуқуқи ижтимоий тараққиётнинг бош стратегик қадриятига айланган бўлиб, у давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий табиатига, ҳокимиятнинг демократик асосда ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади.

Бола ҳуқуқининг ҳозирги замон тараққиётида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги конвенция муҳим роль ўйнайди. Ушбу халқаро ҳужжат бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни халқаро даражада тартибга солиш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек бола ҳуқуқи соҳасида миллий қонун ҳужжатларини қабул қилиш учун андоза вазифасини бажаради. Бу халқаро ҳужжатни ўз мазмуни ва мукамаллиги нуқтаи-назаридан бутун дунё болаларининг конституцияси дейиш мумкин.

Ушбу конвенция талабига кўра, демократик ва дунёвий тараққиёт йўлини танлаган давлатлар уни ратификация қилиши, унинг қоидаларини Асосий қонунига тўла сингдириши, ўзларининг бола ҳуқуқини таъминлашга қаратилган қонунини қабул қилиши ва амалиётда ушбу қонун талабларини беками-кўст амалга оширишлари лозим бўлади.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияда боланинг яшаши, таълим олиши, соғлиғини сақлаш, индивидуалликка эга бўлиш, оилавий муҳитга эга бўлиш, сўз эркинлиги, мурожаат қилиш, виждон эркинлиги, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва бошқа

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 30-36-бетлар

<sup>2</sup> Ўша жойда, 220-241-бетлар

қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлари, шунингдек давлат ва ота-онанинг бола олдидаги мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиб, улар болани одобли, соғлом, билимли ва баркамол шахс бўлиб улғайишини таъминлашда ҳуқуқий асос ролини ўйнайди.

Ушбу конвенцияда бола ҳуқуқини кафолатлашнинг асосий тамойиллари белгиланган бўлиб, унга кўра болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгаллиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оилада болалар ўсиб улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари учун зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиши кераклиги, боланинг шахси соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолоти учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарурлиги, боланинг ҳимоя қилиниши ва уйғун равишда ривожланиши учун ҳар бир халқнинг анъаналари ва маданий қадриятлари муҳим аҳамият касб этиши, ҳар бир мамлакатда болаларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик қилишнинг муҳимлиги белгиланган.


Мамлакатимизда болалар ҳуқуқини “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси талаблари асосида таъминлаш ва кафолатлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори сифатида 2008 йил 7 январда Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонуни қабул қилинган. У ушбу халқаро ҳужжатнинг барча қоида ва талабларига тўла мос келади.

Бола ҳуқуқини ҳозирги замон талаблари даражасида таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси алоҳида аҳамият касб этади. У бола ҳуқуқининг эркинлик ва адолат тамойилларини ўзида мужассам этади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда





Масалан, Асосий қонунимизнинг 77-моддасига кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан махрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, 78-моддасига мувофиқ, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан катъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир. Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний

қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бола ҳуқуқининг устунлиги тамойилини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Асосий қонунимизда давлатнинг бола ҳуқуқи ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш мажбурияти, бола ҳуқуқ ва эркинликларининг халқаро-ҳуқуқий андозаларга мос бўлиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонун нормаларидан устунлиги, бола ҳуқуқи унга табиатан тегишли бўлиши, барча болаларнинг бир хилдаги ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги, уларнинг тенглиги ҳамда барчага баробар тааллуқлиги, болаларнинг қафолатланган суд ҳимояси билан таъминланганлиги каби асосий тамойиллар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида табиий ва ажралмас ҳуқуқлар ўрнатилган бўлиб, уларга яшаш ҳуқуқи (25-модда), ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки камокда сақланиши мумкин эмаслиги, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги (26-модда), ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгаллиги, ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эгаллиги, ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши (31-модда) тааллуқлидир. Ушбу конституциявий қоидалар бола ҳуқуқини белгилашда устувор нормалар саналади.

Шунингдек, бола ҳуқуқини бугунги кунда ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Оила кодекси, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи

ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги фармони, ПҚ-5215-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги ва ПҚ-5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup>ги қарорлари алоҳида роль ўйнайди.

### ***Назорат саволлари:***

- 1. Бола ҳуқуқининг ривожланиш босқичларини санаб беринг.*
- 2. Ислонда бола ҳуқуқлари тўғрисида қандай қондалар жой олган?*
- 3. Ўзбекистонда бола ҳуқуқининг ҳозирги ривожланиш хусусиятлари нималардан иборат?*

### **Тестлар:**

**1. Ислон ҳуқуқи меъёрий ҳуқуқий тизим сифатида қачон шаклланган?**

- а) 7-10 асрларда;
- б) 6-8 асрларда;
- в) 8-10 асрларда;
- г) 9-11 асрларда.

**2. Бола ҳуқуқини тартибга солувчи ислон ҳуқуқи манбаларини аниқланг?**

- а) Қуръони карим, Ҳадислар, ал-Ҳидоя;
- б) Қуръони карим ва Ҳадислар;
- в) Ҳадислар ва ал-Ҳидоя;
- г) Тўғри жавоб йўқ.

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/6375/0781-сон

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5215/0782-сон

<sup>3</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 6/21/5216/0783-сон

**3. Бола ҳуқуқини тартибга солувчи халқаро ҳужжатларни аниқланг.**

а) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция;

б) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция;

в) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция;

г) а ва б жавоблар тўғри.

**4. ”Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган?**

а) 1992 йил 8 сентябрь;

б) 1999 йил 9 декабрь;

в) 2008 йил 7 январь;

г) 2012 йил 20 февраль;

**5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддаларида бола ҳуқуқлари мустаҳкамланган?**

а) 77, 78, 79-моддаларида;

б) 64, 65, 66-моддаларида;

в) 45, 63, 66-моддаларида;

г) тўғри жавоб йўқ.

## **IV БОБ. БОЛА ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ИНСТИТУТЛАР**

Бола ҳуқуқи бўйича халқаро институтлар. Бола ҳуқуқи соҳасида миллий институтларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Бола ҳуқуқи бўйича миллий институтларнинг жаҳон тажрибаси. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқи бўйича миллий институтлар.


**Калит сўзлар:** халқаро, миллий, БМТ, декларация, конвенция, омбудсман, вакил, делегат, агент, мухтор, ишончли шахс, воситачи, медиатор, парламент вакили, фуқаролар ҳуқуқи бўйича вакил.

### **1-§. Бола ҳуқуқи бўйича халқаро институтлар**

Бола ҳуқуқини амалда таъминлашни халқаро институтлар ва асосий халқаро ҳужжатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бола ҳуқуқи бўйича халқаро институтларнинг ҳуқуқий мақомида ва асосий халқаро ҳужжатларнинг мазмунида бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг талаблари ва механизми белгилаб берилган бўлади. Бугунги кунда дунё бўйича бола ҳуқуқи бўйича турли хил халқаро институтлар фаолият юритиб, уларнинг фаолияти болаларнинг турли қатламлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Бола ҳуқуқи бўйича халқаро институтларнинг тарихий ривожланишига назар солсак, бу соҳада биринчи ташкил топган тузилма даставвал Бирлашган миллатлар деб юритилган. Бирлашган миллатлар дунёнинг 26 давлати томонидан 2-жаҳон урушининг бошланишига сабабчи бўлган давлатларга қарши бирлашиш мақсадида вужудга келган бўлиб, у кейинчалик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) сифатида ташкил топган.

1945 йил 25 апрелдан 26 июнгача АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида 50 та давлат вакиллари иштирокида Бирлашган миллатларнинг конференцияси бўлиб ўтади. Бу конференцияда халқаро ташкилот тузиш ҳақида қарор қабул қилиниб, БМТнинг низоми тасдиқланади. БМТ низомида унинг асосий мақсади, вазифалари, ҳуқуқ ва бурчлари кўрсатилган.



Бош Ассамблея БМТнинг асосий органларидан бири сифатида БМТ Низомига биноан унга аъзо бўлган тенг ҳуқуқли барча давлатларнинг вакилларидан иборат таркибда ташкил этилади. БМТ Бош Ассамблеяси катта ваколатларга эга бўлиб, БМТ низомининг 10-17-моддаларига мувофиқ ҳар қандай масалалар ёки ишларни, хусусан БМТнинг ҳар қандай органи ваколатлари ва функцияларига оид масалаларни муҳокама этиш ва ҳар қандай масала ва ишлар бўйича БМТ аъзолари ва БМТ хавфсизлик Кенгашига тавсиялар бериши мумкин.

Бола ҳуқуқи бўйича халқаро институтлар тизимида БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари алоҳида ўрин тутди. Ҳозирда халқаро даражасида инсон ҳуқуқи билан шуғулланувчи низомий ва шартномавий органлар тизими шаклланди бўлиб, уларга 1) Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2) Қийноқларга қарши қўмита, 3) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий

ҳуқуқлар бўйича қўмита, 4) Меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқлари бўйича қўмита, 5) Аёллар ҳуқуқининг камситилишини олдини олиш бўйича қўмита, 6) Ирқий камситишнинг барча турларини олдини олиш бўйича қўмита, 7) Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитани санаб кўрсатиш мумкин.

Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита иштирокчи давлатлар томонидан ушбу Конвенцияга мувофиқ қабул қилинган мажбуриятлар бўйича эришилган тараққиётни кўриб чиқиш мақсади назарда тутилган вазифаларни адо этадиган Бола ҳуқуқи қўмитасини таъсис этади; Қўмита аъзолари иштирокчи давлатлар томонидан кўрсатилган шахслар рўйхатига киритилганлар орасидан ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз фуқаролари орасидан 1 та шахсни кўрсатиши мумкин; Қўмитага дастлабки сайлов ушбу конвенция кучга кирган кундан бошлаб 6 ойдан кечикмай, кейин эса ҳар икки йилда 1 марта ўтказилади. Ҳар бир сайлов кунидан камида 4 ой олдин БМТ Бош қотиби иштирокчи давлатларга 2 ой мобайнида ўз номзодини тақдим этиш таклифи билан хат орқали мурожаат қилади.

Қўмита аъзолари 4 йиллик муддатга сайланади. Уларнинг номзодлари такроран кўрсатилган тақдирда қайта сайланиш ҳуқуқига эга, Қўмита аъзоларидан бирортаси вафот этган ёки истеъфога чиққан ёхуд қандайдир сабабга кўра Қўмита аъзоси вазифаларини бундан кейин бажара олмай қолган тақдирда, ўша Қўмита аъзосини кўрсатган иштирокчи давлат Қўмита қўллаб-қувватлаши шарти билан қолган муддатга ўз фуқаролари орасидан бошқа эксперт тайинлайди, Қўмита ўзининг тартиб-қоидаларини белгилайди.

Бола ҳуқуқи бўйича халқаро институтлар тизимида БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари алоҳида ўрин тутаяди. БМТ тизимида унинг Уставида кўрсатилган асосий ва ёрдамчи органларидан ташқари, БМТдан мустақил бўлган, БМТ Уставининг 57-моддасида кўрсатилган ихтисослашган ташкилотлар ҳам киради. Айтиш керакки, БМТ тизими 50 га яқин шу каби органлар, жамғармалар, ихтисослашган

ташкilotлардан иборат. Бола ҳуқуқини ҳимоя қилишда ушбу халқаро ташкilotлар муҳим роль ўйнайди.

БМТнинг ихтисослашган ташкilotлари сирасига қуйидагилар киради: БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича шуғулланувчи ташкilotи (ЮНЕСКО); БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкilotи (ФАО); ХМТ, БМТнинг савдо ва тараққиёт масалалари билан шуғулланувчи конференцияси; БМТга кўмаклашадиган ассоциацияларнинг жаҳон федерацияси; БМТнинг тараққиёт дастури; БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ); БМТнинг махсус фонди ва бошқалар.

Бола ҳуқуқи бўйича халқаро институтлар тизимида болалар ҳуқуқини таъминлаш масалалари билан шуғулланувчи махсус тузилма сифатида ЮНИСЕФ алоҳида ўрин тутаяди. Ушбу халқаро ташкilot 1946 йил 11 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан болаларга ёрдам бериш мақсадида ташкilot этилган. Кейинчалик жамғарма ваколатлари бирмунча кенгайиб, унинг фаолияти бутун дунё бўйлаб ривожланаётган давлатларда болалар ҳамда аёллар манфаатини илгари суриш ва улар ҳаётини яхшилашга қаратилган масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган.

1953 йилда ЮНИСЕФ БМТ тизимидаги доимий ташкilot мақомини олади. Бугунги кунда ЮНИСЕФ 190 дан ортиқ мамлакатларда фаолият олиб бормоқда. ЮНЕСЕФ томонидан амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларда болалар ҳуқуқини таъминлаш, хусусан, улар саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли таълим олишига кўмаклашиш, овқатланишини яхшилаш, эмлаш орқали болалар касалликларининг олдини олиш, ОИВ/ОИТСга қарши курашиш каби қатор муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

ЮНИСЕФ ҳукуматлар ва хусусий донорларнинг взнослари туфайли ўз фаолиятини амалга оширади. Унга ҳар йили 5 000 000 000 АҚШ доллари миқдорида взнос тушади. ЮНИСЕФнинг 150 дан ортиқ бўлимлари мавжуд, унинг ижроия кўмитаси ҳукуматлар вакилларидан иборат бўлиб, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши томонидан 3 йил муддатга сайланади. Унинг эмблемаси Барселона футбол клубининг футболкасига



жойлаштирилган бўлиб, клуб ҳар йили фондга болаларга ёрдам сифатида ўз бюджет маблағларидан 1,5 миллион евро ўтказди.

ЮНИСЕФ 1965 йилда Нобел мукофотиغا, 1989 йилда Индира Ганди мукофоти ва 2006 йилда Астурия шахзодаси мукофоти сазовор бўлган.

ЮНИСЕФ Ўзбекистонда 1994 йилдан буён фаолият олиб бормоқда. Ушбу фаолият Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНИСЕФ ўртасида имзоланган Мамлакат ҳамкорлик дастури доирасида амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимидаги хизматлар сифатини янада яхшилаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, эмлаш бўйича тадбирларга ёрдам кўрсатиш, инклюзив таълим масалаларига эътибор бериш, ўрта таълим соҳасида илғор тажрибаларни татбиқ этиш, мактабгача таълим қамровини кенгайтиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ҳамкорлик дастурининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг қисқа вақт ичида 1989 йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияни имзолаган, 1994 йилда эса уни ратификация қилган. 1998 йилни «Оила йили», 2000 йилни «Оналар ва болалар йили», 2001 йилни «Соғлом авлод йили», 2010 йилни «Баркамол авлод йили», 2014 йилни «Соғлом бола йили», 2016 йилни «Соғлом она ва бола йили», 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш йили” деб номлангани Ўзбекистон Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга оширишга содиқ эканини кўрсатади.

1979 йилда ЮНИСЕФ томонидан “Бола йили” дастури амалга оширилган. БМТнинг болалар фонди она ва болага ёрдам беради, унинг асосий мақсади 5 ёшгача бўлган болалар ўлимини 3/1 га, оналар ўлимини 50 % га қисқартириш, 80 % болаларга бошланғич таълим беришдан иборат.

Бола ҳуқуқи бўйича халқаро институтлар тизимида Халқаро меҳнат ташкилоти алоҳида ўринни эгаллайди. У 1919 йилда ташкил топган бўлиб, ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси меҳнат соҳаси бўйича халқаро нормалар, асосий тамойиллар ва меҳнатга оид ҳуқуқларни такомиллаштириш ва амалда тامينлаш,

боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқини имтиёзлар билан белгилаб бериш, улар учун ижтимоий ҳимояни йўлга қўйиш каби масалаларни амалга оширишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш мақсадида ХМТ меҳнат ва ҳаёт шароитини яхшилаш, иш билан таъминлаш бўйича халқаро чора-тадбирлар ва дастурларни ишлаб чиқади.

ХМТ томонидан “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-конвенция (1930 йил), “Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркақлар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида”ги 100-конвенция (1951 йил), “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-конвенция (1957 йил), “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисида”ги 111-конвенция (1958 йил), “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-конвенция (1973 йил), “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги 182-конвенция (1999 йил)<sup>1</sup> қабул қилинган бўлиб, улар болаларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ҳисобланиб, у инсоннинг соғлиғини сақлашга бўлган ҳуқуқини таъминлаш чора-тадбирлари билан шуғулланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ОИВ/ОИТС дастурларини қабул қилиб, инсонни соғлом ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

### **Эслаб қолинг!**

Бола ҳуқуқи бўйича халқаро институтларга БМТ, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Қийноқларга қарши қўмитаси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси, Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО), ХМТ, БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) каби тузилмалар киради.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. -Т.:Akademnashr, 2017, 384 бет

БМТнинг ихтисослашган муассасаларининг фаолияти болаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётини яхшилашга кўмаклашади, уларнинг шаъни, кадр-қиммати, эркинликларининг камситилишига маълум даражада тўсқинлик қилади. Бундай тўсқинлик фақат бевосита ҳуқуқий нормаларни қўллаш йўли билан эмас, балки ҳуқуқий нормаларнинг бузилишига олиб келадиган шарт-шароитларга йўл қўймаслик ёки уларнинг олдини олиш орқали амалга оширилади.

Бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг халқаро тамойиллари ва нормалари талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда боланинг эркинлиги, шаъни, кадр-қимматини ҳимоя қилиш, таълим олиш, соғлиғини сақлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бошқа ҳуқуқлари қонун йўли билан кафолатланган. Ўзбекистонда бола ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қиладиган, демократик тамойилларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқ тизими яратилган, бола ҳуқуқи бўйича миллий институтлар шакллланган ва улар самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

## **2-§. Бола ҳуқуқи соҳасида миллий институтларнинг вужудга келиши ва ривожланиши**

Кишилиқ жамияти тараққиёти XX асрининг иккинчи ярмига келиб инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг суд тартибидан бошқа шакллари яратиш ҳамда уни халқаро ва миллий даражада амалиётга жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ушбу масалага дастлаб 1946 йилда БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС)нинг иккинчи сессиясида эътибор қаратилиб, унда Инсон ҳуқуқи бўйича комиссия фаолиятини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш учун аъзо давлатларга ахборот гуруҳлари ва инсон ҳуқуқи бўйича миллий кўмита тузиш тавсия этилди.

XX асрнинг 60-70-йилларида инсон ҳуқуқи бўйича миллий институтларни ташкил этиш масаласи бўйича баҳс ва мунозаралар кучайиб, 1978 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари комиссияси томонидан инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи миллий институтларни ташкил этишга бағишланган семинар бўлиб ўтган. 1991 йил 7-9 октябрда


Парижда ўтказилган инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтларга бағишланган биринчи халқаро семинар ушбу масalani ҳал этишда қўйилган катта амалий қадам бўлди.

Ушбу семинарда 32 та мамлакатдан вакиллар иштирок этиб, унда миллий институтларнинг мақомига оид қатор тавсия ва тамойиллар ишлаб чиқилди. Инсон ҳуқуқи бўйича миллий институтлар ташкил этишнинг тамойиллари Инсон ҳуқуқлари комиссияси томонидан 1992 йил 3 мартда 1992/54-сон, Бош Ассамблея томонидан эса 1993 йил 20 декабрда 48/134-сон резолюциялар асосида қўллаб-қувватланди ва у Париж принциплари номини олди.



Париж принципларида миллий институтларнинг қуйидаги хусусиятлари кўрсатилган: инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш

борасида кенг ваколатларга эга бўлиши керак; фаолияти қонун ҳужжатларида мустақамланган бўлиши лозим; давлат органларидан мустақил фаолият юритиши зарур; муассаса таркибида кенг вакиллик таъминланиши керак; фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиши лозим.




Бундан ташқари, Париж принципларига илова қабул қилиниб, унда қуйидаги масалалар ўз ифодасини топган: миллий институтнинг ваколатлари ва жавобгарлик соҳаси; миллий институтларда аъзоликнинг характери, фаолиятида мустақиллик кафолати ва фикрлар хилма-хиллиги, жумладан раҳбарларни сайлаш, тайинлаш мезонлари; миллий институтларнинг ишлаш услуби, хусусан у ёки бу масалаларни кўриб чиқиш ваколати, шунингдек фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги; суддан ташқари органлар, яъни шикоятлар,

даъволарни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, уларни тегишли инстанцияларга юбориш ва улар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлиш ва х.з.

Бола ҳуқуқини ҳимоя қилувчи миллий институтлар белгиланган халқаро стандартларга мос бўлиши талаб этилади. Шунга кўра, Париж принципларига мувофиқ миллий институтлар давлат ҳокимияти органларига бола ҳуқуқига доир масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар, тавсиялар, таклифлар тақдим қилиш; миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ талабларига мослаштириш жараёнига кўмаклашиш ва рағбатлантириш; халқаро ҳужжатларни ратификация қилишга кўмаклашиш ҳамда халқаро мажбуриятларни бажаришини кузатиб бориш; халқаро конвенцияларни бажарилиши бўйича халқаро назорат органларига миллий маърузалар тайёрлашга кўмаклашиш; бола ҳуқуқи соҳасида фаолият юритувчи БМТ органлари, минтақавий халқаро ташкилотлар ва бошқа мамлакатларнинг миллий институтлари билан ҳамкорлик қилиш; бола ҳуқуқини ўқитиш, тадқиқ қилишга доир дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш; бола ҳуқуқига оид ахборотларни тарқатиш ва барча шаклдаги камситишга қарши кураш каби функцияларни бажарадилар.

### **3-§. Инсон ҳуқуқи бўйича миллий институтларнинг жаҳон тажрибаси**

Инсон ҳуқуқи бўйича миллий институтлар даставвал Араб халифалигида ташкил этилган. Умар халифалиги даврида мухтасиб мансаби таъсис этилган бўлиб, унинг вазифаси давлат мансабдорлари фаолияти устидан фуқароларнинг ариза ва шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқишдан иборат бўлган. Шунингдек, ўша даврда Туркияда ҳам «Қади ал Қудат» мансаби ташкил этилган ва унинг функцияси сифатида амалдорларнинг ҳатти-ҳаракти устидан фуқаролардан келиб тушган шикоятларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш вазифаси белгиланган.



Швеция қироли Карл XII Туркияга расмий сафар билан келганда «Қади ал Қудат» мансаби тўғрисида эшитиб, ватанига қайтиб келгандан кейин омбудсман мансабини жорий этади (1713 йил). Европада бу институт биринчи марта 1809 йилда Швеция Конституциясида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра Швеция парламентида ҳокимият ва бошқарув органлари, судлар томонидан парламентнинг қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлган махсус парламент комиссари (омбудсман)ни сайлаш ҳуқуқи берилган.

Шундан келиб чиқиб «омбудсман» тушунчаси «ombud» сўзидан олинган бўлиб, у ўрта аср швед тилида куч ёки мўтабар

шахс, шведча «ombudsman» сўзи эса вакил, делегат, агент, мухтор, ишончли шахс маъносини англатади.

Ҳозирги кунда Швецияда парламент тўртта омбудсманни сайлайди ва уларнинг бири бош парламент омбудсмани ҳисобланади. Швецияда судлар ва маъмуриятнинг ноқонуний қарорлари устидан кафолат сифатида омбудсманлар тизими жуда ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар судлар ва бошқа давлат органлари фаолиятига нисбатан фуқароларнинг ишончини мустаҳкамлашда муҳим миссияни бажаради.

Омбудсман турли давлатларда турлича номланади. Баъзи давлатларда бу мансабдор шахс омбудсман деб юритилса, бошқаларида – воситачи (медиатор), учинчисидан - парламент вакили, тўртинчисидан эса - фуқаролар ҳуқуқлари бўйича вакил деб аталади.





Омбудсман институтининг ташкил этилиши тарихига назар солсак, ушбу тузилма Финляндияда 1919 йилда, Норвегия ва Данияда 1952 йилда, Янги Зеландияда 1962 йилда, Фарбий Австралияда 1971 йилда, жанубда 1972 йилда, Викторияда 1973 йилда, Буюк Британияда 1967 йилда, Гавай оролларида 1971 йилда, Айова штатида 1972 йилда, Аляскада 1975 йилда, Португалияда 1976 йилда, Испанияда 1981 йилда, Нидерландияда 1982 йилда, Польша ва Венгрияда 1988 йилда ташкил этилган. Бундан ташқари, Болтиқ бўйи республикаларида, Молдова, Украина, Грузия, Россияда ҳам омбудсманлар фаолият юритади.

Дунё бўйича инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи миллий институтлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий ва техник ёрдам кўрсатиш мақсадида халқаро ва минтақавий омбудсманлар ташкил этилди.

Чунончи, Халқаро омбудсман институти (ХОИ) 1978 йилда, Европа омбудсман институти (ЕОИ) 1998 йилда, Осиё омбудсман (ООА) институти 1996 йилда ташкил этилган. Осиё омбудсманлари ассоциацияси (ООА) халқаро минтақавий ташкилот бўлиб, унга Осиё, Океания ва Австралия минтақаларининг 15 та мамлакатидан 23 та омбудсман аъзо ҳисобланади. Ўзбекистон ушбу ташкилотга 2009 йилда аъзо бўлган.

#### **4-§. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқи бўйича миллий институтлар**


Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқи бўйича миллий институтлар тизими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тузилмаларидан ташкил топган.



Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқи бўйича миллий институтлар тизимида Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) муҳим ўрин эгаллайди. Болалар омбудсмани Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги фармони асосида болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, болалар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, ногирон бўлган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/6375/0781-сон

болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилди.



Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 29 февралдаги ЎРҚ - 917-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонунида Болалар омбудсманининг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) мансабдор

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2024-й., 03/24/917/0170-son

шахс бўлиб, у давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз ваколатларини мустақил равишда ҳамда давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ҳисобдордир.

Сайланиш куни 25 ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимига сайланиши мумкин. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан 5 йил муддатга сайланади. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига биноан, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш; БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегиясини ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш; аҳолининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш; жисмоний ва юридик

шахсларнинг, шу жумладан болалар ҳамда улар қонуний вакилларининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш орқали боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш; бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижроси ҳолатини ўрганиш; бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига татбиқ этиш масалаларини ўз ваколатлари доирасида ўрганиш; давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолиятида бола ҳуқуқларининг таъминланишини ҳамда ҳимоя қилинишини мониторинг қилиш; тарбия муассасаларини тамомлаган, уй-жойга муҳтож бўлган етим болаларнинг, онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг аниқ мақсадли коммунал турар жой фондидаги санитария, техник нормаларга ҳамда қонунчиликнинг бошқа талабларига жавоб берадиган турар жойлар билан таъминланишига кўмаклашиш; вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятда иштирок этиш; боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек унинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, турар жойини ва хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига кўра, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга: бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан риоя этилишини ўрганиш; давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслардан ўз ваколатлари жумласига кирадиган масалалар юзасидан статистик, таҳлилий ва бошқа ахборотни ҳамда материалларни сўраб олиш; давлат органларининг маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланиш; боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги хабарларни ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари билан биргаликда текшириш; давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантиришлар юбориш; давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш; ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигида бола ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимосномалар киритиш; боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризалар ва даъволар билан судларга мурожаат этиш; боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш мақсадида суд жараёнларида, шу жумладан ёпиқ суд мажлисларида қонунда белгиланган ҳолларда ва шаклларда иштирок этиш; аҳоли ўртасида бола

ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар бўйича ижтимоий сўровлар ўтказиш; бола ҳуқуқлари масалалари бўйича ўқув дастурлари тайёрлашда иштирок этиш; боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан тадбирлар ташкил этиш; бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир илмий-амалий, таҳлилий ишларни амалга ошириш учун илмий ва бошқа ташкилотларни, олимлар ҳамда мутахассисларни белгиланган тартибда, шу жумладан шартнома асосида жалб қилиш; болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларни ҳимоя қилиш учун масъул бўлган давлат органларига ва бошқа ташкилотларга, шу жумладан таълим, тарбия, тиббиёт муассасаларига, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига, тергов ҳибсхоналарига ва тарбия колонияларига монеликсиз кириш.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши шарт. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги огоҳлантириш Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ёзма шаклда эълон қилинади. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил мансабдор шахсга огоҳлантириш эълон қилинганлиги тўғрисида унинг юқори турувчи органига (мансабдор шахсига) хабар қилишга ҳақли. Тақдимнома кечиктирмай кўриб чиқилиши ва кўрилган чоралар тўғрисида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, ўн беш кундан кечиктирмай ёзма шаклда хабар қилиниши лозим.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига бола

ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя этилиши ҳолати ҳақида маъруза тақдим этади (16-модда).

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган таълим, тарбия, тиббиёт муассасаларига, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига, тергов ҳибсхоналарига ва тарбия колонияларига мунтазам кириб туриш орқали болага нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган жойларга кирганида болаларни сақлаш ва улар билан муомалада бўлиш шарт-шароитларини ўрганади; болалар билан, шунингдек бола ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган жойлар маъмуриятининг ходимлари билан учрашувлар ва суҳбатлар, шу жумладан холи учрашувлар ва суҳбатлар ўтказади. Бола ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган жойларнинг маъмуриятидан бола, зарур бўлган ҳолларда, тиббий текширувдан ўтказилишини, унга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатилишини талаб қилади, мазкур тадбирлар ўтказилаётганда боланинг розилиги билан ҳозир бўлади; бола ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган жойларнинг маъмурияти раҳбарларидан мазкур жойларда турган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари юзасидан тушунтиришлар олади; бола ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган жойлар маъмуриятининг қонунга хилоф ҳаракатлари тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни тегишли тартибда хабардор этади ва бу ҳолатлар юзасидан кўрилган аниқ чоралар ҳақида бир ойдан кечиктирмай ўзига ахборот берилишини талаб қилади;



болаларни сақлаш шарт-шароитлари тўғрисида хулоса тузади ва уни тегишли ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юборади; тегишли давлат органларига уларнинг болага нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва таклифлар киритади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўзининг ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги вакилини тайинлайди. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг минтақавий вакили жамоатчилик асосида фаолият юритади. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг минтақавий вакили фаолияти Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг минтақавий вакили тегишли ҳудудда яшовчи жисмоний шахсларнинг ёки тегишли ҳудудда жойлашган юридик шахсларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг бола ҳуқуқларига тааллуқли мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, болаларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда кўмаклашиш; маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига аниқлаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан текширувлар ўтказишда кўмаклашишни сўраб мурожаат қилиш, шунингдек улардан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда амалга ошириш каби ҳуқуқларга эга.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг минтақавий вакили ўз фаолияти тўғрисида ҳар чоракда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга ахборот тақдим этиши; арз қилувчига ва бошқа шахсларга тегишли маълумотларни уларнинг розилигисиз, мурожаатларни кўриб чиқиш ҳақидаги ахборотни Бола

ҳуқуқлари бўйича вакилнинг рухсатсиз ошкор этмаслиги шарт. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг минтақавий вакили тегишли ҳудудда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши ҳолати тўғрисида ҳар йили тегишинча ҚР Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига маъруза тақдим этади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга берилган шикоятда арз қилувчининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, шикоят юридик шахс томонидан берилган тақдирда эса унинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Шикоятда қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилотнинг номи, мансабдор шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилади, арз қилувчининг фикрича, унинг ҳуқуқларини (боланинг ҳуқуқларини) бузган қарорларнинг, ҳаракатларнинг ёки ҳаракатсизликнинг моҳияти баён этилади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотларга ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш; аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакиллари ва мансабдор шахсларни таклиф этиш, ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш; ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш; мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш; ушлаб турилган, тергов ҳибсхонасида сақланаётган вояга етмаган шахс ёки озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган вояга етмаган шахс билан учрашувлар ва суҳбатлар

ўтказиш; бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш; ҳаракатларида ёки ҳаракатсизлигида бола ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома киритиш; бола манфаатларини кўзлаб ариза ва даъво билан судга давлат божини тўламасдан муурожаат этиш каби ҳуқуқларга эга.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг хулосасида ишнинг ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан охирига етказилиши зарурлиги; ташкилотнинг ёки мансабдор шахснинг қарори ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши кераклиги; ташкилот ёки мансабдор шахс қўшимча қарор қабул қилиши кераклиги тўғрисида тавсиялар назарда тутилиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар болаларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки жинсий эркинлигига қарши жиноятлар, шу жумладан 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш ёхуд унга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш, вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этиш, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фоҳишахоналар ташкил этиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисида маълумотлар олинган тақдирда жиноят ишини кўзғатиш ҳақида ёки жиноят ишини кўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилганда бу ҳақда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни уч кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши, болага қарши жиноятлар тўғрисидаги иш юзасидан суд муҳокамасининг вақти ва жойи, болага қарши жиноятлар тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган ҳукм (ажрим) ҳақида Бола

ҳуқуқлари бўйича вакилни беш кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши керак.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ҳукм (ажрим) билан танишиб чиққач, вояга етмаган шахс манфаатларини кўзлаб, суднинг ҳукми (ажрими) устидан протест (хусусий протест) келтириш ҳақидаги илтимоснома билан прокурорга мурожаат қилишга ҳақли.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил котибияти фаолиятининг молиявий, моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Давлат буюжети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги фармони билан болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг институционал асосларини янада такомиллаштириш мақсадида янги тузилма - Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари (худудий комиссиялар) ташкил этилди. Миллий комиссиянинг асосий вазифасини боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, унинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, болаларни жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш, боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш, болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш кабилар ташкил этади.

Ушбу фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти таркибида Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида Болаларни ҳимоя

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/6375/0781-сон


қилиш масалалари котибияти, туман (шаҳар) хокимликларида Болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, бола ҳуқуқлари кафолатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унга риоя этилишини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш, васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш, болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш механизмини яратиш ва такомиллаштириш, оилага тарбияга олинган (патронат) болаларнинг турмуш шароитини ва уларнинг тарбияланишини мониторинг қилиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун ажратилган маблағларнинг ўз эгаларига етказилиши устидан мониторинг ўрнатиш, тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, назоратсиз, қаровсиз ҳамда яшаш жойига эга бўлмаган болаларни аниқлаш ва уларни жойлаштириш чораларини кўриш вазифалари юклатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари, туман (шаҳар) хокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари тегишлича Миллий комиссия ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органи вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқи бўйича миллий институтлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили муҳим ўринни эгаллайди. Парламент ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институти Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиснинг биринчи сессиясида ташкил этилди ва 1995 йил 6 майда Олий Мажлис қарорига биноан унинг ҳузурида Вакилнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги вазифаларни наъмунали амалга оширишига кўмаклашиш учун фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш комиссияси ташкил этилди. Вакил ва Комиссия фаолияти Олий Мажлиснинг 1995 йил 29 август қарори билан тасдиқланган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.



Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 24 апрелда “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари

бўйича вакили (омудсман) тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун парламент ислоҳотларини амалга оширилиши муносабати билан 2004 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилиниб, унда инсон ҳуқуқи бўйича Вакилнинг ҳуқуқий ҳолати, фаолият соҳаси ва тамойиллари, шунингдек, лавозимга сайлаш ва ишдан бўшатиш тартиби, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш ваколатлари тартибга солинди.

Вакил ваколатларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги қонуни муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”<sup>3</sup>ги қонунининг 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқи бўйича вакилини сайлаш тартиби белгиланган.

Унга биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқи бўйича вакили номзоди Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқи бўйича вакилини сайлаш масаласи юзасидан қарори Сенатга юборилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқи бўйича вакили номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқи бўйича вакили инсон ҳуқуқи бўйича бошқа миллий тизимлар


---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997, 4-5-сон, 102-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 7-сон, 977-модда

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003, 9-10-сон, 136-модда

қатори инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш заруратини ялпи тан олдириш ва тушунишга кенг кўламда кўмаклашади, жамиятга Ўзбекистон қонунлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқи, кафолатлари ва бурчлари ҳақида атрофлича ахборот беради.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқи бўйича вакили фуқаролар ҳуқуқларининг беғараз ва инсонпарвар ҳимоячиси ҳисобланади. У инсон ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқади ва текширади, айрим ташкилотлар ва мансабдор шахслар йўл қўйган хатоликларни



тугатиш юзасидан тадбирлар тавсия қилади, фуқаролар ҳуқуқлари тикланишига ёрдамлашиб, инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишига сабабчи шахсларни қонунга биноан жавобгарликка тортиш тўғрисида тавсия беради<sup>1</sup>.

Шунингдек, Вакил инсон ҳуқуқига қандай риоя қилинаётганлигини ўрганиши ва таҳлил этиши, инсон ҳуқуқи бузилишини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаши, миллий ҳуқуқ нормаларининг шу соҳадаги халқаро шартномаларга қанчалар мувофиқлигини текшириши, инсон ҳуқуқига амал қилишни таъминлайдиган дастурлар ишлаб чиқиши, инсон ҳуқуқи соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириши, инсон ҳуқуқини таъминлаш борасида мавжуд чет эл тажрибасини ўрганиши ва жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизда инсон ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоялаш аҳволидан хабардор қилиб туриши каби вазифаларни бажаради.

Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар тизимида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази алоҳида ўринни эгаллайди. Инсон ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси миллий маркази давлат идоралараро таҳлил, тушунтириш ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади, яъни мазкур орган инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқаштиради, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишлар миллий режасини ишлаб чиқади, инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий маърузалар тайёрлайди, давлат хизматчилари учун инсон ҳуқуқлари муҳофазаси соҳасида ахборот базаси яратади, уларни ўқитади, маслаҳатлар беради, ташвиқот ишлари олиб боради.

Марказнинг асосий вазифалари бўлиб фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш, бола ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, бола ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш, Давлат хокимияти ва бошқарув органларига,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997, 4-5-сон, 102-модда

шунингдек бола ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш, болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантириш юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларда қатнашиш, бола ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш, миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда бола ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ташкил этиш ҳисобланади.

### ***Назорат саволлари:***

*1.Бола ҳуқуқи бўйича халқаро институтлар тўғрисида нималарни биласиз?*

*2.Ўзбекистонда бола ҳуқуқи бўйича Миллий институтлар тизимини тушунтириб беринг.*

*3.Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ваколатларини айтиб беринг.*

*4.Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман)нинг вазифалари нималардан иборат?*

*5.Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти ва вазифаларини гапириб беринг.*

### **Тестлар:**

**1. Инсон ҳуқуқи бўйича биринчи миллий институт қайси давлатда ташкил топган?**

- а) Араб халифалигида ташкил топган;
- б) Туркияда ташкил топган;
- в) Швецияда ташкил топган;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**2.ХМТ қачон ташкил топган?**

- а) 1919 йилда ташкил топган;
- б) 1940 йилда ташкил топган;
- в) 1945 йилда ташкил топган;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**3.ХМТ томонидан “Ишга қабул қилишдаги минимал ёш тўғрисида”ги 138-конвенция қачон қабул қилинган?**

- а) 1973 йилда қабул қилинган;
- б) 1980 йилда қабул қилинган;
- в) 1985 йилда қабул қилинган;

г) тўғри жавоб йўқ.

**4.ХМТ томонидан “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги 182-конвенция қачон қабул қилинган?**

а) 1999 йилда қабул қилинган;

б) 2003 йилда қабул қилинган;

в) 2007 йилда қабул қилинган;

г) тўғри жавоб йўқ.

**5.Халқаро омбудсман институтларини санаб беринг?**

а) ХОИ, ЕОИ, ООА;

б) ХОИ, ЕОИ, АОА;

в) СОИ, ЕОИ, ООА;

г) тўғри жавоб йўқ.

**6.Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқи бўйича миллий институтлар тизимини айтинг?**

а) ЎзР Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, ЎзР Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича ЎзР Миллий маркази;

б) ЎзР Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, ЎзР Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича ЎзР Миллий маркази;

в) ЎзР Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, ЎзР Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил;

г) тўғри жавоб йўқ.

## V БОБ. ЕТИМ БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ

Етим бола ҳуқуқи тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари. Етим болалар манфаатини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари. Етим болалар ҳуқуқини таъминлаш бўйича имтиёзлар.

**Калит сўзлар:** етим бола, етим бола ҳуқуқи, Меҳрибонлик уйи, Болалар шаҳарчаси, боқувчисини йўқотган бола, ота-она қаромоғидан маҳрум бўлган бола, васийлик, ҳомийлик, фарзандликка олиш, патронат.

### 1-§. Етим бола ҳуқуқи тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида бола ҳуқуқини таснифлаганда етим болалар ҳуқуқи алоҳида институтни ташкил этади. Етим бола ҳуқуқи тўғрисида гапирганда, аввало, шу масалага тегишли асосий тушунчаларга тўхталиб ўтиш лозим. Шундай тушунчалар сирасига “етим бола”, “ота-она қаромоғидан маҳрум бўлган бола”, “боқувчисини йўқотган бола” кабилар киради. Амалиётни ўрганиш етим бола тушунчаси доирасида “етим бола”, “чин етим”, “боқувчисини йўқотган бола”, “ота-она қаромоғидан маҳрум бўлган бола” каби кўплаб иборалар ишлатилаётганлигидан далолат беради. Шу сабабдан, етим бола тушунчаси бўйича амалиётда бола қонунчилигида ўрнатилган қоидалардан келиб чиқиб аниқ бир иборани қўллаш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида етим бола тушунчасига таъриф берилган. Унга биноан, етим бола деганда отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган болалар тушунилади. Ота-она қаромоғидан маҳрум бўлган бола деганда, ҳар қандай сабабга кўра ота-она қаромоғидан маҳрум бўлган бола тушунилади, бундан етим бола мустасно. Ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар деганда эса, қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи,

лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар) тушунилади.


Демак, амалиётда етим бола деганда “чин етим”, “боқувчисини йўқотган бола” ва ҳ.з. каби ибораларни эмас, балки бола қонунчилигида ўрнатилган тартибда отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган болаларни назарда тутиш ва иборани тўғри қўллаш лозим бўлади.

### **Эслаб қолинг!**

Етим бола деганда, отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган болалар тушунилади.


Халқаро ва миллий ҳуқуқ тизимида бугунги кунда жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаган, алоҳида ҳимоя, ота-онасидан маҳрум бўлган, эътибор ҳамда ғамхўрликка муҳтож етим болаларга бағишланган ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатларни қамраб олувчи ўз предмети, объекти, тартибга солиш усули, ҳуқуқий базасига эга мустақил «бола ҳуқуқи» ҳуқуқ соҳаси ва қонунчилик тармоғи тизимида алоҳида институт сифатида етим бола ҳуқуқи вужудга келди.

Етим бола ҳуқуқининг юридик табиати хусусида фикр юритганда, унинг Инсон ҳуқуқи, Бола ҳуқуқи соҳасининг алоҳида ва мустақил институти эканлигини, мустақил институт сифатида у ўзига хос алоҳидалик, автономлик ҳамда умумийлик характер касб этишини, ушбу ҳуқуқ соҳаларининг нормалари билан тартибга солинишини таъкидлаш ўринлидир.




Шунингдек, етим бола ҳуқуқини тартибга солишда махсус ҳуқуқ соҳаларидан ташқари Конституциявий ҳуқуқ, Оила ҳуқуқи, Ижтимоий таъминот ҳуқуқи, Меҳнат ҳуқуқи соҳаларининг нормалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Ушбу ҳуқуқ соҳалари нормалари ҳам етим болалар ҳуқуқининг у ёки бу жиҳатларини тартибга солишга хизмат қилади.

Етим бола ҳуқуқини таснифлаганда уни Меҳрибонлик уйларидаги етим болалар ҳуқуқи, Болалар шаҳарчаларидаги етим болалар ҳуқуқи, фарзандликка олинган етим болалар ҳуқуқи, патронатга топширилган етим болалар ҳуқуқи каби турларга ажратиш мумкин. Санаб кўрсатилган ҳар бир турдаги етим болаларнинг ҳуқуқлари бир-биридан ўз мазмунига кўра фарқланиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.



Етим бола ҳуқуқи таъминлари сифатида қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, давлат ва жамиятнинг ғамхўрлиги, тенг ҳуқуқлилиқ, алоҳида имтиёзлар сингариларни таъкидлаш лозим.

Етим бола ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари сифатида давлат ва жамиятнинг алоҳида ғамхўрлиги ва қўллаб-қувватлаши, алоҳида эътибор, имтиёз ва ёрдамнинг мавжудлиги, ихтисослаштирилган болалар муассасаларига жойлаштириш ва тарбиялаш, уй-жой билан давлат томонидан таъминланиши, жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши кабиларни санаб кўрсатиш мумкин.



Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларидан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизда етим болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу қонунларда белгиланишича, ижтимоий ҳимояга муҳтож бола деганда, юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан, етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар, муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар тушунилади.

### **Ёдда тутинг!**

Етим бола ҳуқуқи Инсон ҳуқуқи, Бола ҳуқуқи, Конституциявий ҳуқуқ, Оила ҳуқуқи, Ижтимоий таъминот ҳуқуқи, Меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.



Давлат етим болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади. Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охириги чора ҳисобланади.

Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож етим болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий ҳимояга муҳтож етим болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари васийлик ва ҳомийликни белгилаш; болани фарзандликка олиш; оилага тарбияга олиш (патронат); ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштиришдир.

Етим болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуққа эга бўлади. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир етим болага тайинланади. Етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади. Давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади. Васийлик ва ҳомийлик органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган етим болаларни аниқлайди, бундай болаларни ҳисобга олади ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир ҳолатга қараб, етим болаларни жойлаштириш шакллари танилади, шунингдек бундан буён уларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш шарт-шароитларини назорат қилиб боради.

Муассасаларнинг (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч кун ичида етим боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши ва бунда боланинг ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар етим боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шарт.

## **2-§. Етим болалар манфаатини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари**

Етим болалар ҳуқуқининг халқаро-ҳуқуқий асослари хусусида гапирганда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил

20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги конвенциянинг мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бола ҳуқуқларини кафолатлашга бағишланган ушбу олий даражадаги халқаро меъёрий ҳужжатда болаларнинг ҳаёти, яшаши, таълим олиши, соғлиғини муҳофаза қилиш, ижтимоий таъминоти, индивидуалликка эга бўлиш, оилавий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари ва бошқа манфаатларини муҳофаза қилишнинг чора-тадбирлари, бунда давлатнинг ҳамда ота-оналарнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган бўлиб, улар болаларни соғлом, баркамол, билимли ва тарбияли бўлиб улғайишини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Конвенцияда, аввало, бола ҳуқуқларини кафолатлашнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Унга кўра, болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгаллиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оилада болалар ўсиб улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари учун зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиши лозим эканлиги, боланинг шахси соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолоти учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарурлиги, ҳар бир мамлакатда болаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик қилишнинг муҳимлиги кабилар устувор тамойиллар сифатида ўрнатилган.

Санаб ўтилган устувор тамойиллардан келиб чиқиб “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг 2-моддасида кўрсатишича, давлатлар ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқларни, ҳеч қандай камситишларсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, боланинг соғлиғи ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийси ёки бирор бир бошқа ҳолатлардан қатъий назар, ҳурмат қилишлари ҳамда шу ҳуқуқларни таъминлаб беришлари лозим.

Давлатлар ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга эканлигини эътироф этишлари, боланинг омон яшаши ва соғлом

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 220-241-бетлар

ривожланиши учун мумкин қадар юқори даражада имконият яратиб беришлари кераклиги “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг 6-моддасида белгиланган. Конвенцияда ўзининг оила ғамхўрлигидан вақтинча ёки доимий маҳрум бўлган ёки ўзининг энг яхши манфаатлари йўлида бундай ғамхўрликда қола олмайдиган бола давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган (20-модда).

Етим болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси алоҳида ўринни эгаллайди. Асосий қонунимиз етим болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишда олий юридик кучга эга ҳужжат бўлиб, унга асосан давлат етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.



Конституциянинг 77-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантириши ўрнатилган. Асосий қонунимизнинг 78-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланган.

Етим болалар ҳуқуқининг миллий ҳуқуқий асослари хусусида гапирганда Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонунини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ушбу қонуннинг 3-боби ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатларига бағишланган.

Чунончи, ушбу қонуннинг 26-моддасида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдониغا эга бўлиш ёки қонунчиликка мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 27-моддасида белгиланишича, ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади. Давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Ушбу қонуннинг 27-моддасида тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқларининг кафолатлари белгиланган бўлиб, унга биноан,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда

етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларига, ўрта махсус, таълим муассасаларига тарбияга берилган кундан эътиборан тўлиқ давлат таъминотида бўлади.

Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш, уларни уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш, улар таълим муассасаларини битираётганда, ишга қабул қилинаётганда кийим-бош, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмлари сотиб олиш учун нафақа тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу қонуннинг 29-моддасида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатлари белгиланган бўлиб, унга кўра, давлат махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади ҳамда бошқа чоралар кўради.

Етим болаларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи қонунда алоҳида кафолатланган. Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган етим боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

Етим болалар ҳуқуқини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуни муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчалар келтирилган бўлиб, унга кўра, васийлик - ўн тўрт

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014, 1-сон, 1-модда

ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли эканлиги, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли ҳисобланиши кўрсатилган.

Ушбу қонунда васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тоифаси белгиланган бўлиб, улар алоҳида ғамхўрликка, шунингдек ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож бўлган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота-онаси бўлган ҳамда болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғдираётган ёки уларнинг таъминоти, тарбия ва таълим олишига доир талабларга жавоб бермайдиган шароитда яшаётган болалар, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаролар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролар эканлиги кўрсатилган.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг меъёрий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ 5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги қарори алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қарор етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини руёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5216/0783-сон

механизмини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Унда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби ўрнатилди.

Шунингдек, қарорга биноан, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турмушини яхшилаш, касб-ҳунар ва бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган “коучинг” видео материаллар, мотивацион роликлар ва дарсликлар тўламлари билан ўқув-тарбия муассасалари Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Бундан ташқари, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, уларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олаётган ва тарбия қилаётган оилаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш мақсадида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ота-оналарининг яқин қариндошларига ушбу болаларни навбатсиз фарзандликка ёки оилага тарбияга (патронатга) олиш ҳуқуқи берилди.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш манбалари тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5215-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қарори муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қарорга кўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этилди, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши ҳамда ижтимоий мослашувини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5215/0782-сон



### **3-§. Етим болалар ҳуқуқини таъминлаш бўйича имтиёзлар**

Миллий қонунчилигимизда етим болалар ҳуқуқини таъминлаш бўйича алоҳида имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августда қабул қилинган ПФ-6275-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги фармони, ПҚ-5215-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup> ги ва ПҚ-5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup> ги қарорлари асосида белгиланган.

Аввало айтиш лозимки, бу имтиёзлар биринчи навбатда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ташкилий институционал йўналишини яратиш ҳамда давлатнинг етим болаларга нисбатан ғамхўрлигини таъминлашга қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони асосида болалар ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида дунё ҳамжамиятида янги тузилма - Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) институти таъсис этилди.

#### **Эслаб қолинг!**

Етим болалар ҳуқуқини лозим даражада ҳимоя қилишни амалга ошириш мақсадида Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъул этиб белгиланди.

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/6375/0781-сон

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5215/0782-сон

<sup>3</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5216/0783-сон



Шунингдек, етим болалар ҳуқуқини лозим даражада ҳимоя қилишни амалга ошириш мақсадида Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъул этиб белгиланди. Етим болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишни доимий таъминлаш ва назоратини олиб бориш учун Миллий гвардияда алоҳида кўмондон ўринбосари лавозими ва алоҳида бошқарма ташкил этилган бўлиб, улар болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Миллий гвардиянинг ҳарбий қисмлари, полигонлари, «чавандозлар мактаблари»да ҳарбий техникадан фойдаланиш, от спортига ўргатиш вазифалари билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августда қабул қилинган ПФ-6275-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги фармонига кўра, бола ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш мақсадида янги тузилма Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари (худудий комиссиялар) ташкил этилди.

Бундан ташқари, ушбу фармон асосида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал асосларини янада такомиллаштириш учун Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти таркибида Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти, туман (шаҳар) ҳокимликларида Болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси фаолият юритадиган бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари тегишлича Миллий комиссия ва худудий комиссияларнинг ишчи органи вазифасини бажаради.

Навбатдаги етим болалар ҳуқуқини таъминлаш бўйича имтиёзлар уларнинг таълим олишини ташкил этишга қаратилган. Чунончи, тарбияланувчилар Меҳрибонлик уйини битирганда Миллий гвардиянинг тавсияси асосида олий ўқув юртларига қўшимча квота асосида ўқишга қабул қилинади. Етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган иқтидорли талабалар стипендияси 50 фоизга оширилган ҳолда тўланади. Меҳрибонлик уйларидаги етим болаларга сабоқ бериш, уларни ахборот технологиялари, хорижий тиллар, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, спорт билан шуғулланишларини ташкил этиш бўйича янги методикалар ишлаб чиқилган, 14 ёшдан юқори ўғил-қизларни энг талаб юқори касбларга ўргатиш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/6375/0781-сон

қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги қарорига асосан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021/2022 ўқув йилида SOS - болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари битирувчиларига, шунингдек, йигирма беш ёшгача бўлган васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга қўшимча квоталардан фойдаланиш имконияти таъминланади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар)ни харид қилиш харажатларини қоплаб бериш тартиби белгиланди.

Ушбу қарорга кўра, Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ўқиш харажатларини компенсация қилиш тартиби ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги томонидан ҳар бир Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларига 2 тадан олийгоҳ ва спорт мактаблари бириктирилган бўлиб, бириктирилган ОТМ ректори Меҳрибонлик уйларига тарбиячилар тайёрлаш, кутубхона фондини бойитиш, болаларни ахборот технологиялари, хорижий тиллар, аниқ ва табиий фанларга ўргатиш ва уларни келгусида олийгоҳларга киришига кўмаклашиш муҳитини шакллантиришга, театр ва концертлар ташкил этишга масъул ва жавобгардир.

Олийгоҳларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳафтада камида икки кун ушбу тўғаракларга келиб, болаларни ўқитади. Бунинг учун, уларга алоҳида устама тўланади. Шунингдек, ректорлар Меҳрибонлик уйларининг ҳар бир тарбияланувчисига битирувчи курс аълочи талабаларини бириктириб, уларга мотивация бериб бориш амалиёти йўлга қўйилган. Бундан ташқари, шароити оғир бўлган Меҳрибонлик уйлари Президент

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5216/0783-сон

Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимликлари томонидан оталикқа олинган.

Етим болалар ҳуқуқини таъминлаш бўйича имтиёзлар тизимида моддий ва мулкӣ таъминот масаласи алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги қарорига асосан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби ўрнатилди. Унга биноан, ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, вояга етган етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади.

Шунингдек, ушбу қарорда кўрсатилишича, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар коллеж, академик лицей, техникум ва олий таълим муассасаларида ўқиётган даврида маҳаллий ҳокимликлар томонидан ажратилган уй-жойларда коммунал хизматларнинг меъёрий кўрсаткичлари бўйича фойдаланилган коммунал хизматлар учун тўловларнинг 50 фоизи тегишли туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан компенсация қилинади.

Етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни васийликка ва ҳомийликка олган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган оилаларга ушбу болалар 18 ёшга тўлгунига қадар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш микдорининг беш баравари микдорида моддий ёрдам пули берилади. Ногиронлиги бўлган болаларни васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган оилаларга Давлат бюджети маблағлари

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5216/0783-сон

ҳисобидан тўланадиган тўловлар базавий ҳисоблаш миқдорининг уч барабари миқдоригача тўланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган руйхат асосида оғир касалликка чалинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг республикада йўлга қўйилмаган жарроҳлик амалиёти бўйича хорижий давлатлардаги жарроҳлик операциялари билан боғлиқ харажатлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштириш жамғармаси ҳисобидан тўлиқ миқдорда компенсация қилинади.

Ҳаракатдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига кўра васийлик, ҳомийлик ва патронатга олинган болалар 18 ёшга тўлгунига қадар улар учун маҳаллий бюджетдан 1 миллион 200 минг сўм, ногиронлиги бўлганларга эса республика бюджетидан 2 миллион 500 минг сўм тўланади. Ногиронлиги бўлган етим болаларни ўз қарамоғига олган оилаларга уларнинг парвариши даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича моддий имтиёзлар тизими такомиллаштирилди. Хусусан, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган болаларга мактабга чиқиши учун 500 минг сўмдан маблағ берилади. Етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган иқтидорли талабалар стипендияси 50 фоизга оширилган ҳолда тўланади. Шунингдек, бундай талабаларга пенсия тўлаш муддати амалдаги 18 ёшдан 23 ёшгача узайтирилди. Уларга зарур адабиётлар сотиб олиши учун ҳар йили бир марта 1 миллион 200 минг сўм субсидия берилади.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бериладиган имтиёзлардан яна бир йўналиши - уларнинг бандлигини таъминлаш ҳисобланади. Ўқув-тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги шакллантирган етим болалар ва ота-она қарамоғидан

махрум бўлган болалар рўйхати асосида улар йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳар йили амалиёт ўтайди, техникум, коллеж ёки олий таълим муассасасига ўқишга кирмаган ҳамда касб эгаллаш истагидаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар “ишга марҳамат” мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ва масканларида касб-ҳунарга ўқитилади.

“Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурида белгиланган маблағлар ва тартиблар доирасида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уларнинг бизнес лойиҳаларида кўзда тутилган мақсадларга кредитлар навбатга қўйилмаган ҳолда ажратилади.

Яна бир имтиёзлар тури етим болаларнинг тарбиясига йўналтирилган бўлиб, унга биноан Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларига Миллий гвардиянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари, ҳар бир гуруҳга малакали офицер ва психологлар бириктирилади, логопед ва дефектологлар фаолият олиб бориб, улар етим болаларнинг тарбияси билан шуғулланади. Оилавий болалар уйлари ва Болалар уйларига ҳамда васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга (йигирма беш ёшга тўлмаган) Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчи ва ходимлари бириктирилади.

Бириктирилган ҳарбий хизматчи ва ходимлар васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда бир ойда камида бир марта етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан суҳбатлар ўтказиш асосида уларнинг таълим-тарбия олиш аҳволини ва маиший шарт-шароитларини ўрганади, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари кўллаш чораларини кўриб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5215-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қарорига

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5215/0782-сон

кўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этилди. Унга кўра, Миллий гвардияга етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш, ўқув-тарбия муассасаларида сифатли таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйиш, уларнинг маиший шарт-шароитлари яхшиланишига, шунингдек, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кумаклашиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ташкил этиш, замонавий усул ва шакллардан фойдаланган ҳолда жисмонан соғлом, маънавий етук ва дунёқараши кенг ёшларни шакллантириш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни спорт турларига қизиқтириш ва жалб этиш вазифалари билан шуғулланади.

Миллий гвардиянинг марказий девони тузилмасида ўқув-тарбия муассасаларида ёшларнинг таълим ва тарбия олиш жараёнларини ҳамда уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишга масъул Миллий гвардия кўмондонининг ўринбосари лавозими, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида “Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш” кафедраси фаолият кўрсатади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олаётган ва тарбия қилаётган оилаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни ота-оналарининг яқин қариндошларига навбатсиз фарзандликка ёки оилага тарбияга (патронатга) олиш ҳуқуқи берилди.

Демак, Меҳрибонлик уйларидаги болаларга тарбия бериш, уларни фан, IT-технологиялари, хорижий тиллар, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, спортнинг нуфузли турлари билан шуғулланишларини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тизим яратилган бўлиб, бу тизим орқали келгусида ушбу ўғил-қизлар орасидан «Темурбеклар мактаби» ўқувчилари ва Жамоат



хавфсизлиги университети тингловчилари, Ватанимизнинг чинакам посбонлари етишиб чиқишига эришилмоқда.

### **Назорат саволлари:**

1. *Етим бола ҳуқуқи тушунчасини таърифланг.*
2. *Етим бола ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?*
3. *Етим болалар манфаатини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асосларини гапириб беринг.*
4. *Етим болалар ҳуқуқини таъминлаш бўйича имтиёзлар нималардан иборат?*

### **Тест саволлари:**

#### **1. Етим бола тушунчасини аниқланг?**

- А. Отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган болалар тушунилади;
- Б. Боқувчисидан жудо бўлган ёки ота-онаси суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган болалар тушунилади;
- В. Отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган болалар тушунилади;
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

#### **2. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тушунчаси тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг?**

- А. Ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тушунилади;
- Б. Маълум сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тушунилади;
- В. Етим сифатида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тушунилади;
- Г. А ва Б жавоблар тўғри.

#### **3. Ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар тушунчасини аниқланг?**

- А. Қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар) тушунилади;
- Б. Етим болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи шахслар тушунилади;
- В. Етим болага нисбатан ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи шахслар тушунилади;

Г. Тўғри жавоб йўқ.

**4.Ўзбекистонда нечта Меҳрибонлик уйлари фаолият кўрсатади?**

А. 16 та;

Б. 18 та;

В. 21 та;

Г. 23 та.

**5.Ўзбекистонда нечта Болалар шаҳарчаси мавжуд?**

А. 4 та;

Б. 5 та;

В. 7 та;

Г. 9 та.

## VI БОБ. НОГИРОН БОЛА ҲУҚУҚИ

Ногирон бола ҳуқуқи тушунчаси. Ногирон болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи. Ногирон болаларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи. Ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

**Калит сўзлар:** ногирон, ногиронлар ҳуқуқи, ногирон бола, ногирон бола ҳуқуқи, жисмоний нуқсон, ақлий нуқсон, руҳий нуқсон, сенсор (сезги) нуқсон, ижтимоий ёрдамга муҳтож, ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган, тиббий реабилитация, протезлаш, ортезлаш, стационар даволаш-профилактикаси, стационар муассаса.

### 1-§. Ногирон бола ҳуқуқи тушунчаси

ЖССТ маълумотида кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг 10 % дан ортиғини ногиронлар ташкил этади. Шу сабабдан, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб турмуш тарзини яратишга қаратилган бир қатор халқаро конвенция ва қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Чунончи, ногиронлар ҳуқуқига бағишланган биринчи халқаро ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1975 йилда қабул қилинган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги декларация ҳисобланади. Ушбу ташкилот томонидан 2006 йилда “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция ва унга факультатив протокол қабул қилинган<sup>1</sup>.

ХМТ томонидан 1988 йилда қабул қилинган “Ногиронларнинг касбий реабилитацияси ва бандлиги тўғрисида”ги конвенция, 1993 йилда қабул қилинган “Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлашнинг стандарт қоидалари” ногиронларнинг ҳуқуқини белгиловчи кенг қамровли асосий халқаро ҳужжатлар ҳисобланади.

Ушбу халқаро ҳужжатлар ва улар асосида қабул қилинган миллий қонун ҳужжатларида, аввало, ногирон, ногирон бола тушунчаси келтирилган. Уларга биноан, ногирон бола деганда, жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан

---

<sup>1</sup> “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция.-Т.:Baktria press, 2013

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож шахс тушунилади.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган бола деганда, ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсони бўлган бола тушунилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бола деганда, юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан, ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар, етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар, муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар, кам таъминланган оилалардаги болалар, жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар, зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар тушунилади.

Бола ҳуқуқини тартибга солувчи миллий қонунларда ҳам ногирон бола тушунчаси берилган. Унга биноан, ногирон бола деганда, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсони бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож деб топилган бола тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»<sup>1</sup> ги қонунининг 4-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари сифатида ногиронларнинг кадр-қимматини, уларнинг мустақиллигини, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш; ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик; инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги; ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилиятини ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.10.2020 й., 03/20/641/1389-сон

объектлар ва хизматларнинг қулайлиги; ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлатнинг ҳаётига жалб этиш белгиланган.

Ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўлиб, ногиронларнинг камситилишига йўл қўймаслик юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш; ногиронлиги бўлган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш; ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини бошқа фуқаролар билан тенг равишда таъминлаш; ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлат ҳаётига жалб этиш; ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш масалалари бўйича жамиятда маърифий-тарбиявий ишларни ташкил этиш; ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш; давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш; ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзив таълим (мактабгача, мактабдан ташқари, умумий ўрта, ўрта махсус таълим) олиш имкониятини таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунига биноан, ногиронлик белгиси бўйича ҳар қандай камситиш тақиқланади. Тенг имкониятларни таъминлаш ва ногиронлик белгисига кўра камситилишига йўл қўймаслик учун давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ҳамда хизматлардан, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардан, соғлиқни сақлашдан, таълимдан, ишга жойлашишдан, шунингдек ахборотдан ва алоқа воситаларидан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат камситилишнинг барча шаклларида ногиронларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенг равишда ва самарали ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Ногирон болалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тажовузлардан ҳимоя қилиниш, ўз шахсий ҳаёти,

оиласи, уй-жойи ёки хат-хабарлари дахлсизлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга. Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг шахси, соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш чораларини кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг оилага ва оила муҳитига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириладиган ногиронлиги бўлган болалар сонини қисқартириш, уларнинг оилавий шароитларда ва ногиронлиги бўлган болаларни жойлаштиришнинг бошқа шакллари доирасида қариндошларини жалб этиш ҳисобидан муқобил парвариш қилинишини таъминлаш чораларини кўради. Давлат ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқача тарзда ёрдам беради ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлиги аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи ташкилотлар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари иштирокида уларга қулайлик яратиш учун жамоат транспортининг махсус воситалар билан жиҳозланишини, шу жумладан алоҳида жойлар жиҳозланишини, эшитиш қобилияти заиф бўлганлар учун ахборот таблолари ўрнатилишини ҳамда бекатларнинг овозли тарзда эълон қилинишини; шаҳар ва қишлоқ жамоат транспорти воситаларининг йўналишлари ҳамда кўрсаткичлари кескин фарқланувчи рангдаги йирик ҳарфлар билан тасвирланишини; йўловчи поездларининг вагонлари махсус ўринлар билан ва перронлар, шунингдек темир йўл вокзаллари махсус механик пандуслар билан жиҳозланишини; тўхташ майдончаларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда жиҳозлаш, шу жумладан уларга пандуслар ва тутқичлар ўрнатиш, транспорт воситасининг кириш эшиклари олдидаги майдончаларда тактил қопламаларини қўллаш, шунингдек электрон ахборот таблоларини ўрнатиш; пиёдалар ўтиш жойлари ва чорраҳаларини, кўчалар ҳамда умумий фойдаланишдаги йўлларни ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига мувофиқ мослаштириш; чорраҳаларда товушли ва визуал сигнализация тизимларини ўрнатиш; аэропортларда ва

аэровокзалларда, йирик темир йўл станцияларида, шунингдек метрода ногиронлиги бўлган шахсларни транспорт воситаларигача кузатиб бориш; ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус кутиш жойларини жиҳозлаш йўли билан таъминланади.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларга ахборот олиш ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни кенг омма учун мўлжалланган, қулай форматлардаги ва ногиронликнинг турли шакллари ҳисобга олинган технологиялардан фойдаланган ҳолда ахборот билан таъминлаш, одамлар ўртасидаги мулоқот воситалари сифатида имо-ишора тилидан, мулоқотнинг бошқа муқобил шаклларидан фойдаланилишига кўмаклашиш, ногиронлиги бўлган болаларга телевизион дастурлар, фильмлар, театр тадбирлари ва бошқа маданий тадбирларнинг улар учун қулай форматларда бўлишини, давлат телеканалларида янгиликлар кўрсатувларининг сурдотаржима ёки субтитрлар билан намойиш этилишини, коммуникациянинг муқобил шаклларидан (Брайль ҳарфларидан ва овозли шакллардан) фойдаланган ҳолда бадиий адабиётлар, мактаб дарсликлари, бошқа дидактик материаллар ва ўқитиш воситалари нашр этилишини таъминлайди.

Давлат органи ва ташкилотлар ногиронлиги бўлган болаларнинг моддий маданий мерос объектларидан, туристик ҳамда спорт объектларидан ва иншоотларидан, шунингдек дам олиш объектларидан фойдаланишини таъминлайди. Театрлар, музейлар, кинотеатрлар, ахборот-кутубхона муассасалари ва ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари ногиронлиги бўлган болалар фойдаланиши учун қулай бўлиши керак.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг моддий маданий мерос объектларидан, туристик ва спорт объектлари ҳамда иншоотларидан, шунингдек ташкилотнинг дам олиш объектларидан фойдаланишини таъминлаш мақсадида маданий, спорт ҳамда туристик тадбирларда иштирок этишига кўмаклашилади; нодавлат нотижорат ташкилотлари билан шерикликда маданий, спорт ва кўнгилочар тадбирлар

ўтказилишини ташкил этади; ногиронлиги бўлган болаларга спорт билан шуғулланиш, спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар яратади; ногиронлиги бўлган болаларнинг барча даражалардаги спорт тадбирларида иштирок этишини тарғиб қилиш ва рағбатлантиришда иштирок этади.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ташкилотлар ногиронлиги бўлган болаларнинг спорт иншоотлари объектларидан, дам олиш объектларидан, шунингдек туристик объектлардан фойдаланишини, шу жумладан бепул асосда фойдаланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. Давлат мулки бўлган спорт объектлари ва иншоотларининг спорт заллари ҳамда хоналарини ногиронлиги бўлган болаларга спорт билан шуғулланиш учун бепул асосда тақдим этилади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни ногиронлиги бўлган шахс деб топиш педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади. Текширувдан ўтказиш тиббий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн календарь кундан кечиктирмай тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ўтказилади. Тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтиш учун юборилган шахс тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан текширувдан ўтказиш куни тўғрисида тиббий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан икки иш куни ичида хабардор қилинади. Тиббий-ижтимоий экспертиза натижалари бўйича ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга қайта текширувдан ўтиш муддати билан - «Ногиронлиги бўлган болалар» тоифаси белгиланади.

### **Эслаб қолинг!**

Ногирон бола деганда, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсони бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож деб топилган бола тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сонли қарори билан тасдиқланган



«Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисида»ги низомга кўра, ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тиббий-ижтимоий экспертиза асосида ишлаб чиқилган ногирон учун энг мақбул реабилитация қилиш чора-тадбирлари комплекси бўлиб, у организмнинг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини, шунингдек ногироннинг меҳнат фаолияти муайян турларини бажаришга бўлган қобилиятини тиклашга, уларни компенсация қилишга қаратилган тиббий, касбий реабилитация қилиш чора-тадбирлари ҳамда реабилитация қилишнинг бошқа чора-тадбирларини рўёбга чиқаришнинг айрим турлари, шакллари, ҳажмлари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олади. Ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

## **2-§. Ногирон болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи**

Ногирон болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ушбу қонунларнинг тегишли моддалари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддаси <sup>1</sup>, “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция <sup>2</sup>нинг 24-моддасига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияда ҳар бир инсоннинг, унинг миллати, ирқи, эътиқоди, психофизик имкониятидан қатъи назар таълим олиш ва ўз имкониятини уйғун ривожлантириш асосий ҳуқуқи сифатида эътироф этилади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойиллари асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, “Таълим тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 30-36-бетлар

<sup>2</sup> “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция. -Т.:Baktria press, 2013

қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларида имконияти чекланган болаларнинг таълим олиши, уйғун ривожланиши, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланиши кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 29-моддасига асосан давлат махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади ҳамда бошқа чоралар кўради. Ушбу моддага кўра, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болалар улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари асосида таълим муассасаларида ўқиш, тарбия олиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва ҳоҳишларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота-оналари ўз ҳоҳиш-истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин.

Ногиронлиги бўлган болалар барча даражадаги таълим ташкилотларида таълим олиш ва ўз қобилиятини янада тўлиқроқ ривожлантириш учун бутун умри давомида таълим олиш ҳамда жамият ва давлат ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг инклюзив таълимини ривожлантиришни, уларнинг таълим олиши ва касбий тайёргарликдан, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини кафолатлайди. Таълим ташкилотлари давлат органлари билан биргаликда ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача, мактабдан ташқари ва умумий ўрта таълим олишини, шунингдек ўрта махсус таълим олишини таъминлайди.

Агар ногиронлиги бўлган болаларни таълим муассасаларида ўқитишнинг вақтинча имкони бўлмаса, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари ногиронлиги бўлган болаларнинг соҳага оид шифокорлар тавсиялари асосида ҳамда ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан уйда ўқитилишини таъминлайди. Ногиронлиги бўлган болаларни уйда ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг бепул умумий ўрта, мактабдан ташқари, ўрта махсус ва профессионал таълим олишини кафолатлайди. Ногиронлиги бўлган шахсларни тўловдан озод қилган ҳолда ёки имтиёзли шартлар асосида махсус ўқув қўлланмалари ва адабиётлар, шунингдек сурдотаржимонлар хизматларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга таълим бериш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш турли шаклларда, шу жумладан ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда, экстернат шаклида, шунингдек масофавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда, умумий типдаги таълим муассасаларида ва ташкилотларида, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, уйда, махсус гуруҳларда, синфларда ва яқка тартибдаги ўқув режалари бўйича ўқитиш йўли билан амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган болаларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш, уларда ижтимоий фаолликни шакллантириш, меҳнатга иштиёқ уйғотиш, уларни илм-фанга, техникага, санъатга ва спортга жалб этиш мақсадида таълим муассасалари ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабдан ташқари таълимдан фойдаланишини, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда, давлат органлари билан биргаликда таъминлаши шарт.

Имо-ишора тили Ўзбекистон Республикаси томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахслараро муомала воситаси сифатида эътироф этилади. Давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳар бири учун мосроқ бўлган тилларни,

мулоқот қилиш усуллари ва воситаларини ривожлантириш, Брайль алифбосини, муқобил ҳарфларни, нутқ ва оғзаки муомала кўникмаларини ўзлаштириш, шунингдек ўқитувчиларни ва мактаб ходимларини инклюзив таълим масалаларида ўқитиш, имо-ишора тилини ва Брайль алифбосини биладиган ногиронлиги бўлган ўқитувчиларни таълим муассасаларига ишга жойлаштириш ёрдамида ногиронлиги бўлган шахслар учун таълим тизимини такомиллаштириш чораларини кўради.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача таълими мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширилади. Мактабгача ёшдаги ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан зарур реабилитация ва абилитация қилиш чоралари амалга оширилади ҳамда уларнинг мактабгача таълим ташкилотларида бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Соғлиғининг ҳолати мактабгача таълим муассасаларида бўлишни вақтинча истисно этадиган ногиронлиги бўлган болалар учун кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус таълими, профессионал таълими таълим муассасаларида ва ташкилотларида, зарурият бўлганда эса ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мактабдан ташқари таълими болалар, ўсмирлар ижодиёт саройлари, уйлари, клублари ва марказларида, «Баркамол авлод» болалар мактабида, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, болалар мусиқа ва санъат мактабларида, студияларда, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасаларида амалга оширилади. Стационар даволаш-профилактика ёки реабилитация муассасаларида даволаш курсини ўтаётган ногиронлиги бўлган болалар учун мазкур муассасаларда ўқув машғулоти ташкил этилади.

Ногирон болаларнинг оиладаги таълими таълим муассасаларида, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, таълим олишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса, ота-онанинг ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахснинг истагини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бунда ота ёки

онага ёхуд ота ёки она ўрнини босувчи шахсга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда яққа тартибда таълим олишини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низомда белгиланган тартибда ва шартларда моддий таъминот ҳамда имтиёзлар берилди.

Таълим муассасалари, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасалари ногирон болаларнинг оилада таълим олишида ота-онага ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларга ёрдам кўрсатиши шарт. Стационар муассасада доимий равишда даволанаётган ногирон болалар учун ушбу муассаса томонидан тарбия ва таълимнинг ижтимоий-маиший ва меҳнат кўникмасини ҳосил қилиш уйғун ҳолда таъминланади.

### **3-§. Ногирон болаларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи**

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги халқаро конвенциянинг 27-моддасида ногиронлар бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилади. Инклюзив ва иштирок этиш имконияти бўлган шароитда ногирон ўзи танлаган ва эркин рози бўлган меҳнат фаолияти орқали турмуш кечирish учун пул ишлаб топиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқини сақлаб қолади<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига иш берувчи белгиланган минимал иш жойларига маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра, ходимларининг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхона, муассаса ва

---

<sup>1</sup> “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция. -Т.:Baktria press, 2013, 56-бет

ташкilotларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорида иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди.

### **Эслаб қолинг!**

Иш берувчи белгиланган минимал иш жойларига маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиши шарт.

Ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратишга доир маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорини бажармаганлик учун ташкilotнинг мансабдор шахси маъмурий жавобгарликка тортилади. Маъмурий жазо чорасининг қўлланилганлиги ташкilotни ногиронларни иш билан таъминлашга доир талабларни бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

Ногиронларнинг меҳнатидан фойдаланиш учун уларнинг эҳтиёжлари ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган корхоналар, цехлар ва участкалар ташкил этилиши мумкин. Кўзи ожиз ногиронлар шароити ўз имкониятларига мос келадиган ишлаб чиқаришда иштирок этишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ташкilotлар уйда ишловчи, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ногиронларга мазкур фаолиятни амалга ошириш учун яшашга мўлжалланмаган жойлар бериш, хом ашё олиш ва маҳсулотни сотишда зарур ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 25 январдаги 4-б-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкilotларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомга

асосан корхоналарда ногиронлар учун меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган, ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари яратилиши шарт.

### **Ёдда тутинг!**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимларининг сони 20 кишидан ортиқ бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларда ходимлар сонининг камида 3 % миқдорда иш жойининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди.

Ногиронлиги туфайли ногирон билан меҳнат шартномаси тузишни ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришни рад этиш, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш, ногиронни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди. Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин илгариги ишига ёки шунга тенг ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

#### **4-§. Ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш**

Ўзбекистон Республикасида ҳар ким меҳнат лаёқатини йўқотганида, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида “ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам, бошқа турларининг миқдори расман белгиланиб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас”, деб белгиланган. Ушбу қоида “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги халқаро конвенциянинг 28-моддаси талабларига тўла мос келади.

Ушбу конвенция 28-моддасининг “б” бандида таъкидланишича, иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқи ва бу ҳуқуқдан ногиронлик

белгиси бўйича камситилмасдан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этади ҳамда ушбу ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш ва рағбатлантириш учун ногиронларнинг, шу жумладан ногирон аёллар, қизлар ва кекса кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қашшоқлик кўламини қисқартириш дастурларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, ногиронларнинг пенсия, нафақа ва дастурларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш чораларини кўради”<sup>1</sup>, дейилган.

Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий ёрдамнинг пул тўловлари (нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар); реабилитация қилишнинг техник воситалари, сурдотехника, тифлотехника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия мосламалари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтирувчи аппаратлар ва сигнализаторлар, субтитрли ёки сурдотаржимали видеоматериаллар билан таъминлаш; тиббий, ижтимоий, касбий, жисмоний реабилитация қилиш бўйича хизматлар ва маиший хизматлар; транспорт хизматлари; дори воситалари билан таъминлаш каби турлари кўрсатилади. Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий ёрдам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими органлари, бошқа давлат органлари томонидан тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг хулосалари асосида кўрсатилади.

Ногиронлиги бўлган болалар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш, шунингдек дори воситалари, парвариш қилиш учун мўлжалланган тиббий буюмлар ва ногиронлиги бўлган болалар учун махсус шифобахш озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш ҳуқуқига эга.

Давлат ногирон болани ҳамда жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсони бўлган болани тарбиялаётган оилага моддий ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларга берилади. Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни

---

<sup>1</sup> Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция. -Т.: Vaktriapress, 2013



ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охирги чора ҳисобланади.

Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштириш ҳуқуқига эга. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари бўлиб васийлик ва ҳомийликни белгилаш; болани фарзандликка олиш; оилага тарбияга олиш (патронат); ихтисослаштирилган тарбия, даволаш, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуққа эга. Таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланиши учун мослаштирилган бўлиши керак.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади ҳамда бунга кўмаклашади. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади. Етим болага ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болага таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади. Давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болани жойлаштириш шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шарт-шароитларни таъминлайди.

Ногирон бола тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу профилактика, даволаш-ташхис қўйиш, реабилитация,

санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминлаш ва бошқа ёрдам турларини ўз ичига олади. Ногирон бола давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсони бўлган бола ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, ҳомийлик ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан, шунингдек ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағи ҳисобидан ижтимоий муҳофаза тизими муассасаларида сақланиши мумкин.

Ногирон боласи бор оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сонли “Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги фармони қабул қилиниб, уларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш жорий этилган.

“Болалиқдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги низомга кўра, ногирон болаларнинг нафақа олишига доир бир қанча имтиёзлар белгиланган. Бундай болаларга нафақалар тўлаш тартибини тизимлаштириш ва давлат бюджети ҳисобидан тўланадиган нафақалар миқдорини ошириш мақсадида “Болалиқдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида”<sup>2</sup> ги низом ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 8-сон, 73-модда

<sup>2</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz). ЎзРнинг “Болалиқдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги низоми

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қарорига асосан ногиронлиги бўлган болаларни васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган оилаларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган тўловлар базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида тўланади.

Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган руйхат асосида оғир касалликка чалинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг республикада йўлга қуйилмаган жарроҳлик амалиёти бўйича хорижий давлатлардаги жарроҳлик операциялари билан боғлиқ харажатлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштириш жамғармаси ҳисобидан тўлиқ миқдорда компенсация қилинади.

### ***Назорат саволлари:***

- 1. Ногирон борла тушунчасини айтинг.*
- 2. Ногирон болалар ҳуқуқига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни сананг?*
- 3. Ногирон болалар ҳуқуқи қайси миллий қонунлар билан тартибга солинади?*

### **Тестлар:**

**1. БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси қачон қабул қилинган?**

- а) 2006 йилда қабул қилинган;
- б) 2007 йилда қабул қилинган;
- в) 2008 йилда қабул қилинган;
- г) 2010 йилда қабул қилинган.

**2. Ногирон бола деганда кимни тушунасиз?**

- а) жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсони бор ногирон деб топилган ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож шахс;
- б) ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсони бор ногирон деб топилган ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож шахс;

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5216/0783-сон

в) жисмоний, ақлий ёки сенсор (сезги) нуқсони бор ногирон деб топилган ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож шахс;

г) б ва в жавоблар тўғри.

**3. Жисмоний ва руҳий нуқсони бўлган бола тушунчасини аниқланг?**

а) ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва руҳий нуқсони бўлган бола;

б) ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган ақлий, сенсор (сезги) ва руҳий нуқсони бўлган бола;

в) ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, сенсор (сезги) ва руҳий нуқсони бўлган бола;

г) тўғри жавоб йўқ.

**4. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болани муқобил жойлаштириш шакллари?**

а) васийлик ва ҳомийликни белгилаш; болани фарзандликка олиш; оилага тарбияга олиш (патронат); ихтисослаштирилган тарбия, даволаш, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш;

б) васийлик ва ҳомийликни белгилаш; оилага тарбияга олиш (патронат); ихтисослаштирилган тарбия, даволаш, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш;

в) васийлик ва ҳомийликни белгилаш; болани фарзандликка олиш; оилага тарбияга олиш (патронат);

г) б ва в жавоблар тўғри.

**5. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?**

а) 2020 йилда қабул қилинган;

б) 2009 йилда қабул қилинган;

в) 2011 йилда қабул қилинган;

г) 2015 йилда қабул қилинган;

## VII БОБ. ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК

Васийлик ва ҳомийлик тушунчаси. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари. Болага нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилаш тартиби. Васийлар ва ҳомийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Васийлик ва ҳомийликни тугатиш асослари.

**Калит сўзлар:** васийлик, ҳомийлик, бола, етим бола, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган бола, муомала лаёқати чекланган бола, болани оилада тарбиялаш.


### 1-§. Васийлик ва ҳомийлик тушунчаси

Бола ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилишда васийлик ва ҳомийликни тайинлаш алоҳида ўрин тутади. Васийлик ва ҳомийлик вояга етмаганлиги ёки соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган болалар, етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган болаларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 148-моддасида белгиланишича, ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоӣ ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1998, 5-6-сонга илова



Васийлик ва ҳомийлик муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, 2014 йил 2 январда қабул қилинган “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонун ҳужжатларида белгиланишича, васийлик деганда, ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли, ҳомийлик деганда эса, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек суд

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014, 1-сон, 1-модда

томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли тушунилади.

Васийлик ва ҳомийлик муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тушунчаси ҳам очиб берилган. Унга кўра, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар деганда, алоҳида ғамхўрликка, шунингдек ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож бўлган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота-онаси бўлган ҳамда болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғдираётган ёки уларнинг таъминоти, тарбия ва таълим олишига доир талабларга жавоб бермайдиган шароитда яшаётган болалар, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаролар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролар тушунилади.

Муассасаларнинг (мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим муассасалари, даволаш муассасалари), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари керак. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч кун ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши ва бунда боланинг ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши лозим.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оила (фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га берилиши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган

болалар учун тайинланган муассасалар (тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалар)га тарбияга берилиши лозим.

### **Эслаб қолинг!**

Васийлик деганда, 14 ёшга тўлмаган етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли тушунилади.

Демак, васийлик ва ҳомийлик органлари ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди, бундай болаларни ҳисобга олади ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган ҳар бир ҳолатга қараб, болаларни жойлаштириш шаклларини танлайди, шунингдек бундан буён уларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш шарт-шароитларини назорат қилиб боради.

### **Ёдда тутинг!**

Ҳомийлик деганда, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли тушунилади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган болани қабул қилган оила жойлашган ердаги васийлик ва ҳомийлик органлари васийликдаги ёки ҳомийликдаги боланинг ижтимоий ва психологик мослашувини таъминлаш мақсадида ушбу оилани кузатиб боришни амалга оширади. Оилани кузатиб бориш маслаҳат ёрдами, ҳуқуқӣ, ижтимоий, психологик-педагогик, тиббий ёрдам кўрсатишни кўзда тутди. Васийликка



ёки ҳомийликка муҳтож бўлган болаларни қабул қилган оилани кузатиб бориш бепул амалга оширилади.

## **2-§. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари**

Васийлик ва ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган болаларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик давлатнинг ғамхўрлиги остида унинг органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ўз вақтида аниқланиши, ҳисобга олиниши ва жойлаштирилишини таъминлаш; васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш; болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш; васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш; васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш; васийлик ва ҳомийлик соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш белгиланган.

Мамлакатимизда васийлик ва ҳомийлик қонунийлик, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат, васийлик ва ҳомийлик масалаларида индивидуал ёндашув, болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлиги, васийлик ва ҳомийликка доир мажбуриятларни қабул қилиш ва рад қилишнинг ихтиёрийлиги каби принциплар асосида амалга оширилади.

Боланинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари жумласига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим ва халқ таълими

вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киради.

Васийлик ва ҳомийлик бўйича фаолият туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан вояга етмаганларга нисбатан, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан эса, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган болаларга нисбатан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда васийлик ёки ҳомийлик белгилаш чоратадбирларини кўради.

Болаларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси алоҳида ўрин тутди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамаси васийлик ва ҳомийлик соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди; васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди; давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради; васийлик ва ҳомийликни белгилаш, шунингдек васий ва ҳомий тайинлаш тартибини белгилайди; васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкини ҳисобга олиш давлат реестрини ташкил этиш ва юритиш тартибини ҳамда унга киритиладиган маълумотлар рўйхатини белгилайди; васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини юритиш ва васий ёки ҳомий томонидан ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва халқ таълими, соғлиқни сақлаш вазирликларининг васийлик ва

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014, 1-сон, 1-модда

ҳомийлик соҳасидаги ваколатларига васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш; васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда иштирок этиш; болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш; васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларга муносиб турмуш ва таъминот шароитларини таъминлаш; васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи давлат муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш; ижтимоий ишлар соҳасида васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни маслаҳат ёрдами, ижтимоий-ҳуқуқий, психологик-педагогик, тиббий жиҳатдан комплекс қўллаб-қувватлашни таъминловчи мутахассислар тайёрлаш; оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш муассасалари тармоқларини, хизматларини, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларга ҳамда уларнинг оилаларига маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик, тиббий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш марказларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш; васийлик ва ҳомийлик соҳасида халқаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга ошириш каби функциялар кирди<sup>1</sup>.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари сифатида эса, васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш; васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш; васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги вазифаларни бажарувчи ҳудудий давлат бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилишни ҳамда мувофиқлаштириб боришни амалга ошириш; васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014, 1-сон, 1-модда

шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; давлат реестрини юритиш кабиларни санаб кўрсатиш мумкин. Туманлар, шаҳарлар ҳокимлари васийликни ёки ҳомийликни белгилаш ва тугатиш бўйича, шунингдек васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Васийлик ва ҳомийлик органларининг асосий вазифалари бўлиб васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳисобга олиш; васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг зарур ҳужжатларини тайёрлаш ва уларни жойлаштириш; васийликдаги ёки ҳомийликдаги ҳамда васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилишини, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг таъминоти, уларга тарбия ва таълим бериш шароитларини, шунингдек мол-мулки бут сақланишини таъминлаш устидан назорат қилиш ҳисобланади<sup>1</sup>.

Туман, шаҳар мактабгача таълим ва халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади; етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юритади, маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва халқ таълими вазирлигининг маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этади, шунингдек давлат статистика ҳисоботини тегишли давлат статистика органига қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этади; етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этади; ота-онасининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014, 1-сон, 1-модда

қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди; васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган ҳамда васийларга ва ҳомийларга қўйиладиган талабларга мос бўлган шахсларни танлашни ҳамда ҳисобга олишни амалга оширади; етим болаларга ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгилаш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди; етим болаларнинг ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турмуш ва таъминот шароитларини, шунингдек васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг турмуш шароитларини текширувдан ўтказди ҳамда бу ҳақда далолатнома тузади; етим болаларга ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланиши зарурлиги, шунингдек васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисида туман, шаҳар ҳокимига хулоса беради; васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларини юритади; васийлар ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга оширади, уларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларни тарбиялашни, уларнинг тиббий кузатувини ташкил этишда, таълим муассасаларига ҳамда ишга жойлаштирилишида ёрдам кўрсатади; етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришни, шунингдек уларнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлайди; васийликни ёки ҳомийликни тугатиш тўғрисида, васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш ҳақида туман, шаҳар ҳокимига илтимосномалар киритади; боланинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғилган ҳолларда уни ота-онасидан ёхуд ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан олиб қўйиш чора-тадбирларини кўради; вояга етмаганни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) тўғрисида ҳомийларнинг розилиги билан қарор қабул қилади; васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

қилиш масалалари юзасидан белгиланган тартибда ариза билан судга мурожаат қилади, мазкур масалалар юзасидан ишларни суд мажлисларида кўриб чиқишда иштирок этади; ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил равишда тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаш ёки уни бу ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисида судга зарур ҳолларда ариза билан мурожаат қилади; васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга тегишинча маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади; фуқароларга васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича маслаҳатлар беради; фуқароларнинг васийлик ва ҳомийлик масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан зарур чоралар кўради.

Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларни, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахсларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳисобини юритади; муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юритади, маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этади, шунингдек давлат статистика ҳисоботини тегишли давлат статистика органига қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этади; муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этади; муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди; васий

ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган ҳамда васийларга ва ҳомийларга қўйиладиган талабларга мос бўлган шахсларни танлашни ҳамда ҳисобга олишни амалга оширади; муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларга, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахсларга нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгилаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди; муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахсларнинг турмуш ва таъминот шароитларини, шунингдек васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг турмуш шароитларини текширувдан ўтказди ҳамда бу ҳақда далолатнома тузади; васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисида туман, шаҳар ҳокимига хулоса беради; васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритади; васийлар ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга оширади, уларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларни парвариш қилишни, тарбиялашни ва уларнинг тиббий кузатувини ташкил этишда ёрдам кўрсатади; васийликни ёки ҳомийликни тугатиш тўғрисида, шунингдек васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш ҳақида туман, шаҳар ҳокимига илтимосномалар киритади; васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига доир ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади, мазкур масалаларга доир ишларни суд мажлисларида кўриб чиқишда иштирок этади; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга тегишинча маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилади; фуқароларга васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича маслаҳатлар беради; фуқароларнинг васийлик ва ҳомийлик масалаларига доир

мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан зарур чоралар кўради.

Васийлик ва ҳомийлик органлари васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун ҳар ойда туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг яшаш жойи ва унинг мулкӣ аҳволи ўзгарган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари мазкур ўзгаришлар тўғрисида етти иш куни ичида туман, шаҳар ҳокимлигини хабардор этиши ҳамда унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини мазкур шахснинг янги яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига юбориши лозим. Бунда шахсий ҳужжатлар йиғмажилдининг кўчирма нусхаси васийлик ва ҳомийлик органининг архивида қолиши керак.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мазкур шахслар аниқланган кундан эътиборан етти иш куни ичида улар ҳақидаги маълумотларни ёзма шаклда васийлик ва ҳомийлик органларига юборади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган болалар аниқланган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотлар олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида уларнинг турмуш ва таъминот шароитларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувдан ўтказади.

Яшаш жойи Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятлари, туманлари, шаҳарлари ёки бошқа мамлакат бўлган васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органлари васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганлиги тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун улар ҳақиқатда турган жойдаги туман, шаҳар




ҳокимлигига тақдим этади; васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахс аниқланганлиги ҳақида унинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилади; васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органидан мазкур шахснинг ота-онаси ёки бошқа қариндошлари, турар жойи ва бошқа мол-мулки бор-йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олади; уларни яшаш жойига қайтаришга кўмаклашади.

### **3-§. Болага нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилаш тартиби**

Болаларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади. Васийлик ёки ҳомийлик васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг яшаш жойи бўйича, агар шахс муайян яшаш жойига эга бўлмаса, васий ёки ҳомийнинг яшаш жойи бўйича белгиланади.

Ота-она яшаш жойида вақтинча бўлмаганда, агар бола улар томонидан олти ойдан ортиқ муддатга қариндошлари ёки бошқа яқин кишиларининг васийлиги ёки ҳомийлиги ва назорати остида қолдирилган бўлса, ушбу шахсларнинг болага нисбатан васийлиги ёки ҳомийлиги белгиланади. Ота-она яшаш жойида олти ойдан кам муддат давомида вақтинча бўлмаганида, бола улар томонидан қариндошлари ёки бошқа яқин кишиларининг васийлиги ёки ҳомийлиги ва назорати остида қолдирилган бўлса, васийлик ёки ҳомийлик бу боланинг манфаатлари учун белгиланади.

Туман, шаҳар ҳокими васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг ёзма аризасига мувофиқ болага нисбатан васий ёки ҳомий тайинлайди. Васий ёки ҳомий тайинлашда унинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатлари, мажбуриятларни бажариш қобилияти, васий, ҳомий ва васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс ўртасидаги муносабатлар, васий ёки ҳомий оиласининг васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга муносабати, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг истаги инобатга олиниши лозим.



Васийлик ёки ҳомийлик белгилаш зарурлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай васий ёки ҳомий тайинланиши керак. Агар васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсга бир ой ичида васий ёки ҳомий тайинланмаган бўлса, васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажариш васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахс аниқланган жойдаги тегишли васийлик ва ҳомийлик органининг зиммасига вақтинча юклатилади<sup>1</sup>.

Васийлик ва ҳомийлик органи васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги маълумотларни олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, шунингдек соғлиқни сақлаш муассасаларига ёзма сўров юборади. Бунда васийлик ва

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014, 1-сон, 1-модда

ҳомийлик органи фуқаро тўғрисидаги фақат васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажариш қобилиятини аниқлаш имконини берадиган ахборот тақдим этишни талаб қилади. Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан олинган маълумотлар махфий бўлиб, улар ошкор қилинмайди.

Яшаш жойидан қатъи назар, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг қариндошлари, у яшаётган оила аъзолари, ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини узмасдан васийликка ёки ҳомийликка олаётган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари васий ёки ҳомий этиб тайинланишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Васий ва ҳомий тайинлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, собиқ фарзандликка олувчилар, ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни бажаришдан бўйин товлаган ёки лозим даражада бажармаган, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилган, фарзандликка олинганлар билан шафқатсиз муносабатда бўлган, сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлиш оқибатида бекор қилинган, ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилганлиги учун васий ёки ҳомийликдан четлатилган шахслар, қасддан жиноят содир этгани учун илгари судланган шахслар васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин эмас.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг қонуний манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, унга туман, шаҳар ҳокими қарори билан бир нечта васий ёки ҳомий тайинланиши ҳам мумкин. Бир нечта васий ёки ҳомий тайинланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бир вақтнинг ўзида барча васийлар ёки ҳомийлар томонидан амалга оширилади.



Бир нечта васий ёки ҳомий тайинланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсинг парвариш қилиш ва тиббий ёрдамни ўз вақтида олишига кўмаклашиш, шунингдек таъминот, тарбия ва таълим беришга доир мажбуриятлар васийлик ва ҳомийлик органларининг хулосасига мувофиқ васийлар ёки ҳомийлар ўртасида тақсимланади.

Зарурат бўлганда, васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг қонуний манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, туман, шаҳар ҳокими қарори билан бир шахс бир нечта васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга васий ёки ҳомий этиб тайинланиши

мумкин. Шахсни иккинчи ва ундан кейинги васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга васий ёки ҳомий этиб тайинлаш тўғрисидаги туман, шаҳар ҳокими қарорида бошқа шахс васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин эмаслигининг сабаби кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунининг 26-моддасида вояга етмаганларга нисбатан улар ота-онасининг ёки ўзининг аризасига кўра васий ёки ҳомий тайинлашнинг алоҳида тартиби белгиланган. Унга биноан туман, шаҳар ҳокими қарори асосида ота-онанинг узрли сабабларга кўра ўз ота-оналик мажбуриятларини бажара олмайдиган даври учун боласига васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризаси асосида васий ёки ҳомий тайинланиши мумкин, ушбу аризада аниқ шахс ва васий ёки ҳомий ваколатларининг амал қилиш муддати кўрсатилади.

Ота-онанинг ўз вояга етмаган боласига васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризаси болалар яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига берилади. Ота-онанинг ўз вояга етмаган боласига васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризасида ёзилган сана кўрсатилиши, улар аризани ўз қўли билан имзолаши ва нотариал тартибда тасдиқлатиши талаб этилади. Ота-она ўз вояга етмаган боласига васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризасини боланинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига янги ариза бериш йўли билан бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкин.

Ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганга ҳомий вояга етмаганнинг аниқ шахс кўрсатилган аризасига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан тайинланади. Туман, шаҳар ҳокими вояга етмаганнинг ота-онаси ёхуд ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганнинг ўзи кўрсатган шахсни васий ёки ҳомий этиб тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарорни фақат қонун ҳужжатларига ёхуд вояга етмаганнинг қонуний манфаатларига зид бўлган тақдирда қабул қилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган бўлсада, агар ота-онаси билан туриши боланинг қонуний манфаатларига жавоб бермаслиги ҳамда унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжудлиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланса,

вояга етмаганга нисбатан васий ёки ҳомий тайинланиши мумкин. Болага нисбатан васийлик ёки ҳомийлик тайинланганда васийлик ва ҳомийлик органи унинг оиласини ижтимоий-педагогик жиҳатдан реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганни оиласига қайтариш масалалари бўйича, агар бу унинг қонуний манфаатларига зид бўлмаса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

#### **4-§. Васийлар ва ҳомийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Васийлар ва ҳомийлар ўз васийлиги ва ҳомийлигидаги боланинг қонуний вакили бўлиб, унинг ўз ҳуқуқини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда кўмаклашади, шунингдек уларни учинчи шахслар томонидан бўладиган суиистеъмолликлардан ҳимоя қилади.

Васийлар ва ҳомийлар ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни унинг фикрини ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш усуллари мустақил белгилашга; ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни қонуний асосларсиз ўзида ушлаб турган ҳар қандай шахсдан, шу жумладан ота-онасидан ҳамда бошқа яқин қариндошларидан уни қайтариб беришни суд тартибида талаб қилишга; ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти, унга тарбия, таълим бериш ва унинг соғлиғини сақлаш бўйича ҳуқуқий, услубий, диагностика ва маслаҳат ёрдами олишга; ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахс мустақил равишда амалга оширишга ҳақли бўлмаган битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишга; зарур ижтимоий ёрдам олиш учун васийлик ва ҳомийлик органларига, таълим муассасаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат нотижорат ташкилотларига мурожаат қилишга; ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг даволаниши ва соғлиғини тиклаши мақсадида даволаш, санаторий-курорт муассасаларига йўлланмалар олиш учун соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш ҳуқуқларига эга.

Васийлар ва ҳомийлар ўзининг яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилиши; ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни тарбиялаши, унинг таъминоти, соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши, шунингдек унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши; ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиши учун шароитларни таъминлаши; алиментлар, пенсиялар, нафақалар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ижтимоий тўловлар тўлашни талаб қилиш юзасидан зарур чоралар кўриши; ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг ўзларига топширилган мол-мулкни асраб-авайлаши, мол-мулкнинг қиймати пасайишига йўл қўймаслиги ҳамда ундан фойда чиқаришга имкон туғдирмаслиги; васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларига дахл қиладиган ҳаракатларни амалга оширишда васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатларини олиши; ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкни бошқаришдан тушган даромадлардан ва бошқа мавжуд маблағларидан унинг таъминоти учун фойдаланиши; ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг парвариш қилинишини, тиббий кузатувини ва даволаш-профилактика муассасаларида даволанишини таъминлаши; васийлик ва ҳомийлик органларига ўз мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида ҳисоботлар тақдим этиши; ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахс стационарда даволаниш учун жойлаштирилганлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органларини хабардор қилиши; агар фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишга ёки муомала лаёқати чекланганлигига доир асослар бекор бўлган бўлса, ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиши; ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги вояга етмаган шахс билан бирга яшаши керак.

Ўз ҳомийлигидаги шахс билан бирга яшаётган ҳомийнинг яшаш жойини ўзгартириши васийлик ва ҳомийлик органининг

ёзма рухсати ва ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганнинг розилиги билан амалга оширилади. Ҳомийнинг ўз ҳомийлигидаги ўн олти ёшга тўлган шахсдан алоҳида яшашига, башарти бу ҳомийликдаги шахснинг тарбиясига, таъминотига ва таълим олишига, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига салбий таъсир кўрсатмаса, васийлик ва ҳомийлик органларининг ёзма рухсати билан йўл қўйилади. Ҳомий ўз ҳомийлигидаги шахсдан алоҳида яшаган тақдирда, унинг яшаш, таълим олиш шароитларини назорат қилиши, уни атрофдагиларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиши лозим.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги вояга етмаган шахснинг турар жойи мавжуд бўлмаган тақдирда, васий ёки ҳомий уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уни олиш бўйича чоралар кўриши, муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ҳомийлари уларни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол этишдан, чекишдан ҳимоя қилишга доир зарур чора-тадбирларни амалга ошириши лозим. Васийлик ва ҳомийлик бўйича мажбуриятлар бепул бажарилади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар ўзларига нисбатан ҳурмат билан ва инсоний муносабатда бўлиниши; ўзларининг таъминоти, тарбияси, таълим олиши ва соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиниши; ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши; ўз ҳуқуқлари ва ўзларига кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлар тўғрисида, шунингдек ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ҳамда воситалари ҳақида васийлик ва ҳомийлик органларидан ахборот олиш; таълим олишга, соғлиқни сақлашга, ижтимоий муҳофаза қилинишга бўлган ҳуқуқларини, шунингдек ўзларининг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан уйғун ривожланишига ёрдам берадиган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур ёрдам олиш ҳамда қўллаб-қувватланиш; агар бу васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид бўлмаса, ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари билан мулоқотда бўлиш; ўз шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотнинг махфийлиги таъминланиши; турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки турар



жойдан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қариндошлик фактига асосланган мулкӣ ҳуқуқлари таъминланиши; васийнинг ёки ҳомийнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар васий ёки ҳомий билан бирга яшаш ҳуқуқига эга.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар васийларнинг ёки ҳомийларнинг мол-мулкига нисбатан, васийлар ёки ҳомийлар эса, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкига, шу жумладан алиментлар, пенсиялар, нафақалар суммаларига ҳамда бошқа ижтимоӣ тўловларга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлмайди. Мол-мулк қонунда назарда тутилган асосларга кўра умумӣ мулк ҳуқуқи асосида васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга, васийларга, ҳомийларга тегишли бўлиши мумкин.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар ўз васийларининг ёки ҳомийларининг мол-мулкидан уларнинг розилиги билан фойдаланишга ҳақли. Васийларга ёки ҳомийларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкидан ўзларининг манфаатлари йўлида фойдаланиш таъқиқланади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкани бошқариш мол-мулкнинг жойлашуви бўйича белгиланади. Васийлар ўз васийлигидаги шахснинг пул маблағларини банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига қўйишга ҳақли. Васийликдаги шахснинг банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига қўйилган пул маблағларини васий томонидан сарфлаш фақатгина васийликдаги шахснинг таъминоти учун васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма рухсатига кўра амалга оширилади.

Соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳомийлари ўз ҳомийлигидаги шахснинг розилиги билан ҳомийликдаги шахснинг таъминотига ва маиший эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган маиший ёки бошқа битимлар тузади, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкани бошқаришни амалга оширади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан ҳады шартномаси тузишга йўл қўйилмайди. Суднинг фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ёки уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори бекор қилинган тақдирда ёхуд мерос қабул қилинганда мол-мулкни бошқариш бекор қилинади.

Васийлар ёки ҳомийлар ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкни уни сақлашни амалга оширган шахслардан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган кундан эътиборан уч иш куни ичида рўйхат бўйича қабул қилиб олиши шарт. Зарурат бўлган тақдирда, муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ва соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларнинг ҳомийлари ўз ҳомийлигидаги шахсларнинг мол-мулкни уларнинг илтимоси бўйича рўйхатга кўра қабул қилиб олишга ҳақли.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкнинг рўйхати васийлик ва ҳомийлик органи томонидан васий ёки ҳомий, тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс иштирокида тузилади. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкнинг рўйхати уч нусхада тузилади ва мол-мулк рўйхатини тузишда ҳозир бўлган шахслар томонидан имзоланади. Рўйхатнинг бир нусхаси васийга ёки ҳомийга топширилади, иккинчи нусхаси васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг васийлик ва ҳомийлик органи томонидан юритиладиган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида сақланади, учинчи нусхаси эса, давлат реестрига тегишли маълумотларни киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига юборилади.

Зарурат бўлганда, агар буни васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг қонуний манфаатлари талаб этса, васий ёки ҳомий ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкни ўзганинг қонунга хилоф эгалигидан талаб қилиб олиш ҳақида судга ариза бериши ёхуд ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан бошқа чоралар кўради.

Васийлар ва ҳомийлар ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг ўзига топширилган мол-мулкни асраб-авайлаши, мол-мулкнинг қиймати пасайишига йўл қўймаслиги ҳамда ундан фойда чиқаришга имкон туғдирмаслиги керак. Васий ва ҳомий томонидан мазкур мажбуриятларнинг бажарилиши ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Васийлар васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсати билан васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битимлар тузишга; мол-мулкни тақсимлашга; васийликдаги шахснинг мол-мулкни бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга гаровга ёки ижарага беришга; васийликдаги шахснинг турар жойини айирбошлашга; васийликдаги шахс номидан мерос ва (ёки) ҳадя олишдан воз кечишга ҳақли.

Васийлик ва ҳомийлик органи васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни тўлиқ ҳажмда қопланишини васийдан ёки ҳомийдан талаб қилиши шарт, васийлик ёки ҳомийлик тугатилганда эса, васийликдаги ёки ҳомийликдаги муомалага лаёқатли шахс талаб қилишга ҳақли. Васий ёки ҳомий томонидан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкни сақлашга ва васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкни бошқаришга доир мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганда (мол-мулкни яроқсиз ҳолга келтириш, лозим даражада сақламаслик, мол-мулкни белгиланган мақсад учун сарфламаслик, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкнинг қиймати пасайишига сабаб бўлган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш ва бошқалар) васийлик ва ҳомийлик органи бу ҳақда далолатнома тузиши ҳамда васийга ёки ҳомийга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга етказилган мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида талабнома тақдим этиши шарт.

Васийнинг ёки ҳомийнинг ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминотига доир харажатларининг

ўрни васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс маблағлари ҳисобидан қопланади, бу маблағлар етарли бўлмаган тақдирда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг таъминоти учун нафақа тайинлаш мақсадида тегишли органларга мурожаат қилиши мумкин.

Васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилиши устидан назорат васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ёхуд васийларнинг ёки ҳомийларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар васийнинг ёки ҳомийнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан тегишли васийлик ва ҳомийлик органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғилганлиги тўғрисида, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида ўзига маълум бўлиб қолган шахслар бу ҳақда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ҳақиқатда турган жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт. Бундай маълумотларни олган васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир зарур чоралар кўриши талаб этилади.


Васий ва ҳомий ўз мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда васийлик ва ҳомийлик органига ҳисобот тақдим этиб боради.

### **5-§. Васийлик ва ҳомийликни тугатиш асослари**

Васийлик васийликдаги шахс вафот этганда, вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлганда, вояга етмаган ота-онасига қайтарилганда, васийликдаги шахс фарзандликка олинганда, фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан тикланган ҳолларда тугатилади. Вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлганлиги сабабли васийлик тугатилгач, васийнинг мажбуриятларини бажарувчи шахс

белгиланган тартибда тайинланмаган ҳолда вояга етмаганнинг ҳомийси бўлиб қолади.

Ҳомийлик ҳомийликдаги шахс вафот этганда, ҳомийликдаги шахс вояга етганда, ҳомийликдаги шахс ота-онасига қайтарилганда, ҳомийликдаги шахс фарзандликка олинганда, фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда, вояга етмаган тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансипация), ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганда, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг соғлиғи яхшиланган ҳолларда тугатилади.



Васий ёки ҳомий ўз аризасига кўра мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Шунингдек, ҳомий боланинг талабига кўра ўз мажбуриятларини бажаришдан

четлатилади. Васийни ёки ҳомийни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги қарор туман, шаҳар ҳокими томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосига кўра қабул қилинади.



Боланинг васийси ёки ҳомийси ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилинган тақдирда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг истаги инобатга олинган ҳолда унга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа васий ёки ҳомий тайинланади ёхуд жойлаштиришнинг бошқа шакли белгиланади.

Васий ёки ҳомий мажбуриятларини бажарган шахс ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилинганлиги тўғрисида унга маълум бўлган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай васийлик ва ҳомийлик органига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этиши шарт.

Васий ёки ҳомий ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилган ҳолларда, уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги қарор туман, шаҳар ҳокими томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномаси асосида қабул қилинади. Васий ёки ҳомий ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлардан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фойдаланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсни назоратсиз ва зарур ёрдамсиз қолдирганда, васийлик ва ҳомийлик органлари уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун зарур чораларни кўриши керак.

### ***Назорат саволлари:***

- 1. Васийлик ва ҳомийлик тушунчасини айтинг.*
- 2. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари нималардан иборат?*
- 3. Болага нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилаш тартиби қандай?*
- 4. Васийлар ва ҳомийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?*
- 5. Васийлик ва ҳомийликни тугатиш асосларини санаб беринг.*

### **Тестлар:**

**1. Васийлик ва ҳомийлик муносабатлари қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?**

- а) Оила кодекси, ФПК, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонун;
- б) Оила кодекси, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонун;
- в) ФПК, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонун;
- г) Тўғри жавоб йўқ.

**2. “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган?**

- А) 2014 йилда қабул қилинган;
- Б) 2016 йилда қабул қилинган;
- В) 2018 йилда қабул қилинган;
- Г) 2013 йилда қабул қилинган;

**3. Васийлик неча ёшгача бўлган болаларга тайинланади?**

- а) 14 ёшга тўлмаган етим бола ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болага;

б) 12 ёшга тўлмаган етим бола ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болага;

в) 13 ёшга тўлмаган етим бола ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болага;

г) 16 ёшга тўлмаган етим бола ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болага.

**4. Ҳомийлик неча ёшгача бўлган болаларга тайинланади?**

а) 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган етим бола ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болага;

б) 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган етим бола ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болага;

в) 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган етим бола ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болага;

г) 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган етим бола ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болага.

**5. Васийлик ва ҳомийлик ким томонидан тайинланади?**

а) Фуқаролик ишлари бўйича туман суди томонидан;

б) Туман ҳокимлиги томонидан;

в) Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан;

г) Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан.



## VIII БОБ. БОЛАНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

Болани фарзандликка олиш тушунчаси. Болани оилага тарбияга олиш (патронат)

**Калит сўзлар:** фарзандликка олиш, патронат, вояга етган эркак, вояга етган аёл, ота-оналик ҳуқуқи, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғай ота, ўғай она, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган.

### 1-§. Болани фарзандликка олиш тушунчаси


Бола ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилишда фарзандликка олиш институти муҳим аҳамият касб этади. Фарзандликка олиш фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилади.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахснинг аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчи, васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади. Ака-ука ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасига кўра, вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчи бўлиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар; қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар; асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар; фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар; қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар фарзандликка олувчилар бўла олмайди. Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт,

ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустасно.



Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтари ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирма ва бошқа маълумотни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш таъқиқланади. Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига ҳилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Фарзандликка олишда турар жойидан қатъи назар фарзандликка олинувчининг қариндошлари; фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс; ака-ука, опасингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар; ўғай ота ва ўғай она; Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандидан ажралган шахслар устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

Ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади. Фарзандликка олишда боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органлари ёки суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги иш кўриб чиқиляётганда аниқланади. Агар бола фарзандликка олувчининг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

Агар бола эр-хотин томонидан фарзандликка олинмаётган бўлса, бунда хотин (эр)нинг розилиги талаб этилади. Агар эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлса ва эр (хотин)нинг турар жойи номаълум бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди.

Болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги талаб этилади. Ота-она боланинг муайян бир шахс томонидан фарзандликка олиншига розилик бериши ёки фарзандликка беришга розилик билдириб, фарзандликка олувчини танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органига ҳавола қилиши мумкин.

Ота-онанинг боланинг фарзандликка олиншига розилиги нотариал тасдиқланган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола жойлашган муассаса раҳбари томонидан ёки фарзандликка олиш амалга ошириляётган жойдаги ёхуд ота-она яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланган аризада баён этилган бўлиши керак, шунингдек фарзандликка олиш тўғрисида иш юритиляётганда бевосита судда баён этилиши мумкин. Суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар ота-она

боланинг фарзандликка олинишига берган розилигини қайтариб олишга ҳақли.

Фарзандликка олиш ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса; ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса; ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса; ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса, ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади.

Давлат болалар муассасаларининг тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш, агар уларнинг ота-онаси розилиги талаб этилмайдиган бўлса, шу муассаса маъмуриятининг розилиги билан амалга оширилади. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олиш мазкур бола доимий яшаётган давлатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фарзандликка олинаётган бола етим ва фарзандликка олувчининг яқин қариндоши бўлган ёки ўз ватанида турли сабабларга кўра фарзандликка олиниши мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олишда фарзандликка олинаётган боланинг Ўзбекистон Республикасига кириши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаши учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг рухсатномаси талаб қилинади.

Васийлик ёки ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш, агар унинг ота-онасидан розилик талаб қилинмайдиган бўлса, васий ёки ҳомийнинг розилиги билан амалга оширилади. Фарзандликка олиш тўғрисидаги биринчи қарор суд тартибида бекор қилингандан кейингина боланинг такроран фарзандликка олинишига йўл қўйилади.

Суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн кун ичида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари фарзандликка

олинаётганнинг туғилиши қайд этилган дафтарга зарур ўзгартиришлар киритиши лозим. Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши ёзилган дафтарга, агар бу ҳақда суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилган бўлса, унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилади. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади. Фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (ота-она қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларни йўқотади ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўлади.

Бола битта шахс томонидан фарзандликка олинган тақдирда, унинг манфаатини кўзлаб, боланинг шахсий номулкӣ ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар фарзандликка олувчи эркак бўлса, онасининг илтимосига кўра ёки агар фарзандликка олувчи аёл бўлса, отасининг илтимосига кўра сақланиб қолиши мумкин. Агар фарзандликка олинаётган боланинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, вафот этган отанинг ёки онанинг ота-онаси (бува ёки буви) илтимосига кўра боланинг шахсий номулкӣ ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар боланинг манфаатлари шуни талаб этса, вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошларига нисбатан сақланиб қолиши мумкин. Фарзандликка олиниши вақтида боқувчисини йўқотганлик учун пенсия ёки нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганлар фарзандликка олинган тақдирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қолади.

Фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 169-моддасида фарзандликка олишни бекор қилиш асослари белгилаб берилган. Унга кўра, фарзандликка олиш агар фарзандликка олувчи ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин

товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлса; ота-оналик ҳуқуқини сунистеъмол қилаётган бўлса; фарзандликка олинувчига нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлса; муттасил ичкиликбозликка ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлса бекор қилиниши лозим. Фарзандликка олинувчининг хулқ-атвори фарзандликка олувчининг шаъни ва қадр-қимматига путур етказаётган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олинувчи вояга етганидан кейин фарзандликка олиш бекор қилинишига йўл қўйилади.



Фарзандликка олинганнинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола фарзандликка олишни суд тартибида

бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга. Фарзандликка олишни бекор қилишга фақат суд тартибида йўл қўйилади. Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади. Суднинг фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб суд уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши лозим.

Фарзандликка олиш бекор қилинганда фарзандликка олинувчи бола билан фарзандликка олувчининг (фарзандликка олувчининг қариндошлари) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугатилади ҳамда бола билан унинг ота-онаси (ота-онанинг қариндошлари) ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тикланади.

Фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади. Боланинг ота-онаси йўқ бўлса, шунингдек болани ота-онасига бериш унинг манфаатларига зид бўлса, у васийлик ва ҳомийлик органлари қарамоғига берилади.

Суднинг ҳал қилув қарорида фарзандликка олинувчининг фамилияси, исми ва ота исмини сақлаш-сақланмаслиги кўрсатилиши керак. Ўн ёшга тўлган боланинг фамилияси, исми ва ота исми фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

## **2-§. Болани оилага тарбияга олиш (патронат)**

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган бола, шу жумладан тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилиши мумкин.

Болани оилага тарбияга олишни истаган шахс васийлик ва ҳомийлик органлари билан келишилган ҳолда болани олдиндан танлаб олади. Болани оилага тарбияга бериш унинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ўн ёшга тўлган болани унинг розилиги билан оилага тарбияга бериш мумкин.

Болани оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она

ўртасида тузилади. Болани оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувда болани таъминлаш, тарбиялаш, таълим бериш, тарбияга олган тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг болани тарбияга олган оилага нисбатан мажбуриятлари, шунингдек бундай келишувни бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак. Келишув тузилишидан олдин болани тарбияга олаётган шахснинг турмуш шарт-шароитлари ва оила аъзоларининг соғлиғи текширилади.

Болани оилага тарбияга беришда васийлик ва ҳомийлик органлари уларга бир йўла кийим-бош ва пойабзал беради, болани оилага тарбияга олган шахсга эса, оилага тарбияга олинган боланинг таъминоти учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб туради.


Болани тарбияга олиш тўғрисидаги келишув узрли сабаблар (касаллиги, оилавий ёки мулкӣ мавқеининг ўзгариши, тарбиясидаги бола билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқа сабаблар) мавжуд бўлса, боланинг тутинган ота-онаси ташаббуси билан, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг ташаббуси билан ёки бола ота-онасига қайтарилган ёхуд бола фарзандликка олинган тақдирда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин. Болани оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувни бекор қилишга оид низолар суд тартибида ҳал қилинади.

Оилага тарбияга берилган бола ўзига тегишли бўлган алимент, шунингдек пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш; уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки уй-жойдан фойдаланиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Оилага тарбияга берилган бола ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга бўлади.

Вояга етган ҳар икки жинсидаги шахслар тутинган ота-она бўлиши мумкин. Аммо, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар; суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар; қонун билан ўз зиммасига юклатилган



мажбуриятни лозим даражада бажармаганлиги учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар; илгари фарзандликка бола олган, лекин суд томонидан фарзандликка олиш бекор қилинган шахслар; қасддан қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар; соғлиғининг ҳолатига кўра болани тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар тутинган ота-она бўла олмайди.



Тутинган ота-онани танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади. Тутинган ота-она тарбияга олинган болага нисбатан васийлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

Болани тарбияга олган шахслар ўз ҳуқуқларидан ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятда, тарбиясидаги болага зарар

келтирган ҳолда фойдаланса, шунингдек уларни назоратсиз ҳамда зарур моддий ёрдамсиз қолдирса, васийлик ва ҳомийлик органи болани тарбияга олган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини қўзғатишга ҳақли бўлади. Васийлик ва ҳомийлик органлари оилага тарбияга берилган боланинг турмуш шароитини ва унинг тарбияланишини кузатиб боради.

### ***Назорат саволлари:***

- 1. Болани фарзандликка олиш деганда нима тушунилади?*
- 2. Болани оилага тарбияга олиш (патронат) тартиби қандай?*

### **Тестлар:**

#### **1. Фарзандликка олиш ким томонидан амалга оширилади?**

- а) суд томонидан амалга оширилади;
- б) васийлик органи томонидан амалга оширилади;
- в) ҳомийлик органи томонидан амалга оширилади;
- г) тўғри жавоб йўқ.

#### **2. Кимлар фарзандликка олувчи бўлиши мумкин?**

- а) вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар;
- б) муомалага лаёқатли эркак ёки аёллар;
- в) ҳуқуқ лаёқатига эга эркак ёки аёл фуқаролар;
- г) тўғри жавоб йўқ.

#### **3. Фарзандликка олиш қандай тартибда бекор қилинади?**

- а) фарзандликка олиш суд тартибида бекор қилинади;
- б) фарзандликка олиш туман ҳокимининг қарорига асосан бекор қилинади;
- в) фарзандликка олиш васийлик органи томонидан бекор қилинади;
- г) тўғри жавоб йўқ.

#### **4. Болани оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув кимлар ўртасида тузилади?**

- а) васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасида;
- б) туман ҳокимлиги билан тутинган ота-она ўртасида;
- в) фуқаролик ишлари бўйича туман суди билан тутинган ота-она ўртасида;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**5. Тутинган ота-онани танлаш ким томонидан амалга оширилади?**

- а) васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан;
- б) туман ҳокимлиги томонидан;
- в) фуқаролик ишлари бўйича туман суди томонидан;
- г) а ва б жавоблар тўғри.

## IX БОБ. БОЛА ХУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ

Бола ҳуқуқи кафолатлари тушунчаси. Бола ҳуқуқи кафолатларига доир давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Етим ва ногирон болалар ҳуқуқи кафолатлари. Оталикни белгилаш бўйича кафолатлар.

**Калит сўзлар:** кафолат, юридик кафолатлар, ижтимоий-сиёсий кафолатлар, ижтимоий-иқтисодий кафолатлар, ҳуқуқий асос, судга мурожаат қилиш, юридик жавобгарлик, оналик ва болалик, суд орқали ҳимоя қилиш, оталикни белгилаш.

### 1-§. Бола ҳуқуқининг кафолатлари тушунчаси

Бола ҳуқуқи кафолатлари деганда, боланинг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уни турли хил қонунга хилоф тажовузлардан муҳофаза қилиш, ушбу ҳуқуқ ва манфаатларни белгиланган тартибда амалда таъминлашга қаратилган қонунларда ўрнатилган чора-тадбирлар тизими тушунилади.

Бола ҳуқуқини кафолатлашнинг асосий мақсади ушбу ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ва бартараф этиш ҳамда уларни амалга оширилишини таъминлашдан иборат. Бола ҳуқуқининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бола ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи жорий қонунларда белгилаб берилган.

Бола ҳуқуқини кафолатлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси алоҳида ўрин эгаллайди. Асосий қонунимиз бола ҳуқуқини ҳимоя қилишда олий юридик кучга эга ҳужжат бўлиб, унга асосан давлат боланинг қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги, давлат ва жамият етим

болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш, уларнинг таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлаши, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантириши белгиланган. Асосий қонуннинг 78-моддасига кўра, фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир. Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.


Мамлакатимизда бола ҳуқуқининг махсус кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қабул қилинган махсус қонунларда белгиланган. Шу тоифа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунларни санаб кўрсатиш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасида ўрнатилишича, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади. Никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳамда ҳар тарафлама ҳимоядан фойдаланади. Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради. Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас.


Ушбу қонуннинг 11-моддасига биноан эса, ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд

орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Бола ҳуқуқининг кафолатларини мазмунига кўра қуйидагича туркумлаш мумкин: а) юридик кафолатлар; б) ижтимоий-сиёсий (ғоявий-мафкуравий) кафолатлар; в) ижтимоий-иқтисодий кафолатлар.



Бола ҳуқуқини таъминлашда юридик кафолатлар алоҳида аҳамият касб этади, уларнинг белгиланиши бевосита бошқа турдаги кафолатларнинг ҳам амалга оширилиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Юридик кафолат боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонунлар ва қонуности ҳужжатларида белгилаш орқали ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади.



Юридик кафолатларнинг мазмуни ўз ичига бола ҳуқуқини амалга ошириш тартиби ва қоидаларини мустакамлаш; бола ҳуқуқининг ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширишда давлат идоралари ва мансабдор шахслар масъуллигини белгилаш; бола ҳуқуқига дахл қилувчи ёки қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар юзасидан давлат-ҳуқуқий ҳимояни таъминловчи махсус меъёрлар (ариза, таклиф ва шикоят қилиш ҳуқуқи, юқори турувчи органга ва судга мурожаат қилиш ҳуқуқи)нинг белгиланиши; бола ҳуқуқини бузганлик учун юридик жавобгарликнинг белгиланганлиги (фуқаровий, интизомий, маъмурий, жиноий) кабиларни қамраб олади.

Бола ҳуқуқининг ижтимоий-сиёсий (ғоявий-мафкуравий) кафолатлари ҳар бир давлатнинг сиёсий тузумидан келиб чиқиб белгиланади. Маълумки, сиёсий тузум демократик ёки

бюрократик бўлиши мумкин. Шунга кўра бола ҳуқуқининг ижтимоий-сиёсий кафолатлари шу давлат сиёсатининг мақсади ва вазифалари; сиёсий плюрализм, яъни сиёсий фикрлар хилма-хиллиги даражаси; мавжуд сиёсий мафкураининг мазмун-моҳияти; барча жабҳаларда хурфикрлиликнинг мавжудлиги; диний эркинлик ва бағрикенглик (толерантлик)нинг таъминланганлиги; оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги; фуқароларнинг давлат органларига мурожаатининг тўсиқларсиз амалга оширилиши каби ҳолатларга бевосита боғлиқ бўлади.

### **Ёдда тутинг!**

Бола ҳуқуқи кафолатлари деганда, боланинг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уни турли хил қонунга хилоф тажовузлардан муҳофаза қилиш, ушбу ҳуқуқ ва манфаатларни белгиланган тартибда амалда таъминлашга қаратилган қонунларда ўрнатилган чора-тадбирлар тизими тушунилади.

Бола ҳуқуқининг ижтимоий-иқтисодий кафолатлари шу мамлакатдаги мавжуд иқтисодий муносабатларнинг мазмуни ва иқтисодий тараққиётининг даражасига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган кўп укладли итисодиётга таянадиган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий асоси мулк шакллариининг турли туманлиги, хусусий мулк ҳимоясининг кафолатланганлиги, ижтимоий маҳсулотнинг адолатли тақсимоти тамойилини белгилаб берадиган мулкрий муносабатлардан иборат.

Иқтисодий кафолатларни ўрнатишда давлат томонидан расмий тарзда мақбул истеъмол саватчаси ишлаб чиқилиши; ойлик иш ҳақи энг кам миқдорининг адолатли белгиланиши; давлат томонидан кам таъминланган болалар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши; барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва мулкрий ҳуқуқларнинг таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.



Давлат томонидан боланинг шахси, турар жойи дахлсизлиги, хат-хабарларининг сир тутилиши таъминланиши ҳамда болани эксплуатация қилишнинг барча шаклларида, хусусан, жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишдан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тажовузлардан, шахвоний шилқимликдан, жиноий фаолият билан, шунингдек фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этишдан ҳимоя қилиш таъминланиши лозим.

Болага ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун давлат томонидан зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш кафолатланиши керак.

Шунингдек, давлат томонидан соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлиғини сақлаш шароитлари яратиб берилиши, болаларга белгиланган ҳажмда бепул тиббий ёрдам кўрсатиш кафолатланиши лозим. Шу мақсадда боланинг соғлиғини сақлаш давлат томонидан қуйидаги воситалар орқали таъминланади: малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш; боланинг, унинг ота-онасининг саломатлигини назорат қилиш ва болалар касалликлари профилактикасини олиб бориш; болалар ва ўсмирларни даволаш-профилактика муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ҳамда даволаш; талаб даражасидаги сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишини назорат қилиш; боланинг физиологик хусусиятлари ва соғлиғи ҳолатига жавоб берадиган таълим олиш ҳамда меҳнат қилиш шароитини яратиш; касбга яроқлиликни аниқлаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳат бериш; санитария-гигиена таълими бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва рағбатлантириш; соғлиғининг ҳолати тўғрисида бола учун қулай бўлган тарзда зарур ахборотни тақдим этиш ва х.з.

## **2-§. Бола ҳуқуқи кафолатларига доир давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда болаларни ижтимоий-иқтисодий ва манавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим давлат дастурлари қабул қилинди. Хусусан, 1998 йилни «Оила йили», 2000 йилни «Оналар ва болалар йили», 2001 йилни «Соғлом авлод йили», 2010 йилни «Баркамол авлод йили», 2014 йилни «Соғлом бола йили», 2016 йилни «Соғлом она ва бола йили», 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши, «Соғлом авлод» (2000 йил), «Она ва бола» (2001 йил), «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2002 йил), Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурларининг қабул қилиниши ушбу масаланинг давлат сиёсати даражасидаги вазифа эканлигидан далолат беради. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2002 йилда ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти эътиборга моликдир.

Боланинг ҳаёти, таълим-тарбияси, маънавий ва ахлоқий камолоти, унинг баркамол шахс сифатида ўсиб улғайишига дахлдор бўлган барча масалалар давлатнинг муҳим вазифасидан бири сифатида ўзига хос аҳамият касб этади. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуни қабул қилиниб, унга кўра, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг турмуши сифатини ошириш, уларга жамият ҳаётида иштирок этишда тенг имкониятлар яратиш, ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятини кенгайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ушбу қонунга кўра, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига I ва II гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 52-сон, 596-модда

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланганлар; ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинганлар; етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар киритилди.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати умуминсоний ва умумэътироф этилган тамойиллар устуворлигини таъминлаш, бола ҳуқуқига оид миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ андозаларига мос равишда такомиллаштириш, халқаро шартномалар талабларини амалиётда ижросини бажариш йўналишларида амалга оширилмоқда. Бола ҳуқуқини таъминлашга қаратилган 100 дан ортиқ қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар орасида 2008 йил 7 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»<sup>1</sup>ги қонуни алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу қонунда белгиланишича, бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўлиб, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймаслик, боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш, болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш, болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш, боланинг илмий, техникавий ва бадий ижодкорлигини ривожлантириш, бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик қилиш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобланади<sup>2</sup>.

Бола ҳуқуқини таъминлаш мақсадида давлат ҳокимияти органлари тизимида махсус тузилмалар ташкил этилди. Масалан, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари таркибида “Ёшлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда

<sup>2</sup> Ўша жойда

сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссия”лари ташкил этилган. Уларнинг фаолият йўналиши сифатида ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш соҳасидаги дастурларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ишлаб чиқишда қатнашиш; ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ишга жойлаштириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича муаммоларни таҳлил қилиш ва бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш; ёшларни эстетик тарбиялашдаги ролини ошириш бўйича таклифлар киритиш; ёшлар билан ишлашнинг шакл ва усулларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни халқ депутатлари Кенгаши томонидан тайёрлаш ва кўриб чиқишда таклифлар киритиш; болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар устидан васийлик ва ҳомийлик, ёшларни касбга йўналтириш бўйича ишларни назорат қилиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти таркибида Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти, туман (шаҳар) ҳокимликларида Болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, бола ҳуқуқлари кафолатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унга риоя этилишини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш, васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш, болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/6375/0781-сон

таъминлаш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш механизмини яратиш ва такомиллаштириш, оилага тарбияга олинган (патронат) болаларнинг турмуш шароитини ва уларнинг тарбияланишини мониторинг қилиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун ажратилган маблағларнинг ўз эгаларига етказилиши устидан мониторинг ўрнатиш, тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, назоратсиз, қаровсиз ҳамда яшаш жойига эга бўлмаган болаларни аниқлаш ва уларни жойлаштириш чораларини кўриш азифалари юклатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари тегишлича Миллий комиссия ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органи вазифасини бажаради.

### **3-§. Етим ва ногирон бола ҳуқуқининг кафолатлари**

Бола ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларида етим ва ногирон болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Чунончи, ушбу қонун ҳужжатларида белгиланишича, давлат ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади. Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охириги чорадир.

Ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида бошқа болалар билан тенг иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланиши учун мослаштирилган бўлиши керак. Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади. Ногиронлик белгиланган пайтдан бошлаб бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган яқка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасасидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади. Етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади. Давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Ногирон болалар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу профилактика, даволаш-ташхис қўйиш, реабилитация, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдамлари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминланишни ва бошқа ёрдам турларини ўз ичига олади. Ногирон болалар давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикасининг

Давлат бюджети, ҳомийлик ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан, шунингдек ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий муҳофаза тизими муассасаларида сақланиши мумкин.

Давлат махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади. Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ногирон болалар улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилияти ва хоҳишига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота-оналари ўз хоҳиш-истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болани тарбиялаш ёки унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги қарорига асосан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини руёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5216/0783-сон

кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби ўрнатилди. Унга биноан, ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, вояга етган етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади, улар коллеж, академик лицей, техникум ва олий таълим муассасаларида ўқиётган даврида фойдаланилган коммунал хизматлар учун тўловларнинг 50 фоизи тегишли туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан компенсация қилинади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида болалар уйлари битирувчиларига, шунингдек, йигирма беш ёшгача бўлган васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга қўшимча квоталардан фойдаланиш имконияти таъминланади, уларга ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар)ни харид қилиш харажатлар қоплаб берилади.

Ўқув-тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳар йили амалиёт ўтайдилар, техникум, коллеж ёки олий таълим муассасасига ўқишга кирмаган ҳамда касб эгаллаш истагидаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўз тизимидаги “ишга марҳамат” мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ва масканларида касб-ҳунарга ўқитилади. “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурида белгиланган маблағлар ва тартиблар доирасида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган



болаларга уларнинг бизнес лойиҳаларида кўзда тутилган мақсадларга кредитлар навбатга қўйилмаган ҳолда ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг ташаббуси билан, етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни васийликка ва ҳомийликка олган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган оилаларга ушбу болалар 18 ёшга тўлгунига қадар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш микдорининг беш баравари микдорида моддий ёрдам пули берилади. Ногиронлиги бўлган болаларни васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган оилаларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган тўловлар базавий ҳисоблаш микдорининг уч баравари микдорида тўланади.

Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган руйхат асосида оғир касалликка чалинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг республикада йўлга қўйилмаган жарроҳлик амалиёти бўйича хорижий давлатлардаги жарроҳлик операциялари билан боғлиқ харажатлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштириш жамғармаси ҳисобидан тўлиқ миқдорда компенсация қилинади.

#### **4-§. Оталиқни белгилаш бўйича кафолатлар**

Мамлакатимизда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, ёш авлодни жисмонан ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни давлат томонидан муҳофаза қилиш кафолатланган.

Оталиқни белгилаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, оналик, оталиқ ва болалиқ давлат томонидан

муҳофаза қилиниши тўғрисидаги нормалар талаблардан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 60-моддасида боланинг насл-насабини белгилаш асослари кўрсатилган бўлиб, унга биноан боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади. Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади. Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади. Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, шунингдек бола туғилганлиги қайд этилгандан кейин ҳам берилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак

боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомиладорлик вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига беришга ҳақли.

Оталикни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин. Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, оталик суд тартибида белгиланиши мумкин. Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

### **Эслаб қолинг!**


Никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталик ота-онанинг биргаликдаги аризасига кўра, агар бола отасининг аризаси бўлмаса, суд тартибида белгиланади.

Оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади. Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 207-моддаси 3-қисмига биноан оталик никоҳда бўлмаган онадан бола туғилганда, боланинг туғилганлиги ФХДЁ органларида қайд этилганда, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада боланинг отаси ҳақидаги ёзув отанинг ёки онанинг фамилияси бўйича, отанинг исми ва миллати, онанинг кўрсатмаси асосида белгиланади. Туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида боланинг отаси тариқасида аниқ бир шахс кўрсатилган бўлса, ФХДЁ органлари томонидан оталик тўғрисида киритилган маълумот (ёзув)

боланинг унда кўрсатилган шахсдан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади.

Оталикни белгилаш, оталик факти ва оталикни тан олганлик факти тушунчаларини фарқлаш лозим. Оталикни суд тартибида белгилаш болаларга нисбатан отаси деб тахмин қилинаётган шахс ҳаёт бўлганда йўл қўйилиши тушунилади. Оталик фактини белгилаш болаларга нисбатан боланинг отаси деб тахмин қилинадиган шахс вафот этган тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига кўра белгиланиши тушунилади.



Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишни кўришга тайёрлаш жараёнида томонларнинг ўзаро ҳақиқий муносабатларини аниқлаш мақсадида, суд даъвогар ва жавобгарни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 159-моддаси талабларига мувофиқ суҳбатга чақиради. Агар суҳбат давомида ёки суд муҳокамаси жараёнида жавобгар боланинг отаси эканлигини тан олса, суд томонларга Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 61-моддаси 1-қисмига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига биргаликда ариза бериш йўли билан оталикни ихтиёрий равишда расмийлаштириш

мумкинлигини тушунтиради ва бунинг учун тарафларга маълум муддат белгилайди.

Вояга етмаган ота-оналар ўз оталиги ва оналигини умумий асосларда тан олиш ёки бунга эътироз билдириш ҳуқуқига эгадир (Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 72-моддаси 3-қисми). Шу билан бирга, никоҳда бўлмаган вояга етмаган она томонидан оталикни белгилаш ҳақида даъво қўзғатилган тақдирда, худди шунингдек, бундай даъво вояга етмаган шахсга нисбатан берилганда, судлар вояга етмаган даъвогар ёки жавобгарга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мақсадида ишда қатнашиш учун уларнинг ота-оналари (васийлари, ҳомийлари)ни жалб қилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 38-моддаси).

Ота-она ва боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзанд туғилиши билан вужудга келишини назарда тутган ҳолда оталикни белгилашда жавобгар боланинг онаси билан биргаликда яшаганлиги, уларнинг умумий рўзғор юритганлиги ёки болани биргаликда тарбиялаганлиги, моддий жиҳатдан таъминлаганлиги ёхуд жавобгар ўз оталигини тан олганлиги ва бошқа ишончли далиллар мавжудлиги эътиборга олинади.

Боланинг онаси жавобгар билан биргаликда яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги оилавий муносабатга хос қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги билан тасдиқланиши мумкин: бир турар жойда истиқомат қилиш ва биргаликда хўжалик юритиш; ўзаро ғамхўрлик қилиш ва биргаликда яшаш учун зарур мол-мулкларни харид қилиш; жавобгар ва даъвогарнинг ўзаро эр-хотиндек муносабатда бўлганлиги ва бошқа ҳолатлар. Бола туғилганига қадар биргаликда яшаш ва умумий рўзғор юритишнинг тўхтатилиши оталикни белгилаш ҳақидаги талабни рад қилишга етарли асос бўла олмайди. Шу сабабдан, ҳомила бошланиши қайси даврга тўғри келиши ва бу давр тарафларнинг биргаликда яшаган ёки муносабатда бўлган вақтига тўғри келиш-келмаслиги текширилади.

Боланинг онаси ва жавобгарнинг биргаликда яшаши, жавобгарнинг бола билан мулоқотда бўлиб, унга нисбатан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиши болани биргаликда тарбиялаш,

деб тушунилади. Боланинг онаси ва жавобгар томонидан биргаликда таъминлаб келиниши деганда, бола уларнинг қарамоғида бўлганлиги ёки жавобгар томонидан болани боқиш учун моддий ёрдам кўрсатиб келганлиги тушунилади.

Тақдим этилган далиллар жавобгарнинг оталигини белгилаш учун етарли бўлмаса, ҳақиқатни аниқлаш ва хатоликка йўл қўймаслик мақсадида ёхуд томонларнинг талаби асосида тегишли суд-тиббиёт одам ДНКси бўйича суд-биологик экспертиза ўтказиш мумкин. Оталикни белгилашда қоннинг биологик экспертизаси хулосаси, жавобгарнинг ота бўла олиш қобилияти ҳақидаги экспертиза хулосаси, ҳомила пайдо бўлиш даврини аниқлаш бўйича экспертиза хулосаси ва одам ДНКси биологик экспертизаси хулосалари муҳим аҳамиятга эга.

Одам ДНКси бўйича суд-биологик экспертизаси тайинлашда эксперт мутахассислар муҳокамасига қуйидаги саволлар қўйилади: а) кўрсатилган шахс шу боланинг биологик отасими ёки йўқми? б) мазкур шахс шу боланинг биологик онасими ёки йўқми? в) шу бола кўрсатилган ота-она (В ва С)нинг биргаликдаги ҳаёти (жинсий яқинлиги) маҳсулими ёки йўқми?

Оталикни белгилаш ҳақидаги ҳолатни ФХДЁ органларида қайд этиш учун зарур бўлган маълумотлар (ота-онанинг фамилияси, исми-шарифи, уларнинг туғилган йили, ойи, куни ва жойи, миллати, доимий яшаш ва ишлаш манзили, отаси кимлиги аниқланаётган боланинг фамилияси, исми, туғилиш санаси ва жойи) кўрсатилиши лозим.

Қонунда оталикни белгилаш бўйича даъво муддати чегараланмаганлиги сабабли, суд томонидан оталикни белгилаш масаласи бола туғилгандан кейин, барча даврда кўриб ҳал этилиши мумкин. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 62-моддаси 2-қисми талабига асосан 18 ёшга тўлган болага нисбатан оталикни белгилаш фақат, унинг (боланинг муомала лаёқати чекланган бўлса, унинг васийси ёки васийлик ва ҳомийлик органи) розилигига кўра амалга оширилиши мумкин. Оталикни белгилаш бўйича ишларни судда кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2001 йил 1 июндаги 6-сон "Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар

томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Бола ҳуқуқининг кафолатлари тушунчасини айтиб беринг.
2. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ҳуқуқларининг кафолатланганлиги нималардан иборат?
3. Оталикни белгилаш кафолатларини тушунтириб беринг.

### **Тестлар:**

#### **1. Бола ҳуқуқи кафолатларининг турларини аниқланг?**

- а) юридик кафолатлар, ижтимоий-сиёсий кафолатлар, ижтимоий-иқтисодий кафолатлар;
- б) юридик кафолатлар, мафкуравий кафолатлар, ижтимоий-иқтисодий кафолатлар;
- в) юридик кафолатлар, ижтимоий кафолатлар, иқтисодий кафолатлар;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**2. Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?**

- а) 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган;
- б) 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган;
- в) 2017 йил 26 январда қабул қилинган;
- г) 2019 йил 24 августда қабул қилинган.

**3. Никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталик ким томонидан белгиланади?**

- а) никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталик суд тартибида белгиланади;
- б) никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталик васийлик органи томонидан белгиланади;
- в) никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталик ҳомийлик органи томонидан белгиланади;
- г) тўғри жавоб йўқ.

#### **4. Оталикни белгиловчи давлат органларини аниқланг?**

- а) ФХДЁ, фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари;
- б) Васийлик ва ҳомийлик органлари, ФХДЁ, фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари;

- в) Туман (шаҳар) хокимликлари, ФХДЁ, фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари;
- г) тўғри жавоб йўқ.



## **Х БОБ. БОЛА ХУҚУҚИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК**

Бола ҳуқуқини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Бола ҳуқуқини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик. Бола ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқий норма, жиноят, жазо, юридик жавобгарлик, интизомий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик.

### **1-§. Бола ҳуқуқини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари**

Бола ҳуқуқи муносабатлари соҳасида ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан юридик жавобгарликка тортиш назарда тутилган, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Бола ҳуқуқини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий ва жиноят қонунчилиги нормаларини бузиш оқибатида келиб чиқади. Шунга кўра, бола ҳуқуқи муносабатлари соҳасида маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликлар содир этилади.

Бола ҳуқуқи муносабатлари соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Боланинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарлик туридан бири тухматдир. Тухмат деганда, била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш тушунилади (МЖтКнинг 40-моддаси). Тухмат боланинг шаъни ва кадр-қимматига салбий таъсир этади, уни маънавий жиҳатдан озобланишига сабаб

бўлади, оиласи ва жамоатчилик олдида обрўсизланишига олиб келади.

Бола ҳуқуқини бузадиган ҳатти-ҳаракат сифатида ҳақорат қилиш навбатдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тури ҳисобланади. Ҳақорат қилиш боланинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситишдир (МЖТКнинг 41-моддаси). Ушбу ҳуқуқбузарлик оқибатида бола руҳан эзилади ва унга маънавий зиён етказилади, обрўсига путур етади.



Боланинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимаслик унинг манфаатларига қарши қаратилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқбузарлик тури боланинг конституциявий ҳуқуқини бузилишига, давлат тили қонунчилиги талабларининг тامينланмаслигига, тўла қонли таълим олишига монелик қилинишига, боланинг она тилининг камситилишига сабаб бўлади.

Бола ҳуқуқини бузувчи ножўя қилмишлардан бири боланинг мурожаат қилиш ҳуқуқини бузиш ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқбузарлик боланинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий тарзда рад этиш, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилиш, шунингдек боланинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорни реал бажаришни таъминламаганлик орқали содир этилади. Боланинг мурожаат қилиш ҳуқуқини бузиш у томонидан давлат органларига тақдим этилган ариза, таклиф ва шикоятларда кўтарилган масалаларнинг ижобий ҳал қилинмаслиги, мурожаатда кўрсатилган ҳуқуқларнинг таминланмаслигига сабаб бўлади.

### **Эслаб қолинг!**

Бола ҳуқуқи муносабатлари соҳасида ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан юридик жавобгарликка тортиш назарда тутилган, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 45-моддасида турар жой дахлсизлигини бузиш ҳуқуқбузарлиги кўрсатилган. Бу ҳуқуқбузарлик турар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кириш ҳатти-ҳаракати орқали содир этилади. Турар жой дахлсизлиги ҳуқуқини бузиш боланинг эркинлигига тажовуз қилувчи, қонунсиз асосларда уйда тинтув ўтказилиши, уни турли гумон ва шубҳалар остида қолишига сабаб бўладиган ҳолатлардир. Бу каби ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига путур етказди ва шу сабабдан улар ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 52-59-моддаларида соғлиқни сақлаш

соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар санаб кўрсатилган. Шулардан биринчиси енгил тан жароҳати етказиш ҳуқуқбузарлигидир (МЖТКнинг 52-моддаси). Унга кўра, енгил тан жароҳати эҳтиётсизлик орқасида ва қасдан етказилиб, аммо бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувиغا ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқбузарлик натижасида бола соғлиғига путур етади, маълум муддатга меҳнат қобилияти йўқотилади, унга моддий ва маънавий зарар келтирилади.



Бола ҳуқуқини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг кўпчилиги жиноий қилмишлар оқибатида вужудга келади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида бола ҳуқуқини бузувчи жиноятлар турлари кўрсатилган. Инсон ҳуқуқига тажовуз қилувчи энг мудҳиш жиноятлардан бири – она томонидан ўз боласининг ўлдирилишидир. Демак, онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши бола ҳуқуқига тажовуз қилувчи ўта ашаддий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бу жиноят она томонидан ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон


қасддан ўлдириши ҳаракатида намоён бўлади. Ушбу ҳуқуқбузарлик боланинг яшаш ҳуқуқига тажовуз қилади, табиатнинг буюк неъматини ҳисобланган фарзанд манфаатига зарар етказди, инсоният шаънига доғ туширади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш бугунги кунда ижтимоий ҳаётда учрайдиган бола ҳуқуқини бузувчи жиноятлардан биридир. Бола ҳуқуқини бу тарзда бузиш моддий томондан ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш орқали содир этилади. Бола ҳуқуқини бу тарзда бузиш моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилиши ҳам мумкин. Бу ҳуқуқбузарлик натижасида бола руҳан азобланади, ўзини камситилган деб ҳисоблайди, руҳан тушқинликка тушади, ўз жонига қасд қилади.

Бола ҳуқуқини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарликлардан бири бу қийнаш жиноятидир. Ушбу ҳуқуқбузарлик муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш, вояга етмаган шахсга нисбатан, ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан, ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилади. Бу ҳуқуқбузарликнинг хавфлилиги шундаки, у ёш болаларга, аёлларга, жисмоний нуқсонли бор инвалидларга нисбатан уларнинг ожизлигини била туриб содир этилиб, инсон ҳуқуқини таҳқирлашга сабаб бўлади.

Бола ҳуқуқини бузувчи ҳатти-ҳаракат сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 117-моддасида хавф остида қолдириш ҳуқуқбузарлиги белгиланган. Бола ҳуқуқини бузувчи бу ҳуқуқбузарлик ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига, ўлимга сабаб бўлган ҳатти-ҳаракатлар орқали содир этилади. Бу жиноий ҳуқуқбузарлик туфайли боланинг ҳаёти, соғлиғига тажовуз

қилинади, танаси аъзоларига шикаст етказилади, у маънавий ва руҳий азобда қолади.



Бола ҳуқуқини бузишга қаратилган энг хавфли ҳуқуқбузарликлардан бири номусга тегиш жиноятидир. Номусга тегиш ҳуқуқбузарлиги зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилишдир. Агар номусга тегиш ҳуқуқбузарлиги икки ёки бир неча шахсга нисбатан, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари шу жиноятни содир этган шахс томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан, ўлдириш билан кўрқитиш орқали, шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда, яқин қариндошга нисбатан, оммавий тартибсизлик қатнашчиси томонидан, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, оғир оқибатларга олиб келган бўлса, шунингдек бу жиноятнинг шахснинг ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқбузарлик инсон шаънининг топталишига, соғлиғига зарар етказилишига, маънавий ва руҳий азобланишига, тушқинликка тушиб қолишига, одамлар орасида шарманда бўлишига, ҳаётда яшаш орзу-

умидидан нобахраманд бўлишига сабаб бўлади. Шу сабабдан, ушбу ҳуқуқбузарлик бола ҳуқуқини бузувчи оғир жиноят ҳисобланади.

Бундан ташқари, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (ЎзР ЖКнинг 119-моддаси), бесоқолбозлик (ЎзР ЖКнинг 120-моддаси) ҳуқуқбузарликлари ҳам бола ҳуқуқини бузишга қаратилган оғир жиноятлар сарасига киради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида болани алмаштириб қўйиш жинояти инсон ҳуқуқига тажовуз қилувчи оғир ҳуқуқбузарликлардан бири сифатида белгиланган (ЎзР ЖКнинг 124-моддаси). Бу жиноят тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан содир этилиб, унинг оқибатида боланинг ота-онаси, яқин қариндошларига оғир маънавий ва руҳий шикаст етказилади, боланинг оилавий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини, ўз ота-онасининг меҳридан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини тaminлаш мураккаб аҳволда қолади.

Боланинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш бола ҳуқуқини бузишга қаратилган энг оғир жиноятлардан биридир (ЎзР ЖКнинг 133-моддаси). Бу ижтимоий хавfli қилмиш шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз илмий ишлар ёхуд таълим ишлари учун трансплантация қилиш ёки бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) мақсадида мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш орқали содир этилади.

Ҳаракатдаги миллий қонунларимизга кўра, мамлакатимизда эвтаназияга рухсат берилмайди, инсон аъзоларини вафот этгандан сўнг ажратиб олишга фақат унинг ёки қариндошларининг розилиги билангина йўл қўйилади. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши боланинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий шикаст етказди, унинг мурдасининг таҳқирланишига сабаб бўлади. Шу сабабдан, бу каби жиноий ҳатти-ҳаракатлар бола ҳуқуқини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади.

Одам савдоси бола ҳуқуқини таҳқирловчи энг оғир жиноятлардан бири ҳисобланади. Одам савдоси одамни олиш-

сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ҳатти-ҳаракатлари орқали содир этилади.


Одам савдосининг ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали, икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан, айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда, киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида, ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан, жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Боланинг шаъни, кадр-қимматини таҳқирловчи ушбу ҳуқуқбузарлик уни қулликка тушиб қолишига, оғир жисмоний меҳнатга жалб қилинишига, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг бузилишига, мажбурий жинсий яқинлик қилинишига, ҳаёти ва соғлиғининг хавф остида қолишига олиб келади.

Бола ҳуқуқини бузишга қаратилган энг оғир ҳуқуқбузарликлардан бири одам ўғирлаш жиноятидир (ЎЗР ЖКнинг 137-моддаси). Ушбу жиноятнинг вояга етмаган шахсга нисбатан, ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади. Одам ўғирлаш жинояти боланинг ҳаёти, соғлиғини хавф остида қолдириши, унинг тана аъзоларини ажратиб



олиниши, одам савдосининг объектига айланишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабдан, ушбу ҳуқуқбузарлик бола ҳуқуқини бузадиган оғир жиноят сифатида эътироф этилади.



Боланинг турар жойи дахлсизлигини бузиш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, виждон эркинлигини бузиш каби жиноятлар ҳам бола ҳуқуқини бузувчи ҳуқуқбузарликлардан ҳисобланади.

## **2-§. Бола ҳуқуқини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик**

Бола ҳуқуқини бузганлик учун юридик жавобгарлик деганда, унинг саломатлигига зарар етказиш, вақтинчалик ёки доимий равишда меҳнат қобилиятини йўқотиш, енгил, ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказиш, шаъни, қадр-қимматини камситиш, қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини амалга оширишни бузишга қаратилган ҳаракат ва ҳаракатсизлик учун жазо чоралари тизими тушунилади.

Ҳаракатдаги қонунчиликка кўра, бола ҳуқуқини таминлаш соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун бошқа ҳуқуқ соҳаларида белгиланган анъанавий жавобгарлик чоралари, хусусан маъмурий ва жиноий жавобгарлик қўлланилади.

### **Ёдда тутинг!**

Бола ҳуқуқини бузганлик учун юридик жавобгарлик деганда, унинг саломатлигига зарар етказиш, вақтинчалик ёки доимий равишда меҳнат қобилиятини йўқотиш, енгил, ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказиш, шаъни, қадр-қимматини камситиш, қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини амалга оширишни бузишга қаратилган ҳаракат ва ҳаракатсизлик учун жазо чоралари тизими тушунилади.


Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 14-моддасида вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги белгиланган. Унга биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади. Болалар МЖтКнинг 61, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 138, 183, 184, 185, 194, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, умумий асосда маъмурий жавобгарликка тортилади.

Болалар ўртасида МЖТКнинг 41-моддасида белгиланган ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлиги амалиётда кўп учрайди. Унга кўра, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини касддан камситиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

МЖТКнинг 47-моддасида болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Болалар ўртасида МЖТКнинг 183-моддасида белгиланган майда безорилик ҳуқуқбузарлиги амалиётда кўплаб содир этилади. Майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини касддан менсимаслик,

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.



МЖТКнинг 188-моддасида вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-харакатларга жалб қилиш ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жавобгарлик кўрсатилган. Унга кўра, вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солинади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасида белгиланишича,

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин: 1) жарима; 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш; 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш; 5) маъмурий қамокқа олиш; 6) депортация.

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши керак. Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши керак.

### **3-§. Бола ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик**

Болалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган юридик жавобгарлик турларидан бири жиноий жавобгарликдир. Бола ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик жазо чораларини қўллашнинг асосий мақсади шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, болаларни Конституция ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат.

Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортилади. Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар

Жиноят Кодекси 97-моддасининг биринчи қисми, 98, 104-106, 118, 119, 137, 164-166, 169-моддалари, 173-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортилади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди.

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир. Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинсий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Жиноят содир этишда айбли деб топилган болаларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин: а) жарима; б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; в) ахлоқ тузатиш ишлари; ж) озодликни чеклаш; з) озодликдан маҳрум қилиш.

Она томонидан ўз боласини ўлдириши энг мудҳиш жиноятлардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан, онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасддан ўлдириши бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддасида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти учун жинсий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, моддий томондан ёки бошқа

жиҳатлардан айбдорга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар: а) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан; б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; в) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қийнаш жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 110-моддасига кўра жазо қўлланилади. Унга биноан муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар: а) вояга етмаган шахсга нисбатан; б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан; в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 112-моддасида ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш жинояти учун жазо чораси ўрнатилган. Ушбу моддага биноан ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар: а) ўта хавфли рецидивист томонидан; б) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша ҳаракатлар ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилган бўлса, уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 117-моддасида хавф остида қолдириш жинояти учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келса, уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмишлар: а) одамлар ўлимига; б) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддасида жазо чораси белгиланган. Унга биноан, номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа



қилиш, уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш: а) икки ёки бир неча шахсга нисбатан; б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари ушбу Кодекснинг 119-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан; в) бир гуруҳ шахслар томонидан; г) ўлдириш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш: а) шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда; б) яқин қариндошга нисбатан; в) оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан; г) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса; д) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Болани алмаштириб қўйиш жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 124-моддасида жазо белгиланган. Бола ҳуқуқини бузишга қаратилган тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш ҳуқуқбузарлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бола ҳуқуқини бузувчи энг оғир ҳуқуқбузарликлардан бири инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш жиноятидир. Ушбу ҳуқуқбузарлик шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз илмий ишлар ёхуд таълим ишлари учун трансплантация қилиш ёки бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) мақсадида мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш йўли билан содир этилади. Бу жиноятни содир этганлар базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш

йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар: а) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда; б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бола ҳуқуқи муносабатлари соҳасида учрайдиган жиноий қилмишлардан бири вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлашдир (ЖКнинг 122-моддаси). Унга кўра, моддий ёрдамга мухтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жихатдан таъминлаш учун суднинг хал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик учун икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига биноан фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш оғир жиноятлардан бири ҳисобланади (123-модда). Унга кўра, фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва хомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она гамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан кўрикланадиган сирини ошкор қилиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.

Бола ҳуқуқини таъминлаш соҳасида учрайдиган жиноятлардан бири вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишдир (ЖКнинг 127-моддаси). Чунончи, вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар

истеъмол килишга, гиёвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир киладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб килиш базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар: а) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан; б) икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан; в) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилиши беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа килиш бола ҳуқуқ муносабатларида содир этилиши мумкин бўлган энг оғир жиноятлардан ҳисобланади (ЖКнинг 128-моддаси). Шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда у билан жинсий алоқа килиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда кондириш уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) илгари ушбу Кодекснинг 118 ёки 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан

содир этилган бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга моддий қимматликлар бериш ёхуд уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш ЖКнинг 128-1-моддасига кўра жавобгарликка тортилади. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлгани ҳолда, унга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖКнинг 129-моддасида ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Одам савдоси бола ҳуқуқини бузилишига асос бўлувчи оғир жиноятлардан биридир. Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар: а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали; б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан; в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга

нисбатан; г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан; д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда; з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда; и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда; к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар: а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса; б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса; в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса; г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бола ҳуқуқини бузадиган ҳуқуқбузарликлардан бири одам ўғирлашдир. Одам ўғирлаш уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат: а) вояга етмаган шахсга нисбатан; б) ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; г) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат: а) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса; б) оғир оқибатларга сабаб бўлса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Боланинг турар жойи дахлсизлигини бузиш бола ҳуқуқини тامينлашга қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлардан биридир. Турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб кириш уч йилгача ахлоқ

тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш боланинг сиёсий ҳуқуқини бузувчи ҳуқуқбузарликлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 144-моддасига кўра, мурожаат кўриб чиқилишини асоссиз рад этиш, мурожаатни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссиз қонунга зид қарор қабул қилиш ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказадиган ҳолда бузиш базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар давлат органига, давлат муассасасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб этиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига кўра, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланган ушбу ҳуқуқни бузиш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 145-моддасига биноан жиноят ҳисобланади. Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга

жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### ***Назорат саволлари:***

1. Бола ҳуқуқини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар турларини санаб беринг.

2. Бола ҳуқуқини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жазо чораларини гапириб беринг.

3. Бола ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик жазоси қандай ҳолатларда қўлланилади?

### **Тестлар:**

**1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қачон қабул қилинган?**

- а) 1994 йилда қабул қилинган;
- б) 1997 йилда қабул қилинган;
- в) 2017 йилда қабул қилинган;
- г) 2019 йилда қабул қилинган.

**2. Бола неча ёшдан маъмурий жавобгарликка тортилади?**

- а) 16 ёшдан маъмурий жавобгарликка тортилади;
- б) 14 ёшдан маъмурий жавобгарликка тортилади;
- в) 15 ёшдан маъмурий жавобгарликка тортилади;
- г) 18 ёшдан маъмурий жавобгарликка тортилади.

**3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қачон қабул қилинган?**

- а) 1994 йилда қабул қилинган;
- б) 1996 йилда қабул қилинган;
- в) 2014 йилда қабул қилинган;
- г) 2017 йилда қабул қилинган.

**4. Бола неча ёшдан жиноий жавобгарликка тортилади?**

- а) 14 ёшдан, айрим жиноятлар учун 13 ёшдан;
- б) 15 ёшдан, айрим жиноятлар учун 13 ёшдан;
- в) 15 ёшдан, айрим жиноятлар учун 14 ёшдан жиноий жавобгарликка тортилади;

г) 18 ёшдан, айрим жиноятлар учун 16 ёшдан жиноий жавобгарликка тортилади.

**5. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?**

- а) 2008 йилда қабул қилинган;
- б) 2001 йилда қабул қилинган;
- в) 2014 йилда қабул қилинган;
- г) 2017 йилда қабул қилинган.



## **XI БОБ. БОЛА ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг процессуал хусусиятлари. Болаларга нисбатан жиноят ишини юритишда халқаро стандартлар. Болани назорат остига топширишнинг процессуал хусусиятлари. Бола томонидан содир этилган жиноят ишини судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Калит сўзлар:** жиноят процесси, жиноят иши, процессуал хусусиятлар, халқаро стандартлар, судда кўриш, процессуал қонунчилик, ҳуқуқбузарлик, Жиноят процессуал кодекс, айбланувчи бола, боланинг қонуний вакили, суриштирувчи, терговчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, прокурор, процессуал ҳаракатлар, шахсий кафиллик, қамоққа олиш, ҳомий, васий, сўроқ қилиш.

### **1-§. Бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг процессуал хусусиятлари**

Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича жиноят ишини юритиш жиноят процессуал қонунчилиги билан тартибга солинган бўлиб, унда бола ҳуқуқини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилган. Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, болалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жиноят ишини юритишда уларнинг ижтимоий руҳий ҳолатини эътиборга олиш талаб этилади.

Боланинг ижтимоий-руҳий ҳолатини тез жаҳл чиқиши, ўзини лозим даражада тута олмаслик, рўй бераётган ҳодиса-воқеаларни тўғри баҳолай билмаслик ҳолатлари билан изоҳлаш мумкин. Бу каби руҳий ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда процессуал қонунчиликда болалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жиноят иши юритувини тартибга солишда ўзига хос жиҳатлар, маълум имтиёзлар белгилашга зарурият туғилади. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига болалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жиноят ишини юритиш тартиби алоҳида бобда белгиланган.

Аввало, ушбу кодекснинг 548-моддасида болалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жиноят ишини юритиш

бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар белгиланган бўлиб, унга кўра айбланувчининг аниқ ёши, туғилган йили, оийи, кунини кўрсатиш, унинг шахсига хос хусусиятлар, шунингдек соғлиги, саломатлигига тегишли маълумотлар; унинг оилавий турмуш ва тарбияланиш шарт-шароитлари; ишда катта ёшдаги далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги аниқланиши талаб этилади.

Ушбу тоифа ишларни юритишнинг ўзига хос хусусиятидан бири бола қонуний вакилининг ишда иштирок этишининг шарт этиб белгиланганлигидир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 549-моддасига кўра, қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарорига асосан болани гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади.

Ушбу Кодекснинг 61-моддаси 1 ва 2-қисмларига кўра, қонуний вакил ўзи вакиллик қилаётган боланинг иши юзасидан суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақарилганлигидан хабардор бўлиш; ўзи вакиллик қилаётган қамокдаги бола билан холи учрашиш; ўзи вакиллик қилаётган бола эга бўлган процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш; ўзи вакиллик қилаётган болага нисбатан ўтказиладиган процессуал ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу билан бирга ушбу қонунда қонуний вакил суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш; ҳақиқатни аниқлашга тегишли далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар орқали тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шартлиги белгилаб қўйилган.


Агар қонуний вакил ўз ҳаракати билан бола манфаатига зарар етказди деб ҳисоблаш учун асос бўлса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан боланинг қонуний вакили ишда қатнашишдан четлаштирилиши мумкин. Бунда боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқа қонуний вакилга ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакилига топширилиши керак.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 550-моддасида бола томонидан содир этилган жиноят ишида ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш белгиланган бўлиб, болани гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилишдан бошлаб, суриштирувчи ёки терговчи иш бўйича ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаши лозим. Бундай ҳолларда болага ва унинг қонуний вакилига улар хоҳлаган ҳимоячини таклиф этиш ҳуқуқи борлигини тушунтириши керак. Агар ҳимоячи боланинг ва унинг қонуний вакилининг топшириғи ёки розилиги билан чақирилмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлашга мажбурдир.

Бола томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жиноят ишини юритишнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, суд ЖПКнинг 551-моддасига биноан жиноят иши кўриб чиқиладиган вақт ва жой ҳақида боланинг ота-онаси, ота-она ўрнини босувчи шахслар, у ўқийдиган ёки ишлайдиган корхона, муассаса,


ташкilot, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия, зарур бўлса бошқа ташкilotларни ҳам хабардор қилиши ва бу ташкilotларнинг вакилларини, судланувчининг васий ёки ҳомийсини суд мажлисига чақиришга ҳақлидир.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 553-моддасида гумон қилинувчи ва айбланувчи болани сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган бўлиб, унга биноан гумон қилинувчи ва айбланувчи болани сўроқ қилишда ҳимоячи, боланинг қонуний вакили, албатта, иштирок этиши керак. Бу жараёнда ҳимоячи ва боланинг қонуний вакили гумон қилинувчи ва айбланувчи болага саволлар бериш ҳуқуқига эга. Сўроқ якунлангач эса, ҳимоячи ва боланинг қонуний вакили баённома билан танишиши ва ўз мулоҳазаларини билдириши мумкин.

Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи болани сўроқ қилишнинг умумий вақти давомийлиги процессуал қонунчиликда

аниқ белгиланган бўлиб, унга биноан гумон қилинувчи ва айбланувчи болани сўроқ қилишнинг умумий вақти давомийлиги кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаган ҳолда олти соатдан ошмаслиги керак.



Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 554-моддасида болани сўроқ қилишнинг яна бир қатор ўзига хос хусусиятлари белгиланган бўлиб, унга кўра болани айбланувчи сифатида сўроқ қилишда педагог ёки психолог иштирок этиши лозим. Бу суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра амалга оширилиши мумкин. Сўроқда иштирок этаётган педагог ёки психолог суриштирувчининг, терговчининг рухсати билан айбланувчи болага саволлар бериши, сўроқ тугаганидан сўнг эса, баённома билан танишиб чиқишга, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва

тўлиқлиги ҳақида ўз фикрини ёзма равишда беришга ҳуқуқлидир. Бу ҳуқуқ суриштирувчи, терговчи томонидан педагог ёки психологга болани сўроқ қилишдан олдин тушунтирилиши ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 552-моддасида болага айблов эълон қилишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган. Бу жараённинг ўзига хос хусусияти шундаки, болага айблов эълон қилинганда ҳимоячи билан бирга боланинг қонуний вакили ҳам иштирок этиши лозим.

Болага нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, у ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 555-моддасига кўра, айбланувчи бола суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш; иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларга йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида айбланувчи болага нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга, айбланувчи болага содир этган жиноятининг хавфлилиги туфайли суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкинлигини эътиборга олиб, унга нисбатан қамокда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш мумкин.

Процессуал қонунчиликда айбланувчи боладан муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш; шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллигига бериш; гаров; уй қамоғи; қамокқа олиш; кузатув остига олиш учун топшириш чоралари белгилаб қўйилган. Бола ота-онасининг, ҳомий, васийнинг қаровига ёки башарти у болалар муассасасида тарбияланаётган бўлса, шу муассаса раҳбарининг қаровига ҳам берилиши мумкин. Шунингдек, айбланувчи болага нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилганлиги тўғрисида унинг қонуний вакили, агар бундай вакил бўлмаса, бошқа қариндошларига хабар қилиниши керак<sup>1</sup>.

Болага нисбатан суруштириш ва тергов олиб бориш жараёнида унинг саломатлиги ҳақидаги маълумотлар, уни


---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. -Т.:Адолат, 2018

даволаган шифокорлар, касалхона ва поликлиникада юритилган ҳужжатлар, турмуш ва тарбия олган шароити, ота-онаси ёки қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотлар (уларнинг маълумоти, мутахассислиги, ташкилотчилиги, маънавий хусусиятлари, бир-бирига ва фарзандига бўлган муносабати, боланинг ота-онасига бўлган муносабати, ҳурмати, уни тарбиялашдаги иштироки), мулки, маошининг миқдори, боланинг маълумоти (қаерда ўқиши, қобилияти, баҳолари, ўқишга муносабати, катталарга, оиласига, тенгдошларига бўлган муносабати), бўш вақтини ўтказиш муҳити, унинг қизиқиш доиралари, маҳаллада ва уйда ўзини тутиши, қандай уюшмага аъзолиги, жиноий қилмиш содир этишдан аввал қандай ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги, унга нисбатан қандай чоралар қўлланилганлиги ва бу чоралар қандай натижаларга олиб келганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўрганилиши лозим.

Болага нисбатан дастлабки тергов ишини олиб бориш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Бола томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун суриштирувчи жиноят ишини қўзғатиб, уни тергов органига дастлабки терговни амалга ошириш учун юборади. Терговчи боланинг шахсини, қайси тилда кўрсатув бера олишини аниқлаши, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, унга қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганилигини эълон қилиши, гумон қилинаётган болага ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарорни тақдим этиши ва унга қўйилаётган айбнинг моҳиятини тушунтириб бериши керак.


Бундан ташқари, биринчи марта сўроқ қилишдан олдин терговчи боланинг ўзини айбли деб ҳисоблаш ёки ҳисобламаслиги, ўз айбини тўла ёки қисман рад этиши ёки этмаслиги, боланинг жиноят содир этишида катта ёшдаги далолатчилар ёки бошқа иштирокчиларнинг бор йўқлиги, улар томонидан болага турли жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатилганлиги, шу сабабдан бола жиноятда иштирок этганлиги ҳолатлари аниқланиши лозим.



## **2-§. Болаларга нисбатан жиноят ишини юритиш бўйича халқаро стандартлар**

Бола ҳуқуқини жиноят ишини юритиш жараёнида ҳимоя қилишда халқаро стандартлар ва халқаро ҳужжатлар алоҳида ўрин тутади. Ушбу халқаро стандартлар ва халқаро ҳужжатлар сирасига БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси, 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари)”, 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган “Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари”, 1985 йилда қабул қилинган “Вояга етмаганлар тўғрисида”ги стандартларни киритиш мумкин.





БМТ Бош ассамблеясининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясида болаларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари белгиланган бўлиб, унинг 34-моддасида давлатлар болани шахвоний бузишнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олиши, болани ҳар қандай ғайриқонуний равишдаги шахвоний фаолиятга тортиш ва мажбурлаш, боладан порнография ва порнография материаллари тайёрлаш мақсадида фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш учун ҳамма зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги ўрнатилган.

Бундан ташқари, давлатлар болаларни ўғирлаш, сотиш ёки уларни ҳар қандай мақсад ва ҳар қандай шаклда контрабанда қилишнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама даражада барча зарур чора-тадбирларни кўриши (35-

модда), бирорта ҳам бола қийноққа ёки бошқа шафқатсизларча, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни оёқ ости қиладиган муомала ёки жазога дучор этилмаслиги, ўлим жазоси, умрбод қамоқ жазоси 18 ёшдан кичик бўлмаган ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар учун белгиланмаслиги, бирорта ҳам бола ғайриқонуний равишда ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум этилмаслигини таъминлаши лозим (17-модда).

Бола ҳуқуқини жиноят ишини юритиш жараёнида ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари)” алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу халқаро ҳужжатнинг 4-қоидаси жинойий жавобгарлик ёшини белгилашни тартибга солишга қаратилган бўлиб, унинг 4.1-бандига кўра, балоғатга етмаган болалар учун жинойий жавобгарлик ёши таърифини эътироф этувчи ҳуқуқий тизимларда бундай ёшнинг қуйи чегараси, боланинг ҳис-туйғулари, маънавий ва интеллектуал балоғатга етиш жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ўта кичик ёш даражасида ўрнатилмаслиги керак.

Ушбу қоидаларнинг 6.1-бандида белгиланишича, балоғатга етмаган болаларнинг ўзига хос турли эҳтиёжлари, шунингдек мавжуд чораларнинг хилма-хиллигидан келиб чиққан ҳолда судлов ҳаракатларининг барча поғоналарида ва балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судловни амалга оширишнинг турли босқичларида, шу жумладан тергов, ишни судда кўриш, суд қарори чиқиши ва суд қарори ижросини назорат қилиш чоғида дискрецион ваколатларнинг тегишли кўламини кўзда тутиш лозим бўлади.

Унинг 7-қоидаси балоғатга етмаган болаларнинг процессуал ҳуқуқларини тартибга солишга қаратилган бўлиб, унинг 7.1-бандига кўра, асосий процессуал кафолатлар, хусусан, айбсизлик презумпцияси, айб қўйилганлик ҳақида хабардор этилиш ҳуқуқи, гувоҳлик беришдан бош тортиш ҳуқуқи, адвокат олиш ҳуқуқи, ота-она ёки васийнинг ҳозир бўлиши ҳуқуқи, гувоҳлар билан юзлашиш ва уларнинг икки ёқлама терговвида

бўлиш ҳуқуқи ва юқори инстанцияга апелляция бериш ҳуқуқи судлов ҳаракатларининг барча босқичларида кафолатланган бўлиши зарур.

Ушбу ҳужжатнинг 13-банди судгача қамоқда сақлаб туриш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга бағишланган. Хусусан, унинг 13.1-бандига кўра, судгача қамоқда сақлаб туриш фақат энг охирги чора сифатида ва жуда қисқа муддатга қўлланилади. Судгача қамоқда сақлаб туриш иложи борица бошқа муқобил чоралар, масалан, доимий назорат, фаол тарбиявий иш ёки оилага ёхуд тарбия муассасаси ё уйига жойлаштириш билан алмаштирилади (13.2-банди). 13.5-бандда белгиланишича, балоғатга етмаган болалар судгача қамоқда сақлаб турилган даврда тегишли парвариш, ҳимоя ва барча якка тартибдаги – ижтимоий, руҳий-маънавий, тиббий, жисмоний зарур кўмаклар, шунингдек, ёши, жинси ва шахсидан келиб чиқадиган эҳтиёжи учун уларга зарур бўлган таълим ва касбий тайёргарлик соҳаларидаги кўмаклар билан таъминланиши керак.

Адвокат, ота-она ва васийларнинг болаларнинг судлов ишини юритишдаги иштироки “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари)”нинг 15-банди билан тартибга солинган. Ушбу Қоидаларнинг 15.1-бандига кўра, судлов ҳаракатларининг бориши давомида балоғатга етмаган ўғил ёки қиз бола ўз адвокатини вакил қилиш ёхуд агар ушбу мамлакатда қонунчилик томонидан бепул ҳуқуқий ёрдам берилиши кўзда тутилган бўлса, ана шу ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Ота-она ёки васий судлов ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқига эга ва ваколатли хокимият органи балоғатга етмаган бола манфаатлари йўлида уларнинг ҳозир бўлишини талаб қилиши мумкин (15.2-банд).

“Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари)”нинг 17-банди суд қарорларини чиқаришнинг бош принциплари ва таъсир чораларини танлаш муносабатларини тартибга солади. Ушбу Қоидаларнинг 17.2-бандига биноан, балоғатга етмаган бола томонидан содир этилган ҳеч бир жиноят

учун ўлим ҳукми чиқарилмайди. Балоғатга етмаган болалар тан жазосига дучор этилмайди (17.3-банди).

Ушбу Қоидаларнинг 26.3-бандида кўрсатилишича, балоғатга етмаган болалар ахлоқ тузатиш муассасаларида катта ёшдагилардан алоҳида ҳолда, шунингдек, махсус муассасада ёки катта ёшлилар ҳам сақланаётган муассасаларнинг алоҳида бўлимида сақланиши зарур.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган “Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари”<sup>1</sup>да белгиланган қоидалар муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, ушбу халқаро ҳужжатнинг 1-бандига кўра, балоғатга етмаган болаларни ахлоқ тузатиш муассасаларига жойлаштириш ҳар доим охирги чора сифатида ва энг кам муддатга амалга оширилиши зарур, ушбу ҳужжатнинг 2-бандига биноан эса, ўта заифлашиб қолиши оқибатида озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болалар алоҳида эътибор ва ҳимояга муҳтож эканини ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва фаровонлиги озодликдан маҳрум этиш даври мобайнида ва ундан кейин ҳам кафолатланиши зарур.

Ушбу халқаро ҳужжатнинг 21-бандида болани ахлоқ тузатиш муассасасига жойлаштириш, рўйхатга олиш, кўчириш ва бошқа жойга ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган. Унга кўра, балоғатга етмаган бола сақлаб турилган ҳар қандай муассасада ҳар бир қабул қилинган бола ҳақида тўла ва аниқ, хусусан, қуйидаги маълумотлар қайд этилиши керак: а) балоғатга етмаган боланинг шахси ҳақида ахборот; б) ҳибсга олиш факти ва сабаблари ҳамда бунинг учун асос; с) жойлаштириш, кўчириш ва озод этиш куни ҳамда соати; д) балоғатга етмаган бола ҳибсдалиги даврида қарамоғида ҳисобланган ота-онаси ёки васийси болани жойлаштириш, кўчириш ёки озод этиш билан боғлиқ ҳар бир ҳолда хабардор этилгани тўғрисидаги маълумотлар; е) жисмоний ва рухий-

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 280-299-бетлар

маънавий саломатлиги юзасидан маълум бўлган муаммолар, шу жумладан, гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар билан боғлиқ суиистеъмолликлар ҳақида маълумотлар. Жойлаштириш, жойлаштирилган манзил, кўчириш ёки озод этишга доир ахборот тегишли балоғатга етмаган боланинг ота-онаси, васийси ёки яқин қариндошига зудлик билан етказилиши керак (22-банд).

Балоғатга етмаган болалар уларнинг алоҳида эҳтиёжлари, мақоми ва ёши, ўзига хослиги, жинси ҳамда ҳуқуқбузарлигининг тури, шунингдек, руҳий ва жисмоний аҳволига мувофиқ асосий талабларга тўла жавоб берадиган шарт-шароитда сақланиши ва бундай шароит уни иложи борича зарарли таъсирлардан ва хатарли вазиятлардан ҳимоялаши зарурлиги ушбу халқаро ҳужжатнинг 28-бандида белгиланган. Барча ахлоқ тузатиш муассасаларида балоғатга етмаган болалар катта ёшлилардан, агар улар ягона оила аъзоси бўлмаса, алоҳида ҳолда сақланиши зарур (29-банд).

“Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари”нинг 31-бандига биноан, озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болалар санитария, гигиена ва инсон кадр-қимматини ҳурмат қилишнинг барча талабларига жавоб берадиган шарт-шароит ва хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ушбу халқаро ҳужжатнинг 37-бандида ахлоқ тузатиш муассасаси ҳар бир балоғатга етмаган болани одатдаги овқатланиш пайтида сифати ва миқдори парҳез ҳамда санитария-гигиена меъёрларига ҳамда имкон қадар унинг диний ва маданий талабларига жавоб берадиган муносиб даражада тайёрланган ва тортилган овқат билан таъминлаши керак. Ҳар бир балоғатга етмаган бола ҳар қандай пайтда тоза ичимлик суви билан таъминланиши шарт.

Шафқатсиз, ғайриинсоний интизом чоралари ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомала, шу жумладан, тан жазоси, карцейга жойлаштириш, қаттиқ тартибда ёхуд алоҳида қамаб қўйиш ёки балоғатга етмаган боланинг жисмоний ё руҳий соғлиғига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай жазо қатъиян тақиқланиши шартлиги “Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари”нинг 67-

бандида ўрнатилган. Қандай мақсадларда бўлишидан қатъи назар, озиқ-овқатдан чеклаб қўйиш, оила билан алоқаларни камайтириш ёхуд бундан маҳрум этиш тақиқланиши керак.

2008 йил 7 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонунида ушбу халқаро ҳужжатларнинг барча талаблари тўла ўз ифодасини топган бўлиб, у мамлакатимизда болалар ҳуқуқини халқаро меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида таъминлаш ва кафолатлашда мустақил ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажариб келмоқда.

### **3-§. Болани назорат остига топширишнинг процессуал хусусиятлари**

Айбланувчи болага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 237-моддасида кўрсатилган эҳтиёт чоралари билан бир қаторда махсус эҳтиёт чораси сифатида ота-онаси, васийси, ҳомийси, болалар муассасасида тарбияланаётган болаларга нисбатан эса, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 556-557-моддаларига кўра, ушбу муассаса маъмурияти қаровига топшириш қўлланилиши мумкинлиги белгиланган. Булар: 1) айбланувчи болани ота-онаси, васий ва ҳомий қаровига топшириш ва 2) айбланувчи болани болалар муассасасининг маъмурияти қаровига топшириш эҳтиёт чорасидир.

Болани кузатув остига олиш учун топширишда ота-она, васий, ҳомий ёки болалар муассасаси маъмуриятидан айбланувчи болани терговчи, прокурор ҳузурига ва судга ўз вақтида келишини ва уни муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлаш ҳақида ёзма равишда тилхат олинади. Бундай мажбуриятни ўз зиммасига олаётган шахслар айбланувчи болага эълон қилинган айбловнинг моҳияти ҳамда айбланувчи болани тергов органлари ёки судга ўз вақтида келмаганда жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилади. Кузатув остига олиш бўйича мажбуриятни бажармаган шахсларга нисбатан тергов органи тақдимномаси ёхуд суднинг хусусий ажримига мувофиқ интизомий ёки жамоат таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда

Болани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббусига кўра ота-онаси, васий ёки ҳомий қаровига топширишда унинг розилиги талаб этилади. Қонунда ота-она (васий, ҳомий) томонидан қаровга олиш бўйича мажбурият олишни рад этиш масаласи назарда тутилмаган бўлса-да, бу терговчи ва суд томонидан эътиборга олиниши керак. Акс ҳолда айбланувчи болани кузатув остига олиш учун топшириш эҳтиёт чораси самарали бўлмаслиги мумкин. Шу сабабдан, ушбу эҳтиёт чорасини танлашда ота-она, васий ва ҳомийнинг розилигини олиш мажбурий ҳисобланади.

Қабул қилиш-тақсимлаш муассасаларида болани жойлаштириш вақтининг давомийлиги муддати 30 суткадан ошмаслиги керак. Алоҳида ҳолларда махсус ўқув тарбия муассасасига юборилаётган болани сақлаш муддати 15 суткадан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин<sup>1</sup>.

#### **4-§. Бола томонидан содир этилган жиноят ишини судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Бола томонидан содир этилган жиноят ишини суд мажлисида кўриш бўйича ўзига хос талаблар мавжуд. Ушбу талаблар 2021 йил 28 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”<sup>2</sup>ги қонунида белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш суд органларининг асосий вазифаси сифатида белгиланган.

Бола ҳуқуқи бузилган тақдирда процессуал қонунчилик нормаларига кўра, уларга нисбатан қилинган ғайриқонуний ҳаракатлар устидан маъмурий ёки суд тартибида шикоят қилиниши ва бузилган ҳуқуқлари тикланиши мумкин. Ғайриқонуний ҳаракатлар деганда, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Судга шикоят қилиш ҳуқуқи – бола томонидан бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. -Т.:Адолат, 2018

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021й., 03/21/703/0723-сон

тартибида тиклашни сўраб мурожаат этадиган ҳуқуқидир. Бола ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки бўйсинув тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Берилган шикоятни тегишли давлат органи, мансабдор шахс бир ойлик муддатда кўриб чиқиши шарт. Агар боланинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Шикоятни ҳуқуқ ёки эркинликлари бузилган бола ёки унинг вакили, шунингдек, боланинг илтимосига кўра жамоат бирлашмаси ёки меҳнат жамоаси томонидан ваколат берилган вакили бериши мумкин. Шикоят боланинг хоҳишига қараб ё у яшайдиган жойдаги судга ёки орган жойлашган ердаги, ёхуд хатти-ҳаракати (қарори) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунига биноан судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланган: а) бола ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб уч ой; б) бола юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой; в) агар бола ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой. Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин<sup>1</sup>.

Боланинг давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикояти туман маъмурий судлари томонидан кўриб чиқилади.

Суд шикоятнинг асослигини аниқлагач, тегишли субъектлар устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) қонунга хилоф деб топади, ушбу субъектга боланинг талабини

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 7-сон, 977-модда



қаноатлантириш мажбуриятини юклайди ёки унинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклайди. Шикоятни кўриб чиқиш натижаси бўйича суд қарор чиқаради. Суднинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори судга шикоят берилиши мумкин.

Суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади ва у бажарилиши шарт.

Суднинг қарори хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилган орган ёки мансабдор шахсга, болага қарор қонуний кучга киргач кечи билан ўн кун ичида юборилади. Қарор бажарилганлиги ҳақида судга ва болага суд қарори олинган кундан бошлаб кечи билан бир ой муддат ичида хабар қилиниши керак.

Боланинг жиноят ишини юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари мумкин қадар одил судловнинг умумий вазифаларига, жиноят процессининг мақсадига мувофиқ келиши ва шу турдаги жиноят ишини кўриб чиқиш хусусиятини ҳисобга олиши лозим. Боланинг жиноят ишини судда муҳокама қилиш тўртта ўзаро боғлиқ муаммони комплекс ўрганишни назарда тутди: жиноятнинг сабаблари; жиний хулқ-атворнинг шаклланиш жараёни; индивидуал хулқ-атвор механизми; мажбурлов ва огоҳлантирув чораларининг таъсир самараси.

Маълумки, болалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жиноят ишини юритишда умумий талаб жиноятнинг сабаблари ва уни содир этишга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти ҳисобланади. Шу мақсадда суд мажлисида иштирок этиш учун ўсмирнинг турмуш ва тарбия шароитини яхши билган шахсларни жалб этиш мумкин. Улар орасида ўқув-тарбия муассасалари, жамоат ташкилотлари, васийлик ва ҳомийлик органлари вакилларининг бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Болалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жиноят ишини судда кўришни тайинлаш вақтида судлар

айбланувчига нисбатан қўлланилган қамокқа олиш сифатидаги эҳтиёт чорасини асосли эканлигини синчиклаб текширишлари, айти вақтда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 242-243-моддаларига мувофиқ ушбу эҳтиёт чорасини судланувчининг шахси, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси тақозо этган тақдирдагина қўллаши керак.

Суд бола томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жиноят иши суд муҳокамасига қўйилганда адвокатнинг иштирок этиши шарт эканлигини назарда тутиши керак. Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда унинг иштироқисиз аниқланган ҳар қандай далил юридик кучга эга эмас, деб ҳисобланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи боланинг илтимосига кўра, ишда боланинг қонуний вакиллари билан бир қаторда унинг катта ёшдаги яқин қариндошларидан бири ёки ўзи ишонадиган бошқа шахснинг қонуний вакил сифатида иштирок этишига йўл қўйилади.

Суд муҳокамасининг якуний қисмида болага нисбатан айблов ёки оқлов ҳукми чиқарилади. Бола томонидан содир этилган жиноят иши бўйича ҳукм чиқаришда жиноий жазо ўрнига тарбиявий таъсир этувчи мажбурият чораларини қўллаш муҳим саналади. Бу боланинг озодликдан маҳрум этиш жойидаги муҳитнинг салбий таъсирига тушиб қолишининг олдини олади.

Агар болага нисбатан чиқарилган ҳукм қонунга хилоф ёки асоссиз бўлса, прокурор ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида апелляция, кассация шикоятини юбориши мумкин. Прокурор апелляция, кассация инстанциясида ишни иккинчи инстанция судида кўриб чиқишда қатнашади. Прокурор апелляция, кассация инстанциясининг ишни ҳаракатдан тугатиш, енгилроқ жазо тайинлаш тўғрисидаги қонунни қўллаш ваколатидан фойдаланиши, бунга асослар мавжуд бўлганда судга тегишли қарор қабул қилишни тақлиф қилиши лозим.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят процессининг иштирокчиси сифатида бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг кафолатлари белгиланган бўлиб, унинг 111-моддасида давлат судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида болаларнинг қонун

хужжатларида белгиланган барча процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши ҳамда бу ҳуқуқлар кафолатларининг таъминланиши бўйича чоралар кўради; болага ҳар қандай руҳий ёки жисмоний таъсир ўтказиш, уни кўрсатувлар беришга ёки айбини тан олишга мажбурлаш таъқиқланади; судга қадар иш юритиш ва суд муҳокамаси жараёнида болаларга нисбатан улар қонуний вакилларининг иштирокисиз амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларни бажариш таъқиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда болага нисбатан процессуал ҳаракатлар унинг катта ёшдаги қариндоши, педагог ёки боланинг бошқа қонуний вакили иштирокида амалга оширилиши мумкин; боланинг жинояти тўғрисидаги ишлар бўйича судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида ҳимоячининг иштирок этиши шарт; боланинг ва унинг қонуний вакилларининг ҳимоячидан воз кечиши ҳақиқий эмас, деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қуйидаги процессуал жиҳатлари белгиланган: вояга етмаганнинг истаги бўйича унинг катта ёшдаги яқин қариндошларидан бири ёки ўзи ишонадиган бошқа шахснинг қонуний вакил сифатида иштирок этиш мумкинлиги; вояга етмаган шахс қонуний вакилининг ўзи вакиллик қилаётган шахсга нисбатан ўтказиладиган процессуал ҳаракатларда иштирок этиши; вояга етмаган гувоҳнинг ёки жабрланувчининг розилиги билан унинг қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчи вакили иштирокида сўров ўтказиш мумкинлиги; мураккаб тиббий текширув усулларида, шунингдек кучли оғриқ бериш билан боғлиқ усуллардан мажбурий фойдаланишга фақат экспертиза ўтказиладиган шахснинг розилиги билан, агар ушбу шахс вояга етмаган ёки унинг руҳий ҳолати бузилган бўлса, унинг қонуний вакилининг, васийсининг ёки ҳомийсининг розилиги билан йўл қўйилиши; кучли оғриқни кўзғатувчи мураккаб тиббий тартиб-таомиллар ёки усулларни қўллашга фақат шахснинг розилиги билан йўл қўйилади, агар у бола бўлса ёки руҳий касалликка чалинган бўлса, унинг қонуний вакили, васийи ёки ҳомийининг

розилиги билан йўл қўйилиши; суд мажлиси залидан вояга етмаган гувоҳни унинг сўроқ қилиниши яқунланиши билан чиқариб юбориш зарурати; вояга етмаганга айблов қўйилганда, суриштирув, текширув яқунланганлиги эълон қилинганда ва унга иш материаллари тақдим этилганда унинг қонуний вакили албатта бўлиши; вояга етмаган гумон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилиш ҳимоячи, қонуний вакил иштирокида амалга оширилиши лозимлиги.

### ***Назорат саволлари:***

*1.Бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг процессуал хусусиятларини тушунтириб беринг.*

*2.Болаларга нисбатан жиноят ишини юритишда қайси халқаро стандартлар амал қилади?*

*3.Бола томонидан содир этилган жиноят ишларини судда кўришнинг ўзига хос хусусиятларини гапириб беринг.*

### **Тестлар:**

**1.Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?**

- а) 2021 йил 28 июлда қабул қилинган;
- б) 2002 йил 17 мартда қабул қилинган;
- в) 2007 йил 25 апрелда қабул қилинган;
- г) 2012 йил 28 ноябрда қабул қилинган.

**2.Бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг процессуал масалалари қайси қонун билан тартибга солинади?**

- а) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
- в) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси;
- г) а ва б жавоблар тўғри.

**3. Боланинг судга шикоят қилиш учун қанча муддат белгиланган?**

а) бола ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб 3 ой;

б) бола ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб 2 ой;

в) бола ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб 1 ой;

г) тўғри жавоб йўқ.

**4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси қачон қабул қилинган?**

а) 1994 йил 14 декабрда қабул қилинган;

б) 1995 йил 17 мартда қабул қилинган;

в) 2004 йил 25 апрелда қабул қилинган;

г) 2019 йил 28 ноябрда қабул қилинган.

**5. Бола томонидан содир этилган жиноятлар қайси судларда кўриб чиқилади?**

а) Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судида;

б) Ювинал судларда;

в) Маъмурий ишлар бўйича таман (шаҳар) судларида;

г) тўғри жавоб йўқ.

## АЛОҲИДА ҚИСМ XII БОБ. БОЛАНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Боланинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг тушунчаси. Яшаш ҳуқуқи - боланинг табиий ва узвий ҳуқуқи. Боланинг индивидуалликка эга бўлиш ҳуқуқи. Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи. Боланинг сўз ва фикрлаш эркинлиги ҳуқуқи. Боланинг виждон эркинлиги ҳуқуқи.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқ, шахсий ҳуқуқ, яшаш ҳуқуқи, узвий ҳуқуқ, табиий ҳуқуқ, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, индивидуалликка эга бўлиш, оилавий муҳитга эга бўлиш, уй-жой дахлсизлиги, сўз ва фикрлаш эркинлиги, виждон эркинлиги.

### 1-§. Боланинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг тушунчаси

Боланинг ҳуқуқ ва эркинликлари у яшайдиган давлатда амалда бўлган бутун ижтимоий нормалар (масалан, урф-одат, одоб, анъана, жамоат нормалари ва ҳуқуқий нормалар)да белгиланиб, битта ҳуқуқ соҳасининг қоидалари билан эмас, балки комплекс ҳуқуқ соҳалари нормалари билан тартибга солинади.


Боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилашда конституциявий нормалар асосий ўринни эгаллайди. Демак, боланинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари давлатнинг асосий қонуни Конституциясида белгиланган бўлиб, улар жорий қонунларда, хусусан маъмурий, фуқаролик, оила, меҳнат ва бошқа қонун ҳужжатларида аниқлаштирилади ва тўлдирилади.

#### **Эслаб қолинг!**

Бола ҳуқуқи деганда, давлат томонидан тақдим этилган бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

Боланинг Конституция ва жорий қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари корхона, муассаса, ташкилот, давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан бузилиши, чеклаб қўйилиши мумкин эмас. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади ва ҳимоя қилинади.


Боланинг ҳуқуқ ва эркинликлари унинг хулқ-атворини тартибга солиш воситаси бўлиб, улар жамият, давлат ёки муайян ижтимоий гуруҳлар томонидан ўрнатилади. Давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий нормалар боланинг хатти-ҳаракатини белгилайди ва унга ҳуқуқ ва эркинликлар беради.



Бола ҳуқуқини давлат томонидан ўрнатилган, қонун асосида мустаҳкамланган, жамиятнинг ҳар бир боласига тааллуқли бўлган яшаш ва турмуш тарзини белгилаш, ўз хатти-ҳаракатларини тўғри амалга ошириш, унга берилган имтиёзлардан фойдаланиш имконияти, деб тушуниш мумкин.

Бола ҳуқуқи ҳар бир болага мамлакатнинг ижтимоий тузуми, давлатнинг ички ҳуқуқ-тартиботи, ўзининг ижтимоий мевқеидан, жинсидан қатъий назар, туғилиши билан тегишли бўлади.

Боланинг табиий ҳуқуқини тан олмаслик, уларни давлат томонидан ҳуқуқ нормаларида ўрнатмаслик бола ҳуқуқини чеклаб қўйишга ёхуд уларни амалга оширишга тўсқинлик қилишга сабаб бўлади.




Давлат томонидан бола ҳуқуқи қонун ҳужжатлари орқали ўзгартирилиши, чеклаб қўйилиши ёки бекор қилиниши ёхуд бошқа ҳуқуқлари вужудга келтирилиши мумкин. Одатда давлат болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашнинг кафолати бўлади.

Бола ҳуқуқини таъминлаш ва кафолатлашда ҳар бир давлатнинг асосий қонуни, яъни конституцияси муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг



Конституциясида ҳам бола ҳуқуқлари ва кафолатларига алоҳида эътибор берилган.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари болани ижтимоий муҳофаза қилиш кафолатини белгилайди, боланинг эркин камол топиши учун муносиб ҳаёт тарзини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий қоидаларни ўзида ифода этади. Миллий қонунларда белгиланишича, ҳеч ким қийноққа солиниши, ғайриинсоний, кадр-қимматини хўрлайдиган муомалага дучор қилиниши, розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибаларга жалб этилиши мумкин эмас.

Ҳар бир бола меҳнат қилиш, ҳақ тўланадиган таътил ва дам олиш кунларидан фойдаланиш, билим олиш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ижтимоий таъминот олиш ва кўплаб бошқа

ҳуқуқларга эга. Боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш тизими суд ҳимоясини, ташкилий, иқтисодий ва бошқа бола ҳуқуқини рўёбга чиқаришни таъминлашга қаратилган чоратадбирларни ўз ичига олади.

Бола ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш воситаларидан бири – бу боланинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилганлигидир. Бола ҳуқуқи бузилган тақдирда процессуал қонунчилик қоидаларига кўра, уларга нисбатан қилинган ғайриқонуний ҳаракатлар устидан маъмурий ёки суд тартибида шикоят қилиниши ва бузилган ҳуқуқлар тикланиши мумкин. Бола ҳуқуқини муносиб таъминлаш давлатнинг ва бошқа ижтимоий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир этмаслиги керак.

Қонунга кўра, барча болалар туғилишидан эркин ва тенгдирлар. Бола ҳуқуқи табиий ва ажралмас хусусиятга эга бўлиб, ҳар бир демократик давлатнинг асосий вазифаси уни тўла таъминлашдан иборатдир.


Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, бола ҳуқуқини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода бола ҳуқуқи деганда, ундан ажралмас ҳисобланган табиий ҳуқуқ сифатида тан олиш ва уни амалда таъминлашга бағишланган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси, тор маънода бола ҳуқуқи деганда эса, давлат томонидан тақдим этилган бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси, деб таъриф бериш мумкин.

## **2-§. Яшаш ҳуқуқи - боланинг табиий ва узвий ҳуқуқи**

Бола ҳуқуқлари тизимида унинг яшаш ҳуқуқи энг муҳим ажралмас табиий ва узвий ҳуқуқи ҳисобланади. Боланинг яшаш ҳуқуқини таъминламасдан туриб, бошқа ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас. Агар боланинг яшаш ҳуқуқи таъминланмаса, у хавф остида бўлса, унинг бошқа барча ҳуқуқлари ўз маъносини йўқотади.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг бирламчи ҳуқуқидир. Айнан, бола ҳуқуқлари тизимида яшаш ҳуқуқининг аҳамияти

катталиги унинг мутлақ мазмун касб этишини билдиради. Шунинг учун боланинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқи сифатида тан олинади. Асосий қонунда давлат томонидан боланинг яшаши учун зарур ижтимоий муҳит ва шарт-шароитлар яратиш ва уни ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган.



Яшаш ҳуқуқини тўла таъминлаш мақсадида мамлакатимизда 2008 йилда ўлим жазоси бекор қилинди, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят, деб белгиланди<sup>1</sup>. Ўлим жазосини қўллаш, уни бекор қилиш муаммоси яшаш ҳуқуқининг энг мураккаб ва зиддиятли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ўлим жазосининг бекор қилиниши инсонпарварлик ва бола ҳуқуқлари ғоясини амалга ошириш сари интилаётган ҳар қандай давлатда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил 2 август

ижтимоий тараққиёт, демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги зарурий вазифалардан биридир.

### **Ёдда тутинг!**

Боланинг яшаш ҳуқуқи унинг энг муҳим ажралмас табиий ва узвий ҳуқуқи ҳисобланади.

Ижтимоий қадриятлар тизимида ҳар бир боланинг ҳаёти, шахси ўта муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун у энг олий қадрият ҳисобланади. Шунинг учун боланинг барча табиий ва узвий ҳуқуқлари орасида яшаш ҳуқуқи биринчи даражали бўлади. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади”, деб белгиланган.

Боланинг яшаш ҳуқуқи вужудга келишининг тарихига назар солсак, биринчи бор унинг яшашга бўлган ҳуқуқи юридик жиҳатдан 1776 йил 4 июнда қабул қилинган АҚШ Мустақиллик декларациясида ўз ифодасини топган бўлиб, унда “барча одамларнинг тенглиги, яшаш, эркинлик, шахсий бахтга эришиш ҳуқуқи” эълон қилинган<sup>1</sup>.

XVIII ва XIX асрларда қабул қилинган давлатлар конституцияларида яшаш ҳуқуқи назарда тутилмаган эди. Яшаш ҳуқуқи орадан анча вақт ўтиб, баъзи бир давлатлар: масалан, Финляндия (1919 й.), Ирландия (1937 й.) ва Португалия (1933 й.)нинг конституцияларида назарда тутилди.

БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида “ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир”<sup>2</sup>, 1966 йил 19 декабрда қабул

<sup>1</sup> Қаранг: Конституция и законодательные акты буржуазных государств XVII-XIX вв. -М., 1957, 167-бет


<sup>2</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 30-36-бетлар

қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 6-моддасида “яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза қилинади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас”, 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги халқаро конвенциянинг 6-моддасида “иштирокчи-давлатлар ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга эканлигини эътироф этадилар” таҳриридаги қоидалар ўрин эгаллади. Ушбу халқаро ҳужжатларда яшаш ҳуқуқининг мустаҳкамланиши XX асрнинг иккинчи ярмида бир қатор давлатлар, хусусан, ГФР (1949 й.) ва Испания (1978 й.) конституцияларида яшаш ҳуқуқининг белгиланишига асос бўлди.

Ушбу халқаро ҳужжатларда белгиланган нормалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунида «яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Давлат соғлом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратади” мазмунидаги қоида ўрнатилди (8-модда).

Яшаш ҳуқуқи шахснинг индивидуал ҳаёт фаолиятини тартибга солиш асосида амалга ошириши билан боғлиқ бўлган, қонунда бевосита назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ҳаётига бошқа шахсларнинг ҳар қандай аралашувини истисно этадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидир.


Яшаш ҳуқуқининг субъекти барча ёшдаги ва соғлиғи турли ҳолатда бўлган ҳар қандай жисмоний шахс ҳисобланади. Қонунда ҳар қандай инсоннинг ҳаёти унинг жамиятда қандай функцияни бажариши, узоқ яшаши ёки ўлимига санокли дақиқалар қолганлигидан қатъи назар, тенг даражада ҳимоя қилинади. Бола яшаш ҳуқуқининг объекти қонуний биоижтимоий бирлик бўлган боланинг ҳаёти ҳисобланади. Яшаш ҳуқуқининг мазмуни, биринчидан, ҳаётнинг ҳимоя қилиниши; иккинчидан, яшашга кўмаклашишни ўз ичига олади.



Яшаш ҳуқуқи ҳар бир шахсга давлатнинг ҳар қандай аралашувидан ҳимояланиш ҳуқуқи, шунингдек, давлатдан ўз ҳаётини учинчи шахсларнинг аралашувидан ҳимоя қилишни талаб этиш ҳуқуқини беради. Бола ҳаёти энг олий қадрият саналгани сабабли фавқулодда вазиятларда ва бола ўз ҳаётини ўзи асрашга қодир бўлмаган (меҳнат қобилиятини йўқотганлик, табиий офатлар шароитида) ҳолларда давлат уни асраш, қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойил ва нормалари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган яшаш ҳуқуқининг дахлсиз эканлиги мазмунидаги қоидалардан келиб чиқиб, шунингдек, жиноий жазоларни янада либераллаштиришга қаратилган муайян тадбирларни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим

жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги фармонига кўра, ўлим жазоси жиноий жазо тури сифатида 2008 йил 1 январдан эътиборан бутунлай бекор қилинди ва у узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан махрум қилиш жазоси билан алмаштирилди<sup>1</sup>.



Бу Фармонга мувофиқ 2007 йил 11 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди<sup>2</sup> ва амалиётга жорий этилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил 2 август

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2007, 6-сон, 248-модда

### 3-§. Боланинг индивидуалликка эга бўлиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасида боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари белгиланган бўлиб, унга кўра ҳар бир бола туғилган пайтдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш, шунингдек уларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эга<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан катъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Ушбу конституциявий нормага мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ҳар бир одамга шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида исмга бўлган ҳуқуқ тақдим этилган. Бу ҳуқуқни боланинг туғилган пайтидан бошлаб бериладиган ва ҳаётлигида ҳамда у вафот этгандан кейин ҳам қонун билан ҳимоя қилинадиган табиий, ажратиб бўлмайдиган ва мутлоқ ҳуқуқ, дейиш мумкин.

Ушбу конституциявий нормадан ташқари, боланинг исмини белгилаш ва фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари халқаро-ҳуқуқий ва миллий қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган. Чунончи, БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясининг 7-моддасида боланинг исмга бўлган ҳуқуқи у туғилган пайтдан вужудга келиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 19-моддасига кўра, ҳар бир фуқаро исмга эга бўлиш ҳуқуқига эга. У ўзига бола туғилганда берилган исм, отасининг исми, фамилиясини қамраб олади. Бу ҳуқуқ ота-она томонидан (улар йўқлигида уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан) қонунда белгиланган тартибда бола туғилганлигини қайд этиш вақтида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 69-моддаси 2-бандига мувофиқ, боланинг фамилияси ота-онасининг хоҳишига кўра, миллий анъаналарни


---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда



ҳисобга олган ҳолда бобоси томонидан амалга оширилиши мумкин.

Боланинг фамилияси у туғилганлигини қайд этишда ота-онаси битта фамилияда бўлсалар уларнинг фамилиясига кўра аниқланади. Агар ота-онада ҳар хил фамилия бўлса, ота-онанинг келишувига биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси, ўзаро келишув бўлмаганда эса, васийлик ва ҳомийлик органининг кўрсатмасига мувофиқ берилади. Агар бола ота-онанинг никоҳи қайд этилмаган бўлса, болага онасининг фамилияси берилади. Қонунчиликда икки фамилиялик тўғрисида қоида белгиланган бўлмасада, болага отаси ва онасининг фамилиясини қўшиш йўли билан иккита фамилияга эга бўлишга рухсат берилади.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги “Фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш

ҳақидаги қоидалар тўғрисида”ги қарорига асосан болага иккита исм, масалан, Муҳаммадзохир, Мирзаюсуф, Мирзаахмад, Мирзоулугбек берилиши мумкин. Болага исм танлашда ота-она жиддий ва масъулият билан ёндошишлари лозим, негаки болага исм вақтинчалик эмас, балки бутун ҳаёти давомийлиги учун берилади.

Ҳаракатдаги қонунчиликда боланинг исмини ўзгартириш имкони белгилаб берилган. Қонунга мувофиқ боланинг исмини ўзгартиришга қуйидаги ҳолатларда йўл қўйилади: биринчидан, никоҳни қайд этиш пайтида. Никоҳга қираётган шахсларга фамилияни танлаш ҳуқуқи берилади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 20-моддасига кўра, улар никоҳгача бўлган ёки эр-хотиндан бирининг фамилиясини умумий фамилия сифатида танлаш ҳуқуқига эгадирлар; иккинчидан, фамилия никоҳни бекор қилиш вақтида ўзгартирилиши мумкин. Эр-хотин турмуш ўртоғининг фамилиясини қолдириши, ёхуд ўзининг никоҳгача бўлган фамилиясига қайтиши мумкин (ЎЗР Оила кодексининг 220-моддаси); учинчидан, фамилия, исм, отасининг исми маъқул бўлмаганда; тўртинчидан, бола 16 ёшга етганда.

Боланинг фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартириш ҳудудий адлия органларининг рухсати билан ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилади. Бунинг учун исмини ўзгартиришни истаган бола илтимос билан ФХДЁ органига мурожаат қилиши керак. Илтимоснома ариза берилган кундан бошлаб қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганлигининг қайд этганлик факти тўғрисида ФХДЁ органи Ички ишлар органига хабар беради. Боланинг ота-онасидан бирининг фамилияси, исми, отасининг исми алмашганда боланинг туғилганлик тўғрисидаги ҳужжатидаги ёзувларга ҳам ўзгартиришлар киритилади.

#### **4-§. Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи**

Боланинг шахсий ҳуқуқлари тизимида эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи муҳим ўрин тутди. Эркинлик боланинг интеллектуал-маънавий комолотга эришувининг зарур шarti ҳисобланади. Эркинлик туфайли бола ўз қобилиятини намоён

қилади, шахсий масъулият ва инсоний бурчини тўла ҳис этади. Бола эркинлиги, аввало, сўз, виждон ва матбуот эркинлигида рўёбга чиқади.

Эркинликни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин: тор маънода эркинлик бу – ҳибсга олиш ва қамоқда сақланиш орқали чекланадиган физик эркинликдир; кенг маънода эркинлик эса, индивидуал эркинлик, фуқаролик ҳуқуқ тизимида мавжуд бўладиган, энг кенг маънода – бутун бола ҳуқуқлари тизимида қўлланиладиган эркинликдир.

Эркинлик ҳуқуқи аниқ қоидалар мажмуини ўз ичига олиб, шахсий ҳаётда амалга ошириладиган (турар жой танлаш ҳуқуқи, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи, фаолият эркинлиги ва ҳоказо...), сиёсий ҳаётда (фикрлаш эркинлиги, сўз эркинлиги ва ҳоказо.) ва касбий фаолиятда (меҳнат эркинлиги, ижод эркинлиги ва х.к.) танланадиган имкониятларни ўзида ифода этади.

Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга бир қатор халқаро ҳужжатларда алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида “ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир”, деб белгиланган. Ушбу халқаро ҳужжатнинг 12-моддасига кўра эса, “ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашishi, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ҳудди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга”<sup>1</sup>.

Шунингдек, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциянинг 16-моддасида кўрсатилишича, “бирорта бола унинг шахсий ҳаёт, оилавий ҳаёт, уй-жой дахлсизлиги ёки почта орқали юбориладиган нарсаларнинг махфийлигига бўлган ҳуқуқи амалга оширилишига ўзбошимчалик билан ёки қонунга зид равишда аралашishi ёхуд унинг шаъни ва обрўсига ғайриқонуний тажовуз қилиш объекти бўлиши мумкин эмас. Бола ана шундай

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 30-36-бетлар

аралашилар ёки тажовуз қилишлардан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”.

Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини тартибга солишга миллий қонунларимизда алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида қайд этилганидек, “инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”.

Асосий қонунимизнинг 27-моддасига кўра, “ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига биноан “ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади. Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тuzатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмаётган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига

қарши кириши мумкин эмас. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади”.

Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасида белгиланишича, ҳар бир бола эркинлик, шахсий дахлсизлик, турар жойи дахлсизлиги ва хат-хабарларини сир тутиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир бола ўз шаъни ва кадр-қимматига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ушбу моддага кўра, бола қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, ҳибсга олиниши, қамоққа олиниши мумкин эмас. Давлат боланинг шахси, турар жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатациянинг барча шаклларида, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шахвоний шилқимликлардан, жиноий фаолиятга, фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этилишдан ҳимоя қилишни амалга оширади.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи – бу ҳар бир бола туғилиши билан қўлга киритадиган, ҳар ким эркин, ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиши, ўзганинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлигига зиён етмайдиган тарзда юриш-туришни танлаш имконини берувчи ҳуқуқдир. Конституциявий эркинлик ижтимоий туҳфалар ичида энг қадрли ҳуқуқлардан бири бўлиб, нафақат боланинг талабини ҳар томонлама қондирадиган, унга шарт-шароитлар яратадиган, балки жамиятнинг демократик ривожланишини таъминлайдиган ҳуқуқдир.

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги боланинг индивидуал ҳаётига ташқаридан аралашмасликни назарда тутиб, бунга физик (ҳаёти, соғлиғи) дахлсизлик ва психик дахлсизлик (ахлоқий, диний) тааллуқли бўлади. Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи – конституцияда мустаҳкамланган, ҳар бир боланинг субъектив ҳуқуқи ҳамда унинг эркинлиги ва хавфсизлигига кимнингдир ноқонуний тазйиқидан давлат ҳимоясидир. Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи давлат томонидан таъминланади.

### Эслаб қолинг!

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи – бу бола туғилиши билан вужудга келадиган, ҳар бир бола эркин, ўз ихтиёрига кўра ҳаракат қиладиган, ўзганинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлигига зиён етмайдиган тарзда юриш-туришини танлаш имконини берувчи ҳуқуқдир.

Демак, бола ўзини ҳимояланган деб ҳисоблаши учун, биринчидан, Конституция ва қонунларда барча шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар акс этган бўлиши; иккинчидан, боланинг ҳаётига ва эркинлигига таъсир қилувчи давлат аралашуви қонун билан аниқ белгилаб берилиши; учинчидан, бола унга нисбатан ҳар қандай аралашувларга қарши самарали ҳимоя воситаси билан таъминланган бўлиши керак.



Боланинг эркинлиги жамиятдаги ахлоқ меъёрлари доирасидан чиқмаслиги ва қонун асосида бўлиши керак, яъни бола ҳар қандай ҳаракатни қонун ва қонун ҳужжатларида ман этилмаган ва ҳуқуқий кўрсатмаларга зид келмаган тақдирда амалга ошириши мумкин.

Ҳар бир бола шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқига, хусусан, шахсий дахлсизлик, телефон сўзлашувлари, хат ва хабарлар, ёзишмалар дахлсизлигини ҳуқуқий тартибга солинганлиги билан ҳимояланади.

Шахсий ҳаётнинг сир сақланиш ҳуқуқи - болани кузатишга, таъқиб қилишга, унинг шахсий ҳаётига аралашинишга, унинг телефон ва бошқа сўзлашувларини эшитиб турилишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги конституциявий қоидалардан келиб чиқади ва уни чеклашга қаратилган ҳаракатлар фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкинлиги тушунилади.


Шахсий ҳаёт дахлсизлиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўз ифодасини топган, хусусан унинг 12-моддасига кўра, «ҳеч ким унинг шахсий ёки оилавий ҳаётига аралашинишга, унинг турар-жойи, ёзишмалари дахлсизлигига, шаъни ва қадр-қимматига нисбатан тажовузларга дучор қилиниши мумкин эмас. Ҳар ким бундай тажовуз ёки аралашинишлардан қонуний ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга». Айнан шу каби қоидалар “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактда (8-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган.

Болаларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини бир неча истисно ҳолатларда, яъни 1) жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашда; 2) эпидемия ёки табиий офат шароитида; 3) ҳарбий ёки фавқулотда ҳолатларда юзага келган вазиятларда чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахсий дахлсизлик ҳуқуқи унинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги билан тўлдирилади. Шахсий ҳаёт давлат, фуқаролар томонидан назорат қилинмайдиган алоҳида оилавий, маиший, хусусий

муносабатларни билдиради. Қонунда шахсий ҳаёт деганда, ҳар бир боланинг фақат ўзига тегишли бўлган ёзишма, телефон орқали суҳбат, телеграф ва бошқа хабарлар, тиббий маълумотларни ошкор этиш ёки унга маънавий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа ахборотлар тушунилади.

Боланинг шахсий ҳаётига асоссиз аралашув, ёзишмалар, телефонда сўзлашувлар ва телеграф хабарларини ошкор қилганлик учун қонунда юридик жавобгарлик назарда тутилган. Фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, яъни жиноий ишлар кўриб чиқиладиганда ёзишмалар ушланиб қолиниши ва уларни почта, телеграф муассасаларидан олиб қўйилиши мумкин.





Турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқи эркинлик, шахсий дахлсизлик ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи билан мазмун жиҳатидан яқин туради. Турар-жой деганда, хона, ҳовли, дала ҳовли, ер майдони, меҳмонхона, ётоқхона ва ҳ.к., яъни боланинг қонун асосида доимий ёки вақтинча турар жойи тушунилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида ўзбошимчалик билан турар-жойга кириш ва “Фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Пактнинг 17-моддасида ноқонуний тажовуз қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги қайд этилган. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, ҳеч ким қонунда белгиланган ҳолатдан ташқари, бирор кишининг хоҳиш-иродасига қарши унинг уйига кириш ҳуқуқига эга эмаслиги кўрсатилган.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи қонун билан кафолатланади ва фақатгина қонунда белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан чекланиши мумкин. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Пактнинг 9-моддасида “жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддатда иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга”, деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига кўра шубҳа қилинаётган ёки айбланаётган болани қамоққа олиш ҳақидаги санкция фақат суд томонидан берилади. Демак, шахсий дахлсизлик, шахс эркинлиги ҳуқуқи фақат суднинг қарори асосидагина чекланиши мумкин.

Боланинг шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи тўғрисидаги конституциявий нормалар жиноят-процессуал қонунчилигида ривожлантирилган ва тўлдирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддаси 2-қисмида белгиланишича, “ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”. Ушбу модданинг 3-қисмида эса, суд ва прокурор

қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамокда сақланган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шартлиги белгиланган.

Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг бузилиши унинг судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқини тиклаш ҳуқуқини вужудга келтиради.

### **5-§. Боланинг оилавий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи**

Боланинг соғлом, етук ва баркамол бўлиб вояга етишида оила муҳим роль ўйнайди. Оилада бобо-буви, ота-она, бошқа қариндошларнинг болага нисбатан ғамхўрлиги ва тарбияси уни жамиятнинг одобли, билимли ва тўла қонли аъзоси сифатида шаклланиши учун алоҳида аҳамият касб этади.

Боланинг оилавий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи деганда, бобо-буви, ота-она, ака-ука, опа-сингил ва бошқа қариндошларининг болага нисбатан ғамхўрлиги, боланинг оилада улар билан бирга яшаши ва тарбияланиши, ўз ота-онасини билиши, уларнинг эркалалари ва ғамхўрлигидан фойдаланиши, ҳар қандай шароитда ҳам улар билан кўришиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

Бола ҳуқуқига бағишланган халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунларда ҳар бир боланинг оилада яшаши ва тарбияланиши, ўз ота-онасини билиши, улар билан бирга яшаши ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиши ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланган. Чунончи, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги халқаро конвенцияда боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, хусусан ота-онаси билан бўладиган ўзаро муносабатлари доираси алоҳида тартибда белгиланган. Ушбу конвенциянинг 7-моддасида кўрсатилишича, “бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ва туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек, иложи борича, ўз ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини олишга ҳақли

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004, 220-242-бетлар

ҳисобланади”, 8-моддасига кўра эса, “иштирокчи-давлатлар қонунда кўзда тутилганидек, боланинг ўзига хос хусусиятлари жумладан, фуқаролиги, исми ва оилавий алоқаларини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, қонунга зид равишда аралашувга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар”.

### **Эслаб қолинг!**


Боланинг оилавий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи деганда, бобо-буви, ота-она, ака-ука, опа-сингилларнинг болага нисбатан ғамхўрлиги, боланинг оилада улар билан бирга яшаши ва тарбияланиши, ўз ота-онасини билиши, уларнинг эркалашлари ва ғамхўрлигидан фойдаланиши, ҳар қандай шароитда ҳам улар билан кўришиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг 9-моддасида ўрнатилишича, давлатлар бола ўз ота-онасидан уларнинг ҳошишларига зид равишда айрилиб қолмаслигини таъминлашлари, ота-онасининг биттаси ёки ҳар икковидан ҳам айрилган боланинг улар билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқини ҳурмат қилишлари, бола ёки унинг ота-онаси оилани бирлаштириш мақсадида давлатга кириш ёхуд ундан чиқиш учун берган аризалари давлатлар томонидан ижобий, инсонпарварлик руҳида ва тезкорлик билан кўриб чиқишлари, ота-онаси турли давлатларда яшаётган бола отаси ва онаси билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқини амалга оширишлари, боланинг ва ота-онасининг ҳар қандай мамлакатни тарк этиш, жумладан, ўз мамлакатини ташлаб кетиш ва унга қайтиб келиш ҳуқуқини ҳурмат қилишлари лозим. Шу билан бирга ушбу конвенция талабига кўра, давлатлар болаларнинг ғайриқонуний равишда кўчирилишига ва чет элдан қайтмаслигига қарши кураш олиб бориш учун чора-тадбирлар кўришлари керак (11-модда).

Ушбу халқаро ҳужжат талаблари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари

тўғрисида”ги қонунининг 13-моддасига биноан “ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, унинг манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно”.

Бола етим бўлиб қолганда, ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ҳам оилавий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини сақлаб қолиб, уни таъминлаш қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 13-моддасида белгиланишича, боланинг ота-онаси бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ҳамда бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада яшаш ҳамда тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.



Демак, ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларини тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги боласини олишдан бош тортганда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун васийлик ва ҳомийлик органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди, бундай болаларни ҳисобга олади ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир ҳолатга қараб, болаларни жойлаштириш шаклини танлайди, шунингдек бундан кейин уларга таъминот бериш, тарбиялаш ва таълим бериш шарт-шароитларини назорат қилиб боради.

Мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим муассасалари, даволаш муассасалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар бериши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч кун ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши ва боланинг ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши керак.

Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Ҳомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Боланинг оилавий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашда фарзандликка олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон

Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 31-1-боби 285-1-285-7-моддаларига кўра, фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига берилади, болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-моддасида белгиланишича, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризаси ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра судлар томонидан амалга оширилади. Ушбу кодекснинг 151-моддаси 3-қисмига кўра, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек, прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади ва бу билан фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларини тўла ҳимоя қилинади, барча шарт-шароитни яхши биладиган масъул давлат органларининг бевосита иштироки таъминланади. Бундан ташқари, мазкур Кодекс 155-моддасининг 2-қисмига кўра, фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи билан бирга, суд томонидан ҳам аниқланади.

Боланинг оилавий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш унинг ота-онаси никоҳдан ажралганда баъзи мураккабликларга сабаб бўлади. Бола бобо-бувиси, отаси ёки онаси, бошқа яқинларининг ғамғўрликларидан маҳрум бўлиб қолиши, улар учрашиши қийинлашиши, бола тарбиясида уларнинг роли пасайиб кетиши мумкин. Аммо, ота ва онанинг ажралиб кетиши боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқига, масалан, боланинг ўз

яқинлари билан кўришиб туриш ҳуқуқига монелик қилмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 13-моддасида ўрнатилишича, бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота ва онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди. Ота ва она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Экстремал вазиятларга (ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қамокқа олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) тушиб қолган бола ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ўз яқинлари билан кўришиш ҳуқуқи фуқаролик ишлари бўйича туман судлари томонидан ҳал этилади. Судлар томонидан мавжуд вазият атрофлича ўрганилиб, боланинг соғлиғи ва тарбиясига таъсир этадиган хавф-хатар келиб чиқиш ҳолатлари вужудга келмайдиган бўлса, кўришиш ҳуқуқи таъминланади.

#### **6-§. Боланинг фикрлаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқи**

Боланинг шахсий ҳуқуқлари тизимида фикрлаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқи муҳим ўрин тутди. Маълумки, демократияга асосланган давлатларда ҳар ким ўз эътиқодига асосланган ҳолда жамият, давлат ва ижтимоий-сиёсий муаммоларга доир ўз фикр ва мулоҳазасини эркин баён қилиши, маълум ҳодиса ва ҳужжатларга ўзининг шахсий баҳосини бериши, ҳокимият ва бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига оид камчиликларни танқид қилиши мумкин.

Боланинг фикрлаш эркинлиги – бу сўз орқали ўз мулоҳазасини эркин равишда бошқа шахсларнинг эътиборига ҳавола қилишидир. Демак, боланинг фикрлаш эркинлиги деганда, сўз орқали амалга ошириладиган, фикрини очиқ сўзлаш ва бошқа шахсларнинг эътиборига етказиш ҳуқуқи тушунилади. Сўз ҳамда фикрлаш эркинлигини қонуний асосда кафолатлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу фикрлар ва

қарашлар хилма-хиллиги, фуқароларнинг демократик жараёнларда тўлақонли иштирок этишини таъминлайди.

Боланинг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи ўз ичига ахборотни излаш эркинлиги, ҳар қандай ахборотни олиш, тарқатиш, ёзма ёки нашр шаклида ёхуд бадиий шаклда ифодалаш эркинлигини амалга ошириш имконини беради. Кўп ҳолларда сўз эркинлиги ҳар бир боланинг ўз фикрини оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикр ва эътирозларини очиқ сўзлаш эркинлиги билан боғлиқ бўлади.

### **Ёдда тутинг!**

Боланинг фикрлаш эркинлиги деганда, сўз орқали амалга ошириладиган, фикрини очиқ сўзлаш ва бошқа шахсларнинг эътиборига етказиш ҳуқуқи тушунилади.


Боланинг фикрлаш ва сўз эркинлигини ҳуқуқий тартибга солишга миллий қонун ҳужжатларида алоҳида эътибор берилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида қайд этилганидек, “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга”.

Боланинг сўз ва фикрлаш эркинлиги ҳуқуқига доир конституциявий нормалар жорий қонунларда ривожлантирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 17-моддасида кўрсатилишича, бола фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.

Шунингдек, боланинг газета, журнал, телевидение ва радио дастурлари ва оммавий ахборат воситалари орқали маълумотларни тарқатиш ва қабул қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуни билан тартибга солинади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 3-сон, 20-модда





Ахборотларни йиғиш, тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва рухсат этилмаган танишувдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамда ахборот тизимларининг маълумотлар базаси ва банкини ташкил қилиш, ахборотларни қайта ишлаш ва узатишнинг бошқа тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги каби 20 дан ортиқ қонунлар билан тартибга солинади.

Санаб кўрсатилган миллий қонунлардаги нормалар “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг талабларига тўла мос келади. Чунончи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасига мувофиқ, “ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни

эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларини ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади”.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 19-моддасида ахборот олиш, тарқатиш эркинлиги ва кафолотлари тўғрисида “ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёки ифодалашнинг бадиий ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ғояларини қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади, мазмунидаги қоида жой олган.

Ёхуд, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг 13-моддасида белгиланишича, “бола ўзининг фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ахборотни, чегарасидан қатъий назар, оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши баъзи бир чеклашларга дуч келиши мумкин, бироқ бундай чеклашлар фақат қонунда кўзда тутилган чеклашлардан иборат бўлади, бу қуйидагилар учун зарур: бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрўсини ҳурмат қилиш учун; давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини (*ordre public*), аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини муҳофаза қилиш учун”.

Боланинг сўз эркинлиги муайян ҳуқуқлар билан бир қаторда маълум бурч ва мажбуриятлар мавжудлигини ҳам тақозо этади. Масалан, болалар сўз ва фикрлаш эркинлиги воситасида бошқа шахсларнинг ҳуқуқи ва обрўсини тўкмаслиги, давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли соғлиғи ва қадриятларига дахл қилмаслиги талаб этилади.

Боланинг фикрлаш ва сўз эркинлигини таъминлашнинг асосий шарти жамиятда қонун устуворлиги, давлат органларининг очиқлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлади. Ушбу йўналишда мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни

ривожлантиришнинг институционал-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, ушбу соҳада амалга оширилаётган институционал ислохотларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилганлигини қайд этиш мумкин. Ушбу агентликнинг асосий вазифаси сўз ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларнинг рўёбга чиқишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтиришдан иборат.



Боланинг фикрлаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқи қонунга кўра мафкуравий ёки сиёсий чегаралар билан чеклаб қўйилмаган, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мафкуралаштиришдан воз кечилган бўлиб, сўз, фикр, виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатланган. Асосий қонунимизга кўра, фикрлаш ва сўз эркинлигига нисбатан қонунда муайян ёш цензи ҳам белгиланмайди.

Шунингдек, боланинг фикрлаш ва сўз эркинлигига нисбатан қонун ҳужжатларида муайян истисноли ҳолатлар белгиланган ва биринчи навбатда бу ҳолатлар аҳоли фаровонлиги ва тинчлигини таъминлаш, давлатнинг конституциявий тузумига зид бўлмаслик билан белгиланади. Ушбу эркинликни суиистеъмол қилиб шарм-ҳаёсиз асарлар яратиш, фикрлаш, сўз ва матбуот эркинлигидан конституциявий тузумга қарши мақсадда, бошқаларни бадном қилишни кўзлаб, ахборотлар излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан бошқаларни шахсий ҳаёт сирлари ёки давлат, хизмат ёинки тижорат сирларини ошкор этиш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Боланинг фикрлаш ва сўз эркинлиги фақат давлат сирлари ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонунида давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхат билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли мутлоқо махфий ва махфий-ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа хил маълумотлар Республиканинг давлат сирлари деб кўрсатилган бўлиб, улар ҳақида маълумот тўплаш ва тарқатиш чекланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XXII боби “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” деб номланиб, унинг қатор моддаларида, масалан, “Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш”, таҳриридаги 278-1-моддасида, “Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш”, таҳриридаги 278-2-моддасида, “Компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2019, 2-сон, 47-модда

воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш”, таҳриридаги 278-3-моддасида, “Компьютер ахборотини модификациялаштириш” таҳриридаги 278-4-моддасида, “Компьютер саботажи” таҳриридаги 278-5-моддасида ҳамда “Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш” таҳриридаги 278-6-моддасида тегишли жавобгарлик чоралари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 155-моддасида “Ахборотдан фойдаланиш қоидаларини бузиш” маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида белгиланган бўлиб, унга кўра ахборот тизимидан фойдаланиш мақсадида унга рухсатсиз кириб олишда ифодаланган ахборот ва ахборот тизимларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (1-қисм); ахборот тизимларининг ишини бузишга олиб келган худди шундай ҳуқуқбузарлик, худди шунингдек, кириш чекланган ахборот тизимларини ахборот-ҳисоблаш тармоқларига улаш чоғида тегишли ҳимоя чораларини кўрмаганлик (2-қисм); юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига қонунга хилоф равишда улаш, бу тармоқларга тегишли ҳимоя чораларини кўрмасдан уланиш, худди шунингдек, улардан маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш (3-қисм); ўзганинг электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастури ёки маълумотлар базасини ўз номидан чиқариш ёхуд қонунга хилоф равишда ундан нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш (4-қисм) муайян жавобгарлик келтириб чиқишига асос бўлади.

### **7-§. Боланинг виждон эркинлиги ҳуқуқи**

Боланинг шахсий ҳуқуқлари ичида виждон эркинлиги ҳуқуқи конституциявий даражада белгиланган асосий ва дахлсиз ҳуқуқларидан биридир. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида кўрсатилишича, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўрнатилган ушбу ҳуқуқ умумтан олинган халқаро ҳуқуқнинг барча талаб ва тамойилларига мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддаси ҳамда “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактда инсоннинг виждон эркинлиги ҳуқуқига тегишли а) ўз хоҳишига кўра маслакка ёки динга эга бўлиш; б) ўз маслаги ва динини ўзгартириш; с) динга ва маслакка бир ўзи, биргаликда эътиқод қилиш, оммавий ёки шахсий тартибда динни ўрганиш ва сиғиниш; д) диний расм-русум ва тоат-ибодат маросимларини ўтказиш каби қоидалар мустаҳкамланган.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг 14-моддасида белгиланишича, “иштирокчи-давлатлар боланинг фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қиладилар. Ўз дини ёки эътиқодини тарғиб қилиш эркинлиги фақат қонунда белгиланган ҳамда давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг маънавияти ва соғлиғини сақлаш ёки бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳисоблангандагина чекланиши мумкин”.

Умумтан олинган халқаро ҳужжатларда белгиланган ушбу қоидалардан келиб чиқиб, боланинг виждон эркинлиги деганда, ҳар бир боланинг динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик, диний расм-русум ва маросимларда иштирок этиш ёхуд этмаслик каби динга нисбатан ўз муносабатини мустақил намоён этадиган шахсий ҳуқуқи тушунилади.

Виждон эркинлиги ҳуқуқининг мазмуни боланинг динга эътиқоди бор ёки йўқлиги, бетараф бўлиши ёки атеист бўлиши кабилардан иборат бўлади. Демак, боланинг қайси бир динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслиги виждон эркинлигининг мазмунини ташкил этади. Ёхуд, Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга бағишланган бобда виждон эркинлигининг давлат томонидан кафолатланиши белгиланган. Виждон эркинлиги боланинг шахсий ҳуқуқи бўлиб, унинг ҳис-туйғулари ва эътиқоди бошқа шахслар томонидан уқтирилиши ва мажбуран сингдирилиши мумкин эмас. Болани борлиқдаги ҳар қандай моддий неъмат ва қийматликлардан чеклаш мумкин, лекин унинг ички дунёси ва эътиқодидан маҳрум этишнинг имконияти йўқ.

### **Ёдда тутинг!**

Боланинг виждон эркинлиги деганда, ҳар бир боланинг динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик, диний расм-русум ва маросимларда иштирок этиш ёхуд этмаслик каби динга нисбатан ўз муносабатини мустақил намоён этадиган шахсий ҳуқуқи тушунилади.

Ҳар қандай динда болани маънавий ва ахлоқий камол топтириш, бағрикенглик, эзгулик, хушмуомалаликка ундовчи ғоялар мавжуд бўлади. Шунинг учун қайси бир динга эътиқод қилиш, унинг қоида ва меъёрларига амал қилиш мажбуран сингдирилмаслиги баробарида таъқиқланиши ҳам мумкин эмас. Мамлакатимизда ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, ёшларимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатарларидан ҳимоя қилиш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кучларнинг ёвуз ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган турли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистонда ислом дини билан бир қаторда православлар, яҳудийлар, баптистлар, адвентистлар, католиклар, лютеранлар, кришнаитлар, буддистлар, христиан-пресвиторианлари сингари бир қанча дин ва мазҳаблар мавжуд бўлиб, уларнинг фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирда мамлакатимизда 16 та турли конфессиядаги 2260 та диний ташкилотлар ўз фаолиятини юритмоқда.



Давлат ва дин муносабатларида энг муҳим жиҳат диннинг сиёсатга аралашмаслигидир. Ҳар қандай диннинг вазифаси жамиятда маънавий-ахлоқий масалаларни йўлга қўйиш, ёш авлодни ватанпарварлик, фидокорлик, ватанга садоқат каби улуғ туйғулар асосида тарбиялашда буюк аجدодлар ҳаёт йўли, ижоди ва меросини ўрганиш, бой миллий, маънавий меросни тарғиб қилиш, ундан истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида самарали фойдаланиш каби умуммиллий вазифани бажаришида намоён бўлади.

Мамлакатимизда қарор топган диний бағрикенглик энг аввало бой тарихий-маънавий мерос, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналар асосида миллий ўзлигини англаган, умуминсоний қадриятлар асосида дунёқараши шаклланган баркамол авлодни тарбиялашни кўзда тутди.



Диндан ғаразғўйлик мақсадида фойдаланиш, диний омиллар воситасида сиёсат ва давлат ишига аралашиш каби ҳолатлар қатъиян ман этилди. Ҳар бир фуқаро ўзининг динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиши ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонунида белгиланишича, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг амалга оширилишига қаршилик кўрсатиш жиноий-ҳуқуқий тартибда жазоланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддасида виждон эркинлигини бузиш жинояти учун жазо чораси белгиланган. Унга кўра, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021, 03/21/699/0635-сон

олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **Назорат саволлари:**

1. *Яшаш ҳуқуқи - боланинг узвий ҳуқуқи деганда нимани тушунаси?*

2. *Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи тушунчасини биласизми?*

3. *Боланинг индивидуалликка эга бўлиш ҳуқуқини тавсифлаб беринг.*

4. *Боланинг оилавий муҳитга эга бўлиш ва уни сақлаб қолиш ҳуқуқини тушунтириб беринг.*

5. *Боланинг сўз ва фикрлаш эркинлиги ҳуқуқини қандай тушунаси?*

6. *Боланинг виждон эркинлиги ҳуқуқини гапириб беринг.*

### **Тестлар:**

#### **1. Бола (болалар) тушунчасини аниқланг?**

- а) ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс;
- в) ўн олти ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс;
- в) ўн етти ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс;
- г) ўн беш ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс.

#### **2. Кимлар боланинг қонуний вакиллари ҳисобланадилар?**

- а) Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар;
- б) Ота-оналар, фарзандликка олувчилар;
- в) Ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар;
- г) Ота-оналар ва боланинг қариндошлари.

#### **3. Боланинг ҳуқуқлари турлари?**

- а) шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий;

- б) шахсий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий;
- в) шахсий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий;
- г) шахсий, ижтимоий-иқтисодий, моддий.

**4. Боланинг индивидуалликка бўлган ҳуқуқи**

а) фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш ҳуқуқи;

б) фамилия, исм, ота исми олиш, фуқаролигига эга бўлиш ҳуқуқи;

в) фамилия, исм, она исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш ҳуқуқи;

г) фамилия, исм, ота исми олиш, миллатига эга бўлиш ҳуқуқи.

**5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги фармони қачон қабул қилинган?**

- а) 2005 йил 1 август;
- б) 2006 йил 17 июль;
- в) 2008 йил 24 октябрь;
- г) 2010 йил 29 декабрь.

**6. Ўзбекистонда ўлим жазоси қачон бекор қилинган?**

- а) 2008 йил 1 январь;
- б) 2005 йил 14 март;
- в) 2002 йил 19 сентябрь;
- г) 2010 йил 21 декабрь.

## ХШ БОБ. БОЛАНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Боланинг мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунчаси. Боланинг мурожаат қилиш ҳуқуқи шакллари. Болаларнинг мурожаатини кўриб чиқиш тартиби.

**Калит сўзлар:** сиёсат, сиёсий ҳуқуқ, мурожаат қилиш ҳуқуқи, ариза, таклиф, шикоят, регресс тартиби, ёлғон маълумот.

### 1-§. Боланинг мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида “давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул” эканлиги белгиланган. Халқ иродасини ифода этиш, унинг манфаатларини амалда таъминлашда фуқароларнинг мурожаатлари муҳим аҳамият касб этиб, у жамиятда ижтимоий адолат қарор топиши, шахс, жамият ва давлат муносабатларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулиятни таъминлашга хизмат қилувчи асосий восита ролини ўйнайди ва унинг қонуний йўлга қўйилганлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ кўлида эканлигининг кўрсаткичи ҳисобланади.

#### **Ёдда тутинг!**

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки жамоа тарзида давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси).

Фуқароларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг давлат билан ўзаро муносабати, аҳолининг давлат органлари фаолияти устидан назоратини таъминлашда уларнинг мурожаати муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бу масала мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва

юримдик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуни билан тартибга солинади.

Боланинг мурожаат этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки жамоа тарзида давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Боланинг мурожаати инсон ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, давлат органларининг аҳоли билан алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим воситадир.

Бир томондан - боланинг мурожаати жиддий ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади ва у давлат ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш учун зарурдир, иккинчи томондан - бундай мурожаатлар болаларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кафолатлашнинг энг муҳим шаклларида биридир. Бундан ташқари, боланинг мурожаати уларнинг давлат органлари фаолияти устидан назоратини таминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунида, аввало, мурожаат этиш ҳуқуқининг тамойиллари белгиланган. Чунончи, ушбу қонуннинг 3-моддасига кўра, мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади, ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас, мурожаат этиш ҳуқуқи бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги лозим.

Болаларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 мартда қабул қилинган ЎРҚ-608-сонли “Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”<sup>2</sup>ги қонуни муҳим аҳамият касб этади. Унга асосан Ўзбекистон Республикасининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 7-сон, 977-модда

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Оила кодексининг 68-моддаси «қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак», таҳририда тўлдирилди.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 96-моддаси тўртинчи қисм, яъни «ота-она ва бола алоҳида-алоҳида яшаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзида ота ва онадан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли»<sup>1</sup>, мазмунидаги қоида билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни 11-моддасининг бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда тўлдирилди: «Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек бошқа давлат органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли. Бундай мурожаатларни бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди».

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 15-моддаси: «оилада ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама жараёнида сўзлашга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон

боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак», таҳририда баён этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 мартдаги “Бола ҳуқуқларининг кўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонунига биноан қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак.

Ушбу қонунга кўра, ота-она ва бола алоҳида-алоҳида яшаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзида ота ва онадан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво кўзғатишга ҳақлидир.

Шунингдек, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек бошқа давлат органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли. Бундай мурожаатларни бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, қонунга биноан оилада ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама жараёнида сўзлашга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон

ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"<sup>1</sup> ги қонунининг 24-1-моддасида вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган бўлиб, унга кўра, вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органларига, ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат беришга ҳақли. Давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг мурожаатларини кўриб чиқиш унинг қонуний вакиллари, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида амалга оширилиши мумкин. Вояга етмаган шахслар тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли уларнинг мурожаатларини кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"<sup>2</sup>ги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомнинг 8-бандига қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилди: «Ота-она қаровисиз қолган болаларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги сабаблари билан бундай мурожаатлари кўриб чиқилмаслигига йўл қўйилмайди».

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2017, 9-сон, 509-модда

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.12.2019 й., 09/19/1022/4181-сон



Мурожаатда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмайдиган давлат органлари, ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари мурожаатни тегишли давлат органига, бошқа ташкилотга ёки мансабдор шахсга ёхуд васийлик ва ҳомийлик органига юбориши шарт.

## **2-§. Боланинг мурожаат қилиш ҳуқуқи шакллари**

Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида жисмоний шахслар томонидан бериладиган ариза, таклиф ва шикоятлар оғзаки, ёзма ва электрон шаклларда бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ариза – ҳуқуқ, эркинлик ёки қонуний манфаатларни амалга оширишга ёрдам бериш ҳақидаги илтимос билан мурожаат қилишдир.


Таклиф – давлат фаолиятини ва ижтимоий фаолиятни такомиллаштириш борасидаги тавсиялар билан мурожаат қилишдир.

Шикоят – бузилган ҳуқуқ, эркинликларни қайта тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилишдир (“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси).

Ариза ва таклифлар ижтимоий муносабатларни бир маромда кечаётганлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Улардан фарқли ўлароқ, шикоятлар эса давлат органларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ёки қарорлари натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан далолат беради. У ёки бу соҳада, давлат органининг фаолиятида шикоятларнинг кўпайиб кетиши маълум ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилишини талаб этади.


Бугунги кунда кўплаб ривожланган хорижий давлатларда ахборот технологиялари фуқароларга ўз мурожаатларини давлат органларига Интернет тармоғи орқали юбориш воситаси бўлиб, улар ёрдамида фуқаролар мансабдор шахслар билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам электрон шаклда маълумотларнинг тўлиқ айирбошланишини, сўровларни расмийлаштириш тартиботларини жадаллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрда “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.



Ушбу қарор асосида Ўзбекистон Республикасида Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низом қабул қилиниб, ушбу Низом интерактив давлат хизматларидан фойдаланишда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат ва

хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг шартлари ва тартиби белгилаб берилди.



Ягона порталнинг асосий вазифаси фойдаланувчиларга давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш учун имконият яратиш; ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа лойиҳалар билан интеграциялаш; давлат органларига мурожаат қилинганда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш; “электрон ҳукумат”ни янада ривожлантириш ва давлат бошқарувида замонавий ахборот технологияларини жорий этишда кўмаклашишдан иборат.

### **Эслаб қолинг!**

Ариза – ҳуқуқ, эркинлик ёки қонуний манфаатларни амалга оширишга ёрдам бериш ҳақидаги илтимос билан мурожаат қилишдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонуни давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштирди. Ушбу қонунда, биринчидан, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқларини таъминлаш; иккинчидан, давлат органларига мурожаат этишнинг “электрон мурожаат” турини ҳуқуқий мустаҳкамлаш; учинчидан, давлат органлари томонидан мансабдор шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш масъулияти оширилди.

Қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга қўйиладиган талаблар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаат этиш ҳуқуқининг кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ўз ифодасини топган.

### **Ёдда тутинг!**

Таклиф – давлат фаолиятини ва ижтимоий фаолиятни такомиллаштириш борасидаги тавсиялар билан мурожаат қилишдир.

Электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқи жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тегишли идора ёки

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 7-сон, 977-модда

мансабдор шахсларга мурожаат қилинишидир. Қонунга кўра, электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак.

### **Эслаб қолинг!**

Шикоят – бузилган ҳуқуқ, эркинликларни қайта тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилишдир

Болалар ўз мурожаатлари кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқиладиган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Мурожаатни қайтариб олиш ҳақидаги ариза давлат органлари томонидан қонунбузилишини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно этмайди.

### **3-§. Боланинг мурожаатини кўриб чиқиш тартиби**

Давлат органига келиб тушган мурожаатлар шу орган томонидан ёки мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Давлат органларида жисмоний шахсларни қабул қилиш давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида махсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланиши мумкин. Давлат органларининг раҳбарлари ва бошқа ваколатли шахслари томонидан жойларга бориб, шахсий сайёр қабуллар ташкил этилиши ҳам мумкин.

Мурожаатнинг турига қараб, қонунчиликда махсус тартиб-таомиллар ва алоҳида кўриб чиқиш муддатлари жорий этилган. Масалан, ариза ёки шикоят 15 кун ичида, қўшимча ўрганиш (текшириш) ёки қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача муддатда кўриб чиқилади. Айрим ҳолларда ушбу муддат тегишли давлат органининг раҳбари томонидан узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда

мурожаат этувчига хабар қилинади. Таклиф бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар истисно қилинади, бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддатда хабар қилинади.

Қўйилган масалаларни ҳал қилиш ваколатига кирмайдиган давлат органига келиб тушган мурожаатлар беш кундан ошмаган муддатда тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда мурожаат қилувчига хабар берилади.

Жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг фоят муҳим унсурларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига биноан ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналаридир. Хусусан, ушбу фармонга кўра, Президент Администрациясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Ушбу тузилмалар бир-бири билан узвий ҳамкорликда ҳаракат қилади, ягона режимда ишлайди, мақоми бўйича тенг, уларнинг жойлардаги ходимлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ходимларидир.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, мурожаатлар билан ишлашнинг жисмоний шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўла-тўқис ҳимоялашга қаратилган сифат жиҳатдан янги ва самарали тизимнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

- жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясига, ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, судга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотлари ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини сўзсиз амалга ошириш учун шароит яратиш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунига қатъий мувофиқ ҳолда Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

- Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишли давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига жўнатилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан мунтазам мониторингни, назоратни амалга ошириш;


- давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари иштирокида жисмоний шахсларнинг қабулларини ўтказиш, шу жумладан видеоконференция ёрдамида ўтказиш;

- Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатлар киритилиши, умумлаштирилиши, мунтазам ҳолга келтирилиши ва кўриб чиқилишини назорат қилиш бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий қилиш ва юритиш орқали мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунида мурожаат этиш ҳуқуқининг кафолатлари ўрнатилган. Ушбу кафолатлар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахсларнинг камситишга йўл қўйилмаслиги (10-м), мурожаатлар давлат органлари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шартлиги, мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқиш рад этилганда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш мумкинлиги (13-м), мурожаатни кўриб чиқишда жисмоний

шахсининг шахсий ҳаёти, юридик шахсининг фаолиятига тааллуқли маълумотлар ошқор этилишига йўл қўйилмаслиги (14-м), мурожаатда танқид қилганлиги учун жисмоний шахслар, уларнинг оила аъзоларини таъқиб этиш ман этилиши (15-м) кабилардан иборат.

Қонуннинг 26-27-моддаларида моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган. Унга биноан мурожаат қаноатлантирилган тақдирда ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ зарарнинг ўрни (транспорт харажатлари, иш ҳақи) ҳамда маънавий зиён суд тартибида қопланади, давлат органи томонидан тўланган моддий ва маънавий зарар учун маблағлар айбдор мансабдор шахсдан регресс тартибида ундириб олинади, била туриб ёлғон маълумотлар баён этилган мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органи томонидан қилинган харажатлар жисмоний шахсдан суд тартибида ундириб олиниши мумкин.





Болаларнинг мурожаатларини кўрмасдан қолдириш асослари ҳам қонунда белгиланган. Унга кўра, аноним мурожаатлар, жисмоний шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда кўриб чиқилмайди. Шунингдек, асоссиз маълумотларни тарқатган шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

### **Назорат саволлари**

- 1. Боланинг мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунчасини айтинг.*
- 2. Болаларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи неча шаклга бўлинади?*
- 3. Болаларнинг мурожаатини кўриб чиқиш тартиби қандай?*

### **Тестлар**

**1. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?**

- а) 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган;
- б) 2016 йил 23 мартда қабул қилинган;
- в) 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган;
- г) 2019 йил 7 апрелда қабул қилинган.

**2. Боланинг мурожаат этиш ҳуқуқи шаклларини кўрсатинг?**

- а) оғзаки, ёзма, электрон;
- б) таклиф, ёзма, электрон;
- в) ариза, ёзма, электрон;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**3. Боланинг мурожаат этиш ҳуқуқи турларини кўрсатинг?**

- а) ариза, таклиф, шикоят;
- б) оғзаки, ариза, электрон;
- в) ёзма, таклиф, шикоят;
- г) а ва в жавоблар тўғри.

**4. Боланинг мурожаати қанча муддатда кўриб чиқилиши керак?**

- а) 15 кун муддатда;
- б) 20 кун муддатда;
- в) 25 кун муддатда;
- г) 1 ойлик муддатда.

## XIV БОБ. БОЛАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Боланинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи. Боланинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи.

**Калит сўзлар:** иқтисодий ҳуқуқ, мулк, мулкдор бўлиш ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, меҳнат шартномаси, меҳнат низоси, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, нафақа, ижтимоий ёрдам.



### 1-§. Боланинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи

Боланинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари тизимида мулкдор бўлиш ҳуқуқи муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига биноан, “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банк операцияларининг, омонатларнинг ва ҳисобварақларнинг сир тутилиши, шунингдек мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади”.


Боланинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа тадбиркорлик муносабатларини тартибга солишга қаратилган миллий қонунлар билан тартибга солинади. Боланинг мулкдорлик ҳуқуқи унинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш, шунингдек, мулкига нисбатан ҳар қандай қонун бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 18-моддасида белгиланишича, бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳадя, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир.

Шунингдек, ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади.

Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади (19-модда).


Мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, мулк эгаси бўлган бола ўзига тегишли бўлган мулкдан абадий фойдаланиши, ўзининг мулк ҳуқуқини хоҳлаган вақтда тасарруф қилиши мумкин. Чунки, мулк ҳуқуқи фақат мулкдорга тегишли бўлади.



Демак, Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир шахс қонуний асосларда вужудга келган мулкдан ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Аммо, боланинг мулкдан фойдаланиши экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикасида бошқа ҳуқуқлар сингари боланинг мулк ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилиш қонуний жиҳатдан мустаҳкамланган ва кафолатланган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари белгиланган. Ушбу кодекснинг XIX боби "Мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш"га бағишланиб, унга кўра мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (виндикация) ҳамда мулкдорнинг ҳуқуқини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган

ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (негатор даъво) усуллари белгиланган.



Бола ўзга шахс томонидан қонунга ҳилоф равишда эгаллаб олинган мол-мулкни фуқаролик қонунчилигига мувофиқ талаб қилиб қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бола ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишлар, гарчи бундай бузишлар уни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса-да, бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

Боланинг мулкни ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатини кўзлаб эгаллаши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, шунингдек мулк ҳуқуқини ҳар қандай бузилишдан бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи йиғиндиси мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этади. Субъектив мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этадиган бу эълементлар мулк эгасига қонун билан белгиланган доирада берилади.

Мулкдорнинг мулкый ҳуқуқини амалга оширишда унинг манфаати ётади. Бу манфаат бевосита унинг ўзига, яқинларига ёки бошқаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, ота-она вояга етмаган фарзанди номига банкка омонат пул маблағи қўйганда, гарчи бунда учинчи шахснинг манфаати кўзлангандай бўлса ҳам, аслида мулкдорнинг ҳаракати замирида ота-она сифатидаги бурчи ётади. Мулкдорни ўз хоҳишига кўра ёки манфаатига зид равишда мулкый битимлар тузишга мажбур қилиш, умумий қоидага кўра бундай битимлар ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Боланинг мулк ҳуқуқи уч унсур (эълемент) – мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдан ташкил топади. Боланинг мулкни эгаллаш ҳуқуқи мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туришдир. Мулкни қонунга мувофиқ равишда ўз қўлида ёки ўз эрки-иродаси таъсири остида сақлаб турган шахс мулкни эгаллаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ, аввало, мулк эгасига тегишли бўлади. Мулкни эгаллаш ҳуқуқи қонун ёки шартномага асосан бошқа шахсда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, мулк шартнома бўйича ижарага берилганда, вақтинча текин фойдаланиш учун топширилганда, омонат қўйилганда ёки маъмурий далолатномага биноан вақтинча сақлаш учун бирон ташкилот ёки фуқарога ўтказилганда эгалик ҳуқуқи мулк эгаси бўлмаган шахсда ҳам бўлиши мумкин.

### **Ёдда тутинг!**

Боланинг мулкни эгаллаш ҳуқуқи мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туришдир.

Боланинг мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи – мулкнинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, мулкдан иқтисодий маънода фойда кўришдир. Мулкдан қонунга мувофиқ равишда фойдаланувчи шахс шу мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи шу мулкни эгаллаш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Мулкни эгалламай, қўлда сақламай туриб ундан

фойдаланиб ҳам бўлмайди. Масалан, мулк ижараси шартномасига мувофиқ, ижарага берувчи даставвал мулкни ижарага олувчига қонун ёки шартномада кўзда тутилган тартибда топширади. Топшириш билан бир вақтда ижарага олувчида мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам вужудга келади ва у шундан сўнг ижарага берилган мол-мулкдан фойдаланиши мумкин. Мулкдан ишлаб чиқаришда ёки кундалик ҳаётда фойдаланишда бу мулк бутунлай истеъмол қилинади ёки муайян вақт давомида аста-секин эскиради.

Боланинг мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи – мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқдир. Мулк эгаси тасарруф этиш ҳуқуқига биноан мулк юзасидан хилма-хил битимлар, шартномалар, чунончи, ашёни сотиш, ҳадя қилиш, ижарага қўйиш тўғрисида шартнома туза олади. Агар ашё бутунлай кераксиз бўлиб қолса, мулк эгаси бундай ашёни ташлаб юбориши, ўзидан бирон-бир усул билан соқит қилиши мумкин.

Бу ҳуқуқ мулкдорга ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан мол-мулкдан гаров нарсаси сифатида фойдаланиш ёки унга бошқача йўллар билан вазифа юклаш, уни бегоналаштириш ёки мол-мулкни бошқача усул билан тасарруф этишга имкон беради.

### **Эслаб қолинг!**

Боланинг мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи – мулкнинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, мулкдан иқтисодий маънода фойда кўришдир.

Бу ҳуқуқнинг қўлдан кетиши билан боланинг мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи ҳам қўлдан кетади. Масалан, мулкни омонатга қўйишда ашёни эгаллаш ҳуқуқи, ижарага беришда ашёни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бировга ўтса, ашёнинг сотилиши ёки ҳадя қилинишида эса субъектив мулк ҳуқуқининг ҳар уч элементи: эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари ҳам бутунлай бошқа шахсга ўтади.

Айрим ҳолларда, чунончи, мулкни йўқотиш, ўғирлатиш ҳолларида мулк эгаси ўз мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлса ҳам, эгалик ҳуқуқини қонунда белгиланган ҳолларда ва муддатда ўзида сақлаб туради. Болага тегишли мулк ўғирланганда унинг кимнинг қўлида бўлишлиги аниқланганидан сўнг қонун билан белгиланган уч йиллик даъво муддати давомида талаб қилиб олиниши мумкин. Акс ҳолда мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи йўқолади.

### **Ёдда тутинг!**


Боланинг мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи – мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқдир.

Умуман олганда, мулкни тасарруф этиш эълементи кимда бўлса, шу шахс (гарчи мулк қўлида, яъни эгалигида ёки фойдаланишида бўлмаса ҳам) мулкдор ҳисобланади.

Мулк эгаси ўзига тегишли мулк ҳуқуқидан ғайриқонуний мақсадда, бировнинг зарарига фойдаланишига йўл қўйилмайди. Мулкдорнинг ҳуқуқи ва ваколатининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида белгиланган бўлиб, унга асосан мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширишда экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Бу конституциявий норма ФКнинг 172-моддасида батафсил талқин қилинган. Ушбу моддага асосан мулкдор ўз мулккий ҳуқуқини амалга оширишда қуйидаги шартларга амал қилиши лозим: биринчидан, мулкдорнинг ўз ҳуқуқини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатини бузмаслиги шарт; иккинчидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкдан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур (масалан, ўзганинг ер участкасидан чекланган ҳолда фойдаланиш (сервитут)).





Одатда, сервитут пиёдалар ва транспорт йўли, электр, алоқа, газ ёки сув қувурлари ўтказиш учун зарур бўлиши мумкин (ФКнинг 173-моддаси); учинчидан, мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмом қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас; тўртинчидан, мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганда фуқароларнинг соғлиғига ва аτροφ-муҳитга зарар етказишнинг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш деганда, бу ҳуқуқларга қарши қилинган бузилишларни бартараф этиш, мулкдорнинг мулкый манфаатини тиклаш ва ҳимоя қилишга қаратилган фуқаролик қонунчилигида белгиланган воситалар йиғиндиси тушунилади. Боланинг мулк ҳуқуқи турли ҳуқуқ соҳалари – фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, маъмурий

ҳуқуқ, солиқ ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ҳимоя қилинади. Боланинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда фуқаролик ҳуқуқи нормалари муҳим роль ўйнайди.

## **2-§. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи**

Боланинг меҳнат қилиши, фаолият юритиши, хизматлар кўрсатиши, интеллектуал бойликларни яратиши унинг меҳнат қилиш ҳуқуқи орқали амалга оширилади. Меҳнат қилиш ҳуқуқи - боланинг энг муҳим иқтисодий ҳуқуқларидан бири саналади. Меҳнат қилиш ҳуқуқининг амалда таъминланганлиги боланинг жамиятда ўз ўрнини топиши, унинг нафақат иқтисодий жиҳатдан мустақиллиги, балки ижтимоий ўрнини белгилашда ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди.


Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасига кўра, ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқига эга. Ушбу моддага биноан ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Ушбу қонунга кўра, болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун - улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи деганда, унинг иш берувчи билан қонунда белгиланган тартибда муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда, меҳнат шартномаси асосида номуайян ёки муайян, ёхуд маълум ишни бажариш муддатига, иш ҳақи эвазига, маълум ишни бажариш учун тузилган келишуви жараёнида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади. Ушбу ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон

Республикасининг Конституцияси, меҳнат қонунчилиги ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларини қуйидагиларда кўриш мумкин: биринчидан, боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи меҳнат шартномаси асосида вужудга келади; иккинчидан, ушбу шартнома маълум муддатга тузилади, учинчидан, бажарилган иш ёки хизмат учун иш ҳақи тўланади; тўртинчидан, қонунда белгиланган асосларда келиб чиқади; бешинчидан, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш боланинг ўзи томонидан шахсан бажарилади.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида боланинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари тизимида меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш

ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган бўлиб, бу ҳуқуқ: а) ишга ёлланиш ва меҳнат шартномаси тузиш; б) давлат хизматига кириш; в) тадбиркорлик билан шуғулланиш (юримдик шахс таъсис этган ҳолда ёки яққа тадбиркор); г) эркин касб билан шуғулланиш (ижодий ишлар, нотижорат ташкилотлари фаолиятида беғараз меҳнат қилиш); д) ўзини ўзи иш билан таъминлаш (томорқасида деҳқон хўжалиги тузган ёки тузмаган ҳолда); е) қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонунлари билан тартибга солинади.

Меҳнат шартномаси боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда муҳим юримдик ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат шартномаси - ходим ва иш берувчи ўртасидаги муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича меҳнат мажбуриятларини ички меҳнат тартибига амал қилган ҳолда ҳақ эвазига бажаришдан иборатдир.

Меҳнат шартномаси тузиш воситасида бола ва иш берувчининг ўзаро муносабатлари индивидуаллаштирилади ҳамда ҳуқуқий тартибга солинади. Фақат меҳнат шартномаси тузилиши йўли билангина бола ходим мақомини олади, меҳнат жамоасига қўшилади, корхонанинг локал меъёрий ҳужжатлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат қонунлари тўла ҳажмда унга татбиқ этила бошланади.

Меҳнат шартномаси номуайян (муддати кўрсатилмаган ҳолда) муддатга тузиладиган ва муддатли меҳнат шартномаларига бўлинади. Меҳнат шартномаси номуайян муддатга, уч йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга тузилиши мумкин. Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати

кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи вужудга келишини расмийлаштириш муҳим жараён ҳисобланади. У меҳнат шартнома муносабатлари ўрнатилишининг якунловчи босқичи саналади. Меҳнат шартномаси тузиш ва ишга қабул қилишни расмийлаштиришга киришиш олдидан қонун ҳужжатларида бевосита кўрсатиб қўйилган ҳолларда талабгорни дастлабки тиббий кўрикдан ўтказиш ва топширилаётган касб, вазифа ёки лавозимга саломатлиги аҳволига кўра лойиқлигини аниқлаш талаб этилади. Боланинг меҳнатидан уларнинг соғлиғи ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Бола меҳнат шартномаси тузиш ва ишга қабул қилишдан аввал қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Ўзбекистон республикаси Меҳнат кодексининг 124-моддасига кўра, ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: паспортни ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни ёхуд идентификацияловчи ID картани, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани ёки идентификацияловчи ID картани; охириги иш жойи бўйича тасдиқланган қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасини ёки электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирмани, бундан биринчи марта ишга кираётган шахслар мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчасининг ўрнига асосий иш жойидан олинган белгиланган намунадаги маълумотномани тақдим этади; ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар учун тегишинча ҳарбий гувоҳномани ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани; олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълим ташкилотини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни, қайси ишни бажариш учун фақат махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга бўлган шахслар қўйилиши мумкин бўлса, ўша ишга кириш чоғида ушбу ишни бажариш ҳуқуқига доир гувоҳномани (сертификатни) ёхуд бошқа тегишли ҳужжатни; солиқ тўловчининг идентификация рақамини; жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини (мавжуд

бўлганда); жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини, бундан биринчи марта ишга кираётган шахслар мустасно. Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган боладан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш таъқиқланади.

Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи тамойиллари муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Ушбу тамойилларда боланинг энг муҳим ҳуқуқлари ва унинг таъминланиши, бола ҳуқуқига оид халқаро стандартлар мазмуни, боланинг ҳаёти, саломатлиги, шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, моддий манфаатлари дахлсиз эканлиги ва қонун билан ҳар томонлама муҳофаза этилиши, меҳнат қилишнинг эркинлиги, мажбурий меҳнатнинг таъқиқланиши, касб-кор ва машғулот турини эркин танлаши, иш жойини эркин танлаши ўз ифодасини топади.

Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири - бу меҳнат муносабатларида камситишга йўл қўймасликдир. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 3-8-моддаларига кўра, барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятга эга. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик қобилиятига ва улар меҳнатининг натижасига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашга ёки имтиёз белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб ҳеч бир чеклов ва камситишсиз иш ҳақи тўлаш ҳам меҳнат қилиш ҳуқуқи тамойиллари ичида етакчи ўрин тутади. Зеро, меҳнат муносабатларига киришар экан, бола ундан ўзи учун кўзлаган бош масад, яъни ўз меҳнат салоҳиятини ишга солиш орқали ўзи ва яқинлари учун муносиб моддий турмуш шароити яратиш, меҳнатига яраша иш ҳақи олиш ҳисобланади. Иш ҳақининг энг кўп миқдори ҳеч бир кўрсаткич билан чекланмагани ҳолда унинг энг кам миқдори белгилаб қўйилади ва тўлиқ иш куни давомида

ишланганида унинг миқдори қонун ҳужжатларида расман белгиланган минимал миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат муносабатларининг аниқлиги тамойили ҳар бир боладан у билан меҳнат шартномаси тузиш чоғида келишиб олинган ва меҳнат шартномасида назарда тутилган касб, вазифа ёхуд лавозимга оид меҳнат функцияларини бажариш талаб қилиниши лозимлиги, бола ўз хизмат вазифасига тааллуқли бўлмаган вазифани бажаришдан бош тортишга ҳақли эканини аниқлатади.


Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг мазмунини унинг меҳнат шартномасида белгиланган ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда ушбу ҳуқуқни бекор қилиш асослари ташкил этади. Меҳнат шартномасига кўра бола қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади: ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш; муддат чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш; хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда меҳнат қилиш; касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; иш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш; меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш; ўзининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш; жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатини қувватлаш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, болага ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш, меҳнат интизомига риоя қилиш, ўзига юклатилган вазифаларни сифатли бажариш каби мажбуриятлар юклатилади.

Маълумки, бола меҳнати қонун билан белгиланадиган маълум имтиёзлар орқали ҳуқуқий тартибга солинади. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига болалар меҳнати бўйича бир қатор имтиёзлар белгиланган. Ушбу Кодексда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул

қилишдаги кафолатлар кўрсатилган бўлиб, унга биноан белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиши шарт. Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга қабул қилишни рад этиш таъқиқланади ва бундай рад этиш устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар дастлабки тиббий кўрикдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинади ва кейинчалик улар ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтказиб турилиши керак.




Меҳнат кодексига кўра, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллار ва бошқа меҳнат шартлари



соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёزلардан фойдаланадилар.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишлар, ер ости ишларида фойдаланиш таъқиқланади. Уларни белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтариши ва ташиши, тунги ишлар, иш вақтидан ташқари ишлар ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишга йўл қўйилмайди.



Меҳнат кодексида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати белгиланган бўлиб, унга

кўра, иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Боланинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳолдаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган тегишли тоифадаги ходимга бериладиган миқдорда тўланади. Корхоналарда ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг меҳнатига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ тўланади. Болаларга камида 30 календарь кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланиши мумкин.

Болалар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади. Ота-она ва васий (ҳомий), шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар бола бажараётган ишни давом эттириши унинг соғлиғига зарар етказадиган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидир.

Умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муваффақиятли ўқиётган болалар учун ўқув йили даврида бир иш кунига қисқартирилган иш ҳафтаси ёки шунга мувофиқ келадиган миқдорда қисқартирилган иш соати (ҳафта давомида иш куни қисқартирилган бўлса) белгилаб қўйилади, қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида ўқиётганлар учун эса, икки иш кунига қисқартирилган иш ҳафтаси ёки шунга мувофиқ келадиган миқдорда қисқартирилган иш соати (ҳафта давомида иш куни қисқартирилган бўлса) белгилаб қўйилади.

Умумтаълим мактабларининг ўқувчилари олти кунлик иш ҳафтасида ишлаётган бўлсалар, ўқув йили мобайнида камида

ўттиз олти иш куни ёки шунга мувофиқ келадиган миқдорда иш соати давомида ишдан озод қилинади. Беш кунлик иш ҳафтасида ишланган тақдирда, ишдан озод қилинадиган иш соатларининг умумий миқдори сақлаб қолинади, ишдан озод қилинадиган иш кунларининг миқдори эса, иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради.

Хунар-техника билим юртларида таълим олишнинг кечки шаклида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган болалар имтиҳонларга тайёрланиши ва топшириши учун асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йил мобайнида камида 30 иш кунига ишдан озод қилинади.

Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг мазмуни эъэлементлари ичида ушбу ҳуқуқни бекор қилиш асослари алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 155-моддаси меҳнат шартномаси бекор бўлишининг қуйидаги умумий асосларини назарда тутади:

- 1) тарафларнинг келишуви;
- 2) меҳнат шартномаси муддатининг тугаши;
- 3) меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббусига кўра бекор қилиш;
- 4) меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш;
- 5) ташкилот мулкдорининг алмашганлиги, унинг қайта ташкил этилганлиги, ташкилотнинг идоравий тааллуқлилиги (бўйсунуви) ўзгарганлиги муносабати билан ходимнинг ишни давом эттиришни рад этиши;
- 6) ходимнинг янги меҳнат шартларида ишлашни давом эттиришни рад этиши;
- 7) ходимнинг иш берувчи билан бирга бошқа жойга ишлаш учун кўчишни рад этиши;
- 8) ходимнинг тиббий хулосага мувофиқ соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма бўлмаган бошқа ишга ўтказишни рад этиши ёхуд иш берувчида тегишли иш бўлмаган тақдирда;
- 9) тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар;
- 10) янги муддатга сайланмаганлик ёки танловдан ўтмаганлик ёхуд сайловда, танловда иштирок этишни рад этиш.

Меҳнат шартномасининг тарафлар келишувига кўра бекор бўлиши меҳнат шартномаси тарафлари ўзаро келишган тақдирда (муддатли ёки муддатсиз меҳнат шартномаси) бекор қилиниши мумкинлигини назарда тутати ва бунинг учун меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги тарафларнинг ўзаро келишиб олинган истагидан иборат юридик факт содир бўлишини етарли деб ҳисоблайди.

Меҳнат қонунчилиги меҳнат шартномасини тарафлар хоҳиши ва келишувига кўра бекор қилинишини чекловчи объектив ҳолатларни ҳам назарда тутати. Масалан, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига кўра ахлоқ тузатиш ишига юборилган маҳкум билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор бўлишида тарафлар хоҳиши ва улар ўртасидаги ўзаро келишув етарли юридик факт бўлиб саналмайди ва бунда тегишли ваколатли давлат органининг (жазони ижро этиш инспекцияси) қарори (розилиги) талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 161-моддасида номуайян муддатга тузилган ёки муддатли меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш асослари санаб кўрсатилган:

1) ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси) ўз муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколат берилган юридик шахс органининг қарори билан тугатилганлиги ёхуд якка тартибдаги тадбиркор томонидан фаолиятнинг тугатилганлиги;

2) технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгариши, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ бўлган ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси), якка тартибдаги тадбиркор ходимлари сонининг ёки штатининг ўзгарганлиги;

3) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли эгаллаб турган лавозимига ёки бажараётган ишига мувофиқ эмаслиги;

4) ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат мажбуриятларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган

ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида ходим томонидан такроран интизомий ножўя ҳаракат содир этилганлиги меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузишдир;

5) ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол равишда бузганлиги.

Меҳнат Кодексининг 165-моддасида кўра, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида болани ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 168-моддасида меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолларда тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли бекор қилиниши мумкинлигини назарда тутди. Булар: 1) ходимнинг ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилганлиги; 2) шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг аввалги ишга тикланганлиги; 3) ходим суднинг қайси ҳукми билан аввалги ишини давом эттириш имкониятини истисно этадиган жазога ҳукм қилинган бўлса, ўша суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги, шунингдек суднинг қарорига биноан ходимнинг ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига юборилганлиги; 4) ишга қабул қилишга доир белгиланган қоидаларнинг бузилганлиги, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этиш имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса; 5) қонунчиликка мувофиқ меҳнатга оид муносабатларни давом эттиришга монелик қиладиган ҳолатлар юзага келганлиги (ходимнинг белгиланган тартибда берилган тиббий хулосага мувофиқ меҳнат фаолиятига тўлиқ қобилиятсиз деб эътироф этилганлиги, шунингдек давлат сирларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинганлиги, агар бажарилаётган иш шундай фойдаланиш ҳуқуқини талаб қилса, муайян ишни бажаришга доир рухсатномадан ёки лицензиядан маҳрум этилганлиги ва бошқалар); 6) ташкилотни тугатиш ёки иш берувчи бўлган якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини тугатиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги; 7) ходимни ишга тиклаш ҳақидаги суд қарори бекор қилинганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат

муносабатлари вазирлиги хузуридаги Давлат меҳнат инспекциясининг қарори бекор қилинганлиги (қонунга хилоф деб эътироф этилганлиги); 8) ходим вафот этганлиги, шунингдек суд томонидан ходимнинг бедарак йўқолган деб эътироф этилганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги; 9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида доимий асосда ишлаган Сенат аъзосининг ваколатлари муддати тугаганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тарқатиб юборилганлиги муносабати билан аввалги лавозимига (ишига) қайтганлиги; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби ва уни расмийлаштириш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига белгиланган бўлиб, унга амал қилиш иш берувчининг асосий бурчи саналади, ишдан бўшатилаётган аёлнинг ҳуқуқи ҳамда қонуний манфаатини самарали ҳимоя этишни таъминлайди. Бола билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади.

Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашда халқаро ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 4-моддасида: ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 8-моддасига кўра: “ҳеч ким зўрлаб ва мажбурлаб меҳнатга жалб этилмаслиги лозим”лиги, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг 32-моддасида боланинг иқтисодий эксплуатациядан ҳамда унинг соғлиғи учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиладиган ёхуд соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи эътироф этилади, ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш ёки энг кичик ёшларни белгилаб қўйиш; кундалик

вақтдаги ишнинг муддати ва меҳнат шароитига доир зарур талабларни аниқлайдилар, деб белгиланган.

Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқини тартибга солишда ХМТнинг конвенциялари муҳим рол ўйнайди. Хусусан, ХМТ Бош конференциясининг 1973 йил 26 июндадаги 58-сессиясида “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-конвенция қабул қилинган. Ушбу Конвенция Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги УРК-140-сон қонунига мувофиқ ратификация қилинган. Унинг 3-моддасига кўра, ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра ўсмир соғлиғига, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш турига ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун энг кичик ёш ўн саккиз ёшдан кам бўлмаслиги керак. Ушбу модданинг 1-банди қонундан қатъи назар, миллий қонун ҳужжатлари ёки ваколатли ҳокимият органи иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашилгандан сўнг ўн олти ёшдан кичик бўлмаган ёшларга ишлашга ёки ёлланиб ишлашга, уларнинг соғлиғи, хавфсизлигига ва маънавияти тўла муҳофаза этилиши ва улар етарлича махсус таълим ҳамда фаолиятининг тегишли соҳаси бўйича касбий тайёргарлик олишлари шарти билан рухсат берилиши мумкин.

“Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги конвенциянинг 7-моддасига кўра, миллий қонун ҳужжатлари ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган шахсларга енгил ишларда ишлашга ёки ёлланиб ишлашга рухсат этиш мумкин, агар бу: уларнинг соғлиғига ва ривожланиши учун зарарли бўлмаса, уларнинг мактабга қатнашига, уларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган касбга йўналтириш ёки касбий тайёргарлик дастурларида иштирок этишларига ёки уларнинг олган ўқувларидан фойдаланиш лаёқатига зарар етказмайдиган бўлса, деб кўрсатилган.

ХМТнинг “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”<sup>1</sup>ги 29-конвенцияси 1930 йил 28 июнда қабул қилинган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 22-28-бетлар

бўлиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган. Ушбу конвенциянинг 1-моддасига биноан уни ратификация қилган ҳар бир аъзо давлат зўраки ва мажбурий меҳнатни қўллашнинг барча шакллари бекор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олиши лозим.

ХМТнинг “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги 182-Конвенцияси 1999 йил 17 июнда қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йил 8 апрелда ратификация қилинган. Ушбу конвенциянинг 1-моддасига кўра, уни ратификация қилган ҳар бир аъзо давлатлар болалар меҳнатини таъқиқлаш ва унинг энг ёмон шаклларига барҳам беришни таъминлаш мақсадида самарали чора-тадбирлар кўриши лозим.

Болаларнинг меҳнатига доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенция (Женева, 1999 йил 17 июнь)

Ишга қабул қилиш бўйича энг кичик ёш тўғрисида, 1973 йил (№138)

Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 182-конвенция (Женева, 1999 йил 17 июнь)



Айтилганлардан ташқари, боланинг меҳнат ҳуқуқини тартибга солувчи яна бир қатор халқаро ҳужжатлар борки, уларга ХМТнинг 1936 йил 24 июндаги “Ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида”ги 52-конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси томонидан 1995 йил 6 майда ратификация қилинган), 1951 йил 29 июндаги “Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида”ги 100-конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган), 1957 йил 25 июндаги “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган), 1958 йил 25 июндаги “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисида”ги 111-конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган)ни кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>.

Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш меҳнат қонунчилиги билан батафсил тартибга солинган. Бола иш сўраб корхона ва ташкилот иш берувчисига мурожаат қилганда, уни ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортиш мумкин эмас ва боланинг талаби билан ишга қабул қила олмаслик сабаби кўрсатилган асосли ёзма жавоб берилиши шарт.


Ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад қилинган деб ҳисоблаган бола иш берувчининг бундай қарори устидан белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин ва судда уни ишга қабул қилиш асоссиз рад қилинганлиги исботланса, суд иш берувчини ушбу шахсни ишга қабул қилишга мажбурлашга ҳақли.

Ишга қабул қилишни ғайриқонуний рад этиш ҳолати исботланган тақдирда айбдор мансабдор шахслар маъмурий ҳамда моддий жавобгарликка тортиладилар. Ишга қабул қилиш қонунга ҳилоф равишда рад этилган боланинг аризасига кўра иш берувчидан унинг фойдасига моддий ва маънавий зарарни ундириб берилади. Ишга қабул қилиш ғаразли ниятларда (ирқий, жинсий, миллий ёки бошқача тарзда камситиш, товламачилик

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 384 бет

қилиш ва ҳоказо) қонунга ҳилоф тарзда рад этилган тақдирда айбдор мансабдор шахс жиноий тартибда таъқиб қилиниши мумкин.



Меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан белгилаб қўйилган тартибни бузиш орқали ишдан бўшатиш ҳам бола билан тузилган меҳнат шартномасини ғайриқонуний бекор қилишни англатади. Бундай бузилишларга қуйидагиларни киритиш мумкин: а) олдиндан ёзма равишда огоҳлантирилиши лозимлиги назарда тутилган ҳолларда ана шундай огоҳлантиришсиз ишдан бўшатиш; б) ишдан бўшатишдан аввал малакаси, саломатлиги, аҳволи ва бошқа ҳолатларига мос келувчи иш таклиф этилиши кераклиги назарда тутилганида бўш иш жойлари бўла туриб, ана шундай ишни таклиф қилмай ишдан

бўшатиш; в) штатлар сони қисқариши, иш ҳажми камайиши, технологияда ўзгаришлар юз бериши туфайли иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатиш чоғида қонунда кўзда тутилган афзалликларнинг берилмаслиги; г) ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруққа ишдан бўшатиш ваколатига эга бўлмаган шахснинг имзо чекиши ва бошқалар.

Ишдан ғайриқонуний бўшатиш билан бола касба уюшмаси талаби, прокурорнинг протести ёки суднинг ҳал қилув қарори асосида ўз вазифасига тикланиши мумкин. Ишга тикланганда иш берувчининг зиммасига, болага етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади. Зарарни қоплаш: мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш; меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ қўшимча ҳаражатларнинг ўрнини қоплаш (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун ҳаражатлар ва бошқалардан); маънавий зарар учун компенсация тўлашдан иборат бўлади. Маънавий зарарни қоплаш иш берувчининг ҳатти-ҳаракатига берилган баҳони ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланади, лекин бу ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Боланинг илтимосига кўра, суд ишга тиклаш ўрнига унинг фойдасига уч ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча тарзда ҳақ тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин. Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки болани ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар болага иш ҳақи тўлаш муносабати билан етказилган зарар учун Меҳнат кодексига назарда тутилган тартибда моддий жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорнинг 13-бандида айтилишича, маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда, судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берилган субъектив баҳосини, шунингдек, даъволарга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив

маълумотларни, тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати, шахсий эркинлиги, уй-жойининг дахлсизлиги, катта қимматликка эга бўлган мулклари ва бошқалар), ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яъни қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишдан ёки турар жойдан ва бошқалардан маҳрум қилиш), уялтирадиган нотўғри маълумотларнинг характери ва уларни қанчалик даражада (доирада) тарқатилганлиги жабрланувчининг яшаш шароити, шахсий хусусиятлари (хизмат, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлиғининг ҳолати, ёши ва бошқалар), зарар етказувчининг ва жабрланувчининг айб даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик ҳолатлари ҳисобга олиши лозим. Зарарни қоплаш миқдорини белгилашда, адолатлилик, оқилоналик талаблари инобатга олиши лозим<sup>1</sup> (ФКнинг 1022-моддаси).

### **3-§. Боланинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи**

Болаларнинг ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларида Конституциянинг ушбу моддасида белгиланган қоидалар ривожлантирилган.

Хусусан, ногиронларни тўлақонли ҳаёт кечириши, жамият ҳаётида фаол қатнашишига имкон бериш ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятини яратиш мақсадида 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”<sup>2</sup> ги қонунига кўра, тенг имкониятларни таъминлаш ва ногиронлик белгисига кўра камситилишига йўл қўймаслик учун давлат

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2017 й., 03/18/455/0492-сон, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.10.2020 й., 03/20/641/1389-сон

органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ҳамда хизматлардан, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардан, соғлиқни сақлашдан, таълимдан, ишга жойлашишдан, шунингдек ахборотдан ва алоқа воситаларидан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат камситилишнинг барча шаклларидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенг равишда ва самарали ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ногиронлиги бўлган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тажовузулардан ҳимоя қилиниш, ўз шахсий ҳаёти, оиласи, уй-жойи ёки хат-хабарлари дахлсизлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга. Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг оилага ва оила муҳитига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириладиган ногиронлиги бўлган болалар сонини қисқартириш, уларнинг оилавий шароитларда ва ногиронлиги бўлган болаларни жойлаштиришнинг бошқа шакллари доирасида қариндошларини жалб этиш ҳисобидан муқобил парвариш қилинишини таъминлаш чораларини кўради. Давлат ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқача тарзда ёрдам беради ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди”.

Турли сабабларга кўра ота-онасининг парвариши ва моддий таъминотидан маҳрум бўлиб қолган етим болалар, ёлғиз ногиронлар, моддий мададга эҳтиёжманд бўлган бошқа тоифадаги шахсларга давлат ғамхўрлиги кўрсатилади. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси давлат пенсия турларидан бири бўлиб, марҳум боқувчи шахснинг олдинги меҳнат фаолияти ва унинг учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ижтимоий суғурта бадаллари тўлаб борилганлиги билан боғлиқ равишда тайинланадиган меҳнат пенсияларининг бир тури саналади ва унинг тайинланиши шартлари амалдаги қонун ҳужжатлари билан аниқ белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасига кўра, вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила

аъзоларига қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда, шартларда ва миқдорда улар вояга етгунларига қадар, меҳнат қилиш қобилияти қайта тиклангунича ёки бўлмаса тегишли ҳолларда бутун умрга давлат ижтимоий таъминоти маблағлари ҳисобидан боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади. Бунда фарзандларга ва белгиланган шахсларга пенсия, улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъи назар, тайинланади. Вафот этганлар оилаларига тааллуқли ҳамма қоидалар бедарак йўқолган ёки ўлган деб эълон қилинган шахсларнинг оила аъзоларига ҳам тегишли тартибда жорий қилинади.

2016 йил 6 октябрда қабул қилинган “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонун аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид давлат сиёсати, кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари турмуши сифатини ошириш, уларга жамият ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг бўлган имкониятини яратиш, ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимга оид, тиббий, реабилитация ва бошқа ижтимоий ёрдамни амалга оширишни назарда тутди.

Ижтимоий хизматлар ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган I ва II гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга кўрсатилади. Ижтимоий хизматлар давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари орқали амалга оширилади.

Нафақа ижтимоий таъминот ҳуқуқига оид категория сифатида фуқароларга ёки оилага давлат ижтимоий суғуртаси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 52-сон, 596-модда

маблағлари, давлат бюджети ҳамда бошқа махсус манбалардан пул шаклида, мунтазам равишда ёки бир марта кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамдан иборат бўлиб, пенсиялардан фарқ қилади ва одатда ёрдамчи хусусиятга эга бўлади ҳамда фуқаро турмуш кечиришининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланмайди. Пенсияларга хос бўлган асосий хусусиятлар – пул шаклида берилиши, қайтариб олинмаслик шарти билан ва текинга берилиши кабилар нафақаларга ҳам хосдир.

Пенсиядан фарқли ўлароқ, нафақа вақтинчалик хусусиятга эга, турмуш даражасини таъминлашнинг қўшимча манбаи бўлиб саналади ва тайинланишида нафақа олувчининг аввалги меҳнат фаолияти ва меҳнат стажи ҳар доим ҳам унчалик катта аҳамиятга эга бўлмайди. Тўланиш манбасига кўра нафақалар 4 турга: Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан; Давлат бюджет маблағларидан; Бошқа манбалардан тўланадиган нафақаларга бўлинади.

Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга тайинланадиган ва тўланадиган нафақалар ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилади. Аҳолига бериладиган ижтимоий ёрдам ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишларидан бири – уларга натура шаклида ҳамда турли ижтимоий имтиёз ва енгилликлар тарзида ёрдамлар кўрсатилишидан иборат. Ижтимоий ёрдам кўрсатиш шакллари ҳилма-ҳил кўринишда бўлиб, моҳияти жиҳатдан давлатимиз томонидан амалга ошириб келинаётган манзилли, эҳтиёжмандларга кўрсатиладиган аниқ ижтимоий ҳимояни амалда рўёбга чиқаришни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги ПФ-6277-сон “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги фармонида кўра, бола тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож оилалар моддий таъминотини кучайтириш мақсадида 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.08.2021 й., 06/21/6277/0788-сон

парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси жорий этилди. Бунда, болалар нафақасини тайинлашда инобатга олинган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача, тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилди, унинг миқдори оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгиланган тартиби ўрнатилди. Шунингдек, яқка-ёлғиз бўлган фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланади.

Болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларининг миқдори: ҳар ойда 250 000 сўм - 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанд учун, 325 000 сўм - 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанд учун; 150 000 сўм - оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча; 100 000 сўм - оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун; кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори - 380 000 сўм этиб белгиланди.

Болаларни ижтимоий нафақалар билан таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги фармони, ПҚ-5215-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги ва ПҚ-5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup>ги қарорлари ҳуқуқий асос ролини ўйнайди.

#### ***Назорат саволлари:***

- 1. Боланинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи тўғрисида гапириб беринг.*
- 2. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи қандай асосларда вужудга келади?*
- 3. Болалар билан меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш тартиби қандай?*

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/6375/0781-сон

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5215/0782-сон

<sup>3</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й. 06/21/5216/0783-сон



*4. Болаларга ижтимоий таъминот бўйича тайинланадиган нафақалар қандай тартибда берилади?*

**Тестлар:**

**1. Боланинг иқтисодий ҳуқуқлари турларини кўрсатинг?**

- а) мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи;
- б) мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, таълим олиш ҳуқуқи;
- в) дам олиш, меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**2. 18 ёшга тўлмаган ходимларнинг йиллик пул тўланадиган таътил муддати қанча?**

- а) 18 иш куни;
- б) 15 иш куни;
- в) 1,5 ой;
- г) 30 календар кун.

**3. 16 дан 18 ёшгача бўлган болаларнинг ҳафталик иш вақтининг муддати қанча?**

- а) 36 соат;
- б) 32 соат;
- в) 34 соат;
- г) 30 соат.

**4. 15 дан 16 ёшгача бўлган болаларнинг ҳафталик иш вақтининг муддати қанча?**

- а) 24 соат;
- б) 22 соат;
- в) 26 соат;
- г) 20 соат.


**5. 18 ёшга тўлмаган болаларга қанча муддатли йиллик таътил берилади?**

- а) камида ўттиз календарь кун;
- б) камида ўттиз бир календарь кун;
- в) камида ўттиз икки календарь кун;
- г) камида ўттиз тўрт календарь кун.

## XV БОБ. БОЛАНИНГ ИЖТИМОЙ ХУҚУҚЛАРИ

Боланинг дам олиш ҳуқуқи. Боланинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи. Боланинг таълим олиш ҳуқуқи.

**Калит сўзлар:** ижтимоий ҳуқуқ, таълим, таълим олиш ҳуқуқи, тиббиёт, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, дам олиш кунлари, таътиллар.



### 1-§. Боланинг дам олиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасида белгиланишича, ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғи ҳамда эҳтиёжларига мос келадиган дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуққа эга. Болаларни соғломлаштириш, спорт, ижодий ташкилотлар ҳамда дам олиш ва

бўш вақтни мазмунли ўтказувчи ташкилотлар давлат органлари томонидан таъсис этилади ва қўллаб-қувватланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида ёлланиб ишлаётганларнинг ҳақ тўланадиган дам олиш вақтига эга бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Ушбу ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатларда ҳам белгиланган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (24-модда) ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт (7-модда)да ҳар бир шахснинг дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш ҳуқуқи, хусусан, иш кунининг оқилона чекланиши ва ҳақ тўланадиган даврий таътилга эга бўлиш ҳуқуқи назарда тутилган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ (32-модда) иштирокчи-давлатлар тегишли халқаро ҳужжатлар қоидаларига асосланиб, ишга қабул қилиш учун минимал ёшни ўрнатади ҳамда иш кунининг давомийлиги ҳақидаги зарур талабларни ва меҳнат шароитларини белгилайди.

ХМТнинг ҳужжатларида дам олиш ҳуқуқига жиддий эътибор қаратилган. Масалан, 1919 йилда ушбу ташкилотнинг биринчи қабул қилган Конвенцияси саноатда иш вақтини чеклашга қаратилган эди. Ушбу Конвенцияда саноат корхоналарида ишловчи шахслар иш вақти давомийлиги саккиз соатдан ошмаслиги лозимлиги назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари сирасига дам олиш ҳуқуқини тартибга солувчи иккита ҳужжатни, яъни ХМТнинг 1935 йилда қабул қилинган 47-сонли “Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида”<sup>1</sup>ги ва 1936 йилда қабул қилинган 52-сонли “Ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътиллار тўғрисида”<sup>2</sup>ги конвенцияларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида ходимнинг асосий ҳуқуқлари тизимида дам олиш ҳуқуқи ҳам белгиланган бўлиб, ушбу ҳуқуқ иш вақти давомийлиги чегараси, бир қатор касб ва ишлар учун қисқартирилган иш кунини белгилаш,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 28-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда, 29-33-бетлар

ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътилидан иборат бўлади.


Миллий қонунчилигимиз қоидалари ХМТнинг 47-сонли (1935) “Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида”<sup>1</sup>ги конвенциясининг талабларига тўла мос келиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўра, иш вақтининг муддати ҳафтасига қирқ соатдан ошиб кетмаслиги белгиланган. Айрим тоифадаги ходимлар (18 ёшга тўлмаган шахслар, 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари, ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган ходимлар, алоҳида тусга эга бўлган ишларда ишловчи ходимлар ва б.лар) учун меҳнатга ҳақ тўлашни камайтирмаган ҳолда қисқартирилган иш вақти белгиланган. Таъкидлаш лозимки, барча ходимлар учун байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида иш вақти камида бир соатга қисқартирилади.

Юқоридаги Конвенция талабига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси иш вақтидан ташқари ишлашни чеклашга қаратилган амалий чораларни назарда тутди. Хусусан, 18 ёшга тўлмаган шахсларга иш вақтидан ташқари ишлашга рухсат берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 14-боби дам олиш вақтини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган бўлиб, унда дам олиш вақтининг қуйидаги турлари белгиланган: иш куни (смена) давомидаги танаффуслар; ҳар кунги (сменалар оралиғидаги) дам олиш; дам олиш кунлари (ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш); ишланмайдиган байрам кунлари; ҳар йилги асосий ва қўшимча меҳнат таътиллари; ходимнинг истагига кўра дам олиш кунида ёки ишланмайдиган байрам кунида ишлаганлик учун компенсация сифатида тақдим этиладиган ишдан бўш бўлган қўшимча кунлар, шунингдек қон ва унинг таркибий қисмлари топширилган ҳар бир кундан кейин донорларга бериладиган дам олиш куни (МКнинг 201-моддаси).

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 28-бет



Дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусларнинг бошланиш ва тугаш вақти ички меҳнат тартиби қоидаларида, иш сменаси жадвалларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан бевосита меҳнат шартномасида белгилаб қўйилади.

Кундалик дам олиш вақти - бу бир иш куни (смена) тугаши билан кейинги кунги (сменадаги) иш бошланиши ўртасидаги вақтдир. Кундалик дам олиш вақтининг энг кам муддати қонун билан белгиланади ва у Меҳнат кодексининг 206-моддасига кўра ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас.

Ҳафталик дам олиш деб, ишдан озод бўлган ва аёлларга ҳар ҳафтада берилиши кафолатланган дам олиш кунлари тушунилади. Аёлларга ҳар бир иш ҳафтасида дам олиш кунлари, уларнинг сони (бир ёки икки дам олиш куни) корхонада жорий

этилган иш ҳафтаси турига боғлиқдир. Меҳнат кодексининг 207-моддасига кўра, беш кунлик иш ҳафтасида ишлаётган аёлларга икки кундан иборат дам олиш куни ва олти кунлик иш ҳафтасида ишлаётган аёлларга бир кундан иборат дам олиш куни берилиши назарда тутилади.

Байрам кунлари – бу мамлакат ҳаёти, унинг тарихи ёки халқи учун муҳим аҳамиятга молик воқеа-ҳодисага бағишлаб белгиланган тартибда эълон қилинган календарь санадир. Ўзбекистон Республикасида Меҳнат кодексининг 208-моддасига кўра қуйидаги кунлар байрам (ишланмайдиган) кунлари деб ҳисобланади:

1 январь - Янги йил;

8 март - Хотин-қизлар куни;

21 март - Наврўз байрами;

9 май - Хотира ва қадрлаш куни;

1 сентябрь - Мустақиллик куни;

1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни;

8 декабрь - Конституция куни;

Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамининг биринчи куни;

Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) диний байрамининг биринчи куни.

Ишдан ҳоли қўшимча кунлар - муайян мақсадни амалга ошириш учун ходим ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан иш ҳақи сақланган ҳолда озод этилишидир. Ишдан ҳоли қўшимча кунларда ходимлар меҳнат вазифаларини бажаришдан озод этилган бўлади; уларнинг иш жойи ва иш ҳақи сақланади. Ишдан ҳоли қўшимча кунларнинг ҳаммасини ҳам дам олиш вақти сирасига киритиб бўлмайди, чунки бундай кунлар ходимга, қонун ҳужжатларида олдиндан белгилаб қўйилган, масалан, бошқа иш қидириш, ўқиш ва шу каби мақсадлар учун берилади.

Меҳнат кодексига кўра, қуйидаги тоифадаги ходимларга иш берувчи томонидан ишдан ҳоли қўшимча кун берилиши шарт эканлиги назарда тутилади:

– ногирон болани тарбиялаётган ота-онасидан бирига (ҳомийга, васийга);

- донорларга;
- иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилган ходимларга;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим муассасаларида ўқиётган ходимларга.

Баъзида байрам (ишланмайдиган) кунлари ҳафтанинг дам олиш ва иш кунларининг бўлинишини келтириб чиқаради. Бу ҳолат аёлларнинг сурункали дам олиши ҳамда корхонанинг нормал фаолият кўрсатишида ноқулайлик келтириб чиқариши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги “2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”<sup>1</sup>ги ПФ-5290-сон фармонида дам олиш кунларини мақбуллаштириш тартибга солинган.


Ушбу Фармоннинг 4-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ходимларнинг дам олиш ва байрам кунларидан оқилна фойдаланишини таъминлашни инобатга олган ҳолда келгуси календарь йили учун қўшимча дам олиш кунларини белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида ҳар йили 15 октябрдан кечикмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши белгилаб қўйилган. Фармонда ҳар йили 15 ноябргача келгуси календарь йил учун иш вақти календарининг ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

Меҳнат кодексига ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган болалар учун бир қатор имтиёзлар белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу кодекснинг 255-моддасига мувофиқ олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар диплом лойиҳасини (ишини) бажариш ёки битирув имтиҳонлари топширишдан олдинги ўн ўқув оyi давомида машғулотларга тайёргарлик

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.12.2017. 06/17/5290/0471-сон

кўриш учун олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда ҳафтада бир кун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиладилар. Иш ҳафтаси беш кунлик бўлса, ишдан озод этиладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради, ишдан озод этиладиган соатлар миқдори эса сақланиб қолади.



Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунчилигига биноан болаларга йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътили, ўқиш билан боғлиқ таътиллار, шунингдек иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилларни бериш назарда тутилган. Унга кўра, барча ходимлар, шунингдек ўриндошлар ҳам қаерда ишлаши ва қандай ишни бажаришидан қатъи назар иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътилини олиш ҳуқуқига эгалар.

Меҳнат таътилининг энг кам муддати Ўзбекистон Республикасида ўн беш иш кунини ташкил қилади. Баъзи тоифа



ходимлар учун узайтирилган меҳнат таътили олиш ҳуқуқи белгиланган. Масалан, ўттиз календарь кундан иборат узайтирилган меҳнат таътили олиш ҳуқуқидан ўн саккиз ёшга тўлмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари фойдаланадилар.

## **2-§. Боланинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 22-моддасида кўрсатилишича, ҳар бир бола соғлиғини сақлаш ҳуқуқига эга. Ушбу моддада ўрнатилишича, давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлиғини сақлаш шароитини яратади<sup>1</sup>.

Давлат болаларга белгиланган ҳажмда бепул тиббий ёрдамни кафолатлайди. Ушбу ҳуқуқ давлат томонидан қуйидаги йўллар билан таъминланади: малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил қилиш; боланинг, унинг ота-онасининг саломатлигини назорат қилиш ва болалар касалликлари профилактикаси; болалар ва ўсмирларни даволаш-профилактика муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ҳамда даволаш; талаб даражасидаги сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишини назорат қилиш; боланинг физиологик хусусиятлари ва соғлиғи ҳолатига жавоб берадиган таълим олиш ҳамда меҳнат қилиш шароитларини яратиш; касбга яроқлилиқни аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳат бериш; санитария-гигиена таълими бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва рағбатлантириш; соғлиғининг ҳолати тўғрисида бола учун қулай бўлган тарзда зарур ахборотни тақдим этиш ва х.з.

Боланинг ҳаёти, соғлиғи ва нормал ривожланишига зиён етказувчи ҳар қандай илмий тажриба ёки бошқа экспериментлар ўтказиш таъқиқланади. Давлат махсус чекловларни жорий этиш ва махсус профилактика дастурларини амалга ошириш орқали болани алкохолга мойилликдан, чекишдан, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддалар ва интеллектуал-иродавий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда

фаолиятга таъсир кўрсатадиган бошқа моддаларни истеъмол қилишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида ўрнатилишича, “ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради. Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади”.

Малакали тиббий хизматга бўлган конституцион ҳуқуқ - бу муайян кафолатланган сифат даражасидир. Болаларнинг ушбу конституциявий ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”<sup>1</sup>ги (1996 йил), “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”<sup>2</sup>ги қонунларида (2016 йил) ривожлантирилган.

Малакали тиббий хизмат беморнинг ўз хоҳишига кўра ёки ёш болалар ва муомалага лаёқатсиз шахсларга нисбатан уларнинг ота-оналари, қонуний вакиллари ташаббусига кўра амалга оширилади. Бироқ, қонунларда беморни мажбурий тартибда даволаш асослари ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Психиатрия ёрдами тўғрисида”<sup>3</sup>ги қонунига кўра рухий ҳолати бузилган шахс ўзига, ўзи ва теварак атрофдагилар учун хавф туғдирса, унинг ўз асосий ҳаётий эҳтиёжларини қаноатлантириш лаёқати бўлмаса, уни психиатр ёрдамисиз ташлаб қўйиш рухий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996, 9-сон, 128-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 52-сон, 596-модда

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021, 03/21/690/0452-сон

ҳолатини жиддий ёмонлашишига олиб келадиган бўлса мажбурий даволанишга ётқизилиши мумкин.

Шунингдек, юқумли сил касаллигига учраган шахсга нисбатан ҳам мажбурий даволаниш белгиланиши мумкин. Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ва сил касаллигига қарши кураш муассасининг ихтисослаштирилган бўлимига (ғайриихтиёрий тартибда) ётқизиш асослари ва тартиби Фуқаролик процессуал кодексининг 33<sup>1</sup>-33<sup>2</sup>-бобларида белгиланган тартибда ва асосларда амалга оширилади. Ғайриихтиёрий равишда даволанишга ётқизиш масаласи суд томонидан ҳал қилинади.

Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш бепул, ҳақ эвазига ва тиббий суғурта асосида амалга оширилиши мумкин. Давлат соғлиқни сақлаш тизими, жамоат бирлашмаларининг муассасаларида кўрсатиладиган бирламчи тиббий санитария ёрдами тиббий хизмат кўрсатишнинг асосий қулай ва бепул тури бўлиб, у қуйидагиларни: энг кўп тарқалган касалликлар, шикастланиш, заҳарланиш ва шошилиш ёрдам талаб этиладиган бошқа ҳолатларда даволаш; санитария-гигиенага доир ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар, энг муҳим касалликларнинг тиббий профилактикасини ўтказиш; оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларини, турар жойларда фуқароларга тиббий санитария ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар кўришни ўз ичига олади. Хусусий ва бошқа соғлиқни сақлаш тизимлари томонидан кўрсатиладиган малакали тиббий-санитария хизмати шартнома орқали амалга оширилади. Бироқ, улар томонидан ҳам фуқароларнинг айрим гуруҳларига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда бепул тиббий хизмат кўрсатиш лозим<sup>1</sup> (29-модда).

Фуқаролар соғлиғига таъсир этувчи омиллар ҳақида, шу жумладан яшаш ҳудудининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги тўғрисида, овқатланишнинг оқилона нормалари хусусида, товарлар, ишлар, хизматлар, уларнинг хавфсизлиги, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996, 9-сон, 128-модда

тўғрисида ўз вақтида ва аниқ ахборот олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонунининг 17-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5 ва 6-моддаларида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги”<sup>1</sup>ги қонунига кўра, фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш, ихтисослашган соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эгадир. Бундай ҳуқуққа эга бўлган болаларнинг тоифалари, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Мухтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги низом асосида амалга оширилади.

Уч ёшга тўлмаган болалар, шунингдек, шифокор хулосасига кўра қўшимча қаровга мухтож бўлган катта ёшдаги касал болалар стационар шифохонада даволанаётганида уларнинг отаси ёки онасига ёхуд оиланинг болани бевосита парваришлаётган бошқа аъзосига даволаш муассасасида унинг ёнида бирга бўлиши учун имконият яратилади ва меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади («Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 2667, 17.04.2015 й.). Давлат вояга етмаганларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқини уларнинг жисмоний, маънавий ривожланиши учун, касалликнинг олдини олиш учун энг қулай шароит яратиш, шунингдек, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ва бошқа муассасаларда тиббий хизматни йўлга қўйиш орқали таъминлайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996, 9-сон, 128-модда

Малакали тиббий ёрдам олиш учун вояга етмаганлар қуйидаги ҳуқуқларга эга: соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда диспансер назоратида бўлиш ҳамда болалар ва ўсмирларнинг даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш; санитария-гигиена таълими олиш, ўқиш ҳамда ўзларининг физиологик хусусиятлари ва соғлиғига мос шароитларда меҳнат қилиш; касбга яроқлилигини аниқлаш чоғида бюджет маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳатлар олиш; соғлиқлари тўғрисидаги ўзлари учун қулай тарзда зарур ахборот олиш. Ўн тўрт ёшдан ошган вояга етмаганлар маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор вояга етмаганлар ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра бюджет маблағлари, хайрия жамғармалари ва бошқа фондларнинг маблағлари, шунингдек, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимоя тизими муассасаларида яшашлари мумкин.

Ҳуқуқи бузилган тақдирда бемор бола ёки унинг қонуний вакили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори бошқарув органига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Ҳар бир бола ўз соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумот, шу жумладан текшириш натижалари, қандай касали борлиги, қандай ташхис қўйилганлиги, касалликнинг бундан буён қандай кечишига оид тахминлар, даволаш усуллари ва бу усуллар билан боғлиқ хавф-хатар, тиббий аралашувнинг эҳтимол тутилган турлари ва уларнинг оқибатлари, амалга оширилган даволашнинг натижалари тўғрисидаги маълумот олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон “Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>1</sup>ги фармони, 2018 йил 16 октябрдаги ПҚ-3973-сонли “Ўзбекистон Республикасида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 11-сон, 152-модда

тез ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги, 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863-сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги, 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сонли “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>3</sup> ги ва 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894-сонли “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>4</sup> ги қарорлари ҳозирги вақтда болалар соғлиғини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

### **3-§. Боланинг таълим олиш ҳуқуқи**

БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясида кўрсатилишича, болаларни маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши мақсадида давлатлар боланинг илм олиш ҳуқуқини эътироф этиши, ана шу ҳуқуқ тенг имкониятлар асосида амалга ошишига аста-секин эришиши, бепул ва мажбурий бошланғич таълимни жорий этиши, умумий, ҳам касб-ҳунар бўйича ўрта таълимнинг турли шакллари ривожланишини рағбатлантириши, барча зарур воситалар ёрдамида ҳар бир боланинг қобилияти асосида олий таълимдан баҳраманд бўлишини таъминлаши, барча болалар учун таълим ва касб-ҳунар тайёргарлиги соҳасида ахборот ҳамда материаллар билан танишиш имкониятини яратиб бериши керак.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддасида ўрнатилишича, ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2018 й., 07/18/3973/2064-сон

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 14-сон, 217-модда

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2017 й., 06/17/5216/0187-сон

<sup>4</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 3.08.2018 й., 07/18/3894/1615-сон

таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак<sup>1</sup>.

Халқаро ҳуқуқнинг ушбу нормаларидан келиб чиққан ҳолда таълим масаласи давлатимизнинг Асосий қонунида мустақкам ўз ўрнига эга бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги ўрнатилди.

Таълим олиш ҳуқуқининг конституциявий асослари тўғрисида гапирганда Асосий қонуннинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истеъқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади, деб белгиланганлиги ва бу байналминал аҳамият касб этувчи ушбу устувор қоидадан келиб чиқиб, мамлакатимизда мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Болаларнинг таълим ва тарбия олиш ҳуқуқи билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»<sup>2</sup>ти қонуни алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қонуннинг 4-моддасида мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий принциплари белгиланган бўлиб, улар ҳар бир бола учун мактабгача таълим ва тарбия олиш имкониятининг мавжудлиги; ҳар бир боланинг истеъдоди нишонларини, иштиёқлари ва қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар тенглиги; мактабгача бўлган ёшдаги болаларга таълим, тарбия бериш ва уларни соғломлаштиришнинг, оила ҳамда мактабгача таълим ташкилоти тарбиявий таъсирининг бирлиги; мактабгача бўлган ёшдаги болаларга таълим ва тарбия бериш уйғунлиги; боланинг шахсини

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т: Адолат, 2004, 30-36-бетлар

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон

ривожлантиришга йўналтирилган шахсий ёндашув; мактабгача ва умумий ўрта таълимнинг изчиллиги ҳамда узлуксизлиги; таълим ва тарбиянинг демократик ҳамда дунёвий хусусиятга эгаллиги; таълим-тарбия жараёнининг шаффофлиги ва очиқлиги; мактабгача таълим ва тарбия мазмуни, даражаси ҳамда ҳажмининг мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг ривожланиш хусусиятларига ҳамда соғлиғи ҳолатига мувофиқлигидан иборат.

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўлиб, ҳар бир боланинг мактабгача таълим ва тарбия олишга бўлган ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлаш; болаларнинг мактабгача таълим ва тарбияга тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш; боланинг ривожланишида, мактабгача таълим ва тарбия олишида оилага ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш; болаларнинг, шу жумладан алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларнинг сифатли мактабгача таълим ва тарбия олиши учун шарт-шароитлар яратиш; таълим ва тарбия беришнинг муқобил шакллари яратиш ҳамда ривожлантириш; мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш ва ривожлантириш; мактабгача бўлган ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобланади<sup>1</sup>.

Мактабгача таълим ва тарбия олишга доир давлат кафолатлари қонунда ўрнатилган бўлиб, унга биноан ҳар бир бола мактабгача таълим ва тарбия олиш ҳуқуқига эга. Давлат ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим ташкилотига ўқишга киришидан бир йил олдин давлат мактабгача таълим ташкилотларида умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқини кафолатлайди. Боланинг мактабгача таълим ва тарбия олишига доир давлат кафолатлари давлат мактабгача таълим ташкилотлари негизида мактабгача

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон



таълим ва тарбия хизматларини кўрсатиш, шунингдек таълим ва тарбия беришнинг муқобил шаклларини ташкил этиш орқали таъминланади.

Мактабгача таълим ташкилоти давлат ва нодавлат ташкилоти бўлиши мумкин. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ҳам ташкил этилиши мумкин. Мактабгача таълим ташкилотида сиёсий партиялар ва диний ташкилотларнинг ташкилий тузилмалари ташкил этилишига ҳамда фаолият юритилишига йўл қўйилмайди.

Мактабгача таълим ташкилотлари қуйидаги турлар бўйича ташкил этилади: умумий турдаги мактабгача таълим ташкилоти; кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти; инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти; қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти. Умумий турдаги мактабгача таълим ташкилотининг умумий ривожлантириш йўналишидаги гуруҳларида мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши таъминланади. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши таъминланади. Инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилотида болаларнинг алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни соғлом муҳитга уйғунлаштириш орқали таълим ва тарбия олиши учун тенг имкониятлар таъминланади.

Қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг ва ривожланишида нуқсонлари бўлмаган болаларнинг битта ташкилотда алоҳида гуруҳларда, шунингдек инклюзив гуруҳларда биргаликда ўқишини ҳамда тарбияланишини ташкил этишга қаратилган мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши таъминланади.

Давлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини устав асосида амалга оширади. Давлат мактабгача таълим ташкилотининг муассислари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши мумкин.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини устав ҳамда мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги лицензия асосида амалга оширади. Юридик ва жисмоний шахслар нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар мактабгача таълим ва тарбия соҳасида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти шаклида таълим хизматлари кўрсатади. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бериладиган мактабгача таълим ва тарбия соҳасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган пайтдан эътиборан мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим хизматларини кўрсатишга ҳақли. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида кўпи билан йигирма беш нафар мактабгача бўлган ёшдаги боланинг таълим ва тарбия олишига йўл қўйилади.

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги лицензия юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганидан кейин берилади. Лицензия бериш, лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартибда Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси Давлат инспекцияси томонидан аттестация асосида амалга оширилади. Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси беш йилда бир марта амалга оширилади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари шаҳарлар, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктлари ташкил этилганда; турар жой мажмуалари қурилганда; тегишли ҳудудда мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган сони ошганда мажбурий тартибда ташкил этилади.

Бир нечта кўп квартирали уйдан ёки якка тартибдаги уйлар гуруҳларидан иборат бўлган янги турар жой мажмуаларини лойиҳалаштириш ва қуришда кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватларида ёхуд алоҳида бино тарзида ҳар бир икки юзта квартира ёки якка тартибдаги уйлар учун камида элликта ўриндан келиб чиққан ҳолда мактабгача таълим ташкилотининг мавжуд бўлиши шарт.

Мактабгача таълим ташкилоти боланинг қонуний вакиллари билан тузилган шартнома асосида мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурида назарда тутилганидан ташқари қўшимча пулли таълим хизматлари кўрсатишга, боланинг қонуний вакиллари билан таълим ва тарбия борасида ҳамкорликни амалга оширишга ҳақли.

Мактабгача таълим ташкилоти давлат мактабгача таълим ва тарбия стандарти талабларига мос келадиган мактабгача таълим даражасини таъминлаши, болаларнинг ривожланиши, таълим ва тарбия олиши учун хавфсиз шарт-шароитлар яратиши, болага таълим ва тарбия бериш масалалари юзасидан унинг қонуний вакилларига маслаҳат ёрдамини бериши, боланинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдидлар, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида ваколатли органларни хабардор қилиши шарт.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги гуруҳлар уларда болаларнинг бўлиши давомийлигига қараб болалар қисқа вақт бўладиган гуруҳлар (қунига 3-4 соат); тўлиқ кунли гуруҳлар (қунига 9, 10,5 ва 12 соат); болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳлар бўлиши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотининг болалар 3-4 соат бўладиган гуруҳларида - кундузги уйқу ташкил этилмайди ва бир марталик овқатлантириш ташкил этилиши мумкин; болалар 9-10,5 соат бўладиган гуруҳларида - уч марталик овқатлантириш

ташкил этилиши ва кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак; болалар 12 соат бўладиган гуруҳларида - тўрт марталик овқатлантириш ташкил этилиши ва кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак. Мактабгача таълим ташкилотларининг болалар кечаю-кундуз бўладиган гуруҳларида кундузги ва тунги уйқу ҳамда беш марталик овқатлантириш ташкил этилиши учун шароитлар яратилган бўлиши керак.

Мактабгача бўлган ёш бола шахсининг жисмоний, психологик ва ижтимоий жиҳатдан шаклланишининг асосий давридир. Мактабгача бўлган ёш қуйидаги даврларни ўз ичига олади: гўдаклик (туғилганидан бир ёшгача); илк болалик (бир ёшдан уч ёшгача); мактабгача бўлган кичик ёш (уч ёшдан тўрт ёшгача); мактабгача бўлган ўртача ёш (тўрт ёшдан беш ёшгача); мактабгача бўлган катта ёш (беш ёшдан етти ёшгача).

Мактабгача таълим ташкилотидаги гуруҳлар ёшга доир тоифалар ёки ёшга доир бўлмаган тоифалар бўйича тўлдирилиши мумкин. Гуруҳлар ёшга доир тоифалар бўйича тўлдирилганда қуйидаги ёш тоифалари белгиланади:

илк ривожланиш гуруҳи (бир ёшдан уч ёшгача);

кичик гуруҳ (уч ёшдан тўрт ёшгача);

ўрта гуруҳ (тўрт ёшдан беш ёшгача);

катта гуруҳ (беш ёшдан олти ёшгача);

мактабга тайёрлов гуруҳи (олти ёшдан етти ёшгача).

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳлар тегишинча қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

нутқида оғир нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн икки нафар бола;

кар болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн нафар бола;

яхши эшитмайдиган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн икки нафар бола;

кўзи ожиз болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн нафар бола;

кўзи яхши кўрмайдиган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн икки нафар бола;

таянч-ҳаракат аппарати бузилган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн саккиз нафар бола;

гемипарез, монопарез, плегия асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн икки нафар бола;

болалар церебрал фалажи синдроми асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн нафар бола;

енгил даражада ақли заиф бўлган ақлий нуқсонлари бор болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн икки нафар бола, ўртамиёна ва ўртача даражада ақли заиф бўлган ақлий нуқсонлари бор болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн нафар бола;

аутизмга чалинган уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн нафар бола;

ақлий ривожланиши кечикаётган уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн икки нафар бола;

мураккаб нуқсонлари (икки ва ундан ортиқ нуқсон) бўлган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн нафар бола.

Инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилотида гуруҳлар тегишинча қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

1) уч ёшгача бўлган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган икки ёшдан уч ёшгача кўпи билан уч нафар бола;

2) уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда:

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган (яхши кўра олмайдиган ёки яхши эшита олмайдиган ёки таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлари бўлган) кўпи билан уч нафар бола;

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган (кўриш амблиопиясига чалинган, кўзи ғилай ёки нутқида оғир нуқсонлари бўлган ёки аутизмга чалинган) кўпи билан икки нафар бола;

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан нутқида оғир нуқсонлари бўлган кўпи билан уч нафар бола;

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан рухий ривожланишида кечикаётган кўпи билан уч нафар бола.

Кўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки рухий нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳлар тегишинча қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

қулоғи қар болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн нафар бола;

қулоғи яхши эшитмайдиган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн икки нафар бола;

кўзи ожиз болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн нафар бола;

кўзи яхши кўрмайдиган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн икки нафар бола;

таянч-ҳаракат аппарати бузилган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн саккиз нафар бола;

гемипарез, монопарез, плегия асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн икки нафар бола;

болалар церебрал фалажи синдроми асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн нафар бола;

аутизмга чалинган уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн нафар бола;

мураккаб нуқсонлари (икки ва ундан ортиқ нуқсон) бўлган болалар учун гуруҳларда - кўпи билан ўн нафар бола.

Мактабгача бўлган ёшдаги болалар давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида бепул тиббий ёрдам олиш, соғлиқ учун хавфсиз бўлган шароитларда таълим олиш ва тарбияланиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, болаларни меҳнат қилишга мажбурлашнинг ҳар қандай шаклларида, жисмоний ва рухий зўравонликдан, ўз шаъни ва кадр-қиммати камситилишидан ҳимояланиш. ўз соғлиғига зарар етказадиган ахборотдан ҳимояланиш. умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтиш каби ҳуқуқларга эга.

Мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимлари болаларга профессионал даражада таълим ва тарбия бериши, педагогик этикага риоя этиши, боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиши, болаларни зўравонлик

кўринишларидан ҳимоя қилиши, уларни ватанпарварлик, меҳнатга, қонуний вакилларига ҳурмат билан ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши, мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурини бажариши, ўз малакасини ошириши, ўз касбий кўникмаларини ва педагогик маҳоратини такомиллаштириши шарт. Таълим-тарбия жараёнидан сиёсий мақсадларда ёки болаларни қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳаракатларни содир этишга ундаш учун фойдаланиш тақиқланади.

Давлат мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг, айниқса етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, соғлиғининг ҳолатини тузатишга, узоқ вақт даволанишга ҳамда реабилитация қилишга муҳтож бўлган болаларнинг, шунингдек кам таъминланган ва кўп болали оилалардаги болаларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши ва қўллаб-қувватланишини таъминлайди. Жисмоний ёки рухий ривожланишида турли нуқсонлари бўлган болаларга қараб туриш қисман ёки тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўлиқ давлат таъминотида бўлади. Етим болаларга ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга қариндошлик муносабатларини сақлаш, шунингдек уларнинг шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Кўриш, эшитиш қобилиятини, таянч-ҳаракат аппаратини тузатишга муҳтож бўлган болалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳаракатланиш, протезлаш, ахборотни идрок этиш ва қабул қилиш воситалари, шунингдек бошқа индивидуал тузатиш воситалари билан таъминланади.

Мактабгача бўлган ёшдаги болалар учун табиий озик-овқат маҳсулотлари тўплами, уларни ёшига доир физиологик эҳтиёжларига мувофиқ бўлган рационал ва мутаносиб озик-овқат билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

Мактабгача таълим ташкилотларида озиқ-овқат сифати устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва мактабгача таълим органлари томонидан амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг тиббий ходимлари санитария қоидалари ва нормаларига, гигиеник нормативларга риоя этилиши, шунингдек мактабгача таълим ташкилотларида даволаш-профилактика чора-тадбирлари ўтказилиши учун жавобгар бўлади.

Болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонунида атрофлича тартибга солинган. Ушбу қонунда мамлакатимизда таълимнинг барча учун мажбурий ва бепул эканлиги белгиланган. Айтиш лозимки, бугунги кунда дунё бўйича саводхонлик даражаси 30% ни ташкил қилмоқда, таълимга эътибор бераётган дунёнинг ривожланган 30 та давлатида бу кўрсаткич 90% ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонунга биноан мамлакатимизда таълим олишнинг бепуллиги ҳамда мажбурийлиги тамойили самараси туфайли республикамизда саводхонлик кўрсаткичи дунёда муқобили йўқ 100% кўрсаткични ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида таълим соҳасидаги асосий принциплар белгилаб берилган. Ушбу қонуннинг 4-моддасига кўра, таълим соҳасидаги асосий принциплар: таълим устуворлигининг тан олиниши; таълим олиш шаклини танлаш эркинлиги; таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги; таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши; таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги; таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; ўн бир йиллик таълимнинг ҳамда олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бир йил давомида умумий ўрта таълимга тайёрлашнинг

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон




мажбурийлиги; давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги; ўқув дастурларини танлашга доир ёндашувнинг ягоналиги ва табақалаштирилганлиги; инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши; жамиятда педагогларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг кафолатланганлиги; таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эгалиги; билимлилик, қобилиятлилик ва истеъдоднинг рағбатлантирилиши; таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги; таълим фаолияти соҳасидаги очиклик ва шаффофлик.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг асосий хусусиятларидан бири ҳар кимга жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъий назар, билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланганлигидадир. Шунингдек, бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида Халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эгалиги, Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуққа эгалиги ҳам диққатга сазовордир.

Таълим олиш болаларнинг ижтимоий ҳуқуқлари таркибида асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида таълим турлари сифатида мактабгача таълим ва тарбия; умумий ўрта ва ўрта махсус таълим; профессионал таълим; олий таълим; олий таълимдан кейинги таълим; кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; мактабдан ташқари таълим амалда бўлиши белгиланган.

Мактабгача таълим ва тарбия болаларни ўқитиш ва тарбиялашга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган таълим туридир. Мактабгача таълим ва тарбия олти ёшдан етти ёшгача

бўлган болаларни бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёрлашни ҳам назарда тутади.



Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим ўқув дастурларини, зарур билим, малака ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган. Умумий ўрта таълим (I — XI синфлар) босқичлари қуйидагилардан иборат:

- бошланғич таълим (I — IV синфлар);
- таянч ўрта таълим (V — IX синфлар);
- ўрта таълим (X — XI синфлар)<sup>1</sup>.

Умумий ўрта таълим ташкилотининг биринчи синфига болалар улар етти ёшга тўладиган йилда қабул қилинади.

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637 /1313-сон

Бошланғич таълим таълим олувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилган.

Таянч ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчиларга билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажмини беради, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Таянч ўрта таълим доирасида (VII синфдан сўнг) таълим олувчиларда касблар бўйича бирламчи билим ва кўникмаларни шакллантириш учун уларни профессионал ташхислаш ва касб-хунарга йўналтириш бўйича чоралар амалга оширилади.

Ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишини таъминлайди.

Профессионал ташхислаш ва касб-хунарга йўналтириш, шунингдек таълим олувчиларни юқори малака талаб қилинмайдиган касбларга тайёрлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Умумий ўрта таълим умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-хунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Нодавлат таълим ташкилотларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўлов-шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Иқтидорли ва истеъдодли болаларнинг қобилиятини ривожлантириш учун Президент, ижод ва бошқа ихтисослаштирилган мактаблар, шунингдек мактаб-интернатлар ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки рухий нуқсонлари бўлган болалар, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида инклюзив шаклда ёки уй шароитларида яқка тартибда таълим олади.

Профессионал таълим эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича қуйидаги даражаларни ўз ичига олади: бошланғич профессионал таълим; ўрта профессионал таълим; ўрта махсус профессионал таълим.

Бошланғич профессионал таълим касб-ҳунар мактабларида IX синф битирувчилари негизида бепул асосда кундузги таълим шакли бўйича умумтаълим фанларининг ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўрта профессионал таълим коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги икки йилгача бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич профессионал таълим негизида амалга оширилади.

Ўрта махсус профессионал таълим техникумларда умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал ва ўрта профессионал таълим негизида давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги камида икки йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади. Касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар таълим олувчиларнинг ўзи танлаган касбга ва мутахассисликка эга бўлишини таъминлайди.

Болаларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш, бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек тижорат ташкилотлари маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт йўналишидаги мактабдан ташқари таълим ташкилотларини ташкил этиши мумкин. Мактабдан ташқари таълим болаларга узлуксиз таълим

беришнинг таркибий қисми сифатида уларнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантиришга, маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган.


Мактабдан ташқари таълим ташкилотлари жумласига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, «Баркамол авлод» болалар мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, студиялар, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасалари киради.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида кўрсатилишича, етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида амалга оширилади. Жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилади. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида вояга етмаганларнинг таълими бўйича ота-оналарнинг мажбуриятлари белгиланган. Унга кўра, вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

Таълим олиш ҳуқуқини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолати тўғрисида”ги қонуни алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қонуннинг 23-моддасида кўрсатилишича, ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга. Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим,

шунингдек ўрта махсус касб-ҳунар таълими олишини кафолатлайди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ 5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги қарорига асосан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини руёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини янада такомиллаштириш мақсадида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб 2021/2022 ўқув йилида SOS - болалар маҳаллалари ва

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2021 й., 06/21/5216/0783-сон

оилавий болалар уйлари битирувчиларига, шунингдек, йигирма беш ёшгача бўлган васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга қўшимча квоталардан фойдаланиш имконияти таъминланади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар)ни харид қилиш харажатларини қоплаб бериш тартиби белгиланди.

Ушбу қарорга кўра, Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ўқиш харажатларини компенсация қилиш тартиби ўрнатилди.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида инклюзив таълим тизими самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ногирон болаларни зарур махсус адабиётлар ва қўлланмалар билан таъминлашни қамраб олувчи инклюзив таълим тизими янада ривожлантирилди, инклюзив таълим тизими ўқитувчиларига имтиёзлар кўлами кенгайтирилди, жисмоний имконияти чегараланган талабаларга олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятлари янада кенгайтирилди, ногирон болаларни уйда таълим берадиган ўқитувчи-педагогларнинг ишини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашда яна бир қатор қонунлар муҳим роль ўйнайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонунида таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасаларининг болаларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган. Қонунда кўрсатилишича, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади, таълим

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 37-сон, 426-модда

сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади, манфаатдор органлар ва муассасалар билан биргаликда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигининг таҳлилини амалга оширади, болаларнинг таълими ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усуллари жорий этиш чора-тадбирларини кўради, таълим муассасаларида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўғараклари ва ижодий тўғараклар, клублар ташкил этади, болаларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга доир фаолиятда иштирок этади, имконияти чекланган болаларга ижтимоий-психологик ва педагогик ёрдам кўрсатади, болаларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради.

Шу билан бирга қонунда иқтидорли ва истеъдодли болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласига жиддий эътибор қаратилган. Унга кўра иқтидорли ва истеъдодли болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш белгиланган тартибда мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантлари тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устахоналар ва мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида спорт секциялари, фан, техника тўғараклари ва ижодий тўғараклар фаолиятини ташкил этиш, иқтидорли ва истеъдодли болаларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида танловлар, олимпиадалар, кўرғазмалар, фестиваллар, кўриклар, концертлар, симпозиумлар, ўқишлар, конференциялар, семинарлар ташкил этиш, спорт-таълим муассасалари, клублари тармоқларини ривожлантириш, иқтидорли ва истеъдодли ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, болалар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда таълим олиш ҳуқуқини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30



сентябрдаги ПФ-5198-сон “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup> ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>3</sup> ги фармонлари муҳим аҳамият касб этади. Уларда бугунги кун янги ислохотлар босқичида таълим тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари белгилаб берилган.

### ***Назорат саволлари:***

- 1. Дам олиш вақти тушунчаси ва турларини айтинг.*
- 2. Бола соғлигини сақлашга оид қандай қонунларни биласиз?*
- 3. Малакали тиббий хизмат нима?*
- 4. Таълим олиш ҳуқуқининг турларини сананг.*

### **Тестлар:**

#### **1. Боланинг ижтимоий ҳуқуқлари турларини белгиланг?**

- а) дам олиш ҳуқуқи, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи;
- б) дам олиш ҳуқуқи, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, ижод эркинлиги ҳуқуқи;
- в) маданият ҳуқуқи, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи;
- г) б ва в жавоблар тўғри.

#### **2. Дам олиш вақтининг турларини кўрсатинг?**

- а) иш куни давомидаги, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган ва иш вақтига қўшилмайдиган танаффуслар;
- б) иш куни давомидаги, овқатланиш учун бериладиган ва иш вақтига қўшилмайдиган танаффуслар;

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2017 й., 06/17/5198/0043-сон

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 06/18/5313/0618-сон, 01.08.2018 й., 06/18/5496/1603-сон

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2018 й., 06/18/5538/1840-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон

в) иш куни давомидаги, дам олиш учун бериладиган ва иш вақтига қўшилмайдиган танаффуслар;

г) б ва в жавоблар тўғри.

**3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?**

а) 2020 йил 23 сентябрь;

б) 2019 йил 12 декабрь;

в) 2018 йил 13 ноябрь;

г) тўғри жавоб йўқ.

**4. Умумий ўрта таълим олиш ҳуқуқининг принципларини аниқланг?**

а) бепул, мажбурий;

б) ошкоралик, очиқлик;

в) очиқлик, бепул;

г) мажбурий, очиқлик;

**5. Билим олиш ҳуқуқи боланинг қайси турдаги ҳуқуқи ҳисобланади?**

а) шахсий ҳуқуқи;

б) сиёсий ҳуқуқи;

в) иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқи;

г) тўғри жавоб йўқ.

**6. 18 ёшга тўлмаган ходимларнинг йиллик пул тўланадиган таътил муддати қанча?**

а) 18 иш куни;

б) 15 иш куни;

в) 1,5 ой;

г) 30 календар кун.

## XVI БОБ. БОЛАНИНГ МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Боланинг илмий ижод эркинлиги ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси. Илмий ва техникавий ижод эркинлигига нисбатан истисноли ҳолатлар.

**Калит сўзлар:** ижод, ижод эркинлиги, илмий, бадиий, санъат, адабиёт, плагиат, маданий ҳуқуқ, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи.

### **1-§. Боланинг илмий ижод эркинлиги ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси инсоннинг миллий қадриятлар, маданият ва маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган илм-фан, санъат ва адабиёт билан боғлиқ ҳуқуқини тартибга солишга бағишланган. Ушбу моддада белгиланишича, ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда болаларни илм-фан билан шуғулланиш ва маданият ютуқларидан баҳраманд бўлишига хизмат қилувчи ўзига хос тизим яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўрнатилган қоидалар асосида мамлакатимизда таълим олиш, илм билан шуғулланиш, ижод қилиш ва маданият ютуқларидан фойдаланиш йўналишларида муҳим ютуқларга эришилди.

Энг аввало, болалар газета, журнал, радио, телевидение, интернет сайтлари орқали фан, адабиёт, санъат асарларидан баҳраманд бўлмоқда. Мамлакатимизда маҳаллий ва хорижлик муаллифларнинг асарлари тизимли равишда нашр этилмоқда. Нафақат пойтахтда, балки чекка минтақаларда ҳам театр, музей, кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳаракатдаги миллий қонунчиликка кўра, ҳар бир болага илмий ва техникавий ижод эркинлиги учун шарт-шароит яратиб берилган. Унга биноан болалар илм-фан, санъат, бадиий адабиёт ва ижоднинг бошқа соҳаларида эркин фаолият юритиш ҳуқуқига эга. Болалар қонунга кўра мафкуравий ёки сиёсий чегаралар

билан чеклаб қўйилмаган, яъни Конституцияда мафкуралаштиришдан воз кечилган бўлиб, сўз, фикр, виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатланган.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида мустаҳкамланган “ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги” қондаси боланинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини кафолатлайди. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлигининг кафолатланиши боланинг ўз истак ва хоҳишидан келиб чиқиб, илмий фаолият турини эркин танлаши, техникавий ижодкорликни амалга оширишда ва илмий-техник маҳсулотни яратишда бошқаларнинг тайзиқидан холи бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Болага илмий ва техникавий ижод қилиш эркинлигининг таъминланганлиги шахс интеллектуал фаолиятининг кафолати бўлиб, бола мазкур фаолият турини ўз ҳаётининг ҳоҳлаган даврида амалга ошириши мумкинлигини билдиради. Ёхуд, бошқача айтганда, илмий-ижодий фаолият билан шуғулланишга нисбатан қонунда муайян ёш цензи белгиланмайди.

Ҳар бир бола дунёнинг исталган нуқтасидан илмий ёки бошқача характердаги маълумотларни олиш ва улар асосида ўз ижодий фаолиятини амалга ошириш, ижод натижасида вужудга келган ғоялар ва асарларини мамлакатимизда ёки хорижда баён қилиши, босиб чиқариб, тарқатиш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида қўлланилган “ҳар ким” ибораси ҳар бир жисмоний шахсни назарда тутди ва бунда жисмоний шахснинг ақли расолиги, ўз ҳаракатининг оқибатини тушуна олиши ёки олмаслиги, ёши, муомала лаёқатига эгаллиги аҳамият касб этмайди. Шу билан бирга, жисмоний шахс ҳар қандай шароитда ҳам ижод қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Ижодий фаолиятнинг илмий, ишлаб чиқариш, техник, ихтирочилик, бадий, диний ва бошқа турлари мавжуд. Илмий ижод боланинг табиат, жамият ва ўз тафаккурида амал қиладиган қонун ва қонуниятларни кашф қилиш, билиб олиш билан боғлиқ бўлган яратувчилик фаолиятидир. Ишлаб чиқариш ижоди янги моддий бойликларни яратишга қаратилган.

Ихтирочилик ижоди - бу боланинг табиат ва жамият қонунларини очиш, билиш ва ўрганиш асосида машина, асбоб-ускуналар, мосламалар, қурилмалар, иншоотлар яратишидир. Бадий ижод боланинг санъат ва маданият соҳаларида табиат ва жамият ҳодисаларини, боланинг ўзини нафосат қонунлари ва тамойиллари асосида бадий ифодалаш фаолиятидир.

Илмий ва техникавий ижод фаолияти билан боғлиқ муносабатларда илм-фан алоҳида аҳамият касб этади. Илм-фан бизни ўраб турган дунё тўғрисида объектив аниқ билимларни ишлаб чиқишга асос бўлади. У бола фаолиятининг алоҳида соҳаси ҳисобланиб, илмий ижодий ва техникавий фаолият ривожини таъминловчи, мунтазам ривожланиб боровчи билимлар

тизимини вужудга келтирувчи, болаларнинг илмий ижодий ютуқларини ўз ичига олади.

Боланинг маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Маданият ютуқлари ибораси одатда кишига маданий завқ олиш ва ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган маданий оқартув фаолияти натижаларини англатади. Булар жумласига кино, театр, музейлар, мусиқа асарлари, халқ оғзаки ижодиёти (фольклор) ва шу каби маданий мерос объектларини киритиш мумкин.

Маданият ютуқларидан фойдаланиш қонунда белгиланган шартлар ва талаблар асосида барча учун очик ҳисобланади ҳамда ҳеч кимнинг ундан фойдаланишига тўсқинлик қилинишига йўл қўйилмайди.

## **2-§. Илмий ва техникавий ижод эркинлигига нисбатан истисноли ҳолатлар**


Илмий ва техникавий ижод эркинлигига нисбатан қонун ҳужжатларида муайян истисноли ҳолатлар белгиланган ва биринчи навбатда бу ҳолатлар халқ фаровонлиги ва тинчлигини таъминлаш, давлатнинг конституциявий тузумига зид бўлмаслик, доимо тараққиётга хизмат қилиши билан белгиланади.

Яратилиш ҳолатида ва яратилганлик фактига кўра илмий ва техникавий ижод маҳсули ғаразли мақсадларни кўзлаб амалга оширилмаслиги лозим. Айни вақтда ижодий фаолиятни мутлоқ ўзбошимчалик билан ўзи хоҳлаган тарзда амалга ошириш, ғайриқонуний натижаларга эришишга йўл қўйилмайди.

Ижод эркинлигини суиистеъмол қилиб шарм-ҳаёсиз асарлар яратиш, фикрлаш, сўз ва матбуот эркинлигидан конституциявий тузумга қарши мақсадда, бошқаларни бадном қилишни кўзлаб ахборотлар излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан бошқаларни шахсий ҳаёт сирлари ёки давлат, хизмат ёки тижорат сирларини ошкор этиш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Давлат томонидан жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилинишига алоҳида эътибор берилади. Аввало, мамлакатимизда ушбу конституциявий норма асосида илмий ва техникавий ижод қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолатларини белгилашга қаратилган

қонунчилик тизими яратилган. Ҳозирда мамлакатимизда илмий ва техникавий ижод фаолияти билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади.



Давлат томонидан жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси сифатида мамлакатимизда илм-фан ва санъат соҳасининг намоёндаларига берилаётган эътиборни кўрсатиш мумкин. Мамлакатимизда ижодкор ёшлар мафкуравий ёки сиёсий чегаралар билан чеклаб қўйилмаган, яъни Конституцияда мафкуралаштиришдан воз кечилган бўлиб, сўз, фикр, виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатланган. Шунингдек, Конституциямизнинг 67-моддасида оммавий ахборот воситалари фаолиятида цензурага йўл қўйилмайди, деб белгиланган бўлиб,

бу ҳам ижод эркинлигининг конституциявий кафолати ҳисобланади.

**Назорат саволлари:**

*1. Боланинг илмий ижод эркинлиги ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчасини айтинг.*

*2. Илмий ва техникавий ижод эркинлигига нисбатан истисноли ҳолатлар нималардан иборат?*

**Тестлар:**

**1. Боланинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида белгиланган?**

- а) 42-моддасида;
- б) 41-моддасида;
- в) 44-моддасида;
- г) 46-моддасида.

**2. Боланинг маданий ҳуқуқлари турларини аниқланг?**

- а) илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ва санъат ютуқларидан фойдаланиш, бадиий ижод эркинлиги ҳуқуқи;
- б) илмий ижод эркинлиги, маданият ва санъат ютуқларидан фойдаланиш, бадиий ижод эркинлиги ҳуқуқи;
- в) илмий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш, бадиий ижод эркинлиги ҳуқуқи;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**3. Илмий ва техникавий ижод эркинлигига нисбатан истисноли ҳолатларни аниқланг?**

- а) конституциявий тузумга зид бўлмаслик, ғаразли мақсадни кўзламаслик, шарм-ҳаёсиз асарлар яратмаслик, бошқаларни бадном қилмаслик;
- б) конституциявий тузумга зид бўлмаслик, шарм-ҳаёсиз асарлар яратмаслик, бошқаларни бадном қилмаслик;
- в) конституциявий тузумга зид бўлмаслик, ғаразли мақсадни кўзламаслик, бошқаларни бадном қилмаслик;
- г) а ва в жавоблар тўғри.

**4. Цензура билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддаси билан тартибга солинади?**

- а) 67-моддаси билан тартибга солинади;
- б) 71-моддаси билан тартибга солинади;




- в) 74-моддаси билан тартибга солинади;
- г) 86-моддаси билан тартибга солинади.

## XVII БОБ. БОЛАНИНГ БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Боланинг Конституция ва қонунларга риоя этиш бурчи. Боланинг тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш мажбурияти. Боланинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти.

**Калит сўзлар:** Конституция, қонун, бурч, мажбурият, тарихий мерос, маънавий мерос, маданий мерос, тарихий-маданий ёдгорликлар, экология, атроф табиий муҳит.



### 1-§. Боланинг Конституция ва қонунларга риоя этиш бурчи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддасида белгиланишича, “ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва


эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, фақат ахлоқ, жамоат тартиби, умумий фаровонликнинг одилона талабларини қондириш мақсадида қонунда белгиланган чеклашларга риоя этиши керак”.

БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясининг 2-моддасида “ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқлар, ҳеч қандай камситишларсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, боланинг соғлиғи ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонунӣ васийси ёки бирор бир бошқа ҳолатлардан қатъий назар, ҳурмат қилиниши ҳамда бу ҳуқуқлар таъминланиши кераклиги, давлат томонидан бола, унинг ота-онаси, қонунӣ васийси ёки бошқа оила аъзоларининг қарашлари ёки эътиқоди, мақоми, фаолияти асосида камситиш ёки жазолашнинг барча шаклларида боланинг ҳимоясини таъминланиши учун ҳамма зарур чораларни кўришлари лозимлиги” кўрсатилган.

Ушбу конвенциянинг 16-моддасига кўра, “бирорта бола унинг шахсий ҳаёт, оилавий ҳаёт, уй-жой даҳлсизлиги ёки почта орқали юбориладиган нарсаларнинг махфийлигига бўлган ҳуқуқи амалга оширилишига ўзбошимчалик билан ёки қонунга зид равишда аралашиш ёхуд унинг шаъни ва обрўсига ғайриқонунӣ тажовуз қилиш объекти бўлиши мумкин эмас, бола ана шундай аралашиш ёки тажовуз қилишдан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Ҳар бир фуқаро қонун олдида тенгдир ва бошқа фуқароларнинг миллати, тили, дини ва эътиқодини ҳурмат қилиши шарт. Конституция асосида қабул қилинган жорий қонунларда болаларга берилган ҳуқуқлар билан бир қаторда тегишли бурчларни бажариш лозимлиги ҳам белгиланган.

Маълумки, бурч бола ҳуқуқий мақоми мазмунининг таркибий қисми бўлиб, у бола ҳуқуқ ва эркинликлари билан узвий боғлиқ бўлади. Демак, бола ҳуқуқий мақомининг мазмуни фақат ҳуқуқ ва эркинликлардангина эмас, балки қонунда белгиланган тартибда маълум мажбуриятлар мажмуидан ҳам иборат бўлади. Турли ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлмиш бола фақат ҳуқуқ ва имтиёзлар соҳиби бўлибгина қолмасдан, балки унга жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдида бажариши лозим бўлган муайян мажбуриятлар ҳам юклатилади.



Боланинг ҳуқуқ лаёқати ва ўзга ҳуқуқларининг амалга ошиши бошқа шахсларнинг бунга монелик қилмаслик мажбурияти билан таъминланади. Масалан, боланинг қонунда белгиланган доирада ўз хусусий мулкига эга бўлиш, ўзига ёққан

касбни танлаш, турар-жой танлаш, меҳнат қилиш ва бошқа ҳуқуқлари барча жисмоний ва юридик шахсларнинг бу ҳуқуқларни амалга оширишга қаршилик кўрсатмаслик мажбурияти билан таъминланади.

Конституция ва қонунларда жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий асослари, мамлакатда ўрнатилган ҳуқуқий тартибот, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тизими мужассамини топади. Шунга кўра боланинг конституциявий бурчлари (мажбуриятлари) умумхалқ, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб белгиланади. Чунки, бола томонидан ҳаракатдаги қонунларнинг бузилиши жамиятда қонун устуворлиги ва бутун ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга салбий таъсир этади.

Боланинг давлат ва жамият олдидаги мажбуриятларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатнинг 11-боби фуқароларнинг бурчларини белгилашга бағишланган бўлиб, унинг 59-моддасида баён қилинишича, “барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажарадилар”.

Шунингдек, Асосий қонуннинг 15-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида фуқаролар томонидан бошқа шахсларнинг эркинлиги, шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилиш лозимлиги белгиланган. Конституция асосида қабул қилинган ҳаракатдаги жорий қонунларда фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини қасдан таҳқирлаш ҳатти-ҳаракатлари маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят сифатида баҳоланади. Бундай ҳолларда айбдорлар тухмат ёки ҳақорат ҳуқуқбузарликлари учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади. Ушбу жавобгарлик жазо чоралари бошқаларнинг ҳуқуқини ҳурмат қилиш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашмасликни таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон

Республикаси Конституциясида белгиланган ушбу мажбуриятлар тўлалигича болаларга ҳам тегишлидир.

## **2-§. Боланинг тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш мажбурияти**

Маълумки, ҳар бир миллат тараққиётини унинг тарихисиз, маънавий қадриятларисиз ва маданий меросисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини қайта тиклаш ва ундан жамиятни маънавий янгилашда унумли фойдаланиш зарурати давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалага айланди.

Мамлакатимиз тарихий, маънавий ва маданий мерос масаласида бой тарихий илдизларга эга. Унинг ифодасини “Авесто”дек жаҳон цивилизацияси ва сиёсий маънавиятига катта ҳисса қўшган тарихий меросимизда кўриш мумкин. Темур тузуклари, Бобурнома, Ҳидоя, Бухорийнинг ҳадислари катта тарихий, маънавий ва маданий мерос дурдоналари ҳисобланади. Асрлар мобайнида шаклланган, жамланган бу мерос нафақат ўзбек давлатчилиги ривожига, балки бутун жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшилган улкан ҳиссадир.

Бу маданий ва маънавий “ҳазина”ни кўз қорачиғидек асраш, уни келгуси авлодларга етказиб бериш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61-моддасида “фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаши шарт. Тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофаза қилинади”, мазмунидаги қоида ўрнатилди.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий мероси ўз қадини ростлади ва авлодларга безавол етказиш борасидаги эзгу ҳаракатлар туфайли қанчадан қанча алломаларнинг номлари тикланди, тарихий обидалар таъмирланди, улуғларимиз зиёратгоҳлари ободонлаштирилди. Минглаб қадамжолар халқнинг тарихий, маънавий ва маданий мероси сифатида ўзига қайтарилди. Масалан, Қашқадарё

заминида буюк аллома, мотуридия таълимотининг йирик вакили, исломий эътиқод поклиги масаласида 15 га яқин китоб муаллифи Абу Муин Насафий, Шеробод туманида буюк ҳадисшунос аллома Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари, Тошкентда Имом Термизий номидаги масжид ва Сузук ота мақбаралари каби кўплаб зиёратгоҳларни обод қилиш борасидаги ишлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашни тартибга солишга бағишланган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги ПФ-4956-сонли фармони, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup> ги ПҚ-2995-сонли, 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”<sup>3</sup> ги ПҚ-3074-сонли қарорлари халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларини обод қилиш, илмий-тадқиқот муассасаларининг қўлёзмаларни сақлаш, шу асосда юртдошларимиз, аввало, ёш авлодни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш, чет элларда сақланаётган мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини юртимизга олиб келиш каби ишларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 8-сон, 105-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 21-сон, 389-модда

<sup>3</sup> Халқ сўзи, 2017 йил 21 июндаги 122 (6816)-сон

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”<sup>1</sup> ги, 2017 йил 14 апрелдаги “Хоразм Маъмун академиясининг фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>2</sup> ги 211-сонли, 2017 йил 15 июндаги “Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш соҳасидаги ишларни ташкил этишни тартибга солиш ва назорат қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup> ги 376-сонли қарорлари маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этишда алоҳида аҳамиятга эга меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Болаларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш мажбурияти хусусида фикр юритганда, аввало, тарихий, маънавий ва маданий мерос тушунчаларини очиб бериш лозим. Хусусан, маънавий мерос - аجدодларимиз, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар - сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир.

Ҳозирда Ўзбекистон номоддий маданий меросининг миллий рўйхатида 74 та объект мавжуд. Умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида Ўзбекистон ҳудудидаги тўртта қадимий шаҳар – Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган, Наврўз байрами, Катта ашула, “Шашмақом”, Аския, Ўзбек палови билан боғлиқ анъаналар инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 15-сон, 258-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 16-сон, 275-модда

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 24-сон, 503-модда



олган, Тошкент давлат шарқшунослик институти хузурида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёмалари марказида тўпланган нодир қўлёмалар «Жаҳон хотираси» рўйхатига киритилган.

Ўзбекистоннинг китоб фондида 100 мингдан зиёд қўлёмалар асарлар сақланмоқда. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёмалари бугунги кунда Европа ва Осиёнинг, Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатларидаги кутубхоналарнинг “олтин фонд”ини ташкил этади.

Тарихий мерос тўғрисида гап кетганда мамлакатимиз ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликларнинг аҳамияти бекиёсдир. Ўзбекистон археологик ёдгорликлар сони жиҳатидан дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон ҳудудидаги дунё цивилизацияси тараққиётида катта ўрин тутган 7,5 мингдан ортиқ моддий маданий мерос объектлари, шундан 4308 та археология объектлари, 2079 та архитектура объектлари, 694 та маҳобатли санъат объектлари, 395 та диққатга сазовор жойлар<sup>1</sup>ни сақлаш, ҳисобга олиш, ўрганиш, таъмирлаш, дунё миқёсида тарғиб қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилиб, улар давлат муҳофазасига олинди.


Маданий мерос объектлари Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига кўра, моддий ва номоддий маданий мерос объектларига бўлинади. Моддий маданий мерос объектлари ўз навбатида тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлардан иборат бўлади.

Ансамбллар деганда, тарихан таркиб топган ҳудудда аниқ кўзга ташланадиган, атроф манзараси билан умумийлиги ёки алоқадорлиги тарихий, археологик, меъморий, эстетик ёки ижтимоий-маданий қимматга эга бўлган, ижтимоий, маъмурий, диний, илмий, ўқув-таълим, истеҳком, сарой, турар-жой, савдо, ишлаб чиқариш ва бошқа аҳамиятга молик ҳамда рассомлик,

---

<sup>1</sup> Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бош бошқармасининг маълумотлари. -Т., 2017 йил

ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати, меъморчилик асарлари билан боғлиқликда алоҳида ёки ўзаро биргаликда турган ёдгорликлар, иморатлар ва иншоотлар гуруҳлари, шунингдек тарихий тарҳларнинг ҳамда манзилгоҳлар иморатларининг қолдиқлари, ландшафт архитектураси ва боғ-роғ санъати асарлари (боғлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар) назарда тутилади.



Диққатга сазовор жойлар - инсон ва табиат ижодининг муштарак маҳсули, шунингдек тарихий, археологик, шаҳарсозлик, эстетик, этнологик ёки антропологик қимматга эга бўлган ҳудудлар, шу жумладан халқ ҳунармандчилиги масканлари, тарихий манзилгоҳлар ёки шаҳарсозлик тарихи марказлари ва тарихий (шу жумладан ҳарбий) воқеалар,

ёдгорликлар, атоқли тарихий шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган иморатлар, хотира жойлари, табиий ландшафтлар, шунингдек кўҳна шаҳарлар, шахристонлар, манзилгоҳлар, қароргоҳлар иморатларининг маданий қатламлари, қолдиқлари, маросимлар бажо этиладиган жойлардир.

Ёдгорликлар - тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган айрим иморатлар, бинолар ва иншоотлар, улар билан боғлиқ бўлган рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати асарлари ҳамда шу иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг тарихан таркиб топган ҳудудлари, шунингдек мемориал уйлар, квартиралар, қабристонлар, мақбаралар ва айрим қабрлар, монументал санъат асарлари, фан ва техника (шу жумладан ҳарбий техника) объектлари, антропология, этнография, нумизматика, эпиграфика, картография, фотография материаллари, кинофильмлар, аудио-, видео ёзувлар ҳамда бошқа жисмлардаги ёзувлар, адабиёт ва санъат асарлари, архив, қўлёзма ва чизма ҳужжатлар, қадимги қўлёзма китоблар, ҳарф териш усулида чиқарилган дастлабки китоблар, нодир ва ноёб нашрлар, ноталар, муқаддас буюмлар ва мемориал хусусиятга эга бўлган ашёлар, тошҳайкаллар, қояга ўйиб солинган тасвирлар, археология ёдгорликларидан иборат бўлади.

Номоддий маданий мерос объектлари деганда, тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар тушунилади. Демак, маданий мерос кенг тушунча бўлиб, у юртимизнинг археологик ва меъморий обидалари, музейларида сақланаётган юзлаб турдаги ноёб топилмалар, қадимий китоблар ва бошқа манбалар ҳамда қўлёзмаларни ўзида мужассам этади.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг нодир ва бебаҳо тарихий, маънавий ва маданий меросини кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, Амур Темур таваллудининг 660 йиллиги, Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад

ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги, Бурхониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги, Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги, Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик юбилеи, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонланди.

Мамлакатимизда мавжуд маданият ёдгорликларини реставрация қилиш ва консервациялашга қаратилган давлат дастурлари қабул қилиниб, ушбу дастурлар асосида мустабид тузум даврида хароб аҳволга тушиб қолган дунёга машҳур Самарқанддаги 14-15 аср ёдгорликлари – Амир Темура мақбараси, Регистон ансамбли, Бибихоним масжиди, Бухорадаги 10-12 аср ёдгорликлари – Сомонийлар мақбараси, Калон масжиди, Мир Араб мадрасаси, Арк девори, Шахрисабздаги 14-15 аср ёдгорликлари – Оксарой арки, Дорус-Саодат мажмуаси, Хивадаги 14-17 аср ёдгорликлари – Пахлавон Махмуд мақбараси, Тош ҳовли, Қўқондаги Худоёрхон ўрдаси, Қаршидаги Кўк Гумбаз мажмуаси, Одина масжиди, Бекмир, Абдулазизхон, Қиличбой мадрасалари таъмирланиб келажак авлодлар учун сақлаб қолинди.

Шу билан бирга, Самарқандда Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий, Фарғона ва Кувада Аҳмад ал-Фарғоний, Тошкентда Ҳазрати Имом меъморий мажмуалари, Тошкент, Самарқанд, Шахрисабз шаҳарларида Амир Темура, Тошкентда Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Урганчда Жалолиддин Мангуберди, Термизда Алпомиш, Андижонда Бобурнинг ҳайкаллари, Марғилонда Бурхониддин ал-Марғиноний мақбараси қурилди.

Мустақиллик йилларида тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Моддий бойликларни олиб чиқиши ва олиб

кирилиши тўғрисида”<sup>1</sup> ги, 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”<sup>2</sup> ги, 2009 йил 13 октябрдаги “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”<sup>3</sup> ги қонунлар ҳуқуқий асос сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ҳуқуқий асосларга кўра, тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларининг давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштириши, уларга хўжасизларча муносабатда бўлиш мумкин эмас, тарихий, маънавий ва маданий мерос объектлари четга олиб чиқиб кетилишига йўл қўйилмайди, улар давлат музейларида, архивларда, кутубхоналарда сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 190-моддасига мувофиқ, агар мулкдор ўзига қарашли моддий маданий мерос объектига хўжасизларча муносабатда бўлса ва унинг бут сақланишини таъминламаса, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи тегишли органлар мулкдорни моддий маданий мерос объектига хўжасизларча муносабатда бўлишни тўхтатиш ҳақида огоҳлантиради. Агар мулкдор ушбу талабни бажармаса, тегишли органларнинг даъвосига кўра суд моддий маданий мерос объектини олиб қўйиш ҳақида қарор чиқариши мумкин ва ушбу моддий маданий мерос объекти давлат мулкига ўтади.

Тарихий, маънавий ва маданий мерос объектлари Ўзбекистон халқининг ўлчови йўқ хазинаси ва бойлиги ҳисобланади. Ушбу бойлик нафақат ҳозирги авлоднинг, балки келажак авлоднинг ҳам мулкидир. Ушбу бой меросни асраб-авайлаш, уни етарли даражада кенг тарғиб қилиш ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда тарихимизга нисбатан

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси, 1998, 9-сон, 178-модда

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси, 2001, 9-10 сон, 180 модда

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009, 42-сон, 448-модда

фахр-ифтихор, Ватанга нисбатан муҳаббат туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.


### **3-§. Боланинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти**

Она заминни улуғлаш, эъзозлаш, атроф табиий муҳитни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш инсоният учун доимо долзарб вазифалардан бири бўлиб келган. Шу сабабдан, экологик хавфсизликни таъминлаш фуқароларнинг асосий конституциявий бурчи ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 62-моддасида фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти мустаҳкамланган.

Ушбу конституциявий норма асосида мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги, Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги бир қатор қонунлари қабул қилиниб, уларда табиат билан инсон ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларда келиб чиқадиган мажбуриятлар белгиланган.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий мақсади сифатида инсон саломатлигини асраш, экологик мувозанатни сақлаш, барқарор ривожланиш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш, жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш; экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш; экологик хавфсизликни таъминлаш; табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ушбу мақсадга эришиш учун инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш; фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш; жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш; табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш; табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш; табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик талаб этилади.



Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасида инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва бу муҳитни сақлаб қолиш борасидаги бурчи белгиланган. Унга кўра,

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чоратadbирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт. Табиатдан фойдаланишга атроф табиий муҳитни яшаш учун яроқли ҳолда сақлаш, табиий ресурслардан белгиланган тегишли нормативлар доирасида фойдаланиш ва қайта тикланадиган ва қайта тикланаётган табиий ресурслар қайта тикланишини таъминлаш шarti билан йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланишини сақлаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозаллигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларини асраш, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини сақлаш ва сув ҳавзасига ландшафт эълементи сифатида зиён етказмаслик шarti билан йўл қўйилади. Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дарахтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

Ҳаводан фойдаланишга муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сийраклаштирмаслик шarti билан йўл қўйилади.

Ҳаракатдаги экология қонунчилиги жонли табиат объектларидан уларнинг қайта тикланиш қобилияти, хилма-хил тури ва тўдаларининг барқарорлигини сақлаш, атроф табиий



муҳитнинг биологик жиҳатдан ифлосланишига йўл қўймаслик шарти билан фойдаланиш мажбуриятини юклайди.

Демак, табиат бойликларидан кўр-кўрона ва хўжасизларча эмас, балки илм-фан тавсиялари асосида оқилона, одилона, тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш зарур бўлиб, бу барча фуқароларнинг, хусусан болаларнинг ҳам конституциявий бурчи ҳисобланади.

### ***Назорат саволлари:***

*1. Конституция ва қонунларга риоя этиш бурчи нималарда ифодаланади?*

*2. Тарихий, маънавий ва маданий мерос деганда нималарни тушунаси?*

*3. Табиатни муҳофаза қилиш бурчини қандай тушунаси?*

### **Тестлар:**

#### **1. Боланинг конституциявий бурчларини аниқланг?**

а) Конституция ва қонунларга риоя этиш, тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

б) Конституцияга риоя этиш, тарихий, маданий меросни асраш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

в) қонунларга риоя этиш, тарихий, маънавий меросни асраш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

г) тўғри жавоб йўқ.

#### **2. ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига мамлакатимизнинг қайси шаҳарлари киритилган?**

а) Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз;

б) Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент;

в) Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Шаҳрисабз;

г) Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз.

#### **3. ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан қайси оғзаки ва номоддий маданий меросимиз жой олган?**

а) Наврўз, катта ашула, шашмақом, аския, палов;

б) Наврўз, катта ашула, шашмақом, палов;

в) Наврўз, шашмақом, аския, палов;

г) Наврўз, катта ашула, шашмақом, аския.

**4. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?**

- а) 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган;
- б) 1997 йил 16 августда қабул қилинган;
- в) 1999 йил 27 октябрда қабул қилинган;
- г) 2004 йил 15 сентябрда қабул қилинган.

**5. Боланинг табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти Конституциянинг қайси моддасида белгиланган?**

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 62-моддасида белгиланган;
- б) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида белгиланган;
- в) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида белгиланган;
- г) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида белгиланган.

## МАХСУС ҚИСМ

### XVIII БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА БОЛА ҲУҚУҚИ

Хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқининг конституциявий асослари. Хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқини тартибга солувчи умумий аҳамиятли қонунларнинг мазмуни. Хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқини тартибга солувчи махсус қонунлар.

**Калит сўзлар:** хориж, хорижий мамлакатлар, конституция, умумий аҳамиятли қонунлар, махсус қонунлар, ҳуқуқ, шахсий ҳуқуқ, ижтимоий ҳуқуқ, иқтисодий ҳуқуқ, сиёсий ҳуқуқ.


#### 1-§. Хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқининг конституциявий асослари

Дунёнинг кўпчилик ривожланган давлатлари конституцияларини ўрганиш уларда бола ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларнинг асослари атрофлича тартибга солинганлигидан далолат беради. Шундай давлатлар сирасига Россия, Хитой, Япония, Германия Федератив Республикаси, Польша, Озарбойжон, Беларусь ва бошқа кўплаб давлатларни келтириш мумкин.

Чунончи, шундай конституциялардан бири Озарбойжон Республикасининг Конституцияси бўлиб, у 1995 йил 12 ноябрда қабул қилинган. Ушбу Асосий қонуннинг 17-моддаси “оила ва давлат” деб юритилиб, унда белгиланишича, “оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида давлат ҳомийлигида бўлади, болалар ҳақида ғамхўрлик ва уларнинг тарбияси ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Давлат ушбу бурчни бажариш устидан назоратни амалга оширади”.

Озарбойжон Республикаси Конституциясининг 2-бўлими “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари”га бағишланган бўлиб, улар тўғридан-тўғри бола ҳуқуқини белгилашга ҳам тегишлидир. Ушбу бўлимдаги шундай нормалар (24-71-моддалар) сирасига инсоннинг хавфсиз яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, соғлом атроф табиий муҳитга эга бўлиш

ҳуқуқи, соғлиғини сақлаш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, виждон эркинлиги ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларини санаб кўрсатиш мумкин.



Бундан ташқари, Озарбойжон Республикасининг Конституциясида бола ҳуқуқини тартибга солишга қаратилган бир қатор махсус қоидалар ҳам ўрин олган. Масалан, унинг 34-моддасида “оналик, оталик, болалик қонун билан ҳимоя қилинади. Давлат кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатади”, деб белгиланган. Шунингдек ушбу моддада ўрнатилишича, “болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларни тарбиялаш ота-оналарнинг ҳам ҳуқуқи, ҳам бурчи ҳисобланади. Ота-онани ҳурмат қилиш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш болаларнинг бурчидир”.

Озарбойжон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида таълим олиш ҳуқуқини тартибга солишга алоҳида

эътибор берилган бўлиб, унга биноан “ҳар бир фуқаро таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат бепул мажбурий умумий ўрта таълимни кафолатлайди”.

Бола ҳуқуқининг конституциявий асосларини белгилашга Арманистон Республикасининг Конституциясида алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу Конституция 1995 йил 5 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг 2-бўлими (14-48-моддалар) инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини белгилаш ва тартибга солишга бағишланган. Бу бўлимда ўрнатилган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита болаларнинг ҳуқуқини ҳам белгилашга тааллуқлидир.

Чунончи, Арманистон Республикаси Конституциясининг 32-модасида “оила жамиятнинг табиий ва асосий бўғини ҳисобланади. Оила, оналик ва болалик жамият ва давлат ҳомийлиги ва муҳофазасида бўлади”, деб белгиланган. Ушбу Конституциянинг 35-моддасига кўра, “давлат ўқув муассасаларида ўрта таълим бепулдир”.


Бола ҳуқуқи батафсил тартибга солинган хорижий давлатлар конституцияларидан бири Беларусь Республикасининг Конституцияси бўлиб, у 1994 йил 15 мартда қабул қилинган. Ушбу норматив ҳужжатнинг 2-бўлими (21-63-моддалар) шахс, жамият, давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга бағишланган бўлиб, улар бола ҳуқуқларига ҳам тегишли қоидалардир.

### **Эслаб қолинг!**

Оила, оналик ва болалик жамият ва давлат ҳомийлиги ва муҳофазасида бўлади (Арманистон Конституциясининг 32-моддаси).

Ушбу Асосий қонуннинг 32-моддасига кўра, “никоҳ, оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида бўлади. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар болаларни тарбиялаш ҳуқуқига эга, уларнинг соғлиғи ва ривожланиши ва таълим олиши ҳуқуқи ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Болага нисбатан қўпол муомала қилиш ёки камситиш, уни жисмоний,

ақлий ёки рухий ривожланишига зиён келтирадиган ишларга жалб этиш мумкин эмас”.



Асосий қонунда болаларнинг ўз оиласидан ажратиб олиш тартибига жиддий эътибор берилган. Унга биноан, “болалар ўз оиласидан агар ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахслар ўз мажбуриятларини бажармаганда ота-онаси ва уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларнинг хоҳишидан ташқари фақат суднинг қарори асосида ажратилиши мумкин”.

Шунингдек, Беларусь Республикасининг Конституциясида болаларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қатор нормалар ўрин эгаллаган. Масалан, ушбу Асосий қонуннинг 42-моддасига кўра, “вояга

етмаганлар бир хил иш учун катталар билан тенг миқдорда рағбатлантирилиши керак”.

Болаларни баркамол шахс сифатида тарбиялаш, уларга таълим бериш масалалари Беларусь Республикаси Конституциясининг алоҳида нормаларида атрафлича тартибга солинган. Чунончи, ушбу қонуннинг 49-моддасига биноан, “умумий ўрта ва касбий-техник таълимнинг очиклиги ва бепуллиги кафолатланади”. Демак, Асосий қонунда умумий ўрта таълим ва касбий-техник таълимнинг асосий принциплари сифатида унинг очиклиги, яъни барча болалар таълим олиш ҳуқуқига эгалиги ва таълимнинг бепуллиги белгиланган. Ушбу Конституциянинг 53-моддасида ўрнатилишича, “16 ёшгача бўлган мактаб таълими мажбурий ҳисобланади. Саккиз йиллик ва ўрта таълим давлат ва жамоат мактабларида бепулдир”. Таълим олиш ҳуқуқининг бу каби принциплари мамлакатда саводхонлик даражасини ошириш ва таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бола ҳуқуқини конституциявий даражада тартибга солишда Болгария Республикасининг Конституциясида бир қатор эътиборли нормалар мавжудлигини эътироф этиш ўринлидир. Ушбу Конституция 1991 йил 13 июль куни эълон қилинган бўлиб, унда аввало, бола тарбиясида ота-онанинг масъулияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга жиддий эътибор қаратилган. Масалан, Болгария Республикаси Конституциясининг 47-моддасига кўра, “болаларни вояга етгунга қадар тарбиялаш ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятидир. Давлат ота-оналарга болаларни тарбиялашда ёрдам кўрсатади”.

### **Эслаб қолинг!**

Болаларни вояга етгунга қадар тарбиялаш ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятидир. Давлат ота-оналарга болаларни тарбиялашда ёрдам кўрсатади (Болгария Конституциясининг 47-моддаси).

Бундан ташқари, ушбу моддада кўрсатилишича, “никоҳсиз туғилган болалар никоҳда туғилган болалар билан бир хил ҳуқуққа эга бўладилар. Яқинларининг ғамхўрлигидан маҳрум

бўлган болалар давлат ва жамиятнинг алоҳида ғамхўрлигида бўладилар”.


Ривожланган Европа давлатларидан бири ҳисобланган Германия Федератив Республикасининг Конституцияси бола ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда алоҳида ажралиб туради. Германия Федератив Республикасининг Конституцияси 1949 йил 23 майда қабул қилинган бўлиб, унинг 1-19-моддалари инсон ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни, яъни инсоннинг кадр-қиммати дахлсиз эканлиги, барчанинг қонун олдида тенглиги, виждон эркинлиги, ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, хат ёзишмаларининг сир тутилиши ҳуқуқи кабиларни тартибга солишга бағишланган.

Ушбу Асосий қонуннинг 6-моддасида белгиланишича, “болаларга ғамхўрлик қилиш ва уларнинг тарбияси билан шуғулланиш ота-оналарнинг табиий ҳуқуқи ҳамда мажбурияти ҳисобланади. Давлат уларни амалга ошириш устидан кузатиб боради”. Демак, ушбу қоидага биноан давлат болалар тарбияси билан боғлиқ жараёнларни доимо ўз назорати остида тутди.

Таҳлил этилаётган нормада болаларни ўз оиласидан ажратиб олиш тартибини белгилашга алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, унда кўрсатилишича, “болалар ўз оиласидан уларнинг тарбиясига ваколатли бўлган шахсларнинг эркига қарши фақат қонунда белгиланган тартибда ваколатли шахслар ўз мажбуриятларини бажармаганда, болалар хавф остида қолдирилганда ажратиб олинадилар”.

Бундан ташқари, Германия Федератив Республикасининг Конституциясида кўрсатилишича, “қонунда белгиланган тартибда никоҳсиз туғилган болаларга ҳам уларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши учун никоҳда туғилган болалар сингари ҳуқуқий ҳолат таъминланади”.





Бола ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни мукаммал ҳуқуқий тартибга солишда ривожланган давлатлардан бири бўлган Италия Республикасининг Конституцияси алоҳида ажралиб туради. Ушбу Конституция 1947 йил 22 декабрда қабул қилинган бўлиб, унда асосий эътибор, аввало, ота-оналарнинг болалар олдидаги масъулиятини белгилашга қаратилган.

Чунончи, ушбу Асосий қонуннинг 30-моддасида ўрнатилишича, “ота-оналар болаларини ҳатто улар никоҳсиз туғилган бўлсалар ҳам боқиш, ўқитиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Агар ота-оналар муомалага лаёқатсиз бўлиб қолсалар қонун уларнинг мажбуриятларини бажариш усулларини аниқлаб беради. Қонун никоҳсиз туғилган болаларнинг барча ҳуқуқий ва руҳий характердаги масалаларини қонуний оила аъзолари ҳуқуқларига мос тарзда ҳимоясини таъминлайди”.

Шунингдек, ушбу моддада қонун билан оталикни белгилашнинг тартиби ва чегаралари ўрнатилиши мустаҳкамланган.

Италия Республикасининг Конституциясида болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, унинг 34-моддасида белгиланишича, “таълим барча учун очик. Бошланғич таълим камида саккиз йил давомида мажбурий ва бепул бўлади. Қобилиятли ва арзийдиган ўқувчилар агар маблағлари бўлмаса ҳам ўқишнинг юқори поғонасига ўтиш ҳуқуқига эгадирлар. Республика бу ҳуқуқни стипендия, оилаларга нафақа ва бошқа ёрдам турлари йўли билан таъминлайди”. Конституцияда ўрнатилган бу каби қоидалар болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини тўла таъминлаш ва мамлакатда соводхонлик даражасини кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Айтилганлардан ташқари, болаларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам Италия Конституциясида батафсил тартибга солинган. Масалан, ушбу Конституциянинг 37-моддасига кўра, “ишга ёллашнинг энг кичик ёши қонун билан белгиланади. Махсус қонунлар қабул қилиш йўли билан Республика вояга етмаганларнинг меҳнатини ҳимоя қилади ва уларга бир хил меҳнат учун бир хил рағбатлантириш ҳуқуқини кафолатлайди”.


### **Эслаб қолинг!**

Ота-оналар болаларини ҳатто улар никоҳсиз туғилган бўлсалар ҳам боқиш, ўқитиш ва тарбиялашга мажбурдирлар (Италия Конституциясининг 30-моддаси).

Марказий Осиёнинг ҳуқуқ тизими ривожланган давлатларидан бири бўлган Қозоғистон Республикасининг Конституцияси 1995 йил 30 августда қабул қилинган бўлиб, унда бола ҳуқуқи билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қатор ибратли нормаларни кўрсатиш мумкин. Ушбу қонуннинг 10-39-моддалари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга бағишланган бўлиб, уларда барчанинг қонун олдида тенглиги, ҳар ким яшаш ҳуқуқига, ҳар ким шахсий

эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқига, сўз ва ижод эркинлиги ҳуқуқига, виждон эркинлиги ҳуқуқига, меҳнат қилиш ҳуқуқига, мулкдор бўлиш ҳуқуқига, нафақа ва ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига, соғлиғини сақлаш ҳуқуқига, таълим олиш ҳуқуқига эгалиги батафсил белгилаб берилган. Ушбу ҳуқуқий нормалар бевосита инсоннинг ажралмас бир тоифаси ҳисобланган бола ҳуқуқига ҳам тегишли бўлади.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг бола ҳуқуқларини тартибга солишга қаратилган махсус нормалари ҳам эътиборли жиҳати билан ажралиб туради. Чунончи, унинг 27-моддасига кўра, “никоҳ ва оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида бўлади. Болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларни тарбиялаш ота-оналарнинг табиий ҳуқуқи ва мажбурияти ҳисобланади”.



Шунингдек, Асосий қонунда болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи ҳам алоҳида нормаларда батафсил тартибга солинган. Хусусан, Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасига биноан, “фуқароларга давлат ўқув юртларида ўрта таълимнинг бепуллиги кафолатланади. Ўрта таълим мажбурийдир”. Асосий қонунда таълим олишнинг бепуллиги ва мажбурийлигининг қатъий конституциявий принциплар сифатида ўрнатилиши болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлашда муҳим роль ўйнайди.

Бола ҳуқуқини тартибга солувчи Конституциялар ичида Польша Республикасининг Асосий қонуни мукамаллиги билан ажралиб туради. У 1997 йил 2 апрелда қабул қилинган бўлиб, унда инсоннинг ҳаётини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, илмий ва тиббий тажрибалар ўтказишга жалб қилиниши мумкин эмаслиги, тан жазосига маҳкум қилиниши мумкин эмаслиги, шахсий дахлсизлиги, турар-жой дахлсизлиги, кўчиб юриш эркинлиги, виждон ва дин эркинлиги, ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи, мулкдор бўлиш каби ҳуқуқлари батафсил тартибга солинган. Ушбу ҳуқуқлар болаларга ҳам бевосита тааллуқли ҳуқуқлар саналади.

Польша Республикаси Конституциясининг ижобий хусусиятлари тўғрисида гапирганда, унда ота-оналарнинг болалар олдидаги масъулияти масаласига алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Чунончи, унинг 48-моддасига мувофиқ, “ота-оналар болаларини ўзининг эътиқоди бўйича тарбиялаш ҳуқуқига эгаллиги, бу тарбия боланинг вояга етиш даражасини ҳисобга олиши, унинг виждон эркинлиги, дин эркинлиги, эътиқодини эътиборга олиши лозим. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш фақат қонунда белгиланган тартибда суд қарори билан амалга оширилиш мумкин”.

Ушбу Конституцияда боланинг таълим олиш ҳуқуқи батафсил тартибга солинган. Хусусан, Польша Республикаси Конституциясининг 70-моддасига кўра, “ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. 18 ёшгача таълим олиш мажбурийдир. Давлат мактабларида ўқиш бепулдир. Ота-оналарга ўз болаларини

давлат мактабидан бошқа типдаги мактабларда ўқитиш ҳуқуқи эркинлиги берилади”.

Асосий қонуннинг 72-моддасига мувофиқ, “Польша Республикаси бола ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлайди. Ҳар ким давлат ҳокимияти органларидан болани зўравонликдан, қийноқдан, эксплуатация қилинишидан, руҳий эзишдан ҳимоя қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болалар давлат ҳокимияти органларидан хомийлик ва ёрдам олиш ҳуқуқига эгадирлар”. Ушбу моддада кўрсатилишича, “боланинг ҳуқуқини белгилашда давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бола учун жавобгарлик юклатилган шахслар боланинг фикрини инобатга олишга мажбурдирлар”.

### **Эслаб қолинг!**


Ҳар ким давлат ҳокимияти органларидан болани зўравонликдан, қийноқдан, эксплуатация қилинишидан, руҳий эзишдан ҳимоя қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга (Польша Республикаси Конституциясининг 72-моддаси).

Бошқа давлатлар Конституцияларидан фарқли ўлароқ, Польша Республикаси Конституциясининг 74-моддасида “давлат ҳокимияти органлари ҳозирги ва келажак авлодлар экологик хавфсизлигини таъминловчи сиёсат олиб боришлари лозим”лиги белгиланган.

Бола ҳуқуқини таъминлаш ва кафолатлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда 1996 йил 28 июнда қабул қилинган Украина Конституцияси алоҳида ажралиб туради. Ушбу Конституцияда болаларнинг тенг ҳуқуқли эканликлари, меҳнат қилиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, уларнинг ҳуқуқини давлат томонидан кафолатланиши батафсил тартибга солинган. Чунончи, Украина Конституциясининг 52-моддасида белгиланишича, “болалар келиб чиқиши, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъи назар ўз ҳуқуқларида тенгдирлар. Етим болалар ва ота-онаси ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш ва тарбиялаш давлат зиммасида бўлади. Давлат болаларга нисбатан хомийлик фаолиятини кўллаб-қувватлайди”.

Ушбу Асосий қонунда болаларнинг оилавий муҳитда вояга етказиш масаласига жиддий эътибор қаратилган. Унинг 51-моддасига биноан, “ота-оналар болаларини вояга етгунга қадар боқишга мажбурдирлар. Оила, болалик, оналик ва оталик давлат томонидан ҳимоя қилинади”.

Шунингдек, Украина Конституциясида болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар ҳам атрофлича тартибга солинган. Хусусан, ушбу Конституциянинг 53-моддасига кўра, “барча таълим олиш ҳуқуқига эга. Тўла умумий ўрта таълим мажбурий ҳисобланади. Давлат мактабгача, тўла умумий ўрта таълимнинг очиклиги ва бепуллигини таминлайди”.




Бундан ташқари, ушбу Асосий қонунда болаларнинг меҳнат ҳуқуқига ҳам тегишли бўлган қоидалар мустаҳкамланганлигини кўриш мумкин. Масалан, унинг 43-моддасига мувофиқ, “болалар меҳнатидан уларнинг соғлиғига хавfli бўлган ишларда фойдаланиш таъқиқланади”. Шунингдек, “бола устидан ҳар қандай зўравонлик ва уни эксплуатация қилиш қонунга кўра таъқиб остига олинади” (52-модда).

Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда Россия Федерацияси Конституциясидаги қоидаларнинг диққатга сазоворлигини айтиш ўринлидир. Ушбу Конституция 1993 йил 12 декабрда қабул қилинган бўлиб, унинг 17-64-моддалари бевосита инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солишга бағишланган. Уларда инсоннинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиши, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги, ҳар ким шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиш мумкин эмаслиги, ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги, ҳамма учун виждон эркинлигининг кафолатланиши, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилиш, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, ҳар ким ижтимоий таъминот олиш, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган бўлиб, улар тўғридан-тўғри болаларга ҳам тегишли ҳуқуқий нормалар ҳисобланади.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси Конституциясида айнан болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини тартибга солишга қаратилган махсус нормалар

ҳам ўрин эгаллаганлигини таъкидлаш керак. Хусусан, унинг 38-моддасига кўра, “оналик ва болалик, оила давлат ҳимояси остида бўлади. Болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларни тарбиялаш - ота-оналарнинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятидир”.



Асосий қонунда болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини тартибга солишга бағишланган қоидалар ҳам жой олган. Чунончи, унинг 43-моддасига биноан, “ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат ва муниципал таълим муассасалари ва ташкилотлари мактабгача, асосий умумий ва ўрта касбий таълим олишнинг барча учун очик ва бепуллигини кафолатлайди. Асосий умумий таълим мажбурийдир. Ота-оналар ёки уларнинг



ўрнини босувчи шахслар болаларнинг асосий умумий таълим олишини таъминлайдилар”.

Осиё давлатлари конституциялари ичида бола ҳуқуқини тартибга солишда Япония Конституцияси ижобий жиҳатлари билан ажралиб туради. Ушбу Конституция 1947 йил 3 майда қабул қилинган бўлиб, унда бола ҳуқуқига бағишланган қуйидаги махсус қоида жой эгаллаган: қонунда белгиланган тартибда ўзининг қобилятига мувофиқ барча таълим олишда тенг ҳуқуққа эга (26-модда). Шу моддада белгиланишича, “барча қонунга мувофиқ ўз ҳомийлигидаги болаларни мажбурий таълим олишини таъминлашга мажбурдир. Мажбурий таълим бепул амалга оширилади”.

Бундан ташқари, Япония Конституциясида болаларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унинг 27-моддасида “болаларни эксплуатация қилиш ман қилинади”, деб белгиланган.

## **2-§. Хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқини тартибга солувчи умумий аҳамиятли қонунларнинг мазмуни**

Хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқини тартибга солувчи умумий аҳамиятдаги қонунлар хусусида гапирганда Россия Федерациясининг қонунларига алоҳида тўхталиб ўтиш масадга мувофиқ. Шундай қонунлардан бири 1995 йил 29 декабрда қабул қилинган Россия Федерациясининг Оила кодексидир. Унинг 1-моддасида “оила, оналик, оталик ва болалик Россия Федерациясида давлат муҳофазасида бўлади”, деб белгиланган. Ушбу оила қонунчилиги мажмуасининг 13-моддасига кўра, “никоҳ ёши сифатида ўн саккиз ёш ўрнатилган. Узрли сабаблар бўлганда шахс яшайдиган жойдаги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари никоҳга киришни хоҳловчиларга уларнинг илтимосига биноан ўн олти ёшга етганларида никоҳга киришга рухсат беришлари мумкин”.

РФ Оила кодексининг 48-моддасига кўра, “боланинг онадан туғилганлиги медицина муассасасида боланинг туғилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида, агар бола медицина муассасасидан ташқарида туғилганда медицина ҳужжатлари,

гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки бошқа далиллар асосида белгиланади”.

Боланинг онаси никоҳда бўлмаганда оталикни белгилаш ота ва она томонидан Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига ариза бериш йўли билан белгиланади. Агар она вафот этган, муомалага лаёқатсиз деб тан олинган, турган жойини аниқлашнинг имкони бўлмаганда, у оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги ёки суднинг қарори билан боланинг отаси аризасига кўра белгиланади. Вояга етган болага нисбатан оталикни белгилаш унинг розилигига биноан амалга оширилади.

Ушбу Кодексга мувофиқ, “никоҳсиз туғилган болаларга нисбатан оталикни белгилаш агар ота-онанинг биргаликдаги аризаси бўлмаганда суд орқали ҳал этилади” (49-модда).


Россия Федерацияси Оила кодексининг 54-моддасига кўра, “бола деганда, ўн саккиз ёшга етмаган (вояга етмаган) шахс тушунилади. Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбия олиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга”.

Ушбу кодекснинг 55-моддасига биноан, “бола ҳар иккала ота-онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан муносабатда бўлиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳни бекор қилиши, алоҳида-алоҳида яшаши боланинг бу ҳуқуқига таъсир этмайди. Бола ўз ота-онаси билан улар турли давлатларда яшаганда ҳам муносабатда бўлиш ҳуқуқига эга”.

Ушбу Кодекснинг 56-моддасига биноан, “бола ўзининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Боланинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), васийлик ва ҳомийлик органлари, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади”.

Россия Федерацияси Оила кодексининг 58-моддасига биноан, “бола исм, отасининг исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга. Боланинг исми ота-онасининг келишувига кўра, оталиги эса отасининг исми бўйича берилади. Боланинг фамилияси ота-

онасининг фамилияси бўйича аниқланади. Болага ота-онасининг розилиги билан ё отасининг ёки онасининг фамилияси уларнинг ўзаро келишувига кўра берилади. Агар оталик белгиланган бўлмаса, болага исм онасининг кўрсатмасига биноан қўйилади, оталиги ота деб ёзилган шахснинг исмига кўра белгиланади, фамилияси эса онасининг фамилиясига ўтади”.



Ота-онанинг болалар олдидаги масъулияти масаласига ушбу қонунда алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унинг 80-моддасига кўра, “ота-оналар ўзларининг вояга етмаган болаларини боқишга мажбурдирлар. Агар ота-оналар ўз вояга етмаган болаларини боқмасалар, уларни боқиш учун маблағлар суд тартибида ундирилади”. Шунингдек, ушбу кодекснинг 81-моддасида вояга етмаган болаларга суд тартибида ундириладиган

алиментларнинг миқдори белгиланган бўлиб, унга кўра, “битта болага иш ҳақи ёки бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми, иккита болага учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ болаларга эса иш ҳақи ёки бошқа даромадларининг ярми миқдорида алимент ундирилади”.

### **Эслаб қолинг!**

Ота-оналар вояга етмаган болаларини боқишга мажбурдирлар. Агар ота-оналар вояга етмаган болаларини боқмасалар, уларни боқиш учун маблағлар суд тартибида ундирилади (РФ Оила кодексининг 80-моддаси).

Россия Федерацияси Оила кодексининг 121-моддаси ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бағишланган бўлиб, унга кўра, “болаларнинг ота-онаси вафот этган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланган, ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб топилган ҳолатларда, ота-она касал бўлганда, узоқ вақт бўлмаганда, ота-она болани тарбиялаш ёки унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шунингдек, ота-она томонидан ўз болаларини таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, ижтимоий ёрдам хизматлари ташкилотларидан олиш рад этилганда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органларига юклатилади”.

Бундан ташқари, қонуннинг 123-моддасида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш тартиби белгиланган. Унга кўра, “ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оилага тарбияга, васийлик ва ҳомийликка, патронатга берилади”. Шу қонуннинг 125-моддасида болани фарзандликка олиш тартиби белгиланган бўлиб, унга биноан, бу жараён “болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризаси бўйича суд томонидан амалга оширилади. Фарзандликка олиш бўйича ишлар фарзандликка олувчилар, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек прокурор иштирокида кўриб чиқилади”.

Россия Федерацияси Оила кодексининг 155-моддаси ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ташкилотларига жойлаштириш тартибини белгилайди. Унга кўра, “ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар умумтаълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизмат кўрсатувчи ёки носавдо ташкилотлари назорати остига жойлаштирилади. Васийлик ва ҳомийлик органлари етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар жойлашган ташкилотларда болаларни сақлаш шарт-шароитлари, тарбияси ва таълимини назорат қиладилар”.

Боланинг меҳнат қилиш, дам олиш ва турли нафақалар олиш ҳуқуқи билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишда Россия Федерациясининг 2001 йил 30 декабрда қабул қилинган Меҳнат кодекси муҳим аҳамият касб этади.


Ушбу Кодекснинг 3-моддасига кўра, “меҳнат соҳасида камситиш таъқиқланади. Ҳар ким ўзининг меҳнат ҳуқуқини амалга оширишда тенг имкониятларга эга. Ҳеч ким меҳнат ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ёшидан қатъи назар чекланиши мумкин эмас. Меҳнат соҳасида камситишга учраган шахс судга мурожаат қилиб бузилган ҳуқуқларини тиклаш, етказилган моддий зарарни қоплаш ва маънавий зиённи ундириш ҳуқуқига эга”.

Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 4-моддасига биноан, “мажбурий меҳнат таъқиқланади. Қандайдир жазони қўллаш билан таҳдид қилиб ишни бажартириш, меҳнат интизомини ушлаб туриш мақсадида, иш ташлашда иштирок этганлик учун жавобгарлик чораси сифатида, иқтисодиётни ривожлантириш эҳтиёжлари учун ишчи кучини сафарбар қилиш ва фойдаланиш воситаси сифатида, сиёсий қарашлари ёки мафкуравий ишончини ифода этганлик учун жазо чораси сифатида, жинси, ижтимоий ҳолати, миллати ёки диний тегишлилиги белгилари бўйича камситувчи чора сифатида мажбурий меҳнатга жалб этиш таъқиқланади”.

Ушбу кодекснинг 63-моддаси меҳнат шартномасини тузиш ёшини белгилашга бағишланган бўлиб, унга кўра, “меҳнат шартномаси 16 ёшга тўлган шахслар билан тузилади. Умумий

таълим олиш, ёхуд умумий таълимни ўзлаштиришни кундузги бўлмаган шаклда давом эттириш ҳолатларида енгил ишларни бажариш учун уларнинг соғлиғига зиён етказмаса 15 ёшга тўлган шахслар билан меҳнат шартномаси тузилади. Ота-она, васий ва ҳомийларнинг розилиги билан 14 ёшга тўлган ўқувчилар билан ўқишдан бўш вақтларида уларнинг соғлиғига зиён етказилмаса ва ўқув жараёнини бузмаса меҳнат шартномаси тузилиши мумкин”.

Кинематография, театрлар, концерт, цирк ташкилотларида ота-оналардан бирининг, васий ва ҳомийларнинг розилиги билан 14 ёшга тўлмаган ўқувчилар билан ўқишдан бўш вақтларида уларнинг соғлиғига зиён етказилмаса ва ўқув жараёнини бузмаса меҳнат шартномаси тузилиши мумкин.



Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 92-моддасига кўра, “иш вақти давомийлигини қисқартириш 16 ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига 24 соатдан ошмаган, 16 ёшдан ошган ва 18 ёшгача бўлган ходимлар учун эса ҳафтасига 35 соатдан ошмаган миқдорда ўрнатилади”. Ушбу кодекснинг 94-моддасига биноан, “кунлик иш вақтининг давомийлиги 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ходимлар учун 5 соатдан ошмаслиги, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун 7 соат, 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган умумтаълим мактабларида таълим олаётган ходимлар учун 2,5 соат, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимларга эса 4 соатдан ошмаслиги лозим”.

Ушбу қонунда болаларнинг меҳнатини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 96-моддасига кўра, тунги вақтлардаги ишларга хомиладор аёллар, 18 ёшга тўлмаган ходимлар жалб қилиниши мумкин эмас”. Шунингдек, ушбу кодекснинг 265-моддасига биноан, “18 ёшгача бўлган шахсларга зарарли ва оғир меҳнат шароитдаги ишлар, ер ости ишларида ишлатиш таъқиқланади. 18 ёшгача бўлганларга белгиланган нормадан ортиқ юкни кўтартириш ман этилади”. Бундан ташқари, Кодекснинг 267-моддасига кўра, “18 ёшгача бўлган ходимларга ҳақ тўланадиган ҳар йилги асосий таътилнинг давомийлиги улар учун қулай вақтда 31 календарь кун берилади”.

Россия Федерацияси Меҳнат кодексига болалар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибини белгилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, унинг 269-моддасида кўрсатилишича, “18 ёшгача бўлган ходимлар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш фақат давлат меҳнат инспекцияси ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг розилиги билан йўл қўйилади”.

Бола ҳуқуқини тартибга солувчи умумий аҳамиятли қонунлар тизимида 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган Россия Федерациясининг “Таълим тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуни муҳим аҳамият касб этиб, у боланинг таълим олиши билан боғлиқ

---

<sup>1</sup> [www.consultant.ru](http://www.consultant.ru)

муносабатларни тартибга солади. Аввало, қонунда болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлашга асосий эътибор қаратилган. Ушбу қонуннинг 5-моддасида ўрнатилишича, “ҳар бир кишига таълим олиш ҳуқуқи кафолатланади. Россия Федерациясида таълимнинг очиқлиги ва бепуллиги давлат томонидан кафолатланади”.

Қонуннинг алоҳида нормаларида болалар таълим олиши мумкин бўлган таълим тизимининг босқичлари белгилаб берилган. Хусусан, Россия Федерацияси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасига кўра, “умумий таълим қуйидагиларга бўлинади: мактабгача таълим, бошланғич умумий таълим, асосий умумий таълим ва ўрта умумий таълим”.

### **Эслаб қолинг!**

Ҳар бир кишига таълим олиш ҳуқуқи кафолатланади. Россия Федерациясида таълимнинг очиқлиги ва бепуллиги давлат томонидан кафолатланади (РФ “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 5-моддаси

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 63-66-моддаларида умумий таълим, мактабгача таълим, бошланғич умумий, асосий умумий ва ўрта умумий таълим билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар атрофлича тартибга солинган.

Бола ҳуқуқини тартибга солишда 2011 йил 26 декабрда қабул қилинган Қозоғистон Республикасининг Никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексига бир қатор муҳим қоидалар мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир. Ушбу Кодексда, аввало, болаликнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга асосий эътибор берилган. Чунончи, унинг 2-моддасига биноан, “никоҳ (эр-хотинлик) ва оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир”.

Қозоғистон Республикаси Никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексининг 46-моддасига кўра, “бола туғилгандан кейин дарҳол қайд этилади, туғилган пайтидан исм ва фуқароликни олиш ҳуқуқига, шунингдек, имконият даражасида ўз ота-онасини



билиш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади”.


Ушбу кодексда алоҳида эътибор боланинг туғилиш фактини қайд этиш масаласига қаратилган. Хусусан, унинг 47-моддасига кўра, “боланинг онадан туғилиши қайд этувчи орган томонидан соғлиқни сақлаш муассасасида боланинг онадан туғилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида белгиланади. Агар бола соғлиқни сақлаш муассасасидан ташқарида туғилса, унинг туғилиш факти ушбу муассаса ҳужжатлари асосида қайд этиш органлари томонидан белгиланади. Агар бу ҳужжатлар бўлмаса, туғилиш факти суд томонидан тасдиқланади. Бола никоҳда бўлган шахслардан туғилса, унинг туғилиш факти ота-онанинг никоҳ тузиш ҳақидаги гувоҳномаси асосида тасдиқланади”.

Қозоғистон Республикаси Никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексининг 52-моддасида кўрсатилишича, “никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган бола ота-онасига ва бошқа қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар каби ҳуқуқларга эга бўлади”.

Боланинг энг муҳим ҳаётий ҳуқуқлари ушбу кодекснинг 60-моддасида белгиланган. Ушбу моддага кўра, “ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбия олиш, ўзининг ота-оналарини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга”.

Ушбу кодексда боланинг ота-онаси ва башқа яқин қариндошлари билан доимо мулақотда бўлиш, улар билан учрашиш ҳуқуқини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, ушбу кодекснинг 61-моддасига кўра, “бола ҳар иккала ота-онаси, бобоси, бувиси, ака-укаси, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан мулоқат қилиш ҳуқуқига эга. Ота-онанинг никоҳдан ажрашиши, никоҳнинг ҳақиқий деб топилмаслиги ёки уларнинг алоҳида яшаши боланинг бу ҳуқуқига дахл қилмаслиги керак. Ота-она бир-биридан бошқа давлатларда яшаганда ҳам бола улар билан мулоқат қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади”.

Қозоғистон Республикаси Никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексида боланинг исм, отасининг исми ва фамилия олиш ҳуқуқи батафсил тартибга солинган.



Хусусан, ушбу кодекснинг 63-моддасига биноан, “бола исм, отасининг исми ва фамилия олишга ҳуқуқлидир. Болага исм ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг келишувига кўра берилади. Отасининг исми ота-онанинг ёки бошқа қонуний вакилларнинг хоҳишига биноан боланинг отаси деб кўрсатилган ном бўйича берилади. Қонун иккита исмни алоҳида-алоҳида ёзиш билан ўзлаштиришга рухсат беради, лекин бу ўзлаштириш иккита исмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас”.

Кодексга кўра, “боланинг фамилияси ота-онасининг фамилиясига қараб аниқланади. Ота-она турли фамилияларда

бўлса, болага отасининг ёки онасининг фамилияси уларнинг келишувига кўра берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра, боланинг фамилияси ҳам ота томондан, ҳам она томондан отасининг ёки бобосининг исми билан миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда қўйилиши мумкин. Агар оталик белгиланмаган бўлса, болага отасининг исми отаси деб ёзилган исм берилади, фамилияси эса онасининг фамилияси ёки миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда бола бобосининг исми бўйича берилади. Агар боланинг ота-онаси номаълум бўлса, болага фамилия, исм, отасининг исми васийлик ва ҳомийлик вазифасини амалга ошираётган орган, соғлиқни сақлаш ёки бошқа орган томонидан берилади”.

### **Эслаб қолинг!**

Ота-оналар ўз боласининг соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилишга, тарбиялашга, бола томонидан мажбурий ўрта таълим олинишини тامينлашга мажбурдирлар (Қозоғистон Республикаси Никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексининг 70-моддаси)

Қозоғистон Республикаси Никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексининг 65-моддасига мувофиқ, “боланинг миллати ота-онасининг миллатига асосланиб аниқланади. Агар бола ота-онасининг миллати ҳар хил бўлса, у боланинг хоҳишига кўра отаси ёки онаси мансуб бўлган миллатга кўра унга шахсий гувоҳнома ёки паспорт берилаётганда аниқланади. Кейинчалик боланинг миллати унинг аризаси бўйича фақат бошқа ота-она миллатига ўзгартирилиши мумкин”.

Ушбу Кодексда ота-онанинг бола олдидаги мажбуриятларини ўрнатишга жиддий эътибор берилган. Масалан, Кодекснинг 70-моддасига биноан, “ота-оналар ўз боласининг соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Ота-ноалар ўз боласини тарбиялашга мажбурдирлар. Ота-оналар бола томонидан мажбурий ўрта таълим олинишини тامينлашга мажбурдирлар”.

Шунингдек, Қозоғистон Республикасининг Никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, болани фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, етим болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, патрионат, болага алимент ундириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳам батафсил тартибга солинган.

### **3-§. Хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқини тартибга солувчи махсус қонунлар**

Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга бағишланган махсус қонунлар тизимида Россия Федерациясининг 1998 йил 24 июлда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисида”ги қонуни алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қонунда белгиланишича, “давлат болаликни инсон ҳаётининг муҳим босқичи эканлиги ва болаларни жамият ҳаётининг тўла қонли аъзоси сифатида тайёрлашнинг устуворлиги принциpidан келиб чиқиб, уларда ижодий фаолликни ривожлантириш, юқори маънавий сифатларни, ватанпарварликни тарбиялашни тан олади”.

Ушбу қонунда, аввало, бола тушунчасини аниқлашга эътибор қаратилиб, унинг 1-моддасига кўра, “18 ёшга етгунга қадар бўлган шахслар бола ҳисобланади”.


Қонунда боланинг таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш чораларини белгилашга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, унинг 9-моддасига биноан, “оилада ёки таълим фаолиятини амалга оширадиган ташкилотларда таълим соҳасидаги фаолиятни амалга оширишда боланинг ҳуқуқи камситилиши мумкин эмас”.

Россия Федерацияси “Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 14-2-моддасида болаларни сотиш ва эксплуатация қилишга қарши чоралар белгиланган бўлиб, унга кўра, “давлат хокимияти органлари ўз ваколати доирасида болаларни сотиш ва эксплуатация қилишга қарши чораларни кўрадилар.

## Ёдда тутинг!

18 ёшга етгунга қадар бўлган шахслар бола ҳисобланади (РФ “Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 1-моддаси).

Давлат ҳокимияти органлари ўз ваколати доирасида болалар савдоси ва эксплуатациясидан жабрланганларга зарур педагогик, психологик, медицина, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича чораларни кўрадилар. РФ фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар болаларни сотиш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этганлари учун жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий жавобгарликка тортиладилар”.



Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда Россия Федерациясининг 1999 йил 24 июнда қабул қилинган "Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш тизими асослари тўғрисида"ги қонуни муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунга кўра, "вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш тизими органлари ва муассасалари қуйидаги вояга етмаганларга нисбатан якка тартибдаги профилактик ишларни олиб борадилар: назоратсиз ва қаровсиз қолганлар, дарбадарлик ва тиламчилик қилиб юрганлар, вояга етмаганлар учун ижтимоий-реабилитация марказларида сақланаётганлар, наркотик моддалар истеъмол қиладиганлар, спиртли ичимликлар ичадиганлар, ҳуқуқбузарликлар содир этганлар, жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётганлар ва бошқалар".

Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш муносабатларини тартибга солувчи хорижий давлатлар махсус қонунлари ичида Қозоғистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонунини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу қонунда аввало, бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларда учрайдиган асосий тушунчалар келтирилган. Унга кўра, "бола деганда, ўн саккиз ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахс тушунилади. Боланинг қонуний вакиллари - ота-онаси, фарзандликка олувчилар, васий, ҳомий, патронат тарбиячи, тутинган ота-онаси, боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, ғамхўрлик қилувчи, таълим ва тарбияни амалга оширишда уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахслардир". Бундан ташқари, ушбу қонунда етим бола, васийлик, ҳомийлик, ногирон бола, патронат каби тушунчалар ҳам келтирилган.

Ушбу қонуннинг 4-моддасида болаларнинг тенг ҳуқуқлилиги белгиланган бўлиб, унга биноан, "барча болалар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, турар-жойи, соғлиғининг ҳолати, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Никоҳда ва никоҳсиз туғилган барча болалар тенг ва ҳар томонлама ҳимоядан фойдаланадилар".

Қозоғистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунида боланинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари алоҳида бобда (3-боб) батафсил тартибга солинган. Чунончи, ушбу қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, “ҳар бир бола соғлиғини сақлаш билан боғлиқ ажралмас ҳуқуққа эга. Давлат соғлом болани туғилишини таъминлаш учун онанинг соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича шароит яратади. Болага нисбатан унинг ҳаёти, соғлиғи, жисмоний ва руҳий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай илмий тажрибалар ёки бошқа экспериментлар ўтказиш таъқиқланади. Ҳар бир бола туғилганидан сўнг қонунда белгиланган тартибда қайд қилиниши керак. У туғилган пайтидан бошлаб исмга, отасининг исми, фамилияси, миллати ва фуқароликка эга бўлиш ҳамда уларни сақлаш ҳуқуқига эга” (9-модда).


Ушбу қонуннинг 10-моддасига кўра, “ҳар бир бола яшаш, шахсий эркинлик, шахсий ҳаёти ва кадр-қиммати дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳар бир бола тўла жисмоний, руҳий, маънавий ривожланиши учун зарур ҳаёт даражаси ва шароитига эга бўлиш ҳуқуқига эга” (12-модда).

Қонуннинг 15-моддаси боланинг таълим олиш ҳуқуқини белгилашга бағишланган. Унга биноан, “ҳар бир бола таълим олиш ҳуқуқига эга ва унга бепул бошланғич, асосий ўрта ва умумий ўрта таълим олиш кафолатланади”.

Қозоғистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунининг 16-моддасида боланинг меҳнат эркинлиги ҳуқуқи тартибга солинган. Ушбу моддага мувофиқ, “ҳар бир бола меҳнат эркинлиги, фаолият тури ва касбни эркин танлаш ҳуқуқига эга. Болалар ўн тўрт ёшдан ота-онасининг розилиги билан ўқишдан бўш вақтларида соғлиғи ва ривожланишига қулай, жисмоний, ақлий ва руҳий ҳолатига зиён етказмайдиган ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш, шунингдек касб эгаллаш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир бола ёши, соғлиғи ва эҳтиёжига кўра дам олиш ҳуқуқига эга” (19-модда).

Ушбу қонуннинг 20-моддасига кўра, “ҳар бир бола Конституция ва Қозоғистон Республикасининг қонунларига риоя қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни

ва кадр-қимматини, давлат рамзларини ҳурмат қилишга, меҳнатга лаёқатсиз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга, тарихий ва маданий бойликларни сақлаш, тарихий ва маданий обидаларни муҳофаза қилишга, табиатни муҳофаза қилиш ва табиат бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”.



Бундан ташқари, ушбу қонунда боланинг бир қатор бошқа ҳуқуқлари ҳам тартибга солинган. Хусусан, унда ҳар бола оилада яшаш ва тарбия олиш, ўз ота-онаси ва бошқа яқин вариндошларини билиш, уларнинг ғамхўрлиги ва тарбиясида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги (21-модда), ота-оналар ёки бошқа қонуний вакиллар боланинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур ҳаёт шароитини яратишга мажбурлиги, ота-оналар болани



тарбиялаш, унга қараш, уни моддий таъминлаш, у тўғрисида ғамхўрлик қилиш, турар-жой билан таъминлашга мажбурлиги (24-модда), бола ўз ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллари билан бирга яшаш ҳуқуқига эгаллиги (25-модда), бола алоҳида яшаётган ота-онаси билан учрашиш ва мулоқат қилиш ҳуқуқига эгаллиги (26-модда), болани спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш лозимлиги (37-модда), болаларни уларнинг соғлиғига зарарли таъсир қиладиган ахборотлардан ҳимоя қилиш кераклиги (39-модда), болаларни фоҳишабозликдан ҳимоя қилиш лозимлиги (40-модда), болаларни ҳарбий ҳаракатларда, қуролли мажораларда иштирок этишга жалб этиш, болаларнинг ҳарбийлаштирилган тузилмаларини тузиш таъқиқланиши (41-модда) каби ҳуқуқлари тартибга солинган.

Қозоғистон Республикасининг 2004 йил 9 июлда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва назоратсиз ва қаровсиз болаларни огоҳлантириш тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонуни бола ҳуқуқини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қонуннинг 19-моддасига биноан, “вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш тизими органлари ва муассасалари қуйидаги вояга етмаганларга нисбатан якка тартибдаги профилактик ишларни олиб борадилар: назоратсиз ва қаровсиз қолганлар, дарбадарлик ва тиламчилик қилиб юрганлар, вояга етмаганлар учун ижтимоий-реабилитация марказларида сақланаётганлар, наркотик моддалар истеъмол қиладиганлар, спиртли ичимликлар ичадиганлар, ҳуқуқбузарликлар содир этганлар, жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётганлар ва бошқалар”.

Ушбу қонунга кўра, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва қаровсизлик ҳуқуқбузарликларининг якка тартибда олдини олиш бўйича чораларга қуйидагилар киради: олдини олиш бўйича суҳбат, ҳуқуқбузарликни содир этишга имкон берган сабаб ва шароитларни бартараф этиш ҳақида тақдимнома киритиш, олдини олиш ҳисоби ва назорат, махсус

---

<sup>1</sup> <http://online.zakon.kz>

таълим ташкилотлари ва махсус режимли таълим ташкилотларига юбориш, тарбиявий таъсир чораларини қўллаш, маъмурий чоралар қўллаш, суд ҳукми бўйича чоралар қўллаш, медицина-ижтимоий ҳисобга олиш (19-модда).

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва қаровсизлик ҳуқуқбузарликларининг якка тартибда олдини олиш бўйича чоралар қўйидаги ҳолатларда амалга оширилиши мумкин: жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг хабарлари ва аризаларига кўра, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ёхуд содир этишга тажовуз фактининг бевосита аниқлаши, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан келиб тушган материаллар.

Ушбу қонуннинг 22-8-моддасида махсус муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва жазо чоралари белгиланган. Унга кўра, махсус муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларга нисбатан қўйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади: боланинг шахсий ишига қўшиб қўйиладиган оғзаки ёки буйруқ орқали ташаккурнома эълон қилиш, илгари қўлланилган жазони муддатидан олдин олиб ташлаш, мақтов ёрлиғи билан тақдирлаш, фахрий доскага суратини илиб қўйиш, ота-онасига, уларнинг ўрнини босувчи шахсларга, илгари ўқиган жойига тарбияланувчининг яхши хулқи ва ўқиш ҳамда меҳнатдаги муваффақиятлари ҳақида хабар бериш, вимпель ва мақтов ёрлиғи бериш, “Касби бўйича энг яхши” даражасини бериш.

Махсус муассаса режими ва ички тартиб-қоидаларини бузганлик учун вояга етмаганларга нисбатан қўйидаги жазо чоралари қўлланилади: огоҳлантириш, боланинг шахсий ишига қўшиб қўйиладиган оғзаки ёки буйруқ орқали огоҳлантириш эълон қилиш, вояга етмаганларнинг умумий йиғилиши, гуруҳи ёки синфида, педагогик кенгашда муҳокама қилиш.

### ***Назорат саволлари:***

*1. Хорижий мамлакатларнинг конституцияларида болаларнинг қайси ҳуқуқларини белгилашга асосий эътибор қаратилган?*

2. Қайси қонунлар хорижий мамлакатларнинг бола ҳуқуқини тартибга солувчи умумий аҳамиятли қонунлари ҳисобланади?

3. Хорижий мамлакатларнинг бола ҳуқуқини тартибга солувчи қайси махсус қонунларини биласиз?

### Тестлар:

**1. Хорижий мамлакатларнинг конституцияларида болалар таълим олиш ҳуқуқининг қайси принциплари белгиланган?**

- а) мажбурий ва бепуллик принципи белгиланган;
- б) мажбурий ва доимийлик принципи белгиланган;
- в) тизимлилик ва бепуллик принципи белгиланган;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**2. Россия Федерацияси Конституцияси қачон қабул қилинган?**

- а) 1993 йилда қабул қилинган;
- б) 1992 йилда қабул қилинган;
- в) 1995 йилда қабул қилинган;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**3. Германия Федератив Республикасининг Конституцияси қачон қабул қилинган?**

- а) 1949 йил 23 майда қабул қилинган;
- б) 1946 йил 29 июнда қабул қилинган;
- в) 1947 йил 14 сентябрда қабул қилинган;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**4. Хорижий мамлакатларнинг бола ҳуқуқини тартибга солувчи умумий аҳамиятли қонунлари тўғри белгиланган қаторни топинг?**

- а) Оила кодекси, Меҳнат кодекси, “Таълим тўғрисида”ги қонун;
- б) Экология кодекси, Меҳнат кодекси, “Таълим тўғрисида”ги қонун;
- в) Оила кодекси, Меҳнат кодекси, Солиқ кодекси;
- г) “а” ва “б” жавоблар тўғри.

**5. Қайси қонунлар хорижий мамлакатларнинг бола ҳуқуқини тартибга солувчи махсус қонунлари ҳисобланади?**

- а) “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш тизими асослари тўғрисида”ги қонунлар;

б) “Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш тизими асослари тўғрисида”ги қонунлар;

в) “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, “Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш тизими асослари тўғрисида”ги қонун;

г) “а” ва “б” жавоблар тўғри.

## ГЛОССАРИЙ

**бола (болалар)** - ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

**боланинг қонуний вакиллари** - ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар;

**васийлик ва ҳомийлик** - ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади;

**етим бола** - отаси ҳам, онаси ҳам

ам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола;

**жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола** - ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола;

**ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар** - юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан:

ногирон болалар;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар;

етим болалар;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;

ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар;

кам таъминланган оилалардаги болалар;

жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар;

зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар;

**ногирон бола** - жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги

муносабати билан ижтимоий ёрдамга, химояга мухтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола;

**ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар** - қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар);

**ота-она қарамоғидан махрум бўлган бола** - ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан махрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно.

**ёшлар (ёш фуқаролар)** - ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар;

**вояга етмаган** - ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

**вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси** - вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, яқка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

**ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган** - вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

**ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила** - ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

**назоратсиз** - ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

**якка тартибдаги профилактика иши** - ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

**қаровсиз** - аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;

**ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар** - вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари;

**алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болалар** - ногиронлиги бўлганидан ёки бўлмаслигидан қатъи назар, оила, педагоглар, мутахассислар, жамият ва давлатнинг алоҳида эътиборига муҳтож бўлган индивидуал эҳтиёжларга эга болалар;

**давлат мактабгача таълим ташкилоти** - давлат томонидан молиялаштириладиган ва бошқариладиган ҳамда мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартига мувофиқ мактабгача таълим ва тарбия хизматлари кўрсатувчи ташкилот;

**инклюзив таълим ва тарбия** - болаларнинг алоҳида таълим олишга бўлган эҳтиёжларини ҳамда индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия олиши учун тенг имкониятларни таъминлайдиган жараён;

**мактабгача бўлган ёш** - болаларнинг туғилган пайтидан етти ёшгача, то уларга умумий ўрта таълим ташкилотларида таълим бериш бошланган пайтга қадар бўлган ёши;

**мактабгача таълим ва тарбия** - болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим тури;

**мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури** - бола томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган асосий билимларнинг, маҳорат ва кўникмаларнинг ҳажмини ҳамда мазмунини белгиловчи, шунингдек таълим ва тарбия мазмунининг ўзига хослигини, таълим-

тарбия жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи ҳужжат;

**мактабгача таълим ташкилоти** - мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим ва тарбия хизматлари кўрсатувчи давлат ва нодавлат ташкилоти;

**нодавлат мактабгача таълим ташкилоти** - нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширишга доир лицензия асосида мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим ва тарбия хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

**таълим ва тарбиянинг муқобил шакли** - мактабгача таълим ва тарбия тизимидаги инновацион таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш модели.

**ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш** - ҳаёт фаолиятига доир чекловларни енгиб ўтиш, уларнинг ўрнини қоплаш (компенсация қилиш) учун ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳамда уларга жамият ва давлат ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

**протез-ортопедия мосламалари** - йўқ бўлган кўл-оёқларнинг ёки тана бошқа қисмларининг ўрнини босиш учун мўлжалланган, организмнинг бузилган ёки йўқолган функцияларини компенсация қилувчи мосламалар;

**тифлотехника воситалари** - ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўришидаги нуқсонни натижасида йўқолган имкониятларини тиклаш ва компенсация қилишга қаратилган воситалар.



## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь;
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Камолот» ЁИХнинг IV қурултойида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2017 йил 1 июль;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида”ги фармони //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон;
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2019 йил 9 декабрь;
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига табриги. //Халқ сўзи, 2020 йил 9 декабрь;
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига мурожаати //Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил 2 август;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон “Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 8-сон, 73-модда;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон “Шошилинич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 11-сон, 152-модда;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада

кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23. 04. 2019 й., 07/19/4296/3001-сон;

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 майдаги ПҚ-4736-сон «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.05.2020 й., 07/20/4736/ 0680-сон;

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сонли “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.10.2017 й. 06/17/5216/ 0187-сон;

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894-сонли “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 3.08.2018 й., 07/18/3894/ 1615-сон;

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги ПҚ-3973-сонли “Ўзбекистон Республикасида тез ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.10.2018 й., 07/18/3973/ 2064-сон;

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863-сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 14-сон, 217-модда;

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.09.2017 й., 06/17/5198/ 0043-сон;

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси,

25.01.2018 й., 06/18/5313/ 0618-сон, 01.08.2018 й., 06/18/5496/1603-сон;

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сонли “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.09.2018 й., 06/18/5538/ 1840-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон;

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: 06/21/6375/0781-сон, 10.08.2021 й.;

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5215-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: 06/21/5215/0782-сон, 10.08.2021 й.;

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5216-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: 06/21/5216/0783-сон, 10.08.2021 й.;

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги ПФ-6277-сон “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.08.2021 й., 06/21/6277/0788-сон

23. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. –Т.: Чўлпон, 1992;

24. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2019;

25. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1998, 5-6-сон;

26. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996, 1-сон;

27. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1995, 1-сон, 3-модда;
28. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Т.: Адолат, 2017;
29. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996, 11-12-сон;
30. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 1-2-сон, 1-модда;
31. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 16-сон, 118-модда;
32. Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014, 1-сон, 1-модда;
33. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонуни. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон;
34. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 37-сон, 426-модда;
35. Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 52-сон, 596-модда;
36. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/699/0635-сон;
37. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001, 9-10-сон, 168-модда;
38. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010, 39-сон, 341-модда;

39. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон;

40. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2019, 2-сон, 47-модда;

41. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 3-сон, 20-модда;

42. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик тўғрисида”ги қонуни. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/ 610/ 0299-сон;

43. Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001, 9-10 сон, 180 модда;

44. Ўзбекистон Республикасининг “Моддий бойликларни олиб чиқиши ва олиб кириши тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1998, 9-сон, 178-модда;

45. Ўзбекистон Республикасининг "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009, 42-сон, 448-модда;

46. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997, 4-5-сон, 108-модда;

47. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003, 1-сон, 2-модда;

48. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 37-сон, 976-модда;

49. Ўзбекистон Республикасининг “Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонуни. //

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997, 4-5-сон, 102-модда;

50. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 7-сон, 977-модда;

51. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 35-сон, 915-модда;

52. Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018. №03/18/456 /0512;

53. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002, 1-сон, 20-модда;

54. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 48-сон, 546-модда;

55. Ўзбекистон Республикасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 38-сон, 441-модда;

56. Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2008, 9-сон, 480-модда;

57. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996, 9-сон, 128-модда;

58. Ўзбекистон Республикасининг “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги қонуни. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021, 03/21/690/0452-сон;

59. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015, 34-сон, 451-модда;

60. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1993, 1-сон, 38-модда;

61. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуни. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.10.2020 й., 03/20/641/ 1389-сон;

62. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. //Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004;

63. БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси. //Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004;

64. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга болалар савдоси, бола фоҳишабозлиги ва бола порнографияси тўғрисидаги факультатив протокол. //Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004;

65. БМТнинг “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари)”. //Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004;

66. БМТнинг “Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари”. //Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004;

67. БМТнинг “Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари”. //Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004;

68. БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги конвенцияси. //Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004;

69. БМТнинг “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакти. //Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.:Адолат, 2004;

70. ХМТнинг “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-конвенцияси // Ўзбекистон Республикаси томонидан

ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 384 бет;

71. ХМТнинг “Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида”ги 100-конвенцияси. //Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 384 бет;

72. ХМТнинг “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-конвенцияси. //Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 384 бет;

73. ХМТнинг “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисида”ги 111-конвенцияси. //Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 384 бет;

74. ХМТнинг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-конвенцияси. //Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 384 бет;

75. ХМТнинг “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги 182-конвенцияси. //Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 384 бет;

76. Саидов А.Х. Международное право прав человека. Учебное пособие. -М., 2002;

77. Муаллифлар жамоаси. Инсон ҳуқуқлари. –Т.:ТДЮИ нариёти, 2006;

78. Бакаева Ф.Х. Гарантии прав ребенка в Узбекистане. -Т.:ТГЮИ, 2009;

79. Бола ҳуқуқлари мониторинги. Ўқув-услубий кўлланма. //Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. -Т.:Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2011;

80. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. Дарслик. –Т.: ИИВ Академияси, 2012;

81. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. Ўқув кўлланма. -Т.: ИИВ ТОҲТБЮ, 2013;

82. Саидов А.Х., Бакаева Ф.Х. Конституция Республики Узбекистан и права человека: от норм к реализации. -Т.:



Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека,  
2011;

83. Усмонов М.Б. Инсон ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ҲТИ нашриёти,  
2018.

## МУНДАРИЖА

**Кириш.....3**

### УМУМИЙ ҚИСМ

**I БОБ. БОЛА ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТИЗИМИ.....7**

1-§. Бола ҳуқуқи фанининг тушунчаси ва предмети.....7

2-§. Бола ҳуқуқи фанининг тизими.....14

3-§. Бола ҳуқуқининг асосий тамойиллари.....19

4-§. Бола ҳуқуқи фанининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва бошқа ҳуқуқ фанлари билан ўзаро нисбати.....21

**II БОБ. БОЛА ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ.....25**

1-§. Бола ҳуқуқининг манбаси сифатида халқаро ҳужжатлар.....25

2-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бола ҳуқуқининг манбаси сифатида.....39

3-§. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари бола ҳуқуқининг манбаси сифатида.....42

4-§. Бола ҳуқуқи манбаси сифатида қонун ости меъёрий ҳужжатларининг ўрни ва роли.....52

**III БОБ. БОЛА ҲУҚУҚИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ.58**

1-§. Бола ҳуқуқининг тарихий ривожланиш босқичлари.....58

2-§. Ислонда бола ҳуқуқи.....63

3-§. Бола ҳуқуқини ҳозирги даврда ривожланиши.....69

**IV БОБ. БОЛА ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ИНСТИТУТЛАР.....75**

1-§. Бола ҳуқуқи бўйича халқаро институтлар.....75

2-§. Бола ҳуқуқи соҳасида миллий институтларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.....81

3-§. Инсон ҳуқуқи бўйича миллий институтларнинг жаҳон тажрибаси.....84

4-§. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқи бўйича миллий институтлар.....87

**V БОБ. ЕТИМ БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ.....100**

1-§. Етим бола ҳуқуқи тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.....100

2-§. Етим болалар манфаатини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари.....	106
3-§. Етим болалар ҳуқуқини таъминлаш бўйича имтиёзлар.....	113

## **VI БОБ. НОГИРОН БОЛА ҲУҚУҚИ.....123**

1-§. Ногирон бола ҳуқуқи тушунчаси.....	123
2-§. Ногирон болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи.....	129
3-§. Ногирон болаларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи.....	133
4-§. Ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш.....	135

## **VII БОБ. ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК.....141**

1-§. Васийлик ва ҳомийлик тушунчаси.....	141
2-§. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари.....	145
3-§. Болага нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилаш тартиби...	153
4-§. Васийлар ва ҳомийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	158
5-§. Васийлик ва ҳомийликни тугатиш асослари.....	164

## **VIII БОБ. БОЛАНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ.....169**

1-§. Болани фарзандликка олиш тушунчаси.....	169
2-§. Болани оилага тарбияга олиш (патронат).....	175

## **IX БОБ. БОЛА ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ.....180**

1-§. Бола ҳуқуқининг кафолатлари тушунчаси.....	180
2-§. Бола ҳуқуқи кафолатларига доир давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.....	186
3-§. Етим ва ногирон бола ҳуқуқининг кафолатлари.....	189
4-§. Оталикни белгилаш бўйича кафолатлар.....	193

## **X БОБ. БОЛА ҲУҚУҚИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК.....201**

1-§. Бола ҳуқуқини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	201
2-§. Бола ҳуқуқини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик.....	210
3-§. Бола ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик.....	213

## **XI БОБ. БОЛА ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ.....225**

1-§. Бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг процессуал хусусиятлари.....	225
2-§. Болаларга нисбатан жиноят ишини юритиш бўйича халқаро стандартлар.....	232
3-§. Болани назорат остига топширишнинг процессуал хусусиятлари.....	238
4-§. Бола томонидан содир этилган жиноят ишини судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	239

## **АЛОҲИДА ҚИСМ**

<b>XII БОБ. БОЛАНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ.....</b>	<b>246</b>
1-§. Боланинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг тушунчаси.....	246
2-§. Яшаш ҳуқуқи - боланинг табиий ва узвий ҳуқуқи.....	250
3-§. Боланинг индивидуалликка эга бўлиш ҳуқуқи.....	256
4-§. Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи.....	258
5-§. Боланинг оилавий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи.....	266
6-§. Боланинг фикрлаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқи.....	271
7-§. Боланинг виждон эркинлиги ҳуқуқи.....	277
<b>XIII БОБ. БОЛАНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ.....</b>	<b>284</b>
1-§. Боланинг мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунчаси.....	284
2-§. Боланинг мурожаат қилиш ҳуқуқи шакллари.....	289
3-§. Боланинг мурожаатини кўриб чиқиш тартиби.....	293
<b>XIV БОБ. БОЛАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРИ.....</b>	<b>298</b>
1-§. Боланинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи.....	298
2-§. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи.....	306
3-§. Боланинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи.....	324
<b>XV БОБ. БОЛАНИНГ ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАРИ.....</b>	<b>330</b>
1-§. Боланинг дам олиш ҳуқуқи.....	330
2-§. Боланинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи.....	337
3-§. Боланинг таълим олиш ҳуқуқи.....	342
<b>XVI БОБ. БОЛАНИНГ МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАРИ.....</b>	<b>363</b>
1-§. Боланинг илмий ижод эркинлиги ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси.....	363
2-§. Илмий ва техникавий ижод эркинлигига нисбатан истисноли ҳолатлар.....	366

<b>XVII БОБ. БОЛАНИНГ БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....</b>	<b>370</b>
1-§. Боланинг Конституция ва қонунларга риоя этиш бурчи.....	370
2-§. Боланинг тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш мажбурияти.....	374
3-§. Боланинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти.....	382

#### **МАХСУС ҚИСМ**

<b>XVIII БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА БОЛА ХУҚУҚИ.....</b>	<b>387</b>
1-§. Хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқининг конституциявий асослари.....	387
2-§. Хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқини тартибга солувчи умумий аҳамиятли қонунларнинг мазмуни.....	401
3-§. Хорижий мамлакатларда бола ҳуқуқини тартибга солувчи махсус қонунлар.....	412
<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>421</b>
<b>Тавсия этиладиган манбалар ва адабиётлар.....</b>	<b>425</b>

**Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович,  
Усмонов Муҳаммади Бахритдинович**

**БОЛА ҲУҚУҚИ**

Олий ўқув юртларининг талабалари учун дарслик

**Муҳаррир: Муракаева З.И.**

Босишга рухсат этилди 10.11.2024. Буюртма № 63. Формати 60x84<sup>1/16</sup>. Ҳажми 31,2 п.-h.t. Times New Roman гарнитураси билан рақамли босма тезкор усулда бажарилган. Адади 500 нусха.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети,  
100211, Тошкент вилояти, Занги-ота тумани, Чорсу кўрғони